


Женең ол жаңы



АСР БИЛАН
ВИДОЛАШУВ

С а й д а т ы м а



I
жыл



САЙЛАНМА



Мен хаёл осмонида ҳар лаҳза парвоз айладим,
Мен умид уммонида күнглимини ғаввос айладим.
Мен ҳаёт дарёсидин жонимга сипқордим сурур,
Мен муҳаббат мулкидин топдим ўзимга баҳри нур.
Мен севинчлар ичра ёндим қатрада юлдуз кўриб,
Сеҳр аро қолдим наволар мавжида дengiz кўриб...

Жарылған Қызылорда

I
жылд

АСР БИЛАН
ВИДОЛАШУВ

ОЛТИ
ЖИЛДЫК

САЙЛАНМА

Шеърлар, газаллар,
мухаммаслар, достонлар

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

K-21

Жамол, Жамол

Аср билан видолашув. Сайланма. Олти жилдлик. I жилд.
Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, достонлар / Жамол Камол.

– Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 500 б.

ISBN 978-9943-20-389-1

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол «Сайланма»сининг ушбу биринчи жилдига унинг 60-80-йилларда ёзилган энг сара шеърлари, ғазал ва мухаммаслари жамланди. Шунингдек, китобга шу даврда яратилиб, шеърият ихлосмандлари томонидан севиб қаршиланган «Жамила», «Тош туғён», «Қуёш чашмаси», «Эшикда ой тўлқини», «Армон» достонлари ҳам киритилди.

Китоб сўнгтида шоир ўтган йигирманчи асрга гўё шеърий якун, сарҳисоб ясайди. Унинг қувончлари, қайгулари ҳақида сўзлайди ва янги аср билан боғлиқ орзу, умидларини ўртоқлашади.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

Нашр ташаббускори ва ҳомийси
Анвармирзо ҲУСАИНОВ

Нашрга тайёрловчилар

Фахриддин ИБРАГИМОВ

Азалшоҳ ҲАМРОЕВ

Ислом ХОЛБОЕВ

ISBN 978-9943-20-389-1

© Жамол Камол, «Аср билан видолашув». «Янги аср авлоди», 2018 йил.

ШЕЪРИЯТ - ДАРД ВА УМИД ДЕМАК

Кўнгил хун бўлди, кўнгилга не дерман,
Кўнгилни билмаган элга не дерман?..

Шайх Фаридулдин Аттор

Туғилган жойи, ўсиб-улғайган муҳити шоир ва адибнинг фақат тақдирига эмас, балки унинг ижодига ҳам таъсир ўтказади. Шунингдек, у ёки бу ижодкор шахсиятининг шаклланиши, ижодиётидаги ўзига хос хусусият ва фазилатлар ҳам таваллуд топган жонажон диёр билан мустаҳкам боғлиқдир. Халқимизнинг фидойи ва улкан шоири Жамол Камол Бухоро фарзанди. У 1938 йилнинг 9 ноябрида Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Читкарон қишлоғида дунёга келган.

Бу ёғини айтиш... Бўлажак шоир уч ойлик чақалоқ экан, отасини қамашади. «Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов халқ душмани эмас, дўстлари эди» деган гап – мана шу бир жумла учун уни отувга ҳукм қилишган. Бу мусибат ва айрилиқ мурғак қалбга кейин қандоқ таъсир ўтказиб, чилпарчин айлашини тасаввур қилмоқ қийин эмас.

Ўттиз беш ёшида отам отилди,
Уч ойлик чақалоқ эдим ўшанда.
Ўша тун ошимга заҳар қотилди,
Тақдир зарбасини едим ўшанда.

Йўқ, деб қичқираман умрим борича,
Лекин қисмат деган турмайди аяб.
Ўттиз беш йилдирки, ҳар ярим кеча
Мени отишади деворга суюб...

Хайриятки, Оллоҳ таоло инсонга сабр ва бардош ато этган. Лекин кўнгил тош ё темир эмас – уни ғам-андуҳ барибир емиради. Камол Ҳуссанхўжа ҳажрида шоирнинг онаси Ҳожалбегим ҳам ўттиз беш ёшда вафот этади.

*Отам лийдорини кўролмадим мен,
Онасиз ўссам-да бўлмадим етим...*

Бу тасаллиниң ортида ўркач-ўркач қайғу ва алам бекиниб ётибди. Шулар қатра-қатра, тўлқин-тўлқин бўлиб, Жамол Камол шеърларига сингиб кетган. Унинг сўз ва ифодаларида дард, ҳасрат, армоннинг оловланиши шундан. Хуллас, етим бола бувиси Моҳтоббибининг қўлида қолиб, унинг тарбиясида ўсади. Аввал у она қишлоғидаги бошланғич мактабни битириб, сўнг Чандирдаги Абу Али ибн Сино номли ўрта мактабда таҳсил олади. Шоир ўша йилларни хотирлаб бундай дейди:

– Учқун бўлмаса, ўт чиқмайди. Ҳар нечук қобилият инсоннинг табиатида бўлиши лозим. Адабиётга муҳаббат менинг қонимда бўлган шекилли. Мактаб ва китоб пуфлаб ўт олдирди, ёндириди уни... Навоий ғазаллари, Бобур рубоийларини илк дафъа ўша йилларда юрагимга жо қилдим. Улар воситасида арузий оҳанглар руҳимга сингди. Кейин Муқимий, Фурқат ғазалларини севиб ўқидим ва ёд олдим. Ўша даврда Гоголнинг «Миргород», Пушкиннинг «Капитан қизи», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Марк Твеннинг «Том Сойернинг бошидан кечирганлари», Жюль Верн-

нинг «Ўн беш ёшли капитан» китобларини ўқиганим ёдимда... Бир оқшом Шекспирнинг «Ҳамлет» асари ни ўқишига киришдим. Уйда ёлғиз эдим. Фожианинг «Арвоҳ кирди...» деган жойига етганда қўрқиб кетиб, китобни бир четта ташлаб, қўшни уйда хотинлар билан чақчақлашиб ўтирган бувимнинг пинжига суқилганим ҳали-ҳамон кўз ўнгимда турибди...

Ҳамид Олимжон, Faфур Fuлом, Шайхзода, Миртемир – булар ёш Жамолнинг яхши кўрган шоирлари эди. У Ойбекка алоҳида меҳр қўйган ва бир умр унинг ижодига боғланиб қолганди. Бироқ ҳаммадан ҳам юксак, ҳаммадан ҳам ёрқин порлаган машъала – Навоий эди. У бошқа шоирларни устоз ҳисоблаган бўлса, Навоийни пир деб билганди. Тиниқ ва ёниқ сўз завқи, бадиий тафаккур сеҳри шу йўсинда ёш шоир руҳига кириб бораради. «Адабиёт номли оқ кабутар болалигимда мени кўтариб учди. Шу сабабли бўлса керак, етим бола бўлишимга қарамай, ҳамиша умидларга, завқу шавққа тўлиб юрадим...» – дейди у.

Ҳа, умид – нурли туйғу. Умидсизлик – даҳшат. Ҳамма орзу ва олий ниятнинг кушандаси – умидсизлик. Ноумидлик фақат алоҳида бир инсоннинг эмас, ҳатто бутун миллат руҳини сўндириб, қадр-қиммати, шону шавкати, ғурур ва шижоатини ер билан яксон этиб ташлайди. Бундай аҳволдаги халққа душманнинг кераги йўқ, у – ўзига ўзи ғаним, у – ўзига ўзи гўрков...

Менимча, «Умидли дунё» номли китобни ўқиган шеърхон умидсизликдан – ношудлик, ношудликдан – ожизу нотавонлик, нотавонликдан – қуллик, қулликдан – хиёнат, риёкорлик туғилишини Жамол Камол нақадар эрта англаганини осон фаҳмлайди. Албатта, ўқиб-ўрганиш, фикран ўсиш, руҳни чиниқтириш, ҳаёт қийинчилиги ва азобларини енгиб ўта билиш

харакатига эришилмаса, умидни мақташдан фойда чиқмайды.

Зеро:

Кимга қатра, кимга денгиз,
Кимга бир дунё қадар,
Ким учун оғриқли тандын
Чиқмаган жондир умид...

«Үйлаб қарасам, – дейди Жамол Камол, – Бухоро педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишига киришим ҳаётимда бурилиш нүктаси бўлган. Бошда тарихчи бўлишга шайландим. Йўқ, адабиёт мени бағридан бўшатмади. Тўлқин устига тўлқин бўлиб, бостириб келаверади: антик адабиёт, ўрта асрлар адабиёти, замонавий адабиёт... Шекспир, Байрон, Бальзак, Стендал, Виктор Гюго, Лев Толстой, Михаил Шолохов – менинг севимли адилларим эди...»

Шоир тўртинчи курсда ўқиёттанида, Бухорога шоира Зулфия ташриф буюради ва институтда катта учрашув бўлади. Шеърларини унгача институт газетасида чиқариб юрган Жамол Камол кичик ҳажмли илк достони «Жамила»ни ўқиб беришни машҳур шоирадан илтимос қиласди.

Бу – ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган жазоирлик ватанпарвар қиз Жамила Бухеред қиссаси эди. Достон Зулфияга маъқул бўлади ва орадан кўп ўтмай у «Ёш ленинчи» газетасида босилиб чиқади. Шеърият майдонига энди-энди қадам босаётган шоир учун бу, албатта, ижодий ғалаба эди. Шундан сўнг «Шарқ юлдузи» журналида унинг шеърлари чоп этилади. Адабий жамоатчиликка Жамол Камолни улар кенгроқ танитади.

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ёзади: «Назаримда, олтмишинчи йилларнинг боши бўлса ке-

рак, бухоролик шоир Жамол Камолнинг бир туркум шеърлари «Шарқ юлдузи»да босилди. Нотаниш ёш шоирнинг шеърларини ўқидим. Бу шеърлар мени шу қадар сеҳрлаб олдики, бир неча вақт хаёлим шу билан банд бўлиб қолди. Бу ўзбек шеъриятига катта истеъдол кириб келаётганинг дилимдаги қувончи эди. У вақтда албатта Жамол ёш эди, навқирон пайти эди. Лекин унинг шеърлари ўша вақтдаёқ ром қила олиш кучига эга эди.

Жамол Камол шеърлари мени шу қадар тўлқинлатган эдики, икки оғиз бўлса ҳам хат орқали ўз қувонч ва ниятларимни билдириб, қалбимни бўшатмагунча оромим бўлмай қолди».

1962 йилда ўтказилган Республика ёш ижодкорлар семинари Жамол Камолнинг биринчи шеърий тўпламини нашрга тавсия этади. Аммо у олти йилдан сўнг – 1968 йили босилиб чиқади. «Олам кирап юрагимга» кечикиброқ дунё юзини кўрган бўлса ҳам, шеърхонлар юрагидан тез ўрин олган эди. Биринчи бўлиб унга шоир Ҳусниддин Шарипов тақриз ёзиб, «Шарқ юлдузи»да эълон қилди. Ўзга тақриз ва танқидий мақолаларда ҳам ёш шоирнинг келажагига катта ишонч билдирилган эди.

* * *

Бир пайтлар – ўспиринлик чоғларида сиқинибми, зерикибми, Бухородан кетиб қолгим келаверарди. Чунки айтарли ҳамма нарса якранг, турғун, арзимасдай туюларди... Кўпчилик гўё келишиб олгандай бир хилда ўйлар ва бир хил гапларни такрорларди. Қаерга борманг, асосий мавзу дала, пахта, чорва, маърака. Менга бу ёқмасди. «Нечун катталар умуман китоб, адабиёт ҳақида гапиришмайди? Нега уларга илм, адабиёт, санъат деган нарсаларнинг бир чақалик ҳам қизифи йўқ», деб ўйлар ва ички

норозилигим кундан кунга қучайиб борарди. Китоб ва ёлғизлик – шу икки нарсаны ана ўша йиллардаёқ мен яхши қўрганман, то ҳануз иккисидан ҳам ажралолмайман. Аммо, ўйлаб кўрсам, болалик, ёшлиқ, илк муҳаббат – буларни Тошкентта олиб келолмаган эканман – бари Бухорода қолиб кетган экан. Бизнинг адабиётга, китоб ва ижодкорга меҳр-муҳаббатимиз, ҳозирги навқирон авлодники билан таққосланса, тўғриси, эртакка ўхшайди. Бухоролик таниқли адиб, олим ва шоир борки, бошга кўтаргудай эдик. Жамол Камол ва Неъмат Аминнинг илк китобларини ўқиб, талабалар орасида нечоғлик фахр билан муҳокама қилганларимиз сира эсдан чиқмайди. Қизифи шундаки, Жамол Камолнинг айрим шеърлари худди мен учун – менинг мавҳум ҳолат ва изтиробларимни акс эттириш учун ёзилганга ўхшарди.

*Нега мен баъзида маъюс, безабон
Сизга баён этсам, дўст-ҳамдамларим,
Мазмундорлигини пеш айлаб мудом,
Ортимдан юради дарду ғамларим...*

Дарду ғам доим ҳам ортда юрмас, илгарига ўтиб, моҳиятга йўл очар экан. Шоирнинг мана бу саккизлигини ўқиганда қандай хаёллар кўнгилдан кечганини ҳозир ҳам тўлиқ шарҳлаб беролмайман.

*Мен уни изладим, изладим дилхун,
Тубига етмоққа айладим ният.
Қанчалар бўғилдим, оқибат бир кун
Қаршимда очилди ўша моҳият.
Унга қарайману айланар бошим,
Яна чорасизлик йўлимни боғлар.*

Қай тарафдан боқмай, оқизар ёшим,
Қай тарафдан боқмай, қўнглимни доғлар...

* * *

Умуман, можият оғир ва бешафқат эканини, унга қай тарафдан боқма, чорасизлик йўлни боғлаб, кўздан ёшлар оқизишини мен кечикиб тушундим. Инсон умри руҳоний оламдан борлиқ оламига, ундан яна охират дунёсига муборак бир сафардир. Бу моддий оламда у боқий қолмоқ учун эмас, балки ҳақиқий ватани бўлмиш малакут оламига қайтмоқ учун туғилади. Оралиқдаги йўл – синов йўли. Ўртадаги «Майдон» – қувонч ва қайфу, меҳнат ва машаққат, рост ва ёлғон, зафар ва мағлубият, баҳт ва баҳтсизлик майдони эрур. Хуллас, одамнинг тақдири ва ҳаёт йўли бир сафар, бир ҳижрат мазмунига эгадир. Ҳижрат деганда кўпчиликнинг хаёлида буюк жудолик, сўнгсиз ҳижрон, фам-ғусса, кўз ёши, бир сўз билан айтганда, баҳтсизлик гавдаланади. Тасаввуф тилида эса ҳижрат – ёмон ва тубан феъл-атвор, чиркин сифатларни тарқ айлаб, гўзал ахлоқ ва латиф фазилатлар юртига бориш демак. Шоирнинг ичдаги юрти – аслида ана шу юрт. Кўзга кўринмас ана шу ботиний ўлкада чин шоир нағфдан қалбга, қалбдан латифликка, ундан руҳга, руҳдан Ҳаққа ҳижрат қиласиди. Ва бундай шоир тилнинг эмас – дилнинг, чекланиш ва торликнинг эмас – кенглик ва сўнгсизликнинг қули, шайдоси бўлиб яшайди. Мана шунда кўнгил – оламга, олам – кўнгилга эшик очади. Сўзни илҳом, туйғуни завқ, фикрни дард бошқаради. Дардли шеър ҳамиша сирли шеър. Буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий ёзади: «Билурменки, сен дардли яратилимиссан. Дард эса шоирликнинг сармоясиdir. Шеър ёзиш учун завқ ва сафо лозимдир дема – дарддан

сўзла. Чунки сўз мусобақасида ғалаба қозонадиган дарддир».

Жамол Камол ижодиётининг ҳам сармояси Ҳақиқат ва Ҳуррият дардидир. Мен унинг дил дардларига қарши боргани, энг улуғ армонларига хиёнат қилганини эслолмайман. Шунинг учун шоир шеъриятида кўпчилик қаламкашларга хос икки қиёфалилик офати кўзга ташланмайди. Ҳавф, яни қўрқув тавбакорга, севги зоҳидга, яшаётган маънавий ҳоли муштоққа парда бўлгани каби, шеър ҳам шон-шуҳратга берилган шоир қалбига парда бўлади. Шунда у инсоф, диёнат дардидан йироқлашади ва ўзининг аҳвол-руҳиясини тўғри идрок қитолмай қолади.

*Шоир сўз айтгани келар дунёга,
Индамай, жим туриш – шоирга ўлим.
Қайси тоққа борай, қайси дарёга
Товушларга тўлиб кетганда кўнглим?..*

Ана шу ҳолат – ахтариш, изланиш ҳолати. Ана шу ҳолатдан ажралган шоирнинг фикр манзили турғунликдирки, ундан бирор янгилик кутиб бўлмайди. Жамол Камол бундай ҳолдан ўзини асрой билган, Ҳақиқат йўлида астойдил заҳмат чеккан шоир. Унинг «Файласуф билан суҳбат», «Сувайдо», «Қўғирчоқлар», «Клубатра», «Ҳамлет», «Ҳурофот», «Шоирга», «Отам» сингари ўнлаб шеърларида эрк ва ҳақиқат ишқи ёниб-ёлқинланади. Чунки у ҳақиқатни ҳақиқат ўлароқ севган. Юракни тасаввурдаги ҳақиқатларга эмас, ҳақиқатнинг ўзига бағишилаган.

*Ҳақиқат, мен сени севдим,
сени хор айласа миллат.
Қуюнлек боши узра айланур
ҳар кун қабоҳатлар...*

Ҳақиқат, мен сени севдим,
Ўзинг Раббимсан, Оллоҳим,
Сени дерман, сени, гар келса
бошимга қиёматлар...

Биласизки, ҳақиқат тоқдир, Ҳақдан яралгани боис яккаю ягона дир. Ҳақиқат кўкда ҳам, ерда ҳам ҳоким. Фақат заминдаги ҳукмронлиги кўқдагидан фарқланади. Негаки, заминда ёлғон ҳам ҳукм юритади. Самода ёлғоннинг қўлидан ҳеч иш келмайди. У ўз тангриси Шайтон амри фармойишларининг ердаги ижро чиси. Ёлғон кўқдан гувуллаб тўкилмайди, заминда гуркираб ўсади. Зоро, ёлғон ва риёнинг «тупроғи» инсон – у биргина мана шу жойда томир ёзади, улғаяди ва ҳосил беради. Бошқа қўкарадиган боғу чорбоғи йўқ унинг. Жонзотлар орасида ёлғиз инсонгина ёлғонни – ҳақиқат, ҳақиқатни эса ёлғон дея баён айлай олади. Аслида, ҳақиқат ва ёлғон ўйинлари деган ўйин ёхуд талашув йўқ. Ҳамма-ҳаммаси одам нафси ва манфаатидан туғилган зиддият, олишув ва қаҳру ғазабдир. Инсон Ҳаққа итоат этгандагина ҳаётни ҳақиқат кўзгусида кўриб, қаноат топади ёки ўзи экиб вояга етказган ёлғон зулм қурбони бўлади. Шўро давлати юрт, миллат ҳурриятига қарши тўқилган ҳар қандай ҳақиқат – ёлғон, ёлғон эса ҳалокатли бўлишини инобатга олишни истамаганди. Шу боисдан ҳам ҳақиқат ва ҳаёт орасидаги жарлик кенгайгандан кенгайиб борар, эркинлик, тенглик, бахт каби сўзлар хас-хашакка ўхшаб қолганди. Ҳаёт эса ҳурриятни – қуллик, бахтни – бахтсизлик, шодликни – ғам-ғусса мазмунида изоҳларди.

Орадан вақт ўтиб, замонлар кечиб, келажак авлодлар шоир, адаб, олим уламоларнинг мустақилликдан кейин ёзган нарсаларини ўқишиша, шунчаги зиёли ва ижодкорнинг ичида шундай эътиқод, шу

даражада эркинлик истаги қайнаб-тошиб ёттан экан, миллат қандоқ қилиб бунча узоқ вақт қуллик ва тобеликка күниди экан, деган савол туғилиши табийидир. Лекин айни шу ижодкорларнинг миллий истиқлолдан аввал ёзилган асарларини кўздан кечиришса борми, «Во дариғ, ижодкорлик дегани ҳам – бу сўзбўямачилик ва кўзбўямачиликдай бир иш эканку», демаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Эврилиш, турланиш шу қадар катта ва ҳайратланарли. Ана шу «жараён»га бундоқ назар ташланса, миллий руҳ, миллий маслакка содиқ жуда оз сонли шоирлар қатори Жамол Камол ҳам бир ғоявий «майдон»дан иккинчисига сакраб ўтмаганлигига тан бериш керак бўлади. У етмишинчи йилларнинг охирида ёзилган бир шеърида бежиз мана бундай демаган:

*Шоирим, ўтасан сен ҳам муқаррар,
Гарчи ардоқлисан, гарчи суюксан:
Шижаот туйғуси билан мукаммал,
Шижаот туйғуси билан буюксан!
Лекин сен ҳам агар этиб номардлик,
Сен ҳам ўз-ўзингни ўйласанг фақат.
Демак, соб бўлибди оламда мардлик,
Демак, рўй берибди қора қабоҳат...*

Қулни озодман деб сайратиш, баҳтсизларни ҳамма баҳтиёр деб куйлатиш, камбағал ва қашшоқ элни тўқмиз, бадавлатмиз дея бонг урдириш... Минг афусуки, адабиёт аҳли орасида ана шу қабоҳатта бош қўшганлар ҳам кам эмасди. «Чўққиларга ёғилди ёғду», «Тош туғён», «Тафаккур», «Қадаҳ», «Умидли дунё» деб номланган китобларни бугун бир варақлаб чиқинг, бошқа хаёл, ўзга ўйлар қуршаб олади дилни...

Жамол Камол турли шеърий шакл ва жанрларда қалам тебратиб келаётган ижодкор. Унинг ғазална-вислиқдаги тажрибалари ҳам алоҳида дикқатта молик.

Менинг билишимча, куйга, мусиқага тобе сўз – қўшиқ. Сўзга, фикрга тобе мусиқа эса шеър. Шунинг учун ҳам «Шеър – сўз билан ифодаланган мусиқа» деган таъриф менга жуда мақбулдир. Навоий, Бобур, Машраб шеърлари, энг аввало, мана шу фикрниңг тўғрилигини исботлайди. Ахир ҳар бир шеър мисраси, ҳамма нарсадан олдин, мавзун, мусиқий бир жумла эмасми? Шеърда ҳижонинг сони эмас, балки унинг саси, оҳанги муҳимку! Мусиқа шеърнинг «жавҳари»дан янграб юзага чиқади ва муваффақият воситасига айланади. Хоҳ аruz, хоҳ бармоқ вазнида бўлсин, қолган ҳамма иш, ҳамма нарса айни шу мусиқани таъминлашга хизмат қилмоғи зарур. Шунинг учун шеър ўқиш, шеърнинг руҳий оламига кириб мушоҳада қила билиш улуғ бир куйни сўз билан тингловчига етказа олишдек алоҳида салоҳиятдир. Хусусан, арузда битилган шеърларнинг «ноталари», ички ва ташқи оҳанг товланишлари бўладики, буни билиш учун «оҳангшунослик» зарур, деб ўйлайман.

Бизнинг танқидчи, адабиётшунос ва ижодкорлар орасида ғалати бир қитмирлик мавжуд: ўзи тушунмаган, ҳис қилмайдиган асарлардан ё айб ахтаришади ёки бефаросатларча уларни инкор қилишади. Аммо ўлса ҳам, бунга тишим ўтмади, менинг қорайган кўнглим, тўнка табиатим бунақа латифлик, бунақа зарифлик ва гўзалликдан завқланмайди, демайди...

Эркин Воҳидовнинг арузий шеърлари атрофида-ги баҳс-мунозаралар адабиёт аҳлиниңг ёдидан қўта-рилмаган бўлиши керак. Ўшандага ташланган танқидий фикр, тўмтоқ талқинлардан, шеър ҳақида ёзиг юрганим учун мен ҳозиргача хижолат чекаман.

Шўро даврида Эркин Воҳидовгача ҳам арузда шеърлар ёзилган. Аммо Эркин Воҳидовнинг қасида ва ғазаллари улардан моҳиятда ва ифодада бутунлай фарқланади. Шу фарқланиш, яъни арузни янгилаш, очиқроқ айтганда, «замонавийлаштириш» тамойили Жамол Камол ғазаллари ва «Қўёш чашмаси» достонида ҳам ёрқин қўзга ташланади. Шоирнинг ошиқона ғазаллари хусусида бирор у дер, бирор – бу. Бироқ унинг ижтимоий, фалсафий мазмундаги ғазалларига фикри очиқ ўқувчи сира-сира юза қаролмайди.

Мен-ку менман, элга элдек,
Суврату сийрат қани,
Ўтса умри бир умр
Меҳнатланиб, заҳматланиб,

Бир тараф аффон чекарлар
Меҳнату заҳмат билан,
Бир тараф даврон сурарлар
Роҳатланиб, ишратланиб.

Бир тараф афтодаҳолдир,
Ҳоли кун-кундан ёмон,
Бир тараф довруқ солар
Шуҳратланиб, шавкатланиб.

Бу замонда аҳли давлат
Эл сотар, иймон сотар.
Гайрилар бирлан мудом
Хилватланиб, улфатланиб...

Бу байтлар Машраб тилидан битилган бўлса-да, шўро зулмидан жони ҳалқумга келиб, эзилиб ётган эл ва найрангбоз замон аҳволини шарҳлайди. Ғазал шаклидаги мана бундай ҳасрат ифодасига мен ҳеч дуч келмаганман:

Талон бўлдинг, элим,
Занжирга тушдинг, нотавон бўлдинг,
Диёнатга тупурган
Шум даюслар озми тарихда?

Ўзингдан чиққанинг ҳам гоҳ
Ўзингта сирмади ханжар,
Мунофиқ тўтилар, зоғлар,
Товуслар озми тарихда?

Мустамлакачилик истибоди ва ҳийла-найрангларини мозий орқали фош этиш, замон муаммоларини тарих воситасида бадиий талқин қилиш олтмишинчи йиллар ва ундан кейинги давр адабиётимиз учун ўзига хос бир йўл ва усулга айланган эди. Бундан Жамол Камол ҳам моҳирлик билан фойдаланган. Шоирнинг араб босқинига бағишлиланган «Варахша» достонидаги қўйидаги сатрларни одамлар ёддан айтиб берганини мен кўп эшигтанман:

Оlam шоҳид, ҳар бир юртга босқинчи
Эзгуликни шиор қилиб киради.
Бошлар узра ўйнар экан қиличи,
Шиорини такрор этиб туради.
Мана бу нур, дейди, пуркайди тутун,
Мана поклик, дейди, булғайди бутун.
Мана тенглик, дейди, лекин қул этар,
Тарихингта ўтлар қўйиб, қул этар...
Бечора эл қолиб бесару сомон,
Шу тариқа яксон бўлар бегумон!
Замин кетар, давлат кетар, дил кетар,
Ўзлик кетар, шавкат кетар, тил кетар...

Булар тарих «либос»ига бурканган ва маҳрумият азоблари ҳасратга, ночорликка айланган мазлум эл-

нинг ички шарҳи ҳоли экани бугун кундай равшандир, албатта.

Жамол Камол достон жанридаги асарлари билан ҳам ўз сўзини айтган, шеъриятни янги тасвир ва образлар билан бойитган талант. Устоз Миртемир унинг «Армон» достонига уруш мавзусидаги энг яхши асарлардан бири деб баҳо берган эди.

Оллоҳ одамга талант берса, шунга яраша илҳом ва интизом ато этса, унинг қўлидан кўп иш келади. Жамол Камол бугунгача рус, форс, инглиз тилларидан таржима қилиган асарлар сони, адашмасам, қирқقا яқинлашди. Буларнинг асосий қисми жаҳон адабиётининг дурдоналари: Шекспирнинг ўн иккита драмаси ва бир юз эллик тўрт сонети, Фаридуддин Атторнинг «Мантиқут тайр», «Илоҳийнома», «Асрорнома», «Панднома», «Булбулнома», «Уштурнома»си, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг олти жилдик «Маънавий маснавий»сидир. Бу – айтишга осон. Аслида бағоят сермашаққат ва масъулиятли меҳнат. Шу сабабдан ҳам шоир «Маснавий» таржимаси учун Туркия жумҳурияти Маданият вазирлигининг Румий олтин медали ва Эрон ислом республикасининг давлат мукофоти билан тақдирланди. Зоро, Мавлононинг шоҳ китобини миллиатга армуғон этиш ҳар қандай мукофот ва тақдирланишдан юксакдир. «Маснавий»нинг бош ғояси ва шиори – ишқ, одамийлик. Одам бўлсанг, одамийлик шарафига лойиқ бўл, доғ туширма. Гул агар хушбўй бўлмаса, у ўтиндур, дейди Мавлоно:

*Одамийро одамияят лозим аст,
Гул агар хушбўй набошад, ҳезум аст...*

Дарвоҷе, Жамол Камолнинг рус олими ва адаби Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» романини

ўзбекчалаштириши Мавлонони ҳалқимизга яқиндан таништиришдаги илк хайрли қадам бўлган эди.

Нақлга кўра, Салжуқий сultonларидан бири Румий ҳазратларига беш ҳалтacha олтин ҳадя этибди. Талабаларидан бири олтинларни Мавлоно олдига олиб кирганида, «Мени ҳақиқатда яхши кўрсанг, бу олтинларни ташқаридаги ана у катта ботқоқликка элтиб ташлагил», дебди у. Устод фармойиши дарҳол бажарилибди. Ва тезда қўпчилик бундан хабар топибди. Бойликни, хусусан, олтинни жону дилидан севгувчи кимсалар ўша олтинларни қўлга киритиш учун ўзларини балчиққа уришибди. Юзи, уст-бошлири балчиққа буланиб, қараб бўлмас ҳолга келибди. Уларнинг аҳволини Мавлоно талабаларига кўрсатиб, «Бу олтинлар кўриб турганингиздек, дунё аҳлининг уст-бошини булғаб кирлантиргани сингари қалблари ни ҳам қорайтириб, чиркинликка чулғайди. Менинг сўзларимни ғалат англаманг. Мол-дунё учун уринманг, демайман. Аммо дунё мол-давлатига муҳаббатни қалбингизга йўлатманг, демоқчиман. Ҳақиқий сармоя мол, мулк, беҳисоб пул соҳиби бўлиш эмас, балки маърифат, илм ва ҳунар, ихлос ва ҳур тафаккур соҳиби бўлмоқдир».

Жамол Камол инсоният қалби ва руҳини тадаввий айлаш, яъни даволаш, Ҳақ ва Ҳақиқат мақомларига юксалтиришга қодир Шарқ адабиётининг бир неча дурдоналарини таржима қилиб, ҳалқа армуғон этди-ки, бунинг аҳамиятини сўз билан таърифлаш қийин.

Жамол Камол чиндан сермаҳсул шоир, моҳир таржимон, билими кенг, диди юксак шеършунос ва адабиётшунос ҳамдир. У шоирларнинг олими, олимларнинг шоири. Унинг илмий тадқиқот ва мақолалари ижодиётининг муҳим қисмини ташкил этади. Жамол Камол 1971 йили «Лирик шеъриятда композиция» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, академик Иззат Султон-

нинг таклифи билан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга келган. Иззат Султон раҳбар бўлган Адабиёт назарияси бўлимида ўн тўрт йил ишлаган. У икки томлик «Адабиёт назарияси», икки жилдлик «Ўзбек адабий танқиди тарихи» китобларининг мауаллифларидан бири. Унинг «Лирик шеърият» номли китоби шеършунос ва шеърият муҳиблари орасида қўлма-қўл бўлиб кетган бўлса, «Тарихий драма» деган рисоласи драма жанри сирасорларини ўрганувчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб эта олган эди. Гоҳо шеърдан ҳам у танқидий тафаккур учун фойдаланган.

Шоирнинг «Умидли дунё» китобида «Адабий танқид» деган ҳазил шеър бор. Шундай сўзлар билан бошланади:

Ҳамзага этмадинг аввал эътибор,
«Ўтган кунлар» бўлди қўлларингда хор...
Уриб, «Қутлуғ қон»нинг бошини ёрдинг,
Кейин «Навоий»ни тупроққа қординг...

Дарвоқе, адабиётимизда ҳодиса бўлган қайси асарни адабий танқид яхши қарши олиб, уни холис баҳолаган? «Сароб»ними ёки «Мирзо Улугбек»ними?.. Юрак қони билан ёзилган асарларнинг кўпчилигига у болта кўтарган ё милтиқ ўқталган. Нега шундай бўлган? Шеър давомида ўқиймиз:

Шунчалар қон тўқмиш қаламинг сенинг,
Айт-чи, нимадандир аламинг сенинг?
Қўлингда ҳамиша шайдир бешотар,
Магар бобонгмидир Муқбил тошотар?
Гарчи буюкларни таёқладинг сен,
Лекин пучакларни ардоқладинг сен...

Сиёсатнинг қули ва қўғирчоғига айланган танқидчилик ҳақиқий талантларнинг бошига кўп балолар

ёғдирган. Адабиётга алоқаси йўқ талантсизларни эса оғишмай қўллаб-қувватлаган. Мана шу «ҳиммат» ва «илтифот» то ҳануз давом этиб келади. Жамол Камол адабий танқид тарихи ва унинг кейинги аҳволидан боҳабар ижодкор сифатида буни шеърий шаклда талқин қилиб берадики, «ҳазилнинг таги зил»лигини шеърхоннинг ўзи осон англаб етади.

Бу ёруғ оламда шундоқ омад ва муваффақиятлар бордирки, одамни ич-ичидан кемириб, еб ташлайди. Бунинг акси: шундай омадсизлик ва муваффақиятсизликлар борки, инсонга куч-қувват, ҳаракат бағишлайди. Айниқса, ижод аҳли: ҳақиқий ёзувчи, шоир виждонни бузадиган омад, зоҳиран кўз қамаштирувчи зафарлардан қочмоғи керак.

Шу йил муборак саксон ёшини қаршилашга ҳозирланаётган ардоқли шоир, улкан таржимонимиз Жамол Камол ҳар қандай қийинчилик ва машаққат юзланса, мамнуният қўрсата олиш даражасидаги қудрат соҳибидир. Ҳазрати Али, Шайх Аттор, Мавлоно Румий, Шайх Низомий Ганжавий асарларини таржи-ма қўлган киши бошқача бўлиши мумкин эмас.

*Мавлоно Румийнинг дил сўзларидан,
Ажаб сархуш бўлиб кечди тунларим.
«Маснавий»нинг ҳикмат юлдузларидан
Ёришли, чароғон бўлди тунларим...*


Шундай сархушлик ва чароғонликда шоиримиз узоқ умр кечириб, янги ижодий ютуқларга эришишини биз Яратгандан тилаймиз.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори**



I

*Күл ётарди тоғларга туташ,
Мавжларига шамоллар шайдо.
Бир болакай, нигоҳи оташ,
Бўлди бир кун соҳилда пайдо.*



ОЛАМ КИРАР ЮРАГИМГА

Сүқланаман тунларимга,
ёғдулар тошқин,
Энтикаман, ўтли дилда
орзулар тошқин.
Куёш севиб, баҳор ўпид,
кечар кунларим,
Йўлларимда куйлар тошқин,
кулгулар тошқин.
Оlam кирап юрагимга
минг жилва билан,
Дарё – қўшиқ,
Оқшом – шафак,
Ой шуъла билан...

1960



ЭНГ БҮЮК ТУПРОҚ...

Түрт буюк уфқингда нур тошаётир,
Түрт буюк уфқингда юлдуз жавлони.
Күзларим севинчдан ярқираётир,
Қанот боғлаётир дилбандинг жони.

Отамнинг отаси, эй буюк тупроқ,
Онамнинг онаси, эй буюк тупроқ.
Бир жигарпорангман, қутлуғ ватансан,
Шараф остонаси, эй буюк тупроқ...

Жангу жабҳаларда кўп қонинг оқди,
Ёш эдим, бўлмадим ғамингга ғамдош.
Бугун ой устида юлдузинг балқди,
Бағримга бағрини жойлади қуёш.

Кун сайин қуёшинг баланд бўлгандай,
Юлдузинг кўпаяр тун ўтган сайин.
Бир буюк чанқоқлик қалбга тўлгандай,
Қадамлаб ўпаман мен ҳам тинмайин.

Кунда қадамлаган ҳар қаричингни
Бағримга босаман чарофон тунда.
Кўнглим шайдосидир келажагингнинг,
Мен кўрар жамолинг яшайди унда...

Не учун энтиқдим? Түрт буюк уфқинг
Юлдуз оламидай қаршимдан ўтди.
Кўзимни порлатган ёнар ёқутинг
Бир оташ бўлди-ю жонимни тутди.

Кошки, она, мен ҳам дил гавҳаридан
Уфқингда бир дона чироқ ёқолсам.
Юлдуздай нур сочиб тиник меҳримдан,
Тоабад бошингда парпираб қолсам...

1959

ГАЗОПРОВОД

Кекса Бухорога
күмүш бар солиб,
Үқтин-үқтин чаңнамоқда
бир ажиб шуыла.
Малик чўлларига
кескин жар солиб,
Кетаётир бир шодумон,
қайноқ фулғула...

Мунчоқ-мунчоқ терга ботиб
пўлат сийналар,
Қояларни кўкка отиб
оташ миналар,
Дарё каби жўш урмоқда
бир буюк жавлон,
Тўлқин каби тўш урмоқда
томирларда қон,
Тўлқин каби югурмоқда
шиддат, ҳаяжон...
Машиналар ҳансирамоқда,
ердан – қуёшгача,
сувдан – тошгача
Бунёдкорнинг ҳукми юрмоқда.

Ҳайрат билан ҳаяжоним
босар устма-уст,
Жоним элим, кўзлаганинг
қайси бир юлдуз?
Жоним элим, қайси юлдуз,
қайси бир мурод –
Шавқи билан бу майдонда
сурмоқдасан от?

Қайси буюк парвоз учун
бу почин қанот?

Товуш берар воҳалардан
қайнаган кураш,
Олим инсон, оташ мотор,
мағрур гулдураш:
– Бу қурилиш охирида
ҳикматли газнинг
Уралгача тиним билмай
оқиши ётар.
Бу қурилиш охирида
шоҳи, атласнинг
Зўр оқими фабрикларда
тўлқин үйнатар.
Бу бир газким, ҳар зарраси
шон элига шон,
Тўкин-сочин ҳаёт учун
янги армуғон...

Ҳайрат билан ҳаяжоним
босар устма-уст,
Хаёлимда халқ яратган
бир жаҳон юлдуз...
Жоним элим, суръат бергин
зўр қурилишга,
Газ зийнати оқиб кирсин
бизнинг турмушга.
Чечак очсин ҳар юракда
орзу ва мурод,
Кутбгача қулоч ёзсин
газопровод!..

1958

* * *

Чўққиларга ёғилди ёғду,
Тоғ бошида ҳилол қўринди.
Қалдирғочдек қанот урди у,
Келиб сенинг қошингга қўнди.

Ой нурида юзингни қўрдим,
Кўзларингки сузгун ва шаҳло.
Кўзларимни узолмай турдим,
Хуморига тўймадим асло...

Узоқда ҳам қўймадинг холи,
Ўраб олди дилбар хаёлинг.
Маст айлади қўшиқ мисоли
Ой ёпиниб қўринган ҳолинг.

Қуюқлашар тоғ бошида тун,
Тун қўйнида шовиллайди Вахш.
О, менинг ҳам қалбимда тўлқин,
О, менинг ҳам бағримда оташ...

1959



* * *

Тун. Бөгимда кезаман,
ой, булут, шамол –
Үйнашур, инжу сочур
ховуч ва ҳовуч.
Чечаклар ниҳол-ниҳол
ва ошуфтаҳол
Юлдуздай чарақлашур
йўлларимда ғуж.

Баргларни қуча-қуча
еллар тўлқини,
Роз айтар... шўх шарпаси
юракка ҳузур.
Учар ариқчалардан
мавжларнинг уни,
Айтинг, қайси латофат
бунга teng келур?

Нечун ўйларим мунча
кўркам, фусункор,
лаззатлидир, тотлидир
босган қадамим?
Бу сурур, бу саодат
сен туфайли, ёр,
Чунки дилбар хаёлинг,
ёдинг ҳамдамим.

Мени сармаст айламиш
бахтим түйфуси,
Оқар қулоқларимга
мунис бир ғазал.

Назаримда ҳар томчи
оқшом юлдзузи,
Сув – симоб,
майса – баҳмал,
гул тожи – машъал...

1960



ҚУМРИ

Шом оғар, шабнам ёғар
Боғларда бўй таратиб,
Қумри қиз сигир соғар
Челакни жаранглатиб.

Найза-найза киприклар
Куйилар пок ва маъсум.
Дудоқлардан тўкилар
Ҳам оташ, ҳам табассум.

Шоҳ ташлаб изма-кейин
Учишар қалдирғочлар,
Қиз кулар сирли, майин
Силкинар сулув соchlар...

1958



БАРҚУТ КАБИ...

Барқут каби нурли оқшом, нурли тонг,
Борлық бүйлаб балқишиңгиз севаман.
Жим-жим учган юлдузлардай ранго-ранг
Шуылаларда баҳт гаштини сезаман.

Кенгликларга гул-соялар түшалған,
Япроқларда томчи-томчи табассум.
Тубликлари ноз уйқуда тин олған,
Сув құшиғи – жонгинамга тараннум.

Қарғаларнинг қора атлас карвони,
Түлқин ёйиб учеб үтар бошимдан.
Ёқут шафак – құкнинг нури хандони
Дур ёндирап тупроғимдан, тошимдан...

1958



КУЗ

Дов-даражтлар турар хазон ўрамда,
Чангдан, ҳароратдан олган каби тин.
Сукутга чўмишган, ҳар дам-ҳар дамда
Йўлкаларга тўкар сап-сариқ олтин.

Жўра-жўра учган япроқлар хандон,
Ерга етиб келиб қўнишади жим.
Ва елни кутишар бўлгали сарсон,
Шатир-шутур босиб ўксинар қўнглим.

Сойда жимишламай сокин сув оқар,
Боғчаларни қучмиш даво бир салқин.
Ўрикзорлар жимжит, юрак орзиқар,
Шовур-шувур селлар мавсуми яқин...

1958



СЕБИСТОН

(Тожикистон таассуротларидан)

Алвон-алвон тонг қулганда
Тоғ ҳалқасида,
Чақмоқ чақиб тулпоримнинг
Чўнг тақасида,
Бағрим ёзиб Чопар сойнинг
Нақ ёқасида,
Гард қўнмаган чиройингта
Айтай қасида,
Эй, кўксимга жон сувини
Сепар Себистон,
Шамол бўлиб юзларимдан
Ўпар Себистон!..

Ойнабулоқ қайнаб ётган
Дарадан ўтдим,
Шўх тўлқинлар ўйнаб ётган
Дарадан ўтдим,
Пистазорни бўйлаб ётган
Дарадан ўтдим,
Маст какликлар куйлаб ётган
Дарадан ўтдим,
Қараб кўрдим, булутларга
Теккан чўққилар,
Тепасида ўқтин-ўқтин
Чақмоқ чақилар,
Жала қуяр, сел зарбидан
Қоялар қулар,
Қояларни қарсилатиб
Чопар охулар,
Тоғларингдан шалоладай

Учдим, Себистон,
Тұлқин бўлиб боғларингта
Тушдим, Себистон...

Нағма билан, наво билан
Қаршимга чиқдинг,
Ишва билан, имо билан
Қаршимга чиқдинг,
Кўзим ёниб латофатинг
Иштиёқида –
Тўйда бўлдим ой ўн тўртга
Тўлган чоғида.
Ғунча-ғунча юлдузларинг
Бошимни тутди,
Қанча-қанча ой юзларинг
Қаршимдан ўтди,
Куйларингта қўнгил қўйиб,
Кўнгил чоғладим,
Саҳаргача коса ўпиб,
Гул қучоқладим...

Тонгларингда қўшиқ айтиб
Юрибди Воси¹,
Бағринг тўла саодатинг
Савти навоси,
Чаманингда чарх ураркан
Ҳамал ҳавоси,
Бўлдинг, гўзал, дардларимнинг
Дори – давоси.
Эй чашмаси тўлиб-тўлиб
Оқар, Себистон,
Карашибаси юракларни
Ёқар Себистон,

¹ Халқ қаҳрамони

Гулшанлари давра тутиб
Гуллар, Себистон,
Гўзаллари меҳмон кутиб
Куйлар, Себистон...

1960

ТУН ЧОРЛАЙДИ

Тун – қорасоч, барно келинчак,
Кўзим тўймас боқишиларига.
Тун тўлдириб қўйнига чечак,
Мени чорлар оғушларига.
Нур хандаси маст айлаб мени,
Гул нафаси бўлиб муродим,
Меҳри дилим аён этгали
Аста-аста ташлайман одим...
Ой балқитиб, чақнатиб юлдуз,
Тун қаршимда кулар жилвагар,
Роз этарми, сўйларми бир сўз,
Жамолига сифинсам агар?
Мен юраман, қочар зебо тун,
Лекин имлар қучоги сари.
Шуълалардан – чиройи гулгун,
Уфуқлардан – олтин камари...
Мен юраман, қочар зебо тун,
Лекин очар сирли бир оғуш
Мени чорлаб йўлларга бутун
Соялардан пойандоз солмиш...
Ҳар қадамда янгича фусун,
Янги жило, янги ифода.
Тун сингари соҳиби ҳусн,
Гулшани дил борми дунёда?

Ой сочаркан күзимга ёғду,
Маст айламай кечган туним йўқ,
Йироқларга бошлаб кетар у,
Саҳаргача менда тиним йўқ.
Тонг нурига тун бўлар таслим,
Мен гўёки сирли соҳилда –
Ёр изидан боққан каби жим,
Термиламан, соғинчи дилда,
Эгнида гул, бошида само,
Бир гўзалки, зебо, сурмакаш,
Кўзларида ишваю имо,
Мени чорлар бағрига яккаш...

1964



БУЮР, ДЕДИМ...

Сеҳрли тун... Она тупроқ
Гуркираган тун,
Жилвон ариқ – бўз арғумоқ
Гулдураган тун.
Ҳоким эди руҳим аро
Қўшиқ ва илҳом,
Сўйлашардим борлик билан
Айтиб номма-ном.
Кўзим тушган ҳар нуқтада
Юлдуз бор эди,
Хаёлларим юлдуз каби
Сеҳркор эди.
Кетган эди қўлларимдан
Қарор бирйўла,
Қалбим эди бир ажойиб
Оташга тўла.
Чироқ эди водий ила
Осмон ораси,
Денгиз каби ёйиқ эди
Нур доираси.
Миллион чироқ ўраб олиб
Тўрт томонимни,
Қўймас эди ўз ҳолига
Йигит жонимни.
О, мен олтин юлдузларнинг
Даврасида жим,
Боқар эдим бамисоли
Ошиқ мунахжим...
Ногоҳ тошдан бир ажойиб
Юлдуз жилваси,
Мехр ёнган қўзларимга
Тушди шуъласи.

Уфуклари ёниб-яшнаб
Ярқиради Ер,
Севинчлари тошиб-қайнаб
Хансиради Ер:
Учиб үтган бу фазокор
Үғлоним, деди.
Юрагимнинг парвози бу,
Жавлоним, деди.
Буюк юлдуз фазолардан
Кечаркан порлоқ,
Қараб қолдим, қалбим тўла
Үтли иштиёқ.
Тиз чўқдиму сўнгра, сурдим
Сарзаминга юз;
Нурли-нурли умидларим,
Ўйларим сўнгсиз...
Она дедим, мен ҳам сенга
Бир пораи дил,
Севгим билан садоқатим
Қабул айлагил,
Буюр дедим, мен ҳам сенга
Фидойи бир жон...
Баҳт балқиган кўзларимга
Нур тўкли жаҳон...

1964



БИР ТУП ЖОНОН ҮРИК

Чорбоғчани нур ва соялар үрар
Туннинг олачалпоқ қоронғусида.
Чўпон гулханидай чўпланиб турар
Бир туп жонон үрик ой ёғдусида.

Шафақдай музайян, тонгдай осуда
Фунчалар лаболаб шуълаю шабнам.
Сув узра, сеҳргар сиймоб устида
Гўё порлаб ётар афсона бир шам...

Шивиллаб, бош қўяр қўксига еллар,
Бутоқлар чайқалар баҳт ҷолғусида.
Унга ой ортидан бир булбул келар,
Саҳарнинг баҳмалдай қоронғусида.

Бағрида куйланар гўзал бир достон,
Эгнида гул либос, бошида осмон,
Орзулари жўшиб, тебранар шодон
Бир туп жонон үрик ой ёғдусида...

1965



БҮЮК ТРАССА ИЛХОМИ

Гулдур-гулдур товуш келар
уфуқ тагидан,
Гулдур-гулдур... бўзликлардан,
чўл этагидан,
Трассадан – ҳароратли
ер юрагидан.
Техниканинг борлиқ бўйлаб
наъраси бунда,
Инсон қалби қанот урап
буюк тўлқинда.

Қўпораркан қирликларни
пўлат хартумлар,
Ўркач-ўркач ясов тортар
қўмлар, уюмлар.
Тер ва қуёш оғушида
дарёчи инсон,
Ҳансирайди... ҳамласидан
қоялар – тўзон,
Барханларни тикка қўзғар
олов қуюнлар...

Гулдур-гулдур қадам босар
буюк трасса,
Аму қайсар, тўлқинларда
түфён, талваса.
Кекса Жайхун, саркашлигинг
буткул бас энди,
Энди бизни четлаб ўтмас
дур мавжудотинг,
Зарафшонга туташади
кумуш қанотинг,

Бухоро, деб югуаркан
арғумоқ отинг,
Жонинг жонга пайваст энди,
камарбаст энди.

Мавжланасан чаманларнинг
гул ҳавзасида,
Далалардан гулдур-гулдур
келур садойинг,
Қўриқларга зийнат тўқар
баҳор чиройинг,
Боги замон, зеби жаҳон
андозасида,
Шонинг янграр фаровонлик
овозасида...

Нур соҳиби улуғ халқнинг
иродаси бу,
Халқ қудрати – фанимизнинг
порлоқ даҳоси.
Яратилур мўлчиликнинг
буюк дарёси,
Бу азамат қурилишнинг
зўр гулдуроси
Дунёларга довруқ солиб
яшайди мангур...

Довруқ учар ҳаволардан,
булут тагидан,
Довруқ учар трассадан,
ер юрагидан...
Гулдур-гулдур наъра чекар
экскаватор,
Гулдур-гулдур юракларга
олов соладир,
Азмимиздан қуёшгача
донг тараладир.

1965

ОЛТИН ЗИНА

Ноз-неъматдан дастурхонда гул чаман,
Шульалардан ҳар хонамиз нурхона.
Үйим гавжум... бир пайт аста чиқаман,
Юрагимда туйгулардан тарона.
Үраб олар мени шу дам эзгу тун,
Бағри тұла енгил туман, оқ тутун...

Эх, эзгу тун, чиройли тун, сирли тун,
Құп сирларга макон эрүр оғушинг.
Шамол елпир қулоғимга товушинг,
Мафтун-мафтун нигоҳингта мен мафтун.
Чиройингта чанқоқ-чанқоқ қарайман,
Чарақлаган чироқтарни санайман...

Юрт – чаман, деб шивирлайди лабларим,
Ҳар бир чироқ шу чаманда нур ғунча.
Ҳар бир ғунча – қуёш тұла тугунча,
Қуёш ғунча менинг илхом гавҳарим,
Шу гавҳарни шұльаларга тутаман,
Дил торидан дилбар садо кутаман.

Эх, қайдасан, янги йилим, давроним,
Янги ёшим, янги олтин чаманим.
Бағринг аро янги орзу, армоним,
Боғинг аро чечакларим бор маним.
Кел, келақол, күнглим яна баҳор эт,
Бахт мулкига куйларимни нисор эт.



Ватан бир ёш улғаяди бу кеча,
Оlam бир ёш яшаради бу оқшом.
Күнгил тори жаранглайди тонгтacha,
Бол тутади дудоқларга пола жом.
Хаяжондан диллар ёниб энтикар,
Умид билан истиқболга күз тикар...

Хей, истиқбол, менинг сирли малагим,
Кам бўлмасин умрларга инъоминг.
Умрларга умр инъом айлаким,
Жарангласин давраларда илҳоминг.
Илҳомингга биз орзуманд, биз ошиқ,
Зафар келтир дунёларга ярашиқ!

Хей, янги йил, олтин зина, гул даврон,
Айла бизни юксакларга равона.
Шараф топсин жумла жаҳон, жумла жон,
Шараф топсин озод замин, замона.
Бу замонни ўзинг гулгун замон эт,
Қуёш қадар баҳтимизни омон эт!..

1965



ТАБИАТ БАЗМИ

Нақ тәпамда чақмоқ чақар тинимсиз,
Сүнгсиз само ўт ичидә гуруллар.
Шамоллар ҳам жой талашиб, құнимсиз,
Юрагимда шамол каби түйғулар...

Хөвлиқма сел саваб ўтар бир мудлат
Жаранглатиб айвондаги чөлакни.
Безатади қатра-қатра бриллиант
Гилос кийган зұмрад ҳарир қўйлакни.

Чўғ-шұълалар учишади мұхташам,
Шўх бир лаҳза... боғлар, томлар оқ-кумуш.
Толзордаги эски инда дам-бадам
Типирчилаб, ғуғулайди она қуш.

Яшил ёнган қўзларида сирли тун,
Чақинлардан қўк чодири чилпора.
Дам ҳавода парпираиди оқ ёлқин,
Дам самони зулмат босар тимқора.

Нигоҳимда чақинларнинг шұъласи,
Күлоғимда гулдурослар қаломи.
Булутларнинг бошим узра ғалvasи
Табиатнинг истиқболга саломи...

Кекса қўприк чўчиб тушар чақмоқдан,
Япроқчалар шивирлашар уйқусиз.
Табиатнинг май базмиға йироқдан
Ҳавасланиб термилади бир юлдуз...

1965

ИШҚ ВА ОРЗУ

Үсмир қалби билан сени севгандим,
Узоқ вақт енголмай шарму ҳәёни –
Охир куйиб-пишиб «жоним» дегандим,
Кулган күзларингда кўриб дунёни.

Жоним учун жонсан ўшандан бери,
Хаёлингта мудом хаёлим пайваст.
Манглайимдан оқиб меҳнатим тери¹
Юрагимда яшар бир дунё ҳавас...

Менга севги эмас, дунё берибсан,
Дунё бўлганда ҳам бир дунё орзу.
Поёнсиз бир хаёл дарёсидаман,
Армон деб шунчалар ёнмагандим-ку...

Ажиб шуъла тўкиб киприкларингдан
Табассум қиласан, мен қоламан лол.
Жоним итобингдан оловланаркан,
Такаллум бошлайсан бир тўти мисол:

«Чақмоқдай ёнаркан жонингда орзу,
Сен севги ўтида ёна ва ёна,
Янги дарёлардан оқизасан сув,
Бошингда юксалар буюк замона...»

Үсмир қалби билан сени севгандим,
Узоқ вақт енголмай шарму ҳәёни –
Охир куйиб-пишиб «жоним» дегандим,
Кулган күзларингда кўриб дунёни.

1960

ХИЛОЛ

Тун ярим, мен беуйқу,
Бошимда күркам хаёл.
Бир маҳал нақ рүбарү
Балқасан, маъсум ҳилол.

Жимгина қанот ёзган
Олтин кабутар мисол.
Юксакка талпинасан,
Мен пастда ошуфтаҳол.

Осмон чексиз чамандир,
Сен – сирли сайёра қиз,
Күнглинг неларга бандир,
Нурли йўлларда ёлғиз...

Бир боқсам, ороланиб,
Ўрикзор устидасан,
Ошиқ қалбидай ёниб,
Нур базмини тузасан.

Бир боқсам, самолардан
Жило бўлиб қуйилдинг,
Мармар ҳовузни бирдан
Ёндириди табассуминг.

Бир боқсам, ёнгинангда
Қанотлар ўйнар күркам.
Ўрдаклар карвонига
Дарға бўласан шу дам.

Бир боқсам, мажнунтолни
Чулғайсан мавжинг ила.
Мафтун этиб хаёлни,
Барглардан оқар шуъла.

Бир боқсам, нозли, эрка,
Шамоллар қўйнида ҳур –
Ётган дала кўксига
Саломларинг тўкилур.

Бир боқсам, о, малика,
Ёнингда гўзал юлдуз.
Олис тепалик узра
Турасан дардли, маъюс.

Кўзғалур хотиралар,
Тағин тирналар ярам.
Унда тин олиб ётар
Жафокаш онагинам...

1966



УФУҚЛАР

Кўксингизда нур мавжи
Гоҳ тошар, гоҳи ухлар.
О, кўзларим юпанчи,
Мовийжило уфуқлар.

Сиз – қуёш севган соҳил,
Тўлин ойнинг ётоғи.
Бағрингизга туташдир
Бағримнинг чаман боғи.

Онамнинг кўзларида
Кўрдим сизни илк бора.
Шундан меҳрингиз дилда,
Шундан дилим хумора.

Не сир бор мавжингизда,
Мунча ёниб ахтардим?
Нечун термилиб сизга,
Тошли юракда дардим?

Гоҳо бир сирли оқшом
Умид сўрадим сиздан.
Тушди кўнгилга илҳом,
Ҳисларим оқди кўздан.

Мовий оинангизга
Чиздим ёр суратини.
Сиздан сўрадим ҳар гал
Хаёлим улфатини.

Бир гал ойли саҳрода
От сурдим олатасир.
Талпиниб рўпарамда
Мени этдингиз асир.

Не сир кечди, ажабо,
Сехрингизми, уфуқлар?
Кўз ташлаб кўнглим аро
Кўрдим сизни, уфуқлар.

Сиз билан бўлди равшан
Орзу-омолим менинг.
Гар қўнса сизга туман,
Не кечар ҳолим менинг?

Мовий қирғонгиздан
Шеъримга оқар шуъла.
Ватаним уфуқлари,
Ўпаман кўзларим-ла...

1966



БАҲОРДА БИР КУН

Уфуқлар беҳаракат,
Елларда уйқу, тиним.
Бир маҳал... зўр, баҳайбат
Булутлар қуийлар жим.

Тўлқин сел, тошқин ёмғир,
Чақмоқ қучишган бари.
Сузишар тоғдай оғир,
Чувалиб соялари.

Кўкка тўш тутиб яланг,
Борлиқ энтикар шу он.
Оғочлар жим, хаёлчан,
Құчмиш орзу, ҳаяжон...

Бир замон силкинар кўк,
Олов – қуш қанот урар.
Булутларни ёққудек
Чақмоқ чакиб парпирад.

Бир лаҳза олтин чўғин
Тўзғитиб ҳар ён қулоқ,
Беркинар, сўнг қўшиғин –
Сел бошлар сирли, бўғиқ...

О, дилнавоз садолар,
Узоқ уфуқлар довур –
Ёйиб нозу адолар,
Тошасиз шовур-шовур.

Ернинг мадҳими сизлар,
Кўкнинг шеъри, байтими?
Ёки порлоқ юлдузлар
Мехрини йўллайдими?

Дур парда либос ичра
Тўлғаниб ер – келинчак –
Кумуш маржонингизга
Тутар олтин гул-чечак.

Уфуқдан тошиб чиқиб,
Кетасиз уфуқ томон.
Ортингиздан кўз тикиб,
Қолар гўзал осмон...

1966



ЛУМУМБА ҚҰШИФИ

Унга юрак эди ва юрак доғи
Боболардан мерос таланган тупроқ.
Термілса тұнлари – умид чироғи,
Хұрсина – ҳасрати, күтарса – байроқ...

Занжирбанд онага хун бўлиб боқди,
Оловни эслатди лахта-лахта қон.
Юрак қони билан бир олов ёқди,
Қонли кишанларга ўт қўйди ўғлон.

Қора манглайини ёритди ёнғин,
Қора муҳит узра кўтарди овоз.
Кимлар эшитмади жон ҳайқириғин,
Лекин етиб келди аввал кишансоз.

Келди-ю чанг солиб, қалбини юлди,
Жонига ташланди ўлим тимсоҳи.
Сўнгги бор ҳайқириб, қадди букилди,
Ёнғинларда қолди ёниқ нигоҳи.

Дуд ва олов тўла она муҳитга
Ботаётган кундай термилди ошиқ,
Қон тўла қалбини отдилар ўтга,
Қанот қоқиб чиқди ундан бир қўшиқ...

«Шўрли қитъа, етим Африка, қўзғол,
Ерит, эй зулматни, ғазаб чақмоғи!
Тупроқ остида ҳам бир машъал мисол
Порлаган қалбимда қасос чанқоғи.

Ҳаром дунёдаги ҳаром жонларнинг
Ҳаром томоғидан ўтган луқмалар –
Яни сенга фарзанд нотавонларнинг
Юз йиллик қонини сўра, даъвогар!

Яна бағрингдаги мурдам қулига
Ҳирқираб йиқилар бир куни номард.
Мен шунда мальуннинг оқ ўлигига
Қора соя солиб, қўтараман қад.

Нурларга буркайди эрку баҳтингни
Бугун гулханларда ёқилган бошим.
Қоним юволмаган жароҳатингни
Ювиб кетар шунда севинч кўз ёшим...»

Унга юрак эди ва юрак доғи,
Боболардан мерос талангани тупроқ.
Термисса тунлари – умид чароғи,
Хўрсинса – ҳасрати, қўтарса – байроқ!..

1967



ШЕЪРИЯТ

Кўл ётарди тоғларга туташ,
Мавжларига шамоллар шайдо.
Бир болакай, нигоҳи оташ,
Бўлди бир кун соҳилда пайдо.

Уфуқларга талпинган зилол
Кўзларига бўларкан пайваст,
Бир зум қолди ҳайрат ичра пол,
Ҳаяжонда пол қолди бирпас.

Дам бир ҳадик, дам ҳавас билан
Мовий кўлга боқди болажон.
Бир хўрсишиш учди лабидан,
Юрагига тушди бир армон.

Эгилди-ю, садаф қайроқни
Мовий кўлга ташлади аста.
Сув бетида яшнаб бир оний,
Пайдо бўлди зилол гулдаста.

Яна отди, яна... пайдар-пай,
Юлдуз бўлиб сочили тўзон.
Кўл чайқалди, тошли болакай,
Унут бўлди жумлаи жаҳон.

Шовуллаган, тўлқинли дунё
Хаёлини қамради қучиб.
Бир пайт боқса, тураг шалаббо,
Кўл ичидан белдан сув кечиб.

Энтиқди-ю, ўзни сергулув
Тўлқинларга отди болажон.
Сузар бўлса, иқболга ёр у,
Чўкар бўлса, фидойи бир жон...

1967



II

Голибсан, гар эсанг ўзингга ғолиб,
Амр этиб, киролсанг ўзинг оловга.
Мағлубсан, гар эсанг ўзингга мағлуб,
Яна мағлубдирсан бошқа бирорга...



ДУРДОНА

Күк дengiz шовуллар ел қўйнида маst:
Ажаб бойлигим бор менинг бир дона.
Йўқ, олтин эмас у, олмос ҳам эмас,
Тонг юлдузи каби гўзал дурдона.
Ишқим оташидан яратдим уни,
Юрак қоним ила яшнатдим уни.

Кимда қуёш ўпар тоғлар виқори,
Дарёлар жўшқини мужассам эса,
Қалбида бир олам ҳаёт баҳори,
Орзу уйи кўкдай муazzам эса,
Мен унга ишқимни кўраман лойик,
Ва унга дурдонам этаман тортиқ...

1968



ЎЗБЕКИСТОН ТУНИ

Агар ўйларимни қопласа булут,
Агар умидларим қолса беқанот,
Агарда қалбимни қуршаса сұкут,
Агар адo бўлса руҳимда сабот;
Борлиғим банд этиб яшаш озори,
Совуқ туманига мени ўраса,
Қизиса афсуснинг аччиқ бозори,
Хаёл ўқинчларга мени судраса,
Шу замон шафқат-ла бошимга келиб,
Қаддимни суюмоқ асло шарт эмас,
Ўзбекистон туни бошинг узра, деб –
Менинг қулоғимга шивирлангиз, бас.
Қоматим чинордек ростланар шу он,
Қалбим типирчилар қўкка интилиб.
Болаликдан ошно фируза осмон
Чарх урар бошимда шафқатга тўлиб,
Ажиб сурур бўлар жонимга ҳамроҳ,
Менга паноҳ бўлар мўъжиза бир тун.
Мен унга маҳлиё, мафтунман, аммо
У кимга маҳлиё, у кимга мафтун?
Бу юртда шукуҳи, кўркини бир-бир
Тунларга бағишлиар қайноқ қундузлар.
Элимнинг беҳисоб армонларири
Самога сочилган миллион юлдузлар.
Хаёлдай чеки йўқ, ойдин уфуқлар
Халқимнинг уфуқдай хаёлин айтур.
Тўлин ой таратиб уфуқларга зар,
Ўзбек туйғусининг тимсолин айтур.
Доҳий табиатдан элимга эҳсон
Сеҳру синоатни бўлурми ўлчаб?
Бу тунлар жамолин бир кўрган инсон
Юртига кетолмай қолса, не ажаб,

Мұхаббат соларкан бошига савдо,
Хаёт солар экан руҳига жунун,
Дардини түнларға сўйламиш Лайло,
Бахтини түнлардан изламиш Мажнун...
Роҳатда мудрайди хазина тупроқ,
Ҳар лаҳза депсиниб, мўътабар жони.
Боғ аро эпкиннинг мавжида шу чоғ
Алишер қалбининг ширин жавлони...
Бу қадам шарпаси... азиз онага
Умрбод толенинг юлдузидай нек.
Юлдузларга ёндош расадхонага
Мағрур чиқиб борар султон Улуғбек...
Уфуқдан уфуққа ёйилган фалак,
Дарёларни қучиб, мудраган воҳа...
Ўзбекистон туни, ўзингсан бешак
Беруний топинган буюк илоҳа!
Улуг боболарнинг руҳига хитоб
Тоғларнинг тун аро ярқироқ боши.
Ҳув, танҳо булоқда тошади шу тоб
Бечора Фурқатнинг ҳақиқир кўз ёши...
Ширин бир хўрсишиш кезар ҳавода,
Баъзан қанот ёзар аламли бир оҳ.
Ўтмиш ва истиқбол мисли шаббода
Нозли тун сочини силайди, аммо
Сокин бир дарчада титрайди чироқ,
Онажон бағрида дўмбоқ кенжаси.
Ширин тушлар кўриб тамшанаар шу чоқ
Ўзбек тупроғининг гўдак хўжаси...
Она каби олиб боши узра тин,
Ҳаттоки тун қилар унга табассум.
Менинг ҳам хаёлим ёзиб қанотин,
Шу гўдак бошидан айланар ҳар зум.

Ярқираб кўринар қадим Бухоро,
Ярқираб кўринар гўзал Фарғона.
Эҳ, шу ширин фурсат, шу гўзал асно
Маъсум юлдузингни уйғоттил, она!

Уйғот, барқут тунга термилсин тўйиб,
Сўнгсиз сурур билан симирсин нафас.
Ўзбекистон туни бошинг узра, деб
Унинг қулоғига шивирласанг, бас...

1965



ОТАМГА ХАТ

Раис келиб эшигингга саҳардан,
Сени янги режаларга ўради.
Бир каттакон раҳбар тушиб шаҳардан,
Ғўзаларинг аҳволини сўради.
Зўр агроном келди кейин марказдан,
Хаёлларинг чувалтириди йироққа.
Мухбир келди, у ҳам билиб-билмасдан
Олаверди, олаверди сўроққа...
Телевизор сувратчиси дарада
Оқшомгача юрагингни ғашлади.
Сенга атаб худди ўша паллада
Радио ҳам эшииттириш бошлади.
Раҳбар келди, олим келди бирма-бир,
Мухбир келди, энди менинг навбатим.
Бошинг узра жаранглайди бесабр
«Қандингни ур!» – деган шеърий даъватим...
Ҳаммамизга қўйдинг ҳалол нону туз,
Бир пиёла чой ҳам қуйиб узатдинг,
Ҳаммамизга, ҳаммамизга бердинг сўз,
Ҳаммамизни таъзим билан кузатдинг...
Пайкалларда ризқимиз, у ғўзани
Гўё сенинг қўлинг билан экканмиз,
Ҳамма келиб, сўроқлаймиз ўшани,
Ҳамма унга қўзимизни тикканмиз...
Мудроқ босиб, шеър тинглайсан шийпонда,
Ўқийману босар мени хижолат,
Сен-ку азал адолатсан жаҳонда,
Аммо айт-чи, борми менда адолат?
Мен ҳам ахир яралганман қонингдан,
Жон топганман сенинг иссиқ қўйнингда,
Аммо ҳозир қайлардаман, қайдаман?

Тириклигим эса ҳамон бўйнингда...
Атрофингда неча оташ чўғ ўғлон,
Мен ҳам улар қаторида учқунман.
Мен ҳам битта учқунингман, отажон,
Аммо ўзим иқрор этай, қочқинман!
Экин экиб, сув тарашни кўрмай эп,
Йироқ кетдим хаёлларим ардоқлаб.
Ота, сендан йироқ кетдим илм деб,
Илмда-чи, кетолмадим йироқлаб...
Шаҳарларда кутиб алвон субҳидам,
Шеър битгунча ўзлигимни унутиб,
Бўлмасмиди ёнгинангда сув кечсам,
Бирга-бирга чигит эксам чанг ютиб...
Сен буларни ўйламайсан ҳар қалай,
Буюк ахир сенда инсоф, андиша.
Лекин ўғлинг ўзин нечук оқлагай?
Хузурингда бошим эгик ҳамиша...
Сурмоқдаман мен экмаган неъматлар,
Мен йиғмаган насибалар завқини.
Хаёлимда мен экмаган дарахтлар,
Мен экмаган далаларнинг шовқини...
Мадҳ этаман мақтовингни ҳижжалаб,
Мадҳ этаман сандиқдаги молингни.
Лекин, отам, булар бари эриш гап,
Мен билмасам, ким билади ҳолингни...
Ўй ўйлайсан, умр ўйсиз ўтарми,
Бир дамгина ўй қилмасанг, не бўлғай?
Деҳқон отам, иморатинг битарми,
Бир йилгина тўй қилмасанг, не бўлғай?
Деҳқон отам, доим ўйга тўлгину
Тўйга тўлсин сен битказган иморат.
Олам учун сен саломат бўлгину
Олам бўлсин сенинг билан саломат.

Йироқ кетган болаларинг маъзур тут,
Улар – зумрад далаларнинг гадойи.
Дехқон отам, иқроримиз манзур тут,
Бизлар дилда ҳамон ўша сахройи.
Буюклардан буюклар бор зиёда,
Даҳлсиздир олийлиги, виқори.
Бири – қуёш, бири – сенсан дунёда,
Шу замину осмонданам юқори!

1967



УЛФАТЛАРИМ

Танқо үзим... сув құйғандек жим хона,
Сим-сим оқар сониялар, фурсатлар.
Эшик очиб бир пайт аста, пинҳона,
Кира бошлар ҳұзуримга ҳасратлар.
Үт тушади оромимга шу замон,
Ҳаловатим кундузини тун босар.
Киришади ун чиқазмай, безабон,
Киришади соя каби сарбасар...
Бири сулув, бири хунук, бедаво,
Бири босиқ, бири титроқ, асабий.
Ағер каби бири безбет, беҳаё,
Бокарамдир бири маъсум ёр каби.
Саф чекишар ҳұзуримда бош эгиб,
Ёлворишар, құзларимга боқиб жим.
Құйма, улар ҳолинг хароб этар, деб,
Юрагимда фарёд чекар аллаким...
Инсон қалби баҳт излаган қүш эмиш,
Унинг битта қанотимиш ҳасратлар,
Ҳасрат – қанот? Бу ёлғонни ким демиш,
Ҳасратларим – қон ялаган калхатлар!
Булар бари – ишқдан айру тунлару
Орзулардан йироқ түшган кунларим.
Булар бари – қалбим ютган хунлару
Үкинчларда чеккан аччиқ унларим...
Бири чалиб мунгли-мунгли наволар,
Юрагимда тугун бўлиб ётмоқчи.
Ёш бошимга бири солиб савдолар,
Бири мени қуюнларга отмоқчи...
Мана улар, худди очқұз оломон
Қуршаб келар... чидамайман, йүқ, асло!
Сапчиб туриб, бир ҳайқириқ соламан,
«Йүқ, йүқ, Яго!» – деган каби Отелло,
Тирқиратиб, эшик сари сураман.

Тингламайман улар чалган навони,
Эшигимни қарс ёпаман, ортидан
Эшитилар ҳасратларим афғони...
Шодликларим топиб энди тасалло,
Күшик каби қанот ёзса, не ажаб?
Аммо ажаб, улар мунча бежило,
Бечорақол боқишида, не сабаб?
Севинчларга макон бўлган хонамда
Ҳасратлардан фориғ бўлиб яшайман.
Бир номаълум соғинч кезиб танамда,
Бир номаълум ғамга тўлиб яшайман...
Шодлигим мўл, аммо қалбим бир чети
Бўм-бўш тураг ҳувиллаган уй каби.
Кимларни дир қўмсаб инграр сукути,
Етим уйда шамол чалган куй каби.
Инсон қалби баҳт излаган қуш эмиш,
Унинг битта қанотимиш ҳасратлар.
Ҳасрат – қанот? Ким деса ҳам, чин демиш,
Қаердасиз, бағрим ёқар улфатлар?
Киринг, аста эшигимни қиялаб,
Севинчларим топсин эски ошнасин.
Ҳасратларга чидам бериб, ёнсин қалб,
Шодликлардан қуёш эмиб, яшнасин,
Ёлғиз асал, ёлғиз заҳар татимас,
Ҳаёт, менинг қўлларимга тут шароб,
Шарбатида шодлик жўшган мусаллас,
Ачитқиси ҳасрат бўлган майи ноб!..

1968



ОНА ЎТМИШ, ОНА ИСТИҚБОЛ

Туш чоги... Танҳоман кимсасиз боғда,
Бола кўзларимда – ловиллаган ёз.
Бир пайт исмим айтиб, билмам қаёқдан,
Мени чақиравди ғойиб бир овоз...
Унсиз теваракка боқардим ҳайрон,
Жимжит далаларга термилардим жим.
Борлиғим ўради ҳадик-ҳаяжон,
Ўрмалай бошларди бағримда ваҳим.
Олазарак бўлиб бирпас ҳар ёна,
Машғул бўлар эдим ўйинга қайтиб.
Бир маҳал.. энтикиб боқардим яна,
Кимдир чақиравди исмимни айтиб...
Маъсум болалигим – ҳуркак нигоҳим,
Олис бир юлдузсан энди мен учун.
Аммо ўша овоз ҳамон ҳамроҳим,
Ҳамон ҳамроҳимдир ўша сирли ун.
Суронли йўлларнинг олис қаъридан,
Гавжум кўчаларнинг шовқини аро,
Мудраган руҳимга ўт солиб бирдан
Ўша овоз янграп мағрур ва бурро!..
Фойиб бир қудратнинг фойиб садоси
Бошимда қуаркан янгроқ тантана,
Мени ўраб олар ўкинч дарёси
Ва умид дарёси ғарқ айлар яна...
Тўхтаб, теваракка термиламан лол,
Нимадир излайман, топмайман фақат.
Сўнгра ўз-ўзимга бераман савол,
Сўнгра ўз-ўзим-ла қураман сұҳбат.
Нима бу – руҳимга берувчи қийноқ?
Нима бу – фикримга бермовчи қўним?
Бу – менинг кечаги кунимдир, ўртоқ,
Бу – менинг безовта эртанги куним!

Гүё фарзандиман икки онанинг,
Үртада тураман интизору зор.
Үтмиш «Унутма!» – деб чақирар мени,
Истиқбол чақирар, күрай деб дийдор.
Майлига тонг бўлсин, майлига оқшом,
Руҳим мудроғини совуриб атай,
Она үтмиш, мени чорлаб тур мудом,
Она истиқболим, чорла пайдар-пай.
Бир менми хаёллар домида бу дам
Олис келажакдан сўраган ҳаққим?
Олис үтмишини салмоқлаб бардам,
Олис истиқболин ўйлади халқим.
Кечмишни унугтан қолур бенаво,
Эртани унугтан бўлади забун.
Үтмиш – истиқбол, деб аталган дарё –
Мени қаёқларга элтасан бугун?
Оқиб бормоқдаман шу буюк сувда,
Тўлқинда тебранур кўксимдаги соз.
Созга сабо етса, турмас осуда,
У титраб, жаранглаб чиқарар овоз.

1968



* * *

Менга илашибди ажиб бир очлик,
Бағримдан оқса-да шу азим дунё,
Қалбимда яшайди қора мұхтожлик,
Күмсоқ рұхим ёнар топмай тасалло.
Мен түлқин бағрида кезганим ҳаёт
Гоҳо бағрим аро ясайди түлқин.
Лекин бир сипқорсам, битади, ҳайқот,
Яна ютоқ қалбим қолади юпун...
Қорни оч бўлса-да, кўзи тўқлар бор,
Қорни тўқ бўлса-да, кўзи очлар ҳам.
Менинг қалбим очдир, ютоқ, ташнадир,
Турфа ғамлар аро турфадир бу ғам...
Кўзни тўйдирармиш бир ҳовуч тупроқ,
Қорнига давомиш ярим бурда нон.
Аммо менинг кўнглим ранго-ранг порлоқ
Оlam жилвасига тўяди қачон?
Оlam ёғдусидан яралган коса
Наҳот олам билан бир кун тўлмагай?
Бир япроқ бандидан узилди аста,
Кўлимга қўнди-да, леди: бўлмагай...
Бўлмагай, бехуда бўлма орзуманд,
Оlam элчисиман, қуёшдан учқун.
Назар сол, нега мен юракка монанд,
Учган бир юлдузга ўхшайман нечун?
Нечун бағрим аро кўзинг қароги,
Кафтинг чизиқлари кўринар аён?
Кафтинг чизигида қалбинг вароги,
Қалбинг варогида дардинг намоён?
Бағримда минг битта ҳақиқатинг бор,
Минг бир ҳақиқатга тимсолман яна.
Сенинг-ку, минг битта жавобинг тайёр,
Лекин мен минг битта саволман яна.

Энг сүнгти жумбоқда яшайди нажот,
Энг сүнгти жумбоққа қўл урганинг дам
Ютоқ юрагингни тарк этар ҳаёт,
Чанқоқ кўзларингдан чекинар олам...
Менга илашибди ажиб бир очлик,
Бағримдан оқса-да шу азим дунё,
Қалбимда яшайди қора муҳтожлик,
Кўмсоқ руҳим ёнар топмай тасалло...

1967



ҚОРА ТОШ

Қаро тун бағрига аста кираман,
Аста кириб келар бағрим аро тун.
Нечун барқут тунни маъюс қўраман,
Маъюс кўнглим шодон қўрмайман нечун?
Сўқир кўзларини менга тикиб жим,
Қаршимда липиллар хира бир соя.
Сўйла, сен эмасми ўртаб вужудим,
Руҳимга зил чўккан қўхна ривоя?..
Бувим сўзламишди: очкўз, очофат
Қизилқумнинг олов тўлқини аро –
Бир харсанг ётармиш қўрқинч, баҳайбат,
Юзи уқубатнинг юзидаи қаро...
Қайноқ қумга ботиб вазмин ва залвар,
Етаркан бечора ўксик ва унут.
Ҳавасин қўзғаркан қора қарғалар,
Ҳасадни қўзғаркан қоп-қора булут,
Ҳайвон-ку боқмаскан унга қайрилиб,
Четлаб ўтар экан уни одамзод.
Ўзининг дардида ўзи қоврилиб,
Бечора баъзида чекар экан дод...
Бу кўхна ривоят, унинг дастидан
Қалбимда қилмишди қора бир тугун.
Лекин ўша соя йўлим устидан
Ваҳим солиб чиқиб қолди-ку бугун?
Қорайиб тупроққа ботганди қадди,
Бужур чехрасидан оқар эди ёш.
Йўл тўсиб, қўл чўзган тиланчи каби,
Менга ҳасрат айтди мунглиғ қора тош:
«Фарив бечораман, болам, четлама,
Мен – дунё ташвиши аталгувчи ғам.
Поақал бир нафас қўттар елкангта,
Поақал елкангда қўттар бир қадам...»
Бу қандоқ кўргилик, бу нечук савдо?

Ёник титроқ ичра қолди вүжудим.
Четлаб үтголмайман, лекин ажабо,
Күттармоққа эса етмайди кучим.
Ялиниб-ёлворар мунглиғ қора тош,
Күттарсам, залвари этади абгор..
Қора тош қаршимда түкиб турар ёш,
Четлаб үтай десам, бўлгум шармисор..
Қора тун бағрига аста кираман,
Аста кириб келар багрим аро тун,
Отам руҳи, ўзинг мадад бер, бу дам! –
Дея ёлвораман, ёнаман бутун...

1968



ТАСАВВУР

Мен кимман Заминда – зарра бир кукун,
Замон мужгонида бир заррайи хок.
Тасодифан ҳалок бўлмадим бир кун,
Лекин тасаввурдан бўлурман ҳалок.

Ўзимни тўшакка ташласам беҳол,
Кулоғим остида бошланар ғувур.
От суриб келади минг битта хаёл,
От суриб келишар минглаб тасаввур.

Деразам ғийқиллаб очилар хаста,
Парқув бир булатга айланар болиш.
Бир маҳал... қўзғалиб, учаман аста,
Кўзимда ҳайрату кўнглимда нолиш...

Ҳайрат – шу муҳташам жаҳон ҳайрати,
Нолиш – шу жаҳонга ташна армондан.
Мен аввал энтикиб, босиб савлати,
Қўз узмай тураман Ўзбекистондан.

Киприкларим аро парпирад шу чоғ:
Бир ёнда Сайхуну, бир ёнда Жайхун.
Мен – Жайхун ўғлингни маъзур тут, тупроқ,
Сайхундай хаёлга чўмибман бугун...

Сенинг осмонингдан соғинч билан маст,
Қадрдон элларга ташласам назар,
«Ўғлим!» – деб чақирав мўйсафид Кавказ,
«Ўғлим!» – деб чақирав дарёйи Ҳазар...

Кейин осмонбагир Русни кўраман,
Қаршимда очилур мовий бир муҳит.
Қаршимда очилур мовий бир чаман,
Ватанким – чеки йўқ, чегараси йўқ!

Яна бир интилиш, яна бир жавлон,
Мен ойдин диёрлар осмонида шай:
Бир тараф – Балтика, бир тараф – Болқон,
Бир ёнда – Днепр, бир ёнда – Дунай.

Ажиб бир ҳаяжон барқ ураг қонда,
Мен – башар ўғлони, бу – менинг Ерим:
Бир тараф – Истанбул, Париж – бир ёнда,
Бир тараф – Қоҳира, бир томонда – Рим...

Бу намчил қирғоқлар, қаранг, тиккадир,
Туманли ҳавога ўрламиш кўркам.
Ундан нари – буюк Атлантиканадир,
Меникидир ўша Атлантика ҳам!

Шу Осмон, шу Замин – менинг Ватаним,
Шу Осмон, шу Замин – менинг Худойим.
Бунда бегона йўқ, барчаси маним,
Менинг Америкам, менинг Хитойим!..

Шуларни айтай, деб бир кун мабодо
Мен жаҳон томидан қичқирсан дилхун,
Дунё жимиб қолар бир нафас, аммо
Шу замин топилар бир неча маътун.

Қийқириқ, калака: «Ёлғон бу, ёлғон!..»
Лекин мен кесаман уларнинг дамин:
– Башар авлодининг барчаси – инсон,
Ватан ҳаммамизга – шу буюк Замин!

Милтиқлар қарсилаб отилур, ҳайхот,
Сүнгти дам... Учаман жарга, алвидо!
– Башар авлодидир жумла одамзод,
Ватан ҳаммамизга – шу буюк дунё!..

Бир маҳал күз очсан қайдаман, қайда?
Хужрам нимқоронғи... Үнгимми ё туш?
Бағримни сийпалаб ётганим жойда,
Күксимни чангаллаб ётибман беҳуш.

Мен кимман Заминда – зарра бир кукун,
Замон мужгонида бир заррайи хок.
Тасодифдан ҳалок бўлмадим бир кун,
Лекин тасаввурдан бўлурман ҳалок...

1969



ҚАЛБДАН САДО

Яна одам кетди, яна бир вафот,
Фарёд чек, эй менинг бечора күнглим.
Яна мағлуб бўлди бугун бир ҳаёт,
Яна ғолиб бўлди бугун бир ўлим.
Умр деб аталган жанггоҳ устида
Мусибат байроғи ҳилпирад, қора.
Кўз юмди яна бир инсон мангуга,
Юз очди юракда янги бир яра.
Табиат, тушунтир, не кори ҳол бу,
Нима бу – ногаҳон қора тажовуз?
Синони йиғлатган қўҳна савол бу,
Ўлим, сен мунчалар юҳосен, ёвуз?
Қалб билан мунаvvар умр шишиаси
Ажал қоясига тегдию синди.
Тун билан қоришиди ҳаёт шуъласи,
Сўнди, ёнмас энди, ёнолмас энди.
Миллиард йил яшайди шу номард ўлим,
Миллиард йил емишдир унга одамзод.
Эвоҳ, бу савдога ким кўнибди, ким?
Лекин кўникмай ҳам бўлмайди, ҳайҳот!
Шундоқ куйинардим, чекар эдим ғам,
Дўстим азасида аламга ҳамроз.
Ёниқ ҳасратларим мавжини бирдан
Ёриб, қалқиб чиқди ёниқ бир овоз:
– Ҳей, мунча тоширма доғи ҳасратни,
Суриштиrmай, ҳадеб ютаверма хун.
Ошкор сўйлай сенга бир ҳақиқатни,
Дўстинг ўлган эди ўлмасдан бурун.
Ким сезди, ўзи ҳам сезмади балки,
Йўқса, чекмасмиди фифону фарёд.
Дунё дунё экан, ғоят ажабки,
Ҳаётдай ўлим бор, ўлимдай ҳаёт.
Хирсу ҳавас кўйи ром этди кўнглин,
Булғанди тилаги, орзу, нияти.

Бир кун ҳаром сари узатди қўлин,
Соврилди ибоси, ўлди уяти,
Ҳасадни ўзига айлади пешров,
Ҳавасни ўзига айлади пеша.
Сўнди қалбидаги сўнгти бир олов,
Ўлди руҳидаги инсоф, андиша...
Сўнгра ўчди қўнгил қўзидағи нур,
Қўзини қоплади қора бир сафро.
Тирик мурда бўлиб кечирди умр,
Ҳаётда барҳаёт инсонлар аро.
Ўлим солар экан руҳига оғу,
Ҳаёти оҳиста топаркан барҳам,
Дўстим ўлмоқда, деб ютдингми қайғу?
Дўстим ўлмоқда, деб тутдингми мотам?
Бас, энди бехуда ҳиқиллаш нечун,
Бемаврид кўз ёши... Ўчир овозинг,
Дўстинг ўлган эди ўлмасдан бурун,
Энди кимга керак у йиғлоқ созинг!

1968



* * *

Жоним,
Умринг оний, омонат...
Елда қалтираган
етим бир япроқ.
Уфуқ этагида
Унсиз милтираган
хира бир юлдуз
«Ширт» этиб узилсанг,
Ногоҳ ботиб кетсанг,
Мен – бу умр саҳросида
Сарсон бир йўлчи...
Йўлларимни
Қоронғилик босар,
Ўйларимни – алам,
«О баҳт!» – дея,
Илтижода чўзган
Қўлларимни
Шартта қирқиб ташлар
Кисмат қиличи...

1968



АЛВИДО

Устоз *Ойбек хотираси*

1

Эй кўзим булоғи, қайна беомон,
Эй сабрим қўрғони, емрил сарбасар,
Менинг фарёдларим, юксалиб чунон
Оlamга қазодин етказинг хабар:
Ойбек вафот этмиш... Офтоб шурни,
Офтобдай умрни қуршамиш вафот
Сўнгсиз бир сукунат ғарқ этмиш уни,
Етим бўлиб қолмиш бошида ҳаёт...

2

Буюк дарёларга монандир бугун
Тонг аро ўзбекнинг кўзидағи ёш.
Наҳот, ғофил қолдинг, эй кекса, очун?
Наҳотки, ғафлатда муз қотдинг, қуёш?
Тупроқ ҳам йиғлайди... Қандай қаро кун!
Бовар айламоққа етарми бардош?
Ойбек вафот этмиш!.. Йўқол, эй ёлғон,
Ойбек – ўлимлардан юксак бир ўғлон!

3

Ҳали кетмай туриб диллардаги доғ,
Ҳали битмай туриб кўксимиз чоки,
Ҳали тинмай туриб кўзларда булоғ,
Ҳали совимасдан марҳумлар хоки,

Бу не жафо тағин, бу не бало, ғам,
Қуюндан ёпприлган бу қандай қайғы?
Эй кеча жонларни емирған мотам,
Яна емирмоққа келдингми, ёху!

4

Саҳар. Чўлпон юлдуз ёнади ёрқин,
Шоир сиймосида ҳаёт видоси.
Томирида сўнгти, энг сўнгти оқин,
Қалбидан энг сўнгти ҳаёт нидоси...
Қани кўзларида порлаган чақин?
Қани ҳисларининг тошқин дарёси?
Алвидо, эй замон, фурсат етди бас,
Тарих боши узра эгил бир нафас!..

5

Алвидо, сенга ҳам, эй ёруғ тимсол,
Дунёларни қамраб порлаган уфуқ.
Сенга ҳам, алвидо, эй денгиз – хаёл
Ки, асло чеки йўқ, чегараси йўқ.
Алвидо, қаламки, мангаликка пол,
Алвидо, кўзларки, мангуга юмуқ.
Алвидо, ҳаётки, яратиб ҳаёт,
Энди мангаликка тин олар, ҳайҳот!..

6

Унда жўшар эди ўтли бир уммон,
Ўзбекнинг закоси эди унда жам.
О, унинг руҳида яшарди омон
Алишер илҳоми кашф этган олам!

Унда буюк эди эътиқод, имон,
Сурури дилларда балқирди ойдек,
Халқим, неча даврон ярқираб чунон,
Қалбинг самосини ёритди Ойбек!
Кимлигинг оламга кўрсатиб ўтди
Қутлуғ манглайида балқиган даҳо,
Бугун у оламни мангу тарқ этди,
Лекин мангу қолди шу олам аро...

7

Кўзимиз булоғи қайнаган шу тоб,
Ҳасратнинг шу қора, ёниқ айёми,
Сенга талпинаман, эй нурли офтоб,
Сенга топинаман, ўзбек каломи.
Элим самосида порла тоабад,
Жаранг бер жаҳонда токи қуёш бор,
Истиқбол, Ойбекка она бўл фақат,
Табиат, Ойбекдан айирма зинҳор!..

12 июнь, 1968



* * *

Юрагингда тотли ғам,
Юзингга ёғар шабнам.
Кездинг, тентидинг танҳо,
Хаёллар бўлди ҳамдам.

Лабингда сирли титроқ,
Тун бўйлаб юрдинг йироқ.
Қишлоғинг ортда қолди,
Ортда қолмади фироқ.

Йўлингта туташди қир,
Қоялар сўйлади сир.
Сўқмоқлар изинг ўпиб,
Чувалиб қолди бир-бир.

Ҳар ёнга нигоҳ отдинг,
Юлдузларга сўз қотдинг.
Муродинг гулшанини
Саболардан сўратдинг.

Сой бўйида мисли қуш
Турдинг бир лаҳза беҳуш.
Тонг келиб, этагингта
Тўқди бир коса кумуш...

1969



* * *

Табиат құдрати бүлсайди менда,
Хиёнатни этиб мангу бағри қон,
Йигитман деганнинг юрак түрида,
Ясадим мардликдан үтли бир құрғон...

Табиат құдрати бүлсайди менда,
Разолатни этиб мангу гирёна,
Аёлман деганнинг юрак түрида
Ясадим ғуурдан нурли кошона...

Табиат құдрати бүлсайди менда,
Бунёд этар эдим ноёб бир самар.
Ғуур ва жасорат қовушган жойда
Надоматдан сира бүлмасди асар...

1969



АКАМ ОЛИМ БОЙЖОНОВ ХОТИРАСИ

Ака, мен йўқликдан сени сўрайман,
Қайга ғойиб бўлдинг бундай баногоҳ?
Бир огоҳ борми деб, ҳар ён қарайман,
Ҳолингдан на замин, на замон огоҳ.

Кексалар кўрибди кеча далада,
Ғўза суфорибсан, қўлла кетмонинг.
Кетмонинг турибди, сен йўқсан аммо,
Жимжитдир ҳовличанг – хомуш маконинг.

Болалар кўрибди ариқ бошида,
Кўпприк тузатибсан, манглайнинг танғиб.
Манглайнинг танғиган белбоинг мана,
Ҳамон мушкин ҳидинг турибди анқиб...

Қўшнилар кўрибди бугун субҳидам,
Қадрдон пахсага суяниб сўлғин,
Жимжит далаларга боқибсан бир дам,
Сўнг уйга кирибсан букчайиб, ҳорғин.

Пешинда халойиқ бошинг узра жим,
Уйингдан чиқибди унсиз бир тобут...
Ака, кўрдим сўнгги маконингни ҳам,
Тилсиз тепаликда турибди событ!

Шу ерда қучибсан оғир бир уйқу,
Шу ерда тинибсан, тиним билмас жон.
Акажон, алам бу, доғи ҳижрон бу,
Энди кўришмаймиз сира, акажон!..

Бекарор ой нури ҳар ярим кеча
Жимжит хоналарни айланар сузиб.
Тўзғиган дўппингни босиб кўксига,
Аёлинг кўз ёши тўкали ўксиб...

1967

ҚАСРЛАР

Қош қорайди, сир пардасин ёпинди олам,
Борлық узра қанот ёзди мовий мангулик.
Бир поёңсиз сукунаттағар бүлди хонам,
Сувдай сокин сизиб кирап нимқоронғулик...
Мунис палла, сени жондан севаман нечун?
Оғушингда хаёлларим ўйнайди ғужфон.
Олис-олис сарҳадлардан келаётир тун,
Тун бағрига аста-аста кирмоқда жағон.
Қани мен ҳам барқут оқшом парчаси бўлиб,
Ўша мовий уфуқларни бир бора кезсам.
Сирли-сирли қасрларга келсам рўбарў,
Иқболимга эшик қоқиб: «Сим-сим, оч!» десам.
О, нима бу? Найза бўлиб санчар юрагим,
Эгиламан, хаёллардан қолмайди асар.
Қалтирайман, лабларимда қотар табассум,
Қўрқа-писа қалбим сари ташлайман назар...
Ёху, шунда қалбим эмас, қалбим ўрнида
Кўринади кўзларимга унут бир макон;
Хира чироқ милтирайди унсиз қўйнида,
Йўл оламан ўша маъюс остона томон.
«Қалбим уйи» – шивирлайман негадир ғамгин,
«Қалбинг қасри» – яна кимдир шивирлар шу он,
Тор, қоронғу даҳлиз бўйлаб юраман ҳорғин,
Унсиз, тилсиз эшикларга боқаман ҳайрон...
Бу деворлар бир қараашда танишдай гўё,
Бир қараашда нотанишдай туялар нега?
Бу йўлаклар нега хомуш ташлайди нигоҳ,
Сукут сақлаб, нималарни сўйлайди менга?
Чала ёруғ бир ҳужрага қўяман қадам,
Қоқ ўртада шип зарбидан энкайган устун.
Бир томонда нур титрайди хира ва мубҳам,
Бир томонда булут каби қоп-қора тутун.

Хасратларим гүшаси бу, пайқадим дарров,
Юз үгириб яна нари кетдим дафъатан.
Сенмисан бу – эътиқод деб аталган олов?
Сенмисан бу – орзу дея аталган чаман?..
Лекин, қани мұхаббатим қайноқ чашмаси?
Қани йигит хаёлимни чулғаган садо?
Қани мени сармаст эттан баҳтим нашъаси,
Наҳот гүдак кулгисидай кунларим адo?
Нур чашмаси, сени баҳтим деган әдим-ку,
Қайдан шунча қалашибди бағрингта тошлар?
Сендан айру құзларимга жақон қоронғу,
Сендан айру кунларимни ёқсін оташлар!..
Гүшалардан гүшаларга үтаман яна,
Ҳар қадамда пўпанакзор мудрар мунг ёйиб.
Ҳар қадамда йиқиқ девор, синиқ остана,
Инграб ётар зах заминга қўксини қўйиб.
Ҳайрон бўлиб боққан әдим ҳолингта илк бор,
Сўнгти бор ҳам термиламан ҳолингта ҳайрон,
Алвидо, эй қалб аталган бузғун чоллевор,
Алвидо, эй қаср отлиғ кулбаи вайрон!..
Эшик сари отиламан, лекин изимдан –
Отилади «Тўхта!» деган қўрқинч бир хитоб.
Ўғри каби ён-веримга жавдираб зимдан,
Бўйним қисиб ора йўлда қотаман шу тоб...
«Аянч одам!
Қаср солиб ўтади умринг,
Қаср аро яшайсану қалбинг харобот.
Аввал мени мазах этдинг, кейин унутдинг,
Қалбинг қасри борлигини айламадинг ёд.
Сен виждонга гоҳи-гоҳи чап берганинг дам,
Бағрим ёниб, деворларим қулади бир-бир.
Сен пасткашлиқ даргоҳига қўйганда қадам,
Бағринг аро харобага айландим охир...»

Сүнгра жимлик... Сүнгра бирдан совуқ
қаҳқаҳа:
Хо-xo-xo-xo!

Xe-xe-xe-xe!

Xa-xa-xa-xa-xa!..

1969



САРФЛАНМАГАН ЮРАК

Бемор алахлайди... миттирайди шам,
Умр шами ёниб бўлмоқда адо.
Одамга алвидо айтади олам,
Жисму жон жаҳонга айтар алвидо.
Тун қопламиш идрок мулкини тамом,
Тасаввур кўкини қопламиш тутун.
Фақат юрак... юрак безовта, гирён,
Қафасдаги қушлек қичқирап дилхун:
– Кўзлар, қаёқдасиз, боқинг бир муддат,
Оlam чиройига термилай такрор!
– Мангу тин олмоққа етиши фурсат,
Маъзур тут, азизим, қолмади мадор...
– Кулоқлар, қайдасиз, тингланг бир муддат,
Оlam садосини эшитай такрор!
– Мангу тин олмоққа етиши фурсат,
Маъзур тут, азизим, қолмади мадор...
– Оёқлар, қайдасиз, қўллар, қайдасиз?
Қайдасиз дарёдек жўш ургувчи қон?
– Жоним, ўтинчларинг бари фойдасиз,
Маъзур тут, чарчадик, тугади дармон...
– Йўқ, мен унамайман!
– Ўзингга жабр...
– Бағримдаги олов эмасми увол?
– Биз ўз бурчимиизни ўтадик ахир...
– Мен яшаш истайман!..
– Майли, яшай қол...
– Ҳаёт ишқи буюк, қийин ажрашим,
Изоҳ бер, эй ақл, эй расо қудрат,
Нега сарфланмайин қолди оташим?

Сукунат...

Сукунат...

Сукунат...

Ярим тун маҳали танҳо қабрдан
Хўнгир-хўнгир йифи таралар ҳар ён.
Қора қисматини қарғишилаб бу дам,
Сарфланмаган юрак чекади афғон...

1969



ФУТБОЛ

Тил ҳайқириб айтган нидо кўп бунда,
Дил ҳаприқиб айтган турфа садо кўп.
Шундадир югурик полвонлар, шунда –
Бўрон қувган баргдай сарсари бир тўп...

Тошкент тепасига ёйиб ёлқинлар,
Бирдан оҳ уаркан етмиш минг юрак.
Ложувард самода чақнаб чақинлар,
Мусаффо фалакда кезар гулдурак.

«Пахтакор» гашти бу!.. Бир олам сурур,
Яъни, замираидя янгроқ тушунча.
Лекин, ватандошим, менга тушунтир,
Мунча ўч бўлмасанг, футболга мунча...

Футбол дейиларкан, тин олиб созинг,
Ажиб бир туйфуга бўласан тутқун.
Фақат футболмидир гуррос овозинг,
Гуррос сафларингни оқизган тўлқин?

Нима бу? Балки бир ҳисдир мастона,
Сенинг бу мажнунвор меҳрингта сабаб,
Балки ҳайқирмоққа бу бир баҳона,
Балки бир эрмакдир, балки бошқа гап...

Майли, не бўлса ҳам сенга буюрсин,
Мени асир этган ўзга бир хаёл.
Оlam инонмаса, кўз очиб, кўрсин,
Кўрсин, оламаро неча ранг футбол...

Мана, миллиард йилким Машриқ ҳар саҳар
Оламни тўлдириб овозасига,
Қуёш коптогини киритмоқ бўлар,
Тўп тепиб Мағрибнинг дарвозасига...

Футбол майдонидир жумла коинот,
Ер – копток ўртада талашдир азал.
Битта дарвозанинг исмидир «Ҳаёт»,
Битта дарвозанинг исмидир «Ажал...»

Майдондир шу ўзи Куррайи Жаҳон,
Қалтис бир «ўйин»га майдондир мутлақ.
Тўхтамай тўп тепар Иблис ва Инсон,
Тўхтамай тўп тепар Ҳақсизлик ва Ҳақ.

Мудом чирпиракдир шу менинг қалбим,
Уни копток қилиб тепар беаёв:
Бир ёқдан – Муҳаббат аталган «ғаним»,
Бир ёқдан – беомон Нафрат деган «ёв».

«Ўйин» давом этар... Мен шўрлик ҳайрон,
Гоҳо таним яйраб, гоҳо увишиб.
Гоҳида кўтариб ҳайқириқ, сурон,
Гоҳида нафасим ичимга тушиб.

Тил ҳайқириб айтган нидо кўп бунда,
Дил ҳапқириб айтган турфа садо кўп.
Шундалир югурик полвонлар, шунда –
Бўрон қувган баргдай сарсари бир тўп...

1970



БИР ТОМЧИ ҚОН

(Сұхбат)

– Ҳаёт базми, баҳт талошида
Орзуларинг яшнайди дуркун.
Қалбинг ёриб, қабринг бошида
Майса-гуллар ўсади бир кун.
Аммо қүркүма, қолмайсан сұлиб,
Келар бир кун қошингта қуён.
Майса әдинг, энди қон бўлиб,
Юрагига сингасан шу он...
Қуён қалби титрар бетиним,
Типирчилаб тинчимас сира.
Кунларингни ўрайди вахим,
Тунлар ўтар таҳлика ичра.
Аммо шундай кетмайсан қолиб,
Тушар бир кун ортингдан бўри.
Ҳаёт экан, қувганлар ғолиб,
Қочганларнинг қурийди шўри.
Уруғдошлар келмас кўмакка,
Шўрлик қуён таслим этар жон.
Қўрқоқсан-ку ёвуз юракка
Титраб-тиграб сингасан шу он.
Тун. Тепалик. Февраль аёзи,
Бирдан чўзиқ, даҳшатли бир «увв!..»
Янграгандай бўлар овозинг,
Юракларга тушади қўрқув.
Аммо тақдир қўярмиди тинч,
Этармиди бўрига шафқат?
Уввос солиб емирған йиртқич
Уввос солиб йиқилар албат!
Юрагидан сирқийсан тошга,
Етим каби мўлтираб ҳар ён.

Қора илон ошиқар ошга,
Юрагига сингасан шу он.
Үлим шайлар илон сукути,
Үлим элтар илон нафаси.
Вишиллаган сасида худди
Шивир-шивир сүзинг шарпаси...
Қон бўларми илон қалбida,
Илон қони қон эмас, оғу.
Фарёд учар... инсон қалбига
Заҳар бўлиб кирасан, ёху!
Бир томчи қон яшаш измида
Сарҳадларни кезар саргардон.
Бир томчи қон бўлиб қўзимга,
Кўринади гоҳида жаҳон...

Чин инсонлар қалбida аммо,
Қуёш қатра – қайноқ қон бўлур.
Унда кезган ёлқинли дунё
Насларнинг қалбига тўлур.
Қуёш қатра оқар бетиним,
Жўшар, лекин айнимас асло.
Шудир, дўстим, юракка таскин,
Хаёлларга буюк тасалло!..

– Аждодларнинг қони чиндан ҳам
Авлодларнинг қалбida чироқ.
Аммо мени кечир, дўстгинам,
Мени қийнар ўзга бир фироқ.
Умринг ўтар шарафга пайванд,
Муродингта бир-бир етарсан.
Сен қалбига қон берган фарзанд
Қуён бўлиб чиқса, нетарсан?..
Уфуқларга қўярсан қадам.
Фазоларни макон этарсан.

Сен қалбига қон берган одам
Бүри бўлиб чиқса, нетарсан?..
Чаманлардан йиғиб даста гул,
Сўнгти йўлга бир кун кетарсан.
Сен қалбига қон берган ўғил
Илон бўлиб чиқса, нетарсан?..
Бир томчи қон яшаш измида
Сарҳадларни кезар саргардон.
Бир томчи қон бўлиб кўзимга
Кўринади гоҳида жаҳон!..

1970



ФАЙЛАСУФ БИЛАН СУХБАТ

Бир куни келибман, кетаман бир кун
Шу сўнгиз суронли кўхна дунёдан.
Шоирлик дардида юрибман нечун
Бошим чиқмай сира ажиб савдодан?
Ҳали гўдакмануammo не сабаб,
Ёшгина жонимга чорлайман алам?
Қоғозга дардимни сўйласам, ажаб,
Не учун қалбимга санчилар қалам?
Олам-ку, азалий – абадийдир, бас,
Нега мен оламнинг ғамини ейман?
Омонсиз ва ғаддор душманни эмас,
Ношуд одамзодни кўрмасам дейман...
Ҳаёт кўчасида турсам ўй суриб,
Ҳайрат кўзи билан боқсан ҳар томон:
Ўзининг чангига ўзи соврилиб,
Минфирлаб юради баъзи бир инсон...
Ёниқ бир эҳтирос – унга бегона,
Ёниқ бир эътиroz – унутилган туш.
Ҳамиша булутли, бекут пешона,
Қувончи хомуш-ку, ғами ҳам хомуш.
Юракдан чиқазиб «хўп»ку, деёлмас,
«Йўқ» ҳам лея олмас лекин юракдан.
Хулласки, турмуши минфирлашдир, бас,
Ёмғирдан, булутдан, толдан, теракдан...
Қаттиқроқ тикилсанг, қарай билмас тик,
Мудом мунглиф нигоҳ, мунғайган гавда.
Тикка қомати ҳам кўринар эгик,
Нима бу: инсонми ёки увала?
Гоҳо минфирлашдан толиқар гўё,
Юракни хун қилиб уф чекали, уф...
Бу қандай зот ахир?
– Буми? Бу – рўё!
Ўтмиш рўёси! – дер зўр бир файласуф...

Үтмиш рўёлари, келинг, қайдасиз?
Айбнома тўқидик сизга ҳам, не тонг.
Майли, олислардан садо беринг сиз,
Майли, гумбурласин сизнинг қадим бонг...
Шунда уфуқлардан, тарих қаъридан -
Фалакка юксалур қудратли бир сас:
- Сенинг боболаринг ношуд бўлмаган,
Гумбурлаб яшаган, минғирлаб эмас!..
«Бизнинг дўзахга ҳам тушдинг-ку мана», -
Деб ғаним ҳар ёқдан чекар экан сад.
Ўзини оловга отган Муқанна,
Куйгану бир ҳовуч кул бўлган фақат...
Жалолиддин ёниб ўч аламидан,
Майдонга тушаркан тарафма-тараф,
От сакратиб ўтган тошқин Амудан
Ва қилич ўқталган Чингизга қараб...
Сўнаркан умрининг қуёши порлоқ,
Улугбек чекмаган йиғлоқи бир оҳ.
Жаллод юрагига сололган титроқ
Ва лекин сўнгти бор у солган нигоҳ...
Тикка назар ташлаб шоҳнинг кўзига,
Ажал сиртмоғин ҳам бўйнига ташлаб,
Қони оқар экан, ўзи ўзига:
«Муборак бўлсин!» деб айтотган Машраб...
Шарқнинг уқубатли тунидай қаро
Тошларда яшайди шоирнинг қони.
Ҳали ҳам гумбурлар даралар аро
Ҳамза ҳайқириғи, шайхлар фифони...
Биз, ўтмиш аталган ўша олов-дуд,
Уфуқлар ортидан ҳайқирамиз, бас:
Сенинг боболаринг бўлмаган ношуд,
Гумбурлаб яшаган, минғирлаб эмас!..
Бунга нима дейсан, файласуф дўстим,
Энди ношудликка не изоҳинг бор?
Бу пинҳон нуқтани очармиз, балким,

Менда илҳом бўлса, сенда иқтидор.
На буюк келажак – даврони самар,
На ўтмиш бўлолмас бизга баҳона.
Ношудлик жонларга фарзанддай жигар,
Ўзимиз отамиз, ўзимиз она...
Синчиклаб кўз солсанг олам юзига,
Одамзод иккига бўлинар буткул.
Бирор ғолиб эса ўзи ўзига,
Бирор шўрлик мудом ўз-ўзига қул.
Юрак фармонини айлаб жо бажо,
Яшаган одамзод ғолибдир беҳад.
Ўзи амр этсаю этмаса бажо,
У шўрлик ношуддир, минғирлар фақат.
Ғолибсан, гар бўлсанг ўзингга ғолиб,
Амр этиб, киролсанг ўзинг оловга.
Мағлубсан, гар эсанг ўзингта мағлуб,
Яна мағлубдирсан бошқа бирорга...
Ғолибликни ўрган, менинг авлодим,
Ўзига амр этган боболар мисол.
Ўзингта амр этиб, қўя бил одим,
Ўзинг ғолибликка машъал бўлиб қол!
Олам-ку азалий – абадийдир, бас,
Нега мен оламнинг ғамини ейман?
Омонсиз ва ғаддор душманни эмас,
Ношуд одамзодни кўрмасам дейман...
Душман қаҳримизга бериб тасалло,
Бир куни емрилар бизнинг қиличдан.
Ношудлик – офатдир, ношудлик – бало,
У очкўз қурт каби емирап ичдан!..

1970

МЕНГА ОФИР

Менга оғир:

етмиш яшар

бувимнинг

бел букиб,

супа супуриши.

Ёш боланинг

аввал йифлаб,

кейин эшикда ҳиқиллаши,

Хотинимнинг

пулсизликдан

нолиши,

Ҳамсоямнинг

бадхоҳлиги,

фийбати,

гүё отасини

мен ўлдиргандай,

ёнимдан

ёвқарааш қилиб,

ҳаво билан

ўтиши –

Менга оғир!..

Менга оғир:

башанг кийинганимда

одамларнинг

Менга салом бериши,

Қашшоқ кийинганимда

қоровулнинг

эшикда тўхтатиши,

Кечак мендан

сабоқ олганларнинг

буғун менга

виқор билан

қарashi,

мансадга суйканиши.

Шоирман деганларнинг
разолатнинг
балчиғига ботиши,
Шеър тафтига
исинганларнинг
олимлик даъво қилиб,
шеър устидан
кулиши –
Менга оғир!..

Менга оғир:
Қори Ишкамба
нусхали бир бандা,
ирганч нафснинг
ботқоқ йўлларида
неча марталаб
юзтубан кетган
шарманда.

Катта бир
мактабнинг
измини эгаллаб,
мақтанар:
– Мана, биз –
билимдонлар
билимдони,
Камолларнинг
камоли,

Етукликнинг
тимсоли,
Ўҳҳў... биз!..
Эҳҳе... биз!..
Гоҳ kekiriб,
гоҳ бўкириб,
ёш наслга
дарс берар,
бировларга

қўл учин ҳам
узатмас,
бировларга
кибр билан
даст берар:
бировларнинг
оёғига йиқилиб,
товорониң ҳам
ялар
илондай...

Менга оғир:
ахир, бировлар
мансаб учун
хотинин ҳам
қўяр ўртага.
Одамлардан
Фазлу фазилат эмас,
нуқсу разолат излар.
Одамийлик эмас,
Мазҳаб суриштирас.
Нуқсон излар,
Нуқсон топар.
Уми – анқов,
шабкўр,
соқов, – дея
ҳиринг-ҳиринг
кулар:
Унинг учун
бўлсанг
(шоир айтгандай):
«Ожиз,
маҳкум,
хор ва
бетадбир».

У топтаб,
тепкиласа,
мазах құлса,
тупурса,
зўравонлик гаштини
сурса,
сен ёта берсанг
тупроққа қоришиб,
хўнг-хўнг йиғласанг,
ялинсанг,
ёлбориб,
бош урсанг,
шафқат сўрасанг
судралиб...
Шуни истар,
шуни қўмсар,
шуни соғинар!..

Менга жуда оғир:
ахир нега
бировлар
одамларда
одамийлик эмас,
зиллат,
забунлик

излар.
Қуёшли орзулар,
жаҳоний туйғулар
ўрнига
ночорлик,
нотавонлик,
хўрлик,
хақирлик
излар...

Бирров
пулсиз олдида

маоши-ла мақтанар,
биров яёв олдиди
машинаси-ла,
Пеш қилар
казо-казолигини...
Нега?
Мен – зүр,
сен – забун демоқчими?
Мен – бой,
Сен – юпун демоқчими?
Ахир одам умри
дайди бир шамол
умридек,
оний эканини
билмасми улар.
Нега шундай қилар?

Менга жуда оғир...
Эй, одамларнинг
одамлигини
унуттиришни,
яъни одамлар
устидан
юришни
истаганлар!

Келинг,
ютоққан
нафсингизни
Қондиринг бир йўла!
Беҳисоб қурбонлар
ўрнига
курбон бўлишликка
мана, мен тайёр:
Шоир айтгандаи:

«Ожиз, маҳкум
хор ва
бетадбир»...
Олинг,
тупроққа қоришириңг,
тепкиланг,
топтанг,
тупуриңг,
хуморидан чиқинг...

Кейин...
Сизни ҳам
оддий бир
она түкканини,
иноятли инсон,
андишли одам
эканингизни
эсланг...

Кейин қурбон
изламанг,
Кейин забун изламанг,
Кейин маҳкум изламанг,
Забуниклар,
маҳкумликлардан
холи,

Ҳасадлардан юқори,
Теппа-тeng инсон
изланг,
Инсон изланг,
инсон изланг!..

1970

РОЛМИ ЁКИ ҲАҚИҚИЙ ҮЗИ

Мовий оқшом мовий күзгуда
Күринаркан жилвагар олам,
Қалби ёниб оташ орзуда,
Оловларга киаркан одам...

Қизалогим сүрар ногаҳон,
Күзларида – хаёл юлдузи:
– Айтинг, дада, айтинг, дадажон,
Ролми ёки ҳақиқий үзи?..

Нима дейман? Сукут қиласман,
Бир нима деб ғудурлайман ё.
Үз ҳолимга үзим куламан,
Тарк этаркан руҳимни рүё...

Күролмайман нүкталарда сир,
Қоплаб олар юрагимни ғаш.
Ботир бўлиб кўринмас ботир,
Оташ бўлиб кўринмас оташ...

Бўстонидан бўй олар гули,
Ранг олади чамандан ғунча.
Лекин баъзан фарзанднинг феъли
Отасига ўтаркан пича...

«Мен – инсон!» – деб ҳар битта инсон
Келиб менга қўл чўзган кези,
Юрагимдан кечар бегумон:
«Ролми ёки ҳақиқий үзи?»

Мен күз солиб оламга ғамнок,
Одамларда күраман сарҳад:
Бирор жангда бўларкан ҳалок,
Бирор ўлар саҳнада фақат.

Мен тиз чўкиб иқболимга жим,
Мен тақдирга этгум илтижо:
Шоир эсам, бер шоирлигим,
Этай фақат ўзлигим бажо.

Маҳрум этма мени тилакдан,
Ёнсин баланд шеърим юлдузи.
То кечмасин ҳеч бир юракдан:
«Ролми ёки ҳақиқий ўзи?»

1971



ТОМОША

Томоша тугади... бүшаб қолди зал,
Шифтдаги чироқ ҳам охиста сүнди.
Боя фарёд солған чолғулар, созлар
Барқут филофларда тин олар энди.

Ошиқ булбул бўлиб сайрамайди тор,
Най ҳам наво чекмас оташда куйиб,
Рубоблар, ғижжаклар, танбурлар қатор
Туарлар деворга бошларин қўйиб.

Қора ёғду сочиб рояль ҳам тураг,
Устида чилдирма ётар бедармон,
Чанг ҳам бир чеккада хомуш ўй сурар,
Симларда ҳаёт йўқ, пардаларда жон.

Чуқур бир хаёлот ичра бариси,
Барчаси совуқ бир узлатга кетган.
Шундоқ сукунатки... санъат тангриси
Гўё бу маконни мангу тарк этган!

Мени бу сукунат айлайди адо,
Мен бу сукунатга беролмайман тоб,
Мен тоб беролмайман, бўламан фидо,
Тилсиз пардаларга этаман хитоб:

Гоҳо тин олмоққа ҳақлисиз гарчанд,
Гоҳо сукутда ҳам гарчи маъно бор.
Торларим, созларим, эртани кутманг,
Эртани кутмоқлик сизга не даркор?

Бенаво яшамоқ сиз учун оғир,
Хаёт йүқ, бўлмаса баҳраю баёт.
Ахир сизнинг ҳаёт наволардадир,
Титрамоқ, инграмоқ, янграмоқ – ҳаёт!..

Шундай ёлвораман... чиқармай овоз,
Ошиқ маъшуғига этгандек нидо.
Бирдан овоз берар аломат бир соз,
Хомуш пардаларда уйғонар садо.

Саҳар самосида оқ кабутардай
Талпинар бир садо, қайда деб қуёш!
Құзғалур оҳанглар, авжлар пайдар-пай,
Құзғалур фалакка урмоқ бўлиб бош...

Ёришиб келади шифтда қандил ҳам,
Құраман бахтиёр күз ёшим оша:
Бошланур янги куй, янги бир байрам,
Шоир юрагида – янги томоша!..

1971



НАҚАДАР СИРЛИ КЕЧА

Нақадар сирли кеча,
Мен яна ҳайрон:
Жимжит бир ёғду ичра
Титрайди ҳар ён.
Дараҳтлар вазмин боши
Самога тирак,
Улар – тун соқчилари,
Унсиз ва сергак.
Соялар – қора гилам,
Ваҳимкор, сулув,
Аста құйман қадам,
Босади қүркүв.
Соя тилсимотида
Тураман бирпас.
Ойдинлик ҳув наридан
Чақирап бесас,
Мубҳам бир нашъа билан
Тұлади күнгил,
Яңграт, тун қалъасини,
Қайдасан, булбул!
Жимжит... Күк суқунати
Ерни аллалар.
Дараҳтлар ортидан ой
Үтар панаラб.
Изидан эргашаман,
Қайларга борур?
Мана у, ҳайрат билан
Қаршимда ёнур.
Тұхтайман, ҳайрат ичра
Боқаман узоқ.
Шу қадар чексиз шульга,
Чексиз бир фироқ...

О, шу сүкунат аро
Түқинади жим –
Дала, осмон, түлин ой
Ва менинг қалбим!..
Қайтаман, дилда янграр
Тотли бир товуш.
Борлық ортимдан келар,
Гүё сирли туш...
Чироқсиз уйим очар
Сұлым бир ором.
Салқын түшак ҳам гүё
Сезгиларга ром...
Етаман, уйқу келмас,
Үйлайман фақат.
Эшикда ой түлкими
Ва сирли хилқат...

1970



* * *

Гўзаллар сафидан сени излайман,
Қайда дейман, жоним, шамшод бўйларинг?
Қаршимда ҳилпираб қолади баъзан
Ўша намозшомгул атлас кўйлагинг.

Гўё аросатда қоламан шу дам,
Гўё тўхтаб қолар юрагимда қон...
Сўнгра мен чопаман, чопаман, эркам,
Биласан, ошиғинг қандай чопафон!

Йўлингни тўсишга ошиқаман бот,
Исминг ҳам айтишга жуфтлайман лабим,
Қайрилиб боқасан... ҳайҳотки, ҳайҳот,
Яна аросатда қолади қалбим!

Ўша намозшомгул атлас мавжида,
Худди сенинг каби касб этиб виқор,
Табассуми ўйнаб лаби учидা
Менга қараб тураг ўзга бир дилдор.

Қараши... нақ ўша сендаги қарааш,
Туриш тарзида ҳам сендаги маъно.
Яна кўзларида ҳайрат аралаш
«Ёмонмассан», деган ажиб таманно.

Балки, ёмонмасман, аммо не фойда,
Аммо бу бедодлик эмасми, санам,
Мен сени қўрдимми, деганим жойда
Сенмас, сенга ўхшаш бирорни кўрсан?..

Майли, намозшомгул атлас кийишин,
Балки уларнинг ҳам ёри бор мендай.
Лекин, айт, ўшалар ўзни тийишин,
Сенинг қиёфангда юрмасин сендай.

Йўқса, ҳеч гап эмас, шу чексиз чаман,
Завқдан гуруллаган шу Тошкент аро –
Бир ғарип ҳушини йўқотса чиндан,
Олисда кўз ёши тўкса Бухоро...

Йўқса, мумкин ахир, бир парипайкар
Сенинг рафтординг-ла маст айлаб уни,
Рақиблар домига бошласа магар...
Ўйлаб кўр, шўрликнинг не кечар куни!

Мендан ўч олмоқчи анави жонон,
Аввал хироминг-ла авраб, ҳойнаҳой,
Кейин «Эргашдинг-ку!» – дея беомон
Маломатта қўйса... ахволимгавой!

Майли, намозшомгул атлас кийишсин,
Балки уларнинг ҳам ёри бор мендай,
Лекин айт, ўшалар ўзни тийишсин,
Сенинг қиёфандга юрмасин сендей...

1971



БИР ОШИҚ МАКТУБИ

Кошкийди, күз тутиб йўлингга чиқсан,
Менга берилмаган бу олий ҳуқуқ.
Деразанг чертишга ҳаққим йўқ, эркам,
Қўнғироқ қоқишга яна ҳаққим йўқ.

Бизни учраштирди ажиб тасодиф,
Фарид бир тасодиф айлади жудо.
Шафқатли бир бўсанг менгадир насиб,
Мендан сенга насиб ёниқ бир нидо...

Тамом!.. Сен бедарак, мендадир сукут,
Тамом!.. Сен жимсанки, мен ҳам безабон.
Аммо ёнмоқдадир пинҳоний бир ўт,
Мен омон истайман, топмайман омон.

Йўқ, мен сезгим учун сўрамайман ҳақ,
Нима у сен учун? Ҳеч нарса эмас.
Аммоқи менинг-чун оламда мутлақ
Эрмак йўқ, наинки ҳавою ҳавас.

Нима бу мен учун: иқболим, завол?
Бахтми, бахтсизликми, билмам, бир бало.
Гар хастаҳол эсам, чиндан хастаҳол,
Гар мубтало эсам, чиндан мубтало.

Талпиниб келувдинг, кўрдим, во ажаб,
Талпиниб бошқага кетганингни ҳам.
Юрибсан ўзга бир чамани бежаб,
Ўзга бир маконга меҳмонсан бу дам.

Буюрсин, ошиғинг ўқтамдир жуда,
Аммо жоним, ўзинг инсоф билан айт.
Айтгил, ҳайрат борми унинг кўзида
Хуснинг қархисида бир дунё ҳайрат?

Буюрсин, ошиғинг ажиб бир ўғлон,
Аммо сира ошкора айладими у:
Лутфинг қархисида олам ҳаяжон?
Ранжинг қархисида оламча қайғу?

Шундоқ бўлса, кечир, баҳтлисан, жоним,
Ёниқ таъналарим юрагимга тан.
Йўқ эса ҳайратим ва ҳаяжоним
Саргардон қуш каби кезар беватан...

Бизни учраштириди ажиб тасодиф,
Фарид бир тасодиф айлади жудо.
Шафқатли бир бўсанг менгадир насиб,
Мендан сенга насиб ёниқ бир нидо...

1971



ХИЁНАТ

Асли хиёнатдан сўзламоқ оғир,
Бор бўлсин оламда ўтли диёнат.
Аммо не қилайлик, оламда ахир
Ҳамон кезиб юрар золим хиёнат...

У – инсон заҳридан кўкарган анчар²,
У – одам зотига иблис тамгаси.
Ҳамон кезиб юрар, қўйнида ханжар,
Мунофиқ созида мотам нағмаси.

Гарчанд у касофат, ёвуз, бетайин,
Башарга ўзи ҳам, юзи ҳам қора;
Унинг ҳам тарихда ўрни бор тайин:
Қора зинапоя – қора шажара...

Қора зиналарда саф чекиб қатор
Туарлар, қўзларда ёввойи кинлар,
Бизга, авлодларга кўз тикиб хунхор,
Ўша Абдуллатиф, Мажидиддинлар.

Туарлар қул Аббос, Ҳўжа Хомуш ҳам,
Амир Насрулло ҳам ўшалар аро.
Бироқ бир чеккада туар, боши ҳам,
Аросатда қолган султон Бойқаро...

Қора сафингизга тушсин талваса,
Хоинлар, биз сизга қиласиз исён:
Хиёнат – оламга бўхтон бир нарса,
Хиёнатнинг умри оламда ёлғон!..

² Анчар – афсонавий заҳар дарахти.

Шунда... күтарилиур фарёд, алам, ранж,
Шунда – асрларнинг тўфони оша
Кўринур Жайхунга ғарқ бўлиб Гурганж,
Кўринур кул бўлиб қўргон Варахша.

Хиёнат заминни хун билан безар,
Лекин самога ҳам қон сочар, оҳу!
Шароб деб шоирга заҳар ичкизар,
Гулоб деб олимга ичкизар оғу.

Дўзах элчиси у... мудом кўзи лўқ,
Кўзи лўқ ўлимдир – Оллоҳ акбари,
Йўқ, у ёнаётган машъал эмас, йўқ,
Хиёнат ўт қўйган Жомий мақбари...³

Жаллод ҳансираиди... Улуғбек якка,
«Ич», – деб султон тутар қора қулга қон...
Ханжар ботиб борар бола юракка,
Бола – Мўмин мирзо таслим этар жон.

Хиёнат кўрсатур шундай томоша,
Хиёнат кўрсатур шундай бир итоб.
Ёлвориб, бас! – дейман,
 Бас! – дейман,
 ўша –

Шаҳиллар руҳига этаман хитоб:

Асл мардоналик қонингизда-ку,
Жонингизда, ахир, ўтли диёнат.
Айтингиз, қаёқдан пайдо бўлди у,
Қаёқдан ёпишди сизга хиёнат?!

³ Ўн бешинчи асрда сафавийлар Ҳирот шаҳрини олиб, шоир Абдураҳмон Жомий қабрига ўт қўйишган.

Улар жавоб бермас, боқишар гирён,
Боқишар, дегандек: «Бу оғир савол...»
Бир оғир саволким, Форобий ҳайрон,
Бир оғир саволким, Беруний ҳам лоп...

Ўлим кундасидан бош узиб бир зум,
Нодира бўзлайди: «Қийнама, болам.
Бу жумбоқ чигалдир, бу жумбоқ – машъум,
Бу жумбоқ – ўлимдан оғир бир алам...»

Хиёнат қошида қолиб ҳайронлар,
Ўтаман асрлар баланд-пастидан.
Хиёнат дастидан инграр замонлар,
Тарих фарёд чекар унинг дастидан.

Жафокаш тарихим, дейман, юрак ғаш,
Елкангда уқубат, азоб намунча?
Манглайнинг шўрмиди, шўрлик – балокаш,
Унга хиёнатлар битибди шунча...

То ҳануз асрайсан у «неъматлар»ни,
Чидаминг шу қадар чексиз, муazzам.
Баъзан синайвериб хиёнатларни
Бардошим битади, қиблай аъзам:

От, уни бўйнингдан, ирғит, улоқтири,
Сенга керак эмас бу қора тумор.
Унда жаҳаннамнинг оташи ахир,
Унда қиёматнинг қора мухри бор!

Яхшиям, замоннинг қўзида ёғду,
Хиёнат кишанда, қўллари тутун.
Ва лекин қуёшдек баҳтимизга у
Хориждан тош отиб юрибди бугун.

Халқым, сен үшанга ҳазир бўл мудом,
Ҳазир бўл, титрасин үша қаҳрингдан,
Ахир хиёнатдир, хулласи калом,
Не-не фарзандларни юлган бағрингдан.

Сиз эса, оналар, мисоли осмон –
Энгалиб, гўдакка алла айтган чоғ,
«Оғангта хиёнат қилма ҳеч қачон», –
Деган калимани такрорланг кўпроқ.

Қиёмат йўқ, дея, дўстлар, урманг дам,
Даврон унга сира бермагай омад,
Не-не хиёнатлар кўрмади олам,
Хиёнат ортидан келар қиёмат...

1972



УЗРЛАР

Курслошим Саид Жумаевга

Билмадим банд этиб қайси бир савдо,
Хаёлим қайларга сарсон этибман.
Күчада дүстимга боқмай бир қиё,
Салом йүқ, алик йүқ – ўтиб кетибман.
Сездиму оҳ уриб, изимга қайтдим,
Ёлвориб, шу замон айтдим узрлар.
Мен битта қусурга узримни айтдим,
Лекин бисотимда қанча қусурлар!..
Мехрнинг энг юксак юлдузидир – ишқ,
Ва унинг ибтидо учқуни – парво,
Беадад бир ишқим йүқ экан-ку, хўш,
Мунча бемехрман, мунча бепарво!
Инсофга қўл бериб ўйласам ҳозир,
Умр қальасини хароб этибман.
Хаёлим саргашта, кўзларим басир,
Ёшлигим ёнидан ўтиб кетибман.
Қонимда қўзғалган туйғуларки бор,
Кўрмайин шарора, билмай қонишлар,
Қолибди ҳаммаси йўлларимда хор,
Ёнишлар қолибди, қанча ёнишлар!..
Китоблар қолибди менга қўз тикиб,
Ўйқучи сайёҳни қутгандай кема.
Алифбони-ку, мен ўрганибман, хўп,
Лекин ўрганмайин «алиф, лом» нима...
Ҳою ҳавасларга кетибди вақтим,
Исмим такрорлашга етибди аранг.
Йўлларда соврилиб қолибди нақдим,
Қайрилиб, бир қиё боқмабман, қаранг,
Она қишлоғимда ҳамсоя кампир
Эртаклар сўйлайин, дея Синодан.

Мени чорлайвериб шўрлик бесабр,
Кўзини юмибди ахир дунёдан...
Юртим манглайимдан ўпид доимо,
Фарзанд, деб атаркан сармаст, яқо чок,
Ўйлаб ҳам кўрмабман, бу нечук маъво,
Бу нечук ватандир, нечук хоки пок...
Оlam меники, деб ўйлаб фаразан,
Фаромуш этибман ўсган элимни.
Назарга илмабман ҳаттоки баъзан
Олмосдек жарангдор она тилимни.
Аждодлар оламга соглан хитобни
Бирор қора деса, бирор депти оқ.
Бироқ боболарим ёзган китобни
Ўзим бир вараклаб кўрмабман мундоқ.
Сезмабман бетартиб ғўнғир садодан,
«Баёт»нинг бекиёс гўзаллигини.
Сезмабман ярқироқ балон пальтодан
Бекасам тўнимнинг афзаллигини.
Жаҳондан ўтибди умримнинг ярми
Ва лекин жаҳондан на юрум, на юқ.
Мен энди жаҳонда айблайин кимни,
Идроким суст бўлса, кўзларим юмуқ?
Элу юрт кўзига, жаҳон кўзига,
(Беҳуда такаллувф, айтинг, не даркор)
Жаҳон нари турсин, ҳатто ўзига
Қайрилиб, бир қиё боқмовчилар бор!
Бир менми, бир менми, айтинг, бир менми,
Паришон, бепарво жонларга жондош?
Олти ой ёритиб баъзи бир ерни,
Олти ой ҳаттоки боқмайди қуёш!..
Мен-ку, бир белгисиз хаёлга толиб,
Қадрдон ошнамга боқмабман қиё.
Баъзан кўрса ҳамки, кўрмасга солиб,
Башарга қайрилиб боқмайди дунё!..

Күёш күкдан қарап жүмла жаҳонга,
Жаҳон ҳам қүёшлек ўз йўлида ҳақ.
Мен ахир инсонман, агар инсонга
Бир қиё боқмасам, осийман мутлақ!
Оlamda ва менинг руҳимда бугун
Хулласки, қўп эмиш турфа қусурлар.
Азизим, нима дей тасалло учун?
Узлар сўрайман сендан, узлар...

1973



АБДУЛЛА ҚАХХОР ХОТИРАСИ

Ой ҳам оғиб кетди уфқдан қўйи,
Ярим тун нафаси келади анқиб.
Мен ҳамон бошимни эгтаним қўйи,
Үйинг атрофида юраман санқиб.

Бир ёнда сукунат, бир ён лиммо-лим
Совуқ сув ариқда қиласар тантана.
Үйинг атрофида айланаман жим,
Айланиб дейманки, айлансан яна!..

Олис бир юлдузек деразангда нур
Менинг кўзларимга уринар бу дам.
Унда танҳоликда ёринг ўртанур,
Унда столингда ёниб турар шам...

Очиқ шкафдаги кийимларингни
Ёритиб турибди маъюс чироғинг.
Ким ҳам кия олур энди тўнингни,
Ким ҳам боғлай олур сенинг белбоғинг...

Сенга ҳаёт эди ҳақ деб ўртаниш,
Сўзларинг баъзида бол эмас, тахир.
Бир оз тахир бўлса, нима бўпти, хўш,
Полагун шароб ҳам аччиқ-ку ахир...

Сен кетдинг, фалакда ботиб кетди ой,
Изингдан эргашди тимсоли башар⁴.
Бир оз яшай қолсанг, не бўларди, ҳой,
Бир оз яшай қолсанг, бўлмасди маҳшар...

⁴ Устоз Ойбек вафотига ишора.

Мени танимасдинг, шартмиди таниш,
Мендең мухлисларинг миллион ҳисобда.
Бизларга бас эди у гүзал ёниш
Ва сарбаст садолар ўша рубобда.

Сенга насиб бўлди аввал қалбларга,
Кейин у қабрга бориб жойланиш.
Бизга ҳам қолгани кам эмас, мана
Уйинг атрофидан келиб айланиш...

Ҳа деб айланамиз, юраклар аро
Барқарор бир умид, боқий бир илинж.
Бир куни ғойибдан берарсан садо,
Бир куни қинидан қўзғалур қилич...

Тоабад бўлмассан шундай тошбағир,
Тоабад қўймассан қўзимиз ёшлаб,
Бир кун эшигингдан чиқарсан, ахир,
Қўқоний тўнингни елкангта ташлаб...

1973



СИРЛАШАР

Созим, сирлаш қўнглим билан бирлашиб,
Бу оламда яхши-ёмон сирлашар.
Сайёралар ёнар кўкда имлашиб,
Денгизлар тубида маржон сирлашар.

Шамолга шивирлаб, соч ёзар сумбул,
Ўтда ёна-ёна оғоч бўлар кул,
Бўстоннинг маҳрами гул билан булбул,
Чаманда жон ила жонон сирлашар.

Сирларга тўлибдир сийнайи олам,
Баъзида шарҳига ҳайрондир қалам.
Дўст билан душманинг, бу қандоқ алам,
Айтишиб чин ила ёлғон, сирлашар.

Асрлар дардини тоғ қилиб уйиб,
Авлодлар боқарлар ўртаниб-куйиб,
Авлодлар баҳтини ўртага қўйиб,
Тарих – бобом билан замон сирлашар.

Жамол, сиринг очма, сўзинг қил тамом,
Лабларда акс этсин қўллардаги жом,
Сирларга чўмилган шу гўзал оқшом
Сенинг руҳинг билан осмон сирлашар...

1975



БИЛМАСА БИЛМАС...

Аё кўнглим, жонинг бўлсин омонда,
Хушёргинг мастрлар билмаса билмас.
Қадрдонлар қадринг билсин жаҳонда,
Қадрни билмаслар билмаса билмас.

Тақдир насиб этмиш сенга навони,
Сен факат сайр айла ўша дунёни.
Юлдузлар юз ювган зилол дарёни
Хазон, хору хаслар билмаса билмас.

«Боғингда очилмиш ранг-баранг гуллар...»
Гул эмас, муҳаббат шарори улар,
Оташ-алангани ёнгандар билар,
Ҳавою ҳаваслар билмаса билмас.

Гўзаллик мулкидир мулки жаҳоннинг,
Жаҳон ҳам мулкингдир, гўзал достонинг.
Меҳрингни билса бас давру давронинг,
ЛАҲзалар, нафаслар билмаса билмас.

Жамол, сўзингдадир жамолинг сенинг,
Меҳнат, муҳаббатда камолинг сенинг,
Ёруғдир орзию аъмолинг сенинг,
Бир неча нокаслар билмаса билмас...

1975



ОТАМ

Ажаб, мен армонсиз юро билмадим,
Шу буюк, мунаввар юртга муносиб.
Отам дийдорини кўро билмадим,
Ота меҳри менга бўлмади насиб...
Болажон дўстларим ҳар гал беармон
Оталар юзига сурганида юз.
Битта суйканишга кўнглим нигорон,
Қараб тура бердим бир четда маъюс...
Ўспирин айёмим ўтди йўл қараб,
Дилда дардим очди ўзга бир хумор:
Ота, деб эшикда бир бор саломлаб,
Отини етаклаб кирмадим бир бор...
Йигитлик етишди... Янгича нолиш,
Янги нило олди юрагимдан жой.
Ота, ёнбошланг, деб узатиб болиш,
Қуйиб беролмадим бир пиёла чой...
Ҳаммаси майлига... Сўнгги бор тошиб,
Сўнгги армон айтар бугун насибам:
Лоақал тобути олдига тушиб,
«Во, отам!» деб фарёд чеколмадим ҳам!..
Оталар бахти мўл, оталар ашки,
Баъзан подшо бўлиб, баъзан хор бўлиб.
Подшо бўлмасанг ҳам, юрсайдинг кошки,
Шу ёруғ оламда бир оз бор бўлиб...
Түғёнли кечалар кирдинг тушимга,
Ота! – деб қичқирдим, бошдан учиб ҳуш.
Сен менинг умидвор кўз ёшларимга
Қараб тура бердинг ҳар сафар хомуш...
Қайларда ётибсан, қайда у тупроқ?
Ҳаётинг қайларда топмишдир басар?
Қабрингга бир бора бошини қўймоқ
Наҳотки ўғлингга бўлмас мұяссар?..

Отасиз жаҳонда яримсан, кўнгил,
Юртдан айрилсанг-чи, ғарибсан тайин.
Етим қалбдан лочин чиқмоғи мушкул,
Фариднинг қарчиғай бўлмоғи қийин...
Отам бўлганида, битта ҳайқириб,
Шерни қулатишга қодир бўлардим.
Отам бўлганида, шоир эмас, йўқ,
Элимга суюнчиқ, ботир бўлардим!
Бўлмасдим беҳуда хаёлга бандা,
Бўлмасдим баъзида беҳудага лол,
Хуллас, толеида Камол бўлганда,
Бир оз бошқачароқ бўларди Жамол...
Бошқача бўларди бағримдаги рух,
Бовар этасизми, этмайсизми ё –
Бошқача бўларди ишқимда шукуҳ,
Бошқача бўларди қаршимда дунё!
Кезмасди қонимда ғуссалар, ғашлар,
Шидлат кезар эди боболарга хос.
Ўғлимга ўтарди ёруғ оташлар,
Хира бир хомушлик ўтмасди мерос.
Ҳа, ўша кўринмас найзанинг тифи
Юракка қадалиб турмаганда кош,
Оламда камайиб бир қатра йифи,
Оламда ортарди бир зарра қуёш!
Ахир онам бўлди шу кўйда адо,
Ёлғиз жоним эмас, куйди жонларим
Туғилмай, дунёга кўз очмай ҳатто,
Аросатда қолди укажонларим!..
Умрим-ку, ҳадлига етар беомон,
Лекин армонимга етармикан ҳад?
Жавоб бер етимга, замину замон,
Жавоб бер етимга, самовий сарҳад!
Кимдир у, кимдир у гўдак ёшимдан
Ёшимни оқизиб, бошимни этган?

Кимдир у отамни юлиб бошимдан,
Мени аламларга гирифтор этган?
Мени маъюсликка дучор этган ким?
Тарихнинг қўлими, қисматнинг қули?
У ҳам бир ўғилга отадир балким,
Балки у ҳам бирор отанинг ўғли...
Майли, ким бўлмасин, ерми, самоми,
Ё пучак бир даҳо, пучак бир тальят –
Золим падаркушdir ўшанинг номи,
Мен унинг руҳига ўқийман лаънат!..

1977



ПАХТАКОР ҚҰШИФИ

Күз очсам, күзимга далам күринар,
Фасллар фаслни қувлаб, суринар.
Юрак типирчилар, юрак уринар,
Хәй, жүяклар аро талошим менинг!

Симобий сахардан хуфтонгача то,
Хар куни фалакка чиқиб бехато,
Нур ато этасан, фақат нур ато,
Хәй, ҳориб-чарчамас қүёшім менинг!

Менга писанд эмас селлар, бүронлар,
Қайноқ саратонлар, совук мезонлар,
Миллионлар кетидан яна миллионлар...
Хәй, темир қалъадек бардошим менинг!

Умрми захматда кечмаса умр,
Пешонам теридан – манглайнингда дур,
Инқиlob асри бу, қани, олға юр,
Хәй, пұлат техникам, йўлдошим менинг!

Йиғармиз қуш бўлиб заррама-зарра,
Гоҳ яқин, гоҳ йироқ күринар марра,
Яна бир зўр беринг, яна бир карра,
Хәй, болажонларим, қўлдошим менинг!

Даврала тенг бўлиб, сўрайман тенгдан:
Дарё, муҳаббатинг аяма мендан!
Айланай сендану ўргилай сендан,
Хәй, Осмон, ҳәй, Замин, тенгдошим менинг!

Ҳар йили ҳосилни тоғ қилиб уйиб,
Ҳар йили роҳатни эртага қўйиб,
Ҳар йили меҳнатнинг гаштига тўйиб,
Оқариб боради шу бошим менинг!..

1977

НАЖОТ МАЙДОНИ

Олам хусусида неча таълимот
Үқидик, ўргандик, биламиз кам-кам,
Замонда макон бор, маконда ҳаёт,
Ҳаёт ичра нажот майдончаси ҳам...
Қушча чирқирайди кўкда шу нафас,
Ортида оч бургут – ажал сояси.
Қадрдон ковакка етиб олса, бас,
Нажот майдонидир унга уяси.
Ажал чангалида бўғилар гўдак,
Очлик ҳамла қилур жуда беомон.
Бир меҳрибон сийна, мунис бир қўкрак
Нажот майдонидир унга шу замон.
Кўча ўртасида бирор бекарор,
Машина занжири узилмас бир зум,
Нажот майдонига етмоғи даркор,
Агар улгурмаса, улгурап ўлим.
Ажал чангалига чап бериб ҳар дам,
Чарх узра чақиндек чаппор урган эр.
Ошиқар заминга қўйсам леб қадам,
Нажот майдонидир унга она Ер...
Хулласки ҳаётмас, баётмас – ўсал
Нажот майдонисиз шу сўнгсиз ҳаёт.
Лекин нима бўлур баъзида ўшал –
Нажот майдонида бўлмаса нажот?
Бургутга чап берган қушча ҳам зотан,
Ҳавода тушмайин ажал домига,
Қадрдон ковакка етаркан баъзан
Тушган-ку чирқираб унинг комига.
Она бағрида ҳам оташда куйиб,
Гилосдек лаблари қурғаб зиёда,
Нажоткор сийнага бошини қўйиб,
Жон берган гўдаклар йўқми дунёда?

Йўқми ё хатарни оралаб жадал,
Кўзлари жавдираб мисоли овчи,
Нажот майдонига етгани маҳал
Йиқилиб, ер қучган шўрлик йўловчи?
Кўйингки, ўтиорак неча космонавт
Юлдузлар баҳрида топиб тасалло,
Замин қирғоғига мана, оқибат
Етдим! – деганида етди-ку бало!..
Она Ер, оқшомлар оғушида пол
Ўйлайман, депсинар шу буюк жонинг.
Турмушинг, давронинг маълум-ку, алҳол,
Лекин борми сенинг нажот майдонинг?
Ҳаёт майдонингдир шу чексиз фазо,
Мураббий шу қуёш – жисмингта тирак.
Нажот майдонингдир кам эмас, расо
Сенга банда бўлган тўрт миллиард юрак!
Шуни деб ўзлигинг нурга ўрайсан,
Шуни деб бошингга чирмайсан қаро.
Тўрт миллиард юракдан нажот сўрайсан,
Тўрт миллиард ҳокимга ўзинг фуқаро...
Сен нажот сўрайсан, лекин нима бу? –
Бурчак-бурчакларда қора талvasa...
Она Ер, не бўлур, нима бўлур у –
Нажот майдонингда нажот бўлмаса?
Бу машъум саводдан сесканур олам
Ва хаёл уфқида жонланур, ҳайҳот,
Фалакка чирмашган олов-жаҳаинам,
Хиросима! – деган ёниқ бир фарёд...
Фарёд олам узра бир лаҳза яшар
Ва сўнар, қуйилар қалбга тасалло:
Она Ер, башарга нажотсан, башар –
Нажот майдонини ёндирилас асло!

1977

НИДО

1

Меҳр ҳам ўзингсан, тобон ҳам ўзинг,
Шу сўнгсиз, қироқсиз коинотга бош.
Фалакни ёндирган армон ҳам ўзинг,
Демакки, танҳосан, аълосан, қуёш!
Лекин сен Ватанни тутиб бегона,
Йироқларда юриб, келмасанг ёвук,
Қанча юксак бўлма, қанча ягона,
Мен сени қуёш деб атамасман, йўқ.
Мен фақат кўзимни тўлдириб ёшга:
Паънат бўлсин, дейман, сендай қуёшга!..

2

Арш ҳам ўзингдирсан, осмон ҳам ўзинг,
Муаззам бир чодир, мовий чамбарак,
Собиту сайёрга макон ҳам ўзинг,
Демакки, онасан, паноҳсан, фалак!
Лекин сен Ватанни тутиб бегона,
Найсонингни ундан айласанг дариф,
Қанча афсун бўлма, қанча афсона,
Мен сени фалак, деб атамасман, йўқ...
Мен фақат ўртаниб, оҳ уриб якка:
Паънат бўлсин, дейман, сендай фалакка!

Қатра ўзингсан-ку, уммон ҳам ўзинг,
 Бир журъа ўшишинг – ерга тўтиё,
 Достонда гул очган бўстон ҳам ўзинг,
 Демакки, сеҳрсан, сафосан, дарё!
 Лекин сен Ватанни тутиб бегона,
 Ўзга йўл танласанг, ўзга бир йўриғ,
 Қанча жонон бўлма, қанча жонона,
 Мен сени дарё деб атамасман, йўқ,
 Мен фақат бонг уриб арзу самога:
 Лаънат бўлсин дейман, сендай дарёга!..

Фақир ҳам ўзингсан, султон ҳам ўзинг,
 Оламга эгалик сенга ярашар,
 Ишқ билан йўғрилган иймон ҳам ўзинг,
 Демакки, оқилсан, қодирсан, башар!
 Лекин сен Ватанни тутиб бегона,
 Четлаб юраверсанг, кўзларинг юмуқ,
 Қанча фард бўлмагин, қанча фарзона,
 Мен сени башар, деб атамасман, йўқ,
 Мен фақат юрагим тўлдириб қонга:
 Лаънат бўлсин дейман, сендай инсонга!

1978



ТИЛАК

Үглим Акмалжонга

Жажжи бола, дўмбоқ ўғил
Ширин-ширин туш кўрар.
Тушларини чуғур-чуғур
Сўйламоқни хуш кўрар:
– Ойижоним, боғимизга
Келибди бир қарқуноқ.
Кўзларимиш хандонписта,
Қанотлари – ярқироқ...
Аввал боқсам, тили билан
Соз чалибди чулдираб.
Кейин боқсам, кўзларидан
Ёш оқибди милтираб...
Ойи, ўша нега ҳадеб
Чулдирайди, йиғлайди?
Ойи, ўша яна қайтиб
Келадими, келмайди?..
Жажжи бола, дўмбоқ ўғил,
Ширин-ширин туш кўрар.
Тушларини чуғур-чуғур
Сўйламоқни хуш кўрар.
Ойиси дер: – Ухла, болам,
Бирпас ухла, болажон!..
Мен дейманки, тингла, болам,
Бирпас тингла, болажон!
Туш дегани бежиз бўлмас,
У бир сайёр қуш бўлур.
Мунчоқ-мунчоқ кўзларига
Хаёл бўлур, хуш бўлур.
Хаёлларнинг гулбоғида
Парвоз қилур қушларинг.

Парвоз қилур орзуларинг,
Парвоз қилур тушларинг...
Умидларнинг уммонида
Ўзни ғаввос этарсен.
Осмонларга каманд ташлаб,
Юлдузларга етарсан...
Ёнишларда яшар юрак,
Ёнишларда кечар ҳол.
Алпомишдек майдонларда
От сурарсан эҳтимол...
Ўшанда ҳам «Ойижон», деб
Тушларингни айтарсан,
Лекин болам, бир кун келиб,
Бу йўлингдан қайтарсан.
Фараҳли бир ойдин кеча,
Ё фараҳли субҳидам,
Ойдек тўлиб, тушларингта
Кирар зебо бир санам!
Зебо санам асир этар
Йигитларнинг мардини.
Йигит марди ойисига
Айтмас юрак дардини...
Пинҳон-пинҳон у санамнинг
Оташини туярсан,
Хаёлида ўртанаарсан,
Ҳижронида куярсан...
Ҳаммасига бўлур чора.
Бўлар тайин бир дармон.
Лекин бир кун юрагингта
Келиб қўнар бир армон...
Оҳ урарсан, ўтли бир оҳ,
Бўтам, шунда нор бўлиб,
Тупроқ эмас, олам-жаҳон
Кўзларингта тор бўлиб...

У нимадир, билолмайман,
Надир унинг исмати?
Балки башар қисматидир,
Балки жаҳон қисмати.
Балки буюк боболарнинг
Яксон бўлган юраги?
Асрларнинг тилагидир,
Наслларнинг тилаги...
Балки кўкка пайванддир у,
Балки ерга пайванддир.
Не бўлса ҳам, баланддир у,
Қуёшдан ҳам баланддир!
Армон – баланд, пастда қолиб,
Тушларингда инграсан.
Тушларингда хўрсинарсан,
Тушларингда йигларсан.
Мажхул-мажхул саволлардан
Сархуш бўлиб бошларинг,
Юзларингдан ёстифингга
Оқиб тушар ёшларинг...
Шу дақиқа умринг топар,
Болам, янги ибтидо.
Ўша дамга мен тасаддуқ,
Ўша дамга мен фидо!
Туш айтарсан тилларингга
Мазасини келтириб.
Туш кўрмаган миллионларнинг
Ҳавасини келтириб.
Уялурлар унда нурсиз
Чироқ бўлиб юрганлар.
У мунаввар армонлардан
Йироқ бўлиб юрганлар...
Умр бўйи армонларда
Ёниб юргин, болажон.

Түшингда ҳам армонларга
Қониб юргин, болажон.
Еруғ бўлсин орзуларинг,
Тиниқ бўлсин тушларинг,
Болажоним, жаҳон бўйлаб
Учиб юрсин қушларинг!..

1978



СУВАЙДО

Буюк Навоийнинг бош луғатида
Не-не тушунчалар пинҳону пайдо.
Ўша олам-жаҳон сўзлар қатида,
Аломат бир сўз ҳам келар: сувайдо...

Юрак ўртасида нуқта эмиш у,
Қора нуқта эмиш, куйик бир нуқта.
Хаттотнинг хатидек пухта эмиш у,
Кимларда жизғанак, кимларда сўхта.

Ҳижрондан туғилса – қонли бўлармиш,
Армондан туғилса – дардли қорачик.
Ҳамиша кўз каби жонли бўлармиш,
Ҳамиша кўз каби оламга очиқ.

Одамлар бирорни буюк деганда,
Балки шу жиҳатни назарга илган:
«Хусрав кўксидаги куйик» деганда –
Саъдий сувайдони шараф деб билган⁵.

Ҳай, инсон, йўлингда ёр бўлсин омад,
Ёр бўлсин азалдан абадгача то.
Эндиғи ҳамма гап шундадир фақат:
Қалбингда жой олмиш қайси сувайдо?

Куйгансан шам каби ё машъал мисол,
Куйикдир кўксингта «дард» деб уйганинг,
Лекин сен ўртаниб-куйганда алҳол,
Юртим, Ватаним, деб борми куйганинг?

⁵ Шайх Саъдий: «Ҳар ким у дунёда бир нарса билан фахрланиши керак, мен мана шу турк (шоир Хусрав Дехлавий)нинг кўксидаги куйиги билан фахрланаман», – деган.

Ёнгансан, ёндирган қанча муаммо,
Муаммо ечгансан ёниб эрта-кеч.
Яшамоқ азмида ёнаркан аммо,
Элим деб, тилим деб, ёнганмисан ҳеч?

Ёнингдан бепарво үто билмадим,
Бенасиб эмасман дардингдан башар.
Менинг ҳам юрагим жазиллар, балким
Менинг ҳам қалбимда сувайдо яшар.

Бағримга доғ кўймиш қайси бир алам?
Бу қайси аламнинг мухри, касрати?
Ўғилни тупроққа кўймиши оғам,
Балки бу ўшанинг доғи-ҳасрати.

Дўст ҳам йиғлар эмиш ҳабиб олдида,
Юзимда кўз ёшим изи шашқатор.
Юртидан айрилган ғариб олдида
Менинг ҳам бош эгиб йиғлаганим бор...

Сувайдо жонларда яшайди мутлақ,
Биз билан келгандир, биз билан кетар.
Сувайдода мардлик акс этади, ҳақ,
Лекин номардлик ҳам унда акс этар.

Оқшомлар юраман хаёлга тўлиб,
Бошимда юлдузим бўлур ҳувайдо.
Мен унга ҳар сафар боқсан термилиб,
Шаффоф сийнасида – қора сувайдо...

1979

ҚҰФИРЧОҚЛАР

Тошкентда үтказилған халқаро құғирчоқ
театрлари фестивали муносабати билан

Юртим чиройига бериб пардозлар
Мусаффо фалакда ёнади офтоб.
Келинг ҳар тарафдан, құғирчоқбозлар,
Бу күнлар құғирчоқ үйнамоққа боп.
Келингиз, нима күп – бунда бола күп,
Болалар, болалар... маъсум ва мурғак.
Йўлларни тўлдириб юришар тўп-тўп,
Залларни тўлдириб чалишар чапак.
Шундоқ аломатдир бизнинг шоввозлар,
Нуқул типларида олқишиш ва хитоб.
Келинг ҳар тарафдан, құғирчоқбозлар,
Бу күнлар құғирчоқ үйнамоққа боп.
Майли, тумшуғидан илинсин бўри,
Ой осмонга бурсин олтин қайиқни.
Майли, тулкиларнинг қурисин шўри,
Қуён қуваласин маймоқ айиқни.
Майли, эртакларга ишониб чиндан,
Болалар қўтарсин қийқириқ,чуввос,
Лекин сиз, азизлар, ранжиманг мендан,
Мен бир оз ўртаниб, ўй сурсам бир оз.
Чунки бир ҳақиқат менга ошкор,
Чунки мен кўз солиб кўрганман неча:
Оlamda ўзга бир құғирчоқлар бор,
Құғирчоқбозлар ҳам бордир ўзгача.
Ҳайҳот, ўз номига улар ҳам инсон,
Улар ҳам ўзича ҳаётга машғул.
Бири ўйнатгандан ўйнатар чунон,
Бири ўйнагандан ўйнайди нуқул.
Бири, «мана мен» деб қаршингда турар,
Лекин ортиладир бошқа бирори.

Унинг изми билан манави юрар,
Унинг қўлидадир бунинг жилови...
Шундайлар жаҳонга солади ғулув,
Тузиб жаҳонаро неча «боз-боз»лар –
Одам шаклидаги қўғирчоқлару
Иблис қавмидаги қўғирчоқбозлар.
Қўғирчоқ сингари эгишиб бўйин,
Юрганлар гоҳ қора, гоҳи оқ бўлур.
Фақат гадо эмас қисматга ўйин,
Подшо ҳам гоҳида қўғирчоқ бўлур.
Ўзни тасаввурга айласанг бандা,
Машриқдан Мағрибга этолсанг парвоз,
Кўзингга чалинур неча шарманда:
Пол Поту Паҳлавий, Пиночет, Самос...
Шундайлар дастидан ҳар куни тайин
Оёқ ости бўлур шарафул инсон.
Нега шундайларни кўттарар Замин?
Нега шундайларни сиғдирав Замон?
Кел энди, оламга бўлсин деб тортиқ,
Буюк эҳсонингни шайла, Истиқбол.
Замин, шундайларни кўттарма ортиқ,
Замон, шундайларни тезроқ сурақол!
Нур балқиб коинот кошонасида,
Нурларга чулғансин курраи олам.
Элларнинг қисмати пешонасида
Қўғирчоқ бўлмасин, қўғирчоқбоз ҳам.
Айёmlар нафаси бўлиб фараҳнок,
Тонгларда уфурсин боди саболар.
Шу азиз тупроқни билиб хоки пок,
Зиёрат қилгали келсин боболар.
Одамзод бўлмасин иблисга бандা,
Кулгилар янграсин мағурур, хушчақчоқ.
Қўғирчоқбоз яшаб театрларда,
Саҳнада керилиб юрсин қўғирчоқ...

1979

ШОИРГА

Дамлар ўтиб борар, кечар давронлар,
Баъзид а кун ойдин, баъзан ой қаро.
Ҳаётда гоҳ сукут, гоҳи суронлар,
Ҳаётнинг шу сўнгсиз тўлқини аро
Шоирим, юрасан сен ҳам муқаррар,
Балки саодатманд, балки синиқсан.
Адолат туйфуси билан мунаvvар,
Адолат туйфуси билан тиниқсан!
Лекин сен ҳам этиб инсофингни соб,
Сен ҳам ўз-ўзингни ўйласанг фақат,
Демак, соб бўлибди оламда инсоф,
Демак, рўй берибди қора қабоҳат...

* * *

Оlam-ку маърака майдонга ўхшаш,
Умрлар ёнади оловларида.
Ҳаётда гоҳи сулҳ, гоҳида саваш,
Ҳаётнинг алғову далғовларида,
Шоирим, борасан сен ҳам муқаррар,
Балки увоқдирсан, балки йириксан:
Ҳақиқат туйфуси билан музaffer,
Ҳақиқат туйфуси билан тириксан!
Лекин сен ҳам агар тиланиб омон,
Сен ҳам ўз-ўзингни ўйласанг фақат,
Демак, соб бўлибди оламда иймон,
Демак, рўй берибди қора қабоҳат...

* * *

Одам туғилади, одам ўлади,
Гоҳ қувонч, гоҳида қайғуга тўлиб.
Шундоқ бўлган эди, шундоқ бўлади,
Шу фоний сафларга сарбаста бўлиб,

Шоирим, ўтасан сен ҳам муқаррар,
Гарчи ардоқлисан, гарчи суюксан:
Шижаат туйфуси билан мукаммал,
Шижаат туйфуси билан буюксан!
Лекин сен ҳам агар этиб номардлик,
Сен ҳам ўз-ўзингни ўйласанг фақат,
Демак, соб бўлибди оламда мардлик,
Демак, рўй берибди қора қабоҳат...

1979



УЛУФБЕК

Кўҳак қўрғонини қучоқлаб, қуршаб,
Мажнунтоллар турар, соchlари ёзиқ.
Соч ёзиб туришар санамга ўхшаб
Ва лекин қўллари самога чўзиқ...
Бу манзил ер эмас, осмон тагидир,
Курраи заминнинг ясат хонаси.
Бу – аршу аъзамнинг бир этагидир,
Улуфбек мирзонинг расадхонаси.

Тошинг шу маконда бўлсин деб тугал,
Келганлар кетарлар битта тош қўйиб.
Мен эсам бош уриб келаман ҳар гал
Ва лекин кетаман доим бош қўйиб...
Ҳар гал дилшод келиб, қайтаман дилхун,
Қўзим тийра тортиб, ҳисларим ботил,
Бу ерда Улуфбек шаҳиддир ҳар кун,
Муртад Абдулатиф ҳар куни қотил!

Бу ерда оқдиру қародир юзим,
Қувончу қайғуга бирдек ботибман.
Гўёки шаҳид ҳам, қотил ҳам ўзим,
Улуфбеклирману Абдулатифман.

Бу ерда фурурим бир олам-жаҳон,
Лекин маломатим жаҳонга тутун.
Бу ерда кўкларга юксалиб чунон,
Қаро ер қаърига кирибман бутун.
Бу ерда кўзларга кундай ошкор
Ва яна аёндир шунга баробар.
Осмонга етгудек маърифатим бор,
Лекин жаҳолатим жаҳаннам қадар.

– Мана, қўриб қўйинг, бизлар ким эдик! –
Мактандмоқ бўламан, лекин тилим пол.
Қарғамоқ бўламан, қўймас Улуфбек,
Юраман довдираб, бир афтодаҳол.

Дүстлар, ҳақиқат бу, чучук ва тахир,
Яширмай ўртала күрайлик баҳам:
Улуғбек осмондан тушмаган ахир,
Осмондан тушмаган Абдулатиф ҳам.
Улуғбек аллома эди бекиёс,
Лекин Абдулатиф ўшанинг насли.
Наҳот ўз бўйини чопса қиличбоз,
Наҳот ханжар чекса аслига асли?
Тарихий Турон бу, яшнаб-кўкарган
Боғида битгани нуқул низолар.
Акалар укани тупроққа қорган,
Мирзолар устига юрган мирзолар.
Бу ерда отани ўлдирган ўғил,
Ота ҳам этмаган ўғлига шафқат.
Биз ўз қонимизни тўкканмиз нуқул,
Биз ўз пайимизни қирққанмиз фақат.
«Сен киму мен ким»га тақалиб иши
Аждодлар талашиб ўтган бесабр.
Юртига сиғмаган Синодай киши,
Донишдай кишилар топмаган қадр...
Яхшиям, замона айлаб сарафroz,
Қўзимиз ўнгига ёришди олам.
Қонларда Улуғбек яшайди, бу рост,
Лекин яшамасми Абдулатиф ҳам?
Худбинлик гоҳида қул қилар бизни,
Жаҳолат қиласиз қанчадан-қанча.
Гоҳо таниёлмай ўз-ўзимизни
«Кимсан?» деб сўраймиз шармандаларча.
Саволни хуш кўрар одамзод хайли,
Сўраб-суриштириш одат азалдан.
Менинг қишлоғимни сўрашар, майли,
Лекин сўрашади: қайси гузардан?
Ноаҳиллик деган ёвуз бир бало
Неча бор бошларда синдириди таёқ.

Лекин биз инсофни унугиб гоҳо,
Оқни қора деймиз, тираймиз оёқ.
Үзинг мададкор бўл, мунаввар Идрок,
Үзинг мададкор бўл, қодир Ақлу Ҳуш.
Қонларда Улуғбек яшайберсин пок,
Лекин руҳимиздан кетсин падаркуш.
Судси фахри⁶ саҳни юлдузга тўлиб,
Гумбазлар устида ёнавер, қуёш.
Биз ҳам улуғ бўлиб, Улуғбек бўлиб,
Улуғлар ёнида кўтарайлик бош!..

1979



⁶ Судси фахри – астрономик ўлчов асбоби.

КЛУБАТРА

(Шекспирни ўқиб)

Башар тарихида ажиб бир хилқат,
Малоҳат баҳрида олмос қатрасан.
Аммоқи мен учун шарқона сифат
Мужассам хаёлсан... Клубатрасан!..
Шундоқ деб ёзибди Беруний бобом,
Шундоқ деб ёзмишлар боболар бари.
Балки гулгун эдинг, балки гуландом,
Лекин не бўлса ҳам, самовий пари...
Фотих Искандарни бир нигоҳ билан
Бир ажиб ўтларга соглан Равшанак⁷.
Сен ўша оташдан унган ниҳолсан,
Сен ўша равзада етишган данак.
Аввал Машриқ сари, кейин басма-бас
Мағрибга эсибди тақдир ҳавоси.
Пойингда Нил ўйнар, Зарафшон эмас,
Маконинг бўлибди Миср маъвоси.
Сен шунда малика, маликул башар,
Сеҳрлар жо бўлиб ётар исмингда,
Искандар шиддати жонингда яшар,
Равшанак жамоли яшар жисмингда.
Лекин билармисан, эй жонга офат,
Лекин билармисан, эй жаҳонга жон,
Минганинг тахт эмас, санги қабоҳат,
Кийганинг тож эмас, савдойи жаҳон!
Кимга тарихдирсан, кимга томоша,
Мен учун эмассан тақдиримдан чет.
Тақдир насиб этиб, минг йиллар оша,
Учрашиб турибмиз, мана, бетма-бет.

⁷ Равшанак – Самарқанд подшосининг қизи. Искандар унга уйланган. Шарқда «Клубатра» номи билан машҳур бўлган Клеопатра ўшалар авлоди.

Сенинг қисматинг-ку шундай бекарор,
Мен ҳам чок этайин энди яқони:
Сенинг-ку бир қадар суғдийлигинг бор,
Менинг ҳам қалбимда суғдийлар қони.
Холингта қуяман, күймасам бўлмас,
Холингта қуяман, пари пайкарим.
Рим деган менга-ку таҳдид этолмас,
Сенга таҳдид солар, таҳдид этар Рим.
Нилда тўлқин турса Римдан дарактир,
Наҳанг қорни очса, билмайди шафқат.
Римга ғалла керак, тилло керактир,
Араз ҳам, ғараз ҳам унга шу фақат.
Рим текин сўрайди, фақат сув текин,
Текин бермаганга етади зарби.
Ўзини улуғ деб улуғлар лекин,
Ўзини боқишига етмайди қурби...
Шунинг-чун Мисрнинг ранги қаҳрабо,
Шунинг-чун у маҳрум шону шарафдан.
Римдан офат келур... лекин ажабо
Ошиқ ҳам келармиш ўша тарафдан.
Кўйингда Антоний гадодир буткул
(Ёрлақа, Мұхаббат, уни ёрлақа!)

Амаллар, унвонлар шу оташда кул,
Ғаразлар, аразлар бари бир чақа.
Оқибат сехрини айлади зоҳир,
Севгига сажда қил, буюк Осмон.
Номардлар наслидан мард чиқди охир,
Қотиллар қавмидан чиқди қаҳрамон...
Майдонга тикилмиш жаҳоннинг кўзи,
Майдонга ёғилур жаҳоний шараф.
Майдонда бир тараф – Антоний ўзи,
Буюк қўшин билан Цезарь – бир тараф...
Агар минг йилларни қилмоқ бир қадам
Имкони бўлсайди ушбу нафасда –

Мен ҳам шу майдонга тушардим, санам,
Ботир Антонийга бўлиб сафбаста!..
Улар Антонийни аяшди, ҳайҳот,
Лекин аяшмасди мени ҳеч қачон.
Номинг, номусингта тикардим ҳаёт,
Номинг, номусинг деб берар эдим жон...
Фалакдан бир нажот етмади сенга,
Нажот етиб келди заминдан, ёху!
Илон оғиз солди кумуш сийнангга,
Гулбарг лабларингта тарапди оғу.
Жаҳондин кетдингу муродга етдинг,
Жаҳон ҳам қолди-ку сендан айрилиб.
Сен-ку Антонийнинг ортидан кетдинг,
Орtingда турибман, қара, қайрилиб...
Сенга заҳар қўйиб, қадаҳ тутди ҳақ,
Билмадим, менга не тутаркин соқий.
Лекин биламанки, Гўзалик барҳақ,
Лекин биламанки, Муҳаббат боқий!
Руҳинг омон бўлсин дунёда санам,
Муҳаббат кўкида қилавер парвоз.
Машриқдан Мағрибга сабо эсган дам
Қулоғингта етсин суғдиёна соз...

1979



ХАМЛЕТ

Эшик тақиллади, эшик олдида,
Чиқсам, бир танишлек нотаниш эди.
Маъюс бир табассум ўйнаб лабида,
Таъзимга бош эгиб, Ҳамлетман, деди.
Фарид бир таҳайюр юз берди менда,
Юзига довдирағ тикилдим бир зум.
Қўл бердим, қўл берди, юзи-кўзида
Ҳамон ўша-ўша маъюс табассум.

– Марҳамат!..
– Ташаккур. Вақтим зиқ эди...
Шунда ҳам лабида ўша нимкулги.
– Кўришмоқчи эдим... Кўрдим, хайр энди...
Ғамгин эди, ғоят ғамгин эди у.
Кетди. Қайрилмади. Қадами дуп-дуп
Ёғоч зиналарга шарпалар ёйиб.
Ортидан югурдим. Кўринмади. Йўқ.
Фойиб бўлган эди, бирпасда ғойиб.
Бош эгиб, йўл олдим уйимга секин,
Йўл олдим, ўзимга таъналар айта.
Эшик пойлаб ўтди кунларим, лекин
Ҳамлет эшигимга келмади қайта...
Хаёллар домига ташладинг мени,
Садо бер, ташрифинг яна раво эт.
Сени соғинаман, қўмсайман сени,
Қайларда юрибсан, жигарим Ҳамлет!
Тунлар ўй сурман, ўйларим мубҳам,
Нега бир келганча кетдинг бедарак?
Нега нишон бўлди сенга оstonам?
Мендек бир ошно сенга не керак?..
Шундоқ деб эшикка тикиламан, бас,
Яна дардим этар юрагимни фош.
Асрдош эмасмиз, ватандош эмас,
Лекин юракдошмиз, Ҳамлет, юракдош!

Сен-ку замонлардан ўтдинг ярқираб,
Мен ҳам шу жабқада урмоқчиман бонг.
Рұхинг излаб келмиш рұхимни, ажаб,
Рұхим излаб борса рұхингни, не тонг...
Рұхимиз ундошдир, Ҳамлет, нақадар,
Йүқса, иккимизга күришмоқ қаён?
Сен-ку юрагингни очдинг бир қадар,
Мен ҳам этай дейман дардимни аён...
Ҳали ҳам қабоқат яшайди ерда,
Ҳали ҳам шум фалак – жобиры жаббор,
Ҳали ҳам уйингда ўлтириб тұрда,
Жонингни олгувчи амакилар бор.
Ҳали ҳам шундайлар учрайди бот-бот,
Уларга севги – пуч, вафо – афсона.
Сени-ку жинни, деб аташди, ҳайқот,
Үшалар наздика мен ҳам девона...
Сен-ку аламларга дуч келдинг талай,
Кам эмас менинг ҳам татиб күрганим.
Пәэрт аямасдан қилич ургандай,
Менга ҳам тиғ солди дүст деб юрганим...
«Ё ҳаёт, ё мамот!» – юрагинг охи
Ҳали ҳам юксалған самога устун.
Мен ҳам шу аламни шивирлаб гоҳи,
Гоҳида қычқириб айтаман дилхун...
«Ё ҳаёт, ё мамот!» – жонларда яшар,
Уни тумор қилиб таққанмиз гүё.
Шу сүзни шивирлаб ёд олди башар,
Шу сүзни ҳайқириб айтмоқда дунё.
Ҳайқириб турибди жаҳон бесабр,
Құлида, қўйнида, қўнжида оташ,
Кел энди, дардларим эшишиб бир-бир,
Менга тасалли бер, Ҳамлет – жафокаш!..
Садо йўқ... Ҳаёллар судрайди лекин,
Қўчага чиқаман, ғаройиб бир ҳол:

Бирор кетиб борар, ўшани секин
Ҳамлет, деб ўзимча этаман хаёл.
Хиёбон бошида тураман бир зум,
Аланглаб, бирорни излайман ҳамон.
Ярқ этган бир нигоҳ, маъюс табассум
Мени хаёлларга бошлар бегумон...
Дўстим, давраларда мени афу эт,
Гоҳо қотиб турсам, қўлимда бода.
Не қиласай кўзимга кўринар Ҳамлет,
Кўзимга кўринар буюк шаҳзода!..

1979



ХОЛ

Салқин саҳар,
Салқин саҳар қўйнида
Майин-майин тебранади япроқлар.
Шатир-шутур ёғаётган ёмғирни
Шапир-шупур ичаётир тупроқлар.
Мен ҳам саҳар суурига тўйиндим,
Ёмғирларга юзим ювиб, суюндим.

Салқин-салқин уфуқларнинг ортидан
Қоронғули салқи бўлиб туради.
Шамол тентиб, қанотлари ҳўлланиб,
Елпид-елпид юзларимга уради.
Қандоқ яхши, яланг оёқ йўл юрсанг,
Сув бўйида мазза қилиб ўлтиранг...

Оҳ, тиниқ сув, ариқ тўла тиниқ сув,
Живир-живир мовий осмон парчаси!
Мавжларингга соchlарини солибдир
Майсаларнинг, кўкатларнинг барчаси.
Мен ҳам сенга қўлларимни солайин,
Юзларимни чайиб-чайиб олайин.

Дарахтлар ҳам боқишиди меҳрибон,
Чор атрофим – думбул ўрик даласи.
Яшил олам – бошим узра соябон,
Олам гўзал, мен – оламнинг боласи.
Термиламан армонли бир қуш каби,
Борлик-жаҳон қўзларимга туш каби...

Бир күш каби
Овлоқда, сув бүйида
Овоз қўйиб, сайрамоқчи бўламан.
Аммо ўша яшил дала қўйнида
Яна ажиг бир қушча бор, биламан,
Мўъжаз қушим, лейман, менга сало қил,
Шу оламни юрагимга ато қил!..

1979



ОНА ТОВҮҚ ВА ОЧКҮЗ ҚАРҒА ҲИКОЯТИ

Куз охирлаб қолган эди,
Уфуради қора қиши.
Бирмас, ўнта бола очди
Она товук бояқиши.
Алпонг-талпонг юра кетди
Олачипор жүжалар.
Она товук парвонадир
Кундузлару кечалар.
Юришади палапонлар
Хазонларга ўралиб.
Маржон каби тизилишиб,
Мунчоқ каби тарагиб,
Она товук қанот қоқар,
Қанот қоқиб, ҳай-ҳайлар.
Хатарлардан огох этар,
Балолардан авайлар.
Кунлар шундай ўтар эди,
Келди ногох қора кун.
Пайдо бўлди қора қарға,
Қағиллаган оч қузғун.
У кўз солиб суқли-суқли,
Ютингандан ютинди.
Бир чеккада қотган кўйи
Пойламоққа тутиндиди.
Тошдек қотиб, тош сингари
Отилди сўнг ногаҳон.
Унинг қора чангалида
Чирқиради палапон...
Акалари, укалари
Йиғладилар чирқиллаб.
Она товук боласига
Аза тутди чурқиллаб.
Йиғлай-йиғлай кўникли у,

Күникмайин не илож.
Лекин яна эртасига
Пайдо бўлди ўша оч...
Яна товуқ зор қақшади
Кўкка учди ноласи,
Яна қарға чангалида
Кетди битта боласи.
Учинчи кун келди қузғун,
Тўртинчи кун қолмади.
Товуқ қанча фарёд солди,
Қарға қулоқ солмади.
Товуқ боши чиқмай қолди
Аламдану кўзёшдан.
Қарға ямлаб юта берди,
Юта берди бир бошдан.
Товуқ йиғлар: болалари
Кетаётир камайиб.
Охир битта жўжга билан
Қолди шўрлик мунғайиб.
У мунғайиб, бағри куйиб,
Ёлғизига қарайди.
Еру кўқдан фақат шуни
Аямоқни сўрайди.
Лекин товуқ тепасида
Кузғун яна айланар.
Шу биргина гўдакни ҳам
Ямламоққа шайланар.
Ана, ногоҳ шўнғиди у,
Човут солди беомон.
Унинг ёвуз панжасига
Тушди ёлғиз палапон.
Она қалби тўлиб кетди
Фарёдгаю фифонга.
Зоғ ортидан ташланди у,
Кўтарилиди осмонга...
Жонҳолатда учиб борди,

Кесиб учқур шамолни.
Мен узоқдан тасодифан
Қўриб қолдим бу ҳолни.
Лекин, эвоҳ, етолмади,
Етолмади она қуш.
Қулаб тушди, етиб борсам,
Жон берибди бояқиш...
Боқсан қарға тол бошида,
Гўё дерди: «Бопладим!»
Милтиғимни олиб чиқиб,
Бир ўқ билан сопладим...
Қўрдим атай: қони оқиб,
Шалпайганча ётарди.
Жони чиқиб борарди-ю
Ўлжасини ютарди...
Ҳайратларга чўмиб шунда
Туриб қолдим, ҳай дариф!
Балки бу ҳам бир ишорат,
Балки бу ҳам бир тарих...
Бири унда жон берибди,
Боласига ташнадир.
Бири бунда жон узади,
Ўлганда ҳам гушнадир.
У ҳам күшдир, бу ҳам бир қуш,
Оралиғи – бир қадам.
Юрагимга нидо тушди,
Эшитгайсан, эй одам!
Майли, она товуқ бўлиб,
Ҳаволарда бергин жон.
Лекин сира қарға бўлма,
Ўлганда ҳам ютағон...
Қисмат сени бир ўқ билан
Ағдармасин теракдан.
Насиҳатим ёдингта ол,
Айтдим уни юракдан...

1980

БАХИЛЛИК

Тонглар мужда олиб достон, ғазалдан,
Келишар кулбаю кошонамизга.
Дўстим, шоирлармиз бизлар азалдан,
Меҳнат нони битган пешонамизга.
Биз учун ҳалолдир шу азим дунё,
Юраклар юлдузи – шу ёруғ Ватан.
Биздан бадавлати бўлмагай зеро,
Биздан йўқсили ҳам бўлмайди зотан...
Бизни деб чалинар чаманларда най,
Бизни деб чарх урар фалакда офтоб.
Ишқу аламларда айтинганидай:
«Пок-покиза юрак – бир қатра симоб».
Тонг каби тиниқдир биздаги амал,
Кун каби равшандир бизнинг кору бор.
Ва лекин бирорлар... боқсанг бир маҳал
Фов бўлиб йўлингда туришар қатор...
Туарлар машъум бир сояга ўхшаб,
Ис босган мўридек ичлари тутун.
Туарлар, ияклар қалтираб-қақшаб,
Қўрқинч бир важоҳат касб этиб бутун...
Кимдир, кимлардир бу аянч оломон?
Қайси қавмлар бу, қайси аҳиллар?
Дўстим, сен уларга назар сол чунон,
Булар – баҳиллардир, шўрлик баҳиллар!
Эвоҳ, уларнинг ҳам илкида китоб,
Эвоҳ, уларнинг ҳам қўлида қалам.
Лекин юзларида совуқ бир итоб,
Лекин кўзларида синиқ бир алам.
Биз ҳам шу оламда тирикмиз, десак,
Оlam ўшаларга тор келар гўё.
Биз ҳам шу дунёга шерикмиз, десак,
Камайиб қолгандек уларга дунё.
Не керак ўзни минг мақомга солмоқ,

Табиат бермаса, не қылсын киши?
Оллоқ аламини бандадан олмоқ –
Инсон ҳунаримас, ибليسнинг иши.
Ҳақ сүзи ишқ билан иншо, деганлар,
Кулоқ сол, эй баҳил, ранглари заҳил.
Балки баҳил бўлар подшо деганлар,
Лекин шоир деган бўлмагай баҳил.
Шоир баҳил бўлса, ўхшар ўлатга,
Шеъриятда, ахир, саховат зоҳир.
Шоир подшо эмас, бир мамлакатга
Сигар битта эмас, минг битта шоир...
Дов билан эришиб бўлмас, даъвога,
Ҳақ иши ҳиммату ҳамият билан.
Шеър – арши аълодир, ўша дунёга
Шоирлар етарлар пок ният билан.
Баҳиллик қўлидан бурда нон емак
Ўлимдан оғирдир... ўйлагил бундоқ.
Баҳиллик дегани – бадбаҳтлик демак,
Бадбаҳтлик эса шу дунёмизга доғ.
Ҳорун бўлмасам-да, очдан ўлмадим,
Яшадим гоҳ тикан, гоҳи гул билан.
Лекин баҳтим шуки, баҳил бўлмадим,
Дунёдан ўтарман оқ кўнгил билан...

1980



САРУПО

Гапдан гап, дейдилар, масалдан масал,
Эҳтимол, бу ҳам бир башарий ҳолат:
Бир эски тўним бор, кийганим маҳал,
Танимга жон кираг, жонимга роҳат.

Сўздан сўз, дейдилар, каломдан калом,
Ўйимга етолмай, ўйлайман нуқул:
Бир эски дўппим бор, кийдимми, тамом,
Чиройим очилиб кетади гул-гул...

Одам либос билан, деганлари рост,
Либосга бурканиб юрамиз сипо,
Нимадир инсонга энг олий либос?
Нимадир башарга олий сарупо?

Халқимнинг қадимий тили бор, дуркун,
Ҳар бир жаранглаши руҳимга ривож.
Ўшани ёпиниб юраман ҳар кун,
Ўшасиз жаҳонда мен бир яланғоч.

Тилим ёруғлигим, йириклигимдир,
Башарий шу олам, даҳри-дун аро.
Тилим – бу дунёда тириклигимдир,
Ўлсам кафанимдир, жисмимда қаро...

1981



ФОХИРА

Жаннат боғларидан менинг орим бор,
Менга нима эмиш у боғи Эрам?
Дунёда сенингдек ифтихорим бор,
Дунёда ўзинг бор, менинг Фохирам⁸.

Маърифат аталган таркиби асос
Ўлмагай, билмагай сўлиш ва қариш:
Сенинг китобингдан бўлди сарафроз,
Сенинг офтобингдан топди парвариш...

Сени кўролмаган ғанимлар мутлақ
Кўзи тийра бўлсин, юзлари қаро.
Ҳақдан яралгансан, яшайвер барҳақ,
Эй она Бухоро – жаҳонга оро!..

1980



⁸ Қадимда Бухорони «Фохира» деб аташган. Фохира – фахр мамлакати дегани.

ОШИҚЛАР КҮПРИГИ

Сени эшитдиму күргани келдим,
Яна ўйнаб кетди юрагимда қон.
Сен қайларда эдинг, мен қайда эдим,
Ошиқлар күприги – Пули ошиқон!

Сенга қадам қўйиб, ўйларга толдим,
Яна кўзларимга ёриши жаҳон.
Яна ул санамни ёдимга олдим,
Ошиқлар күприги – Пули ошиқон!

Сенда Мажнуналардан оҳлар тараалган,
Сенда Лайлолар ҳам чекмишлар фифон.
Дилдан яралгансан, дилдан яралган,
Ошиқлар күприги – Пули ошиқон!

Ажиб бир эртаксан, сирли афсона,
Асрлар тилида мунгли бир достон.
Сени куйламишлар ёна ва ёна,
Ошиқлар күприги – Пули ошиқон!

Қабул бўлар эмиш сенда тилаклар,
Авлодлар баҳтига омон бўл, омон.
Ёниб ўта берсин сендан юраклар,
Ошиқлар күприги – Пули ошиқон!..

1980



ОШИҚОНА

Ошиқман, демакки, ташнаман фақат,
Ёлғондир сеҳрингга түйиб-қонганим.
Аммо ҳақиқатдир оламда абал:
Сенинг ёндирганинг, менинг ёнганим.

Кечалар ярқирап бошимда чаман,
Юлдузлар чаманнинг анво гулидек.
Балки етмишга ҳам ёниб етарман,
Менглихон, деб ёнган Махтумқулидек.

Үзимни имтиҳон айладим қанча,
Үзингсан оламда чин инонганим.
Хўш, олам нимадир, олам менимча,
Сенинг ёндирганинг, менинг ёнганим.

Ўтмиш ўтиб бўлди, келар келажак,
Эътироф этаман, қани тонганим,
Лекин шу дунёда мангу қолажак –
Сенинг ёндирганинг, менинг ёнганим.

1981



САВОЛ-ЖАВОБ

Гоҳо юлдуз бўлиб, шам бўлиб гоҳо
Кечалар ёнаркан шоирнинг жони.
Сўрди у: нимадир шу буюк дунё,
Нимадир шу буюк сирри ниҳоний?

Савол оғир эди, ахтариб жавоб,
Бошига шодлигу ғамлар сочилиди.
Қай бир азиз фурсат, қай гўзал асно
Очилди пардаи асрор, очилди...

Дунёни чамалаб, этди сарҳисоб,
Ажаб ҳикмат экан шу буюк дунё,
Аввал меҳр экан, сўнгра бир инсоф,
Кейин ҳиммат экан шу буюк дунё!..

1981



ИБРОҲИМ МҮМИНОВ САБОҒИ

Кўнглим осмонида ҳамиша кундуз,
Ёниқ юлдузларнинг йўқдир саноғи.
Унда энг чароғон, энг ёруғ юлдуз –
Иброҳим Мўминов сабоғи!..

Ҳақ-ҳақиқат бўлсин юзингта қўзгу,
Тафаккур ва имон – йўлинг маёғи.
Сен маёққа интил, мардана бўл, бу –
Иброҳим Мўминов сабоғи!

Олимга зийнатдир ғайрат ва чидам,
Меҳнат-машаққатнинг йўқдир адоги.
Адо бўлгунингча олға бос, бу ҳам –
Иброҳим Мўминов сабоғи!

Ҳалол ҳамнафас бўл аҳли тамизга,
Ҳар иш, ҳар юмушнинг бордир сўроғи.
Бу бизга, бу сизга, бу ҳаммамизга –
Иброҳим Мўминов сабоғи!

Жуда табаррукдир шу она тупроқ,
Унда боболарнинг кўзи-қароғи.
Сен унинг шаънини баланд тут, шундоқ –
Иброҳим Мўминов сабоғи!

Олимлар учрайди такаббур, тунд юз,
Боқсанг очилмайди қошу қабоғи.
Афсус, кор қилмабди уларга, афсус,
Иброҳим Мўминов сабоғи!

Устоз бўл, ота бўл энг аспларга,
Ҳамият тоғи бўл, ҳиммат булоғи.
Бу энди келажак кўп наслларга –
Иброҳим Мўминов сабоғи!..

1981

ҚАЁНДА

Күнглим, яна олам, дейсан ўксиниб,
Ғам чекмасанг, ғамсиз олам қаёнда?
Бани Одам дейсан, амалга миниб,
Амалга минмаган одам қаёнда?

Вафоси ёлғоннинг ваъдаси бўлиқ,
Инсофи йиртиқнинг ҳамёни тўлиқ.
Олганда Хотамтой топилар улуғ,
Аммо берганда-чи, Хотам қаёнда?

Номард, эл деганда, ўзини ўйлар,
Орифлар жаҳонга элини сўйлар.
Мотамга ўхшайди баъзи бир тўйлар,
Лекин тўйга монанд мотам қаёнда?

Жамол, бўлолмадим хўблардан хўброқ,
Аламим бор, лекин армоним кўпроқ,
Онам-ку мана шу бир ҳовуч тупроқ,
Лекин тупроқ бўлган отам қаёнда?..

1981



ҲАЛИМА НОСИРОВАГА ШЕЪРИЙ МАКТУБ

Опа, эслайсизми, ёдингиздами,
Боғларга бурканган олис Шоғиркон?
Сўлим оқшом эди, сарҳовуз бўйи
Ажиб мўъжизага бўлмиши макон.
Халойиқ жам эди, ҳамма ёқ тирбанд,
Ўртада саҳнадек ёруғ шоҳсупа.
Бир маҳал бир ажиб назокат билан
Сиз чиқиб келдингиз даврага, опа.
Чапаклар чалинди, қўзлар чараклаб,
Чолғулар бирикиб, бирдан чекди ун.
Шунда ашулага сиз очдингиз лаб
Ва жумла дунёни қоплади афсун.
Бошланди даврада ёниқ бир наво,
Юракларни кабоб этгувчи хониш.
Йўқ, бу наво эмас, хониш эмас, оҳ,
Бу бир ёниш эди, буюк бир ёниш!
«Ушшоқи Ҳалима»⁹ янграр эди, бас,
Оlamга сочарди садоларини.
Мен сармаст термилиб, қўрар эдим маст
Бу жонсўз нағманинг адоларини...
Менга ҳаёт эди сиз айтган «Баёт»,
Сиз – буюк хонанда, мен – чўпон бола.
Менинг юрагимда қолди умрбод
Ўша оқшомдаги най билан нола.
Ўтли замзамалар юракда қолди,
Қолди рӯҳим аро ёниқ бир қуёш.
Неча бор ҳаваслар, ҳислар йўқолди,
Қолди инжу бўлиб қўзларимда ёш.
Қўшиқлар куйланса, қулоқ соламан,
Оҳанглар кўкида бўламан сайрон.

⁹ «Фироқ алангасида...» деб бошланувчи ашулани Бухорода шу ном билан аташади.

Үша хонишларни құмсаб қоламан,
Үша ёнишларни тополмай ҳайрон.
Энди құшиқларда чақнамайди ҳис,
Сүзи ҳам тушмайди созига лойиқ.
Сағнада үзини унутмас ҳофиз,
Бепарво тинглайди уни халойиқ.
Юракдир, дард ила илхомдир құшиқ,
Лекин буларни ҳеч андиша этмай,
Гоҳо бақиришар қуруқдан-қуруқ,
Гоҳо маърашади уялмай-нетмай...
Гул деб құлимиизга тутишар тикан,
Лекин хижолат ҳам бўлишмас сира.
Санъат бор экану шанъат бор экан,
Шанъатнинг бугунги номи – халтура...
Опажон, бу сўзлар жарангдор эмас,
Не керак уларни шеър қилиб ёзиш?
Келинг, кексаликни отинг бир нафас,
Оташин наволар топсин навозиш.
Шоғиркон ҳали ҳам ўша Шоғиркон,
Сиз – буюк хонанда, мен – чўпон бола.
Келинг, юракларга қуйилсинг тамом
Ўша оқшомдаги най билан нола.
Муazzам сағнага чиқинг бу замон,
Сурур дарёлари оқсиналар тўлиб,
Бизга наво тузинг яна, опажон,
Нафосат юлдузи – Ҳалима бўлиб!..

1982



ТҮҚСОН БОБОНИНГ ЭВАРАСИ ҲАЁТЖОНГА АЙТГАНЛАРИ

Тонг оқариб қолди оппоқ,
Кўзингни оч, тур, болам.
Ғўзалари бодроқ-бодроқ
Пахтазорга юр, болам.
Сени кутиб пайкалларда
Фириллайди шўх сабо.
Майли, бир оз жуздонингда
Кутиб турсин «Алифбо».
Кутиб турсин китобларинг,
Дафтарлару қаламлар.
«Беш» олганда қийқириқлар,
«Икки» олса аламлар...
Эҳ-ҳе болам, ёшлиқда-чи,
Биз ҳам қулоч ёзганмиз.
Фарҳод ГЭСини бунёд этиб,
Чўлда канал қазганмиз.
Эсиз, энди қариб қолдим,
Бўлмаса, бел букардим.
Этак-этак олтин териб,
Хирмонларга тўкардим.
Олти миллион икки юз минг –
Аҳдимиз бор беришга.
Олти миллион икки юз минг
Бармоқ керак теришга.
Болам, ўзинг мададкор бўл,
Мадад элга – кучингдир.
Қардошларни кийинтириш
Байналминал бурчингдир.
Балки қўлинг тирналади,
Балки бетинг қирилар.
Зиёли йўқ, унга дарҳол
Дори-дармон сурилар.

Балки белинг толиқади,
Толиқса ҳам, тоқат қил.
Марра сари қадам-қадам
Интилишни одат қил.
Бир кун күкда туташганда
Пахтамизнинг хирмони,
Карнай-сурнай садолари
Босиб кетар дунёни.
Она Ватан олар шунда
Сени иссиқ бағрига.
Сен борарсан карвон билан
Иваново шаҳрига.
Бошланади тантаналар,
Табриклару олқишлиар,
Мажлисларда нутқ сўзлаб,
Қўлни қўлга олишлар.
Ёд этилар, болам, шунда
Сенинг ҳам зўр меҳнатинг.
Жўяклардан жўякларга
Чеккан буюк заҳматинг.
Баракалла, азаматим,
Омон бўл, деб алқисса,
Пешонангдан ўпид қўяр
Холагинанг Маруса...

1982



ЭЛЬБРУС

Бўйингни ўлчашга учқур, асабий
Бургут хаёлинг ҳам қанотлари суст.
Мен бугун ожиз бир чумоли каби,
Пойингда турибман, буюк Эльбрус...
Абадий викорсан, азалий ҳайбат,
Табиат яратган муаззам қўрғон.
Замин-ку пойингда пойандоз абал,
Фалак бошинг узра ўзи соябон.
Вулқонлар яшармиш сенинг бағрингда,
Аммо бошингда-чи, оппоқ мангү қор.
Пишқирган селларинг, дарёларинг-ла
Сенинг ҳам жаҳонда сиёсатинг бор.
Самовий маъвосан, мунаvvар гўша,
Парилар яшаган макон, айтайнин:
Агар шу дунёда фаришта бўлса,
Унинг ҳам макони ўзингсан тайин.
Ўша, жаҳон аро оловлар ёққан
Тарих ҳам пойингда кечирмиш умр.
Прометей қони кўксингга оққан,
Сенинг тошларингта тирмашган Темур.
Кимлар сени кўриб муродга етган,
Кимларнинг бошига етган матлаби.
Гитлер ҳам қошингта бир келиб кетган,
Тарих курагида супринди каби...
Жаҳон марказида турибсан гўё,
Жаҳоний қисматлар устингга қалаш.
Тиниб-тинчимайди тегрангда дунё,
Жаҳоний кураш бу, жаҳоний талаш.
Ҳақни талашади инсонлар бугун,
Адолат талашар, инсоф талашар.
Одамзод фарзанди борки, куну тун
Жаҳонда ҳаққини талашиб яшар.

Майли, кураш ўзи ҳаётга тирак,
Лекин танти бўлсин майдонда баҳо.
Тубанлик ўзини тутмасин юксак,
Пучаклик ўзини этмасин даҳо.
Кавказ тоғларига эй олий падар,
Агарчи тошдирсан, дардим этай фош.
Сохта буюклардан бездим нақадар,
Сохта юксакларга қолмади бардош!
Инсоннинг ҳиммати тошдан ҳам пастми,
Ўзинг изоҳ бергил менга, Кўҳи Қоф,
Юксаклик белгиси софлик эмасми,
Буюклик белгиси эмасми инсоф?
Ажабо, шундайлар учрайди баъзан,
Фойда деб инсофга солишар тугун.
Ўшалар номусни ёд этиб чиндан,
Надомат ўтида ёнмасми бир кун?..
Яшил арчазорлар қўйнида сайрон
Кезаркан кўкўпар чиройингга лол,
Мен сенга дардимни айладим аён,
Мен сенга сифиндим, эй буюк Тимсол!
Алвидо, Эльбрус, яхши қол энди,
Янги манзилларга бугун етаман.
Мармар ҳаволаринг, шукуҳларингни
Бағримда авайлаб олиб кетаман.
Фалакни қучганда алвон субҳидам,
Мағрибдан Машриққа эсганда сабо,
Абадий юксаклик, софликларингдан
Менинг юртимга ҳам насиб эт, бобо!

1982



ЮРТИМ

Қуёш битта, ҳар бир юртнинг қуёши бор,
Осмон битта, ҳар бир юртнинг осмони бор.
Замин битта, ҳар бир юртнинг тофу тоши,
Жаҳон битта, ҳар бир юртнинг жаҳони бор.

Ўзбекистон, айрилмагин қуёшингдан,
Ўзбекистон, айрилмагин осмонингдан,
Ўзбекистон, тупроғингдан жудо бўлма,
Айру тушма, юртим, турфа жаҳонингдан...

Ҳар бир элнинг бошида бир жудоликлар,
Жудоликлар келса, бошинг омон бўлсин.
Ўта берсин подшоликлар, гадоликлар,
Озодлигинг, юртим, сенга имон бўлсин.

Нурли-нурли айёмларинг бўлиб турсин,
Насиб этсин сенга олтин саҳроларинг,
Овозингта тўлиб турсин, тўлиб турсин,
Юртим, чаман водийларинг, дарёларинг...

1984



ХУРОФОТ

Үйимиз ёнида қомати расо,
Оқбадан терак бор, ажиб бир сулув.
Хар куни бир қулоч үсади гүё.
Тұртинги қаватта етиб қолди у...
Шу теракка боқсам, күнглім ёришар,
Шу теракка боқсам, айланар бошим.
Лекин бир санобар ёдимга тушар,
Ёдимга тушади битта тенгдошим...
Улар севишилар энтикиб, ёниб,
Тирилгандай бүлди Отабек-Кумуш,
Висол гаштини ҳам сурдилар қониб,
Орзу-умид ила курдилар турмуш.
Ва лекин бошларга йиқилди қайғы,
Аlam тиғи қилди юракларни қон.
Қызылари туғилди – майиб ва мажрух,
Үғиллар туғилди – ношуд, нотавон...
Энди хотин йиғлар... эри шу ора –
Қысматини қарғаб, ичар дамодам.
Тұхта, қысматингни қарғама, жұра,
Тұхта, улгурасан сипқоришгаям...
Майли, сұзларимни олавер малол,
Майли, масхараалаб, майна қил, бироқ;
Фоғилни изласанғ – күзгуга күз сол,
Иблисни истасанғ – қадақингта бок!
Не-не хурофотлар битдилар буткул,
Лекин етиб келди үзга хурофот;
Бир құлтум ароқдан – чехрамиз гул-гул,
Бир стакан ароқ – бизга мукофот.
Мен күриб, ҳар сафар аламга тұлгум,
Шоирлар ичади – не бўлса бўлар...
Олимлар ичади – қистайди кулгим,
Ўсмирлар ичганда, йиғлагим келар...

Ароқ бўлди бизга нон билан туздек,
Шароб пиёласи ҳамиша қўлда.
Ичкилик бобида азamat ўзбек
Бугун қардошларни қолдирап йўлда...
Байрам-тантана кўп, маърака-мавруд,
Бизга баҳонадир йил оши ҳатто,
Ичамиз – миядан тарқамасдан дуд.
Ичамиз – эс оғиб, ийқилгунча то.
Топишиб олганмиз Лайли-Мажнундек,
Сафарга чиқмаймиз, бўлмаса ароқ.
Ҳатто мажлисда ҳам отамиз жиндак,
Ҳатто тўшакла ҳам кайфимиз тароқ...
Бизга торлик қилас, ичсак, кўча-кўй,
Чойхона, ошхона қиласи озлик,
Ҳар куни тўй деймиз, тўғри, оти тўй,
Аммо аслида у – ичкиликбозлик...
Нутқлар сўзлаймиз, қўлимизда жом,
Ич, деймиз, агарда йигит бўлсанг, ич!
Оталар олдида – нимжонмиз тамом,
Боболар ёнида – бўйимиз қарич.
Полвонлар учрайли лекин ҳар қалай,
Полвонмиз айниқса бўлганда пиён.
Бизда чемпионлар оз, демак, бай-бай,
Ичкилик бобида кўплар чемпион.
Буюк шахматчилар бизда йўқ магар,
Аммо биз ичганда, ичамиз босиб.
Ичкилик бобида берилса агар,
Гроссмейстер номи бизга муносиб...
Эшит, эй биродар, мана, келди гал,
Бағримга ханжардир – қадди ёйлигинг.
Тилладан, пахтаю пилладан аввал
Ақлу идрокингдир – миллий бойлигинг!
Ақлу идрокингни совуриб оғу,
Сени кўча-кўйда қиласи томоша.

Оқибат аслингта човут солди у,
Оқибат наслингни айнитди ўша!..
Йўқ, мен таъна эмас, тавбалар дейман,
Бағримни ўртайди оналар оҳи.
Мажруҳ гўдакларнинг ғамини ейман,
Мени ваҳималар ўрайди гоҳи...
Шунчалар ичамиз, кун ўтган сайин
Даврага зеб бериб, қадаҳни бежаб.
Шундоқ кетаверса, юз йилдан кейин
Ёппа овсар бўлиб қолсак, не ажаб!..
Не-не хурофотлар битдилар буткул.
Лекин етиб келди ўзга мурофот.
Наҳот, қолаверсак шу офатга қул?
Наҳот, истиқболга шудир мукофот!
Мен-ку аҳволингта кўз солиб дилхун,
Ичма, заҳри мор, деб қўлингни тўсдим.
Кайф устида бўлган авлодинг бир кун
Сени лаънатларга кўммасми, дўстим?..

1984



ОҚИБАТ

Бу йўлда учратиб кўрдилар мени
Ҳар кимки учради йўлда, кўрдим мен.
Башарий имонинг бутунми, яъни,
Оқибатинг борми, дея сўрдим мен.

Оқибат йўлига тикиб гаровлар,
Ютқиздим, ютиб ҳам ютмадим унча.
Оқибат кўрсатди менга бировлар
Иш битиб, эшаги сувдан ўтгунча...

Ва лекин, эй кўнглим, унутма зинҳор,
Унугтма, бу дунё – тошу тарозу.
Тошу тарозу бор, эл бор, улус бор,
Шундан бошқасини айлама орзу...

Одамлар учрайди, юзлари шувут,
Қадамига ўлчаб босар қарични,
Шуларнинг шаънига ёғдирмасми юрт:
«Оқибатинг қурсин!» деган қарғиши.

Агар қўйиб берсанг, бировлар илдам
Нафсига юртини айлагай фидо.
Шуларнинг шаънига эмасми ҳар дам:
«Оқибатинг куйсин!» деган бир нидо.

Халқ кечар, ҳикмати кечмас жаҳондан,
Шундоқ бўлиб келган азалдан-азал:
Баъзан оқибатсиз дўсти-ёрондан
Оқибатли рақиб минг бора афзал.

Келар асрлардан мардона бир сас:
Тоғлар бу дунёда тургуси абал.
Шу мовий самода юлдузлар сүнмас,
Халқнинг юрагида яшар оқибат!..

Кўнглим, сен шуларни унутма зинҳор,
Унутма, бу дунё – тошу тарозу.
Тошу тарозу бор, эл бор, улус бор,
Шундан бошқасини айлама орзу...

1984



УМИДЛИ ДУНЁ ҚҰШИҒИ

Олуча бутоғида дүмбоқ бир олучадек
Бир құшча үлтирибди, Машриққа термилиб зор.
У қүёшни кутади, құксида тегиб юрак,
Шу кичкина юракнинг дунёдан умиди бор.

Унинг боши устида шивирлайди бир япроқ,
У ҳам құзини узмай турар Машриқ томондан.
Унинг ҳам юрагида яшаш деган иштиёқ,
Унинг ҳам умиди бор шу умидли жаҳондан.

Намиққан, ҳўл тупроққа икки тиззасини тираб,
Ўша кун чиқар ёққа тикилиб турар одам.
«Ё раб!» дейди ҳар замон, «Офтоб!» дейди
пичирлаб,
Интизор кўзларида умидлари бир олам...

Тиним билмас шу жоннинг қүёшдан умиди ҳақ,
Лекин озмунча эмас ўртала масофаси.
«Умидим сарвари» деб қүёшни кутар илҳақ,
Ҳазрати Одам бошлиқ жону жонзот ҳаммаси.

Ана, уфқ қўксига шафақдан урилар ниш,
Япроққа шуыла тушиб, ёришиб кетар фалак.
Қанотларини силкиб, құшча бошлайди хониш,
Одам ўз юмушига ёпишади жонҳалак...

Умидли бу дунёда шундай бошланади кун,
Қүёш осмон тоқига күтариладар ловиллаб.
Қитъалар ёришади, тоғлар бўлиб полагун,
Дарёлар денгизларга қуйилади шовуллаб...

Шуълаларга ғарқ бўлиб ярқирав чўлу чаман,
Ҳамма ёқда ҳукмрон ҳаёт деган зўр тилсим.
Тунлари юлдузларга термилиб түёлмайман,
Эрта яна порлайди менинг умид юлдузим!

Ҳаёт корхонасида шундай кечади айём,
Эртасига кўз тикиб, бунда боқийдир башар.
Фақат одамизодмас, жону жонзот батамом
Эртани кутиб яшар, эртани кутиб яшар!

Оналар нон ёпали, оталар экар экин,
Бирорвга саҳар сулув, бирорвга кун ўртаси.
Миллион йиллар кечади, миллион йиллар ва лекин
Умидли шу дунёнинг битмайди ҳеч эртаси.

Онг билан ёришган қалб, ишқ билан йўғрилган жон
Эртага етайнин, деб баъзан қонлар ютади.
Муҳаббатнинг умиди эртадан жаҳон-жаҳон,
Ҳатто нафрату алам эртага кўз тутади...

Эй сен, миллион йилларнинг тўфонин ёриб тикка,
Ўзининг ўзлигини сақлаб келолган жоним,
Нега қалтираб қолдинг, не учун бу таҳлика,
Эртанинг умидидан айрилдингми, жаҳоним?..

Наҳотки ер юзида якунга етиб ҳаёт,
Энг сўнгги эртасига етиб келибди башар?
Йўқ, бу афсона эмас, хурофот эмас, ҳайҳот,
Дунёмиз эшигини қоқиб турибди маҳшар!..

Миллион йиллик маърифат – меҳнат, ижод,
машаққат,
Жаҳоний интилишлар наҳотки бўлса бир пул.
Наҳотки еримизда қойим бўлиб қиёмат,
Буткул кору боримиз куйиб кул бўлса буткул?

Атлантика уммони наҳот ҳайқириб-тошиб,
Евро-Осиё оша Тинч уммонга қуйилса?
Шимол муз океани ўз сарҳадидан ошиб,
Ҳинд уммонига етиб, түфон бўлиб уюлса?

Алҳазар, минг алҳазар! Одамизод дегани,
Шунчалар жоҳил бўлиб, шунчалар тушгайми паст!
Башарият бошига солиб шу ваҳимани,
Дағдаға қилиб турган бир тўда балойи нафс!

Жаҳон ҳалокатига наҳотки бўлса сабаб
Одамизод қавмидан чиққан иблис бедоди?
Ўз она бешигидан атом гулхани ясаб,
Жизғанак бўлиб ёнса наҳот одам авлоди?

Наҳотки шу дунёдан, дунёдаги ҳаётдан,
Ҳаётдаги нажотдан устун келса манфаат?
Эй, гушна кўзларини айирмай коинотдан,
Жаҳонга мушт қадаган зўравонларга лаънат!

Сенами, Миссисипи, Волгами ёки Аму –
Шарқираб оқа берсин, сира тинмасин, дейман.
Кичкина шу еримиз – Қуёшга кумуш кўзгу,
Ҳай-ҳай, зилол ойина чил-чил синмасин, дейман!..

Биламан, шу жаҳонда инсоннинг умри қисқа,
Лекин башар бор бўлсин, яшаб-яшнасин дунё,
Мендан сўнг ҳам кун балқиб, табиат яшнамаса,
Мен баҳтсизман бир уюм тупроқ остида ҳатто...

Ҳой, сен, шўрлик урушқоқ, худбинликда тошбағир,
Бу дунёда ҳар кимса экканини йиғади.
Ҳаёт деган асрорни сен яратмадинг, ахир,
Бас, уни йўқотмоққа қандай ҳалдинг сиғади?!

Ҳаммамиз одамлармиз, бизникидир шу дунё,
Ер деб аталган макон ҳаммамизниki демак.
Шунчалар палидмисан, шунчалар бахти қаро,
Үз уйифа ўт қўяр қайси нодон, кўрнамак?

Инсонлар, ҳой инсонлар, овоз қўйинг барадла,
Уруш пайида юрган нокаслар бадном бўлсин.
Таъналар тоши билан боши бўлсин дабдала,
Оналарнинг оқ сути уларга ҳаром бўлсин!

Биз уруш кўрган халқмиз, ҳамон бағримизда ўқ,
Юртимиз шаҳидларнинг муқаддас хоки поки.
Уруш солған жароҳат ҳали битганича йўқ,
Ҳали битмаган буткул қўксимиз алам чоки...

Қуёшли шу тупроқда нону насиба тайин,
Тинчлик, омонлик керак, бизга не ҳожат уруш?
Ҳар бир халқ, ҳар бир улус ўз ерига хўжайин,
Бола-чақаси билан бахтиёр бўлса на хуш!

Умидли шу дунёдан умид аримасин ҳеч,
Ўғилларимиз қуёв, қизлар келинчак бўлсин.
Ҳамроҳимиз китобу рубоб бўлиб эрта-кеч,
Тоғларда кўк чашмалар, боғларда чечак бўлсин...

Олуча бутоғида дўмбоқ бир олучадек
Бир қушча ўлтирибди, Машриққа термилиб зор.
Тинчлик-омонлик, дейди қўксисда тепиб юрак,
Шу кичкина юракнинг дунёдан умиди бор...

Биз ахир инсонлармиз, ёруғ жаҳон олдида
Масъулмиз, тинчлик бўлсин ҳамиша эзгу ният.
Еру осмон олдида, замин-замон олдида
Тоабад юзи қаро бўлмасин башарият!..

1984

УЧАР ТАРЕЛКАЛАР

Мовий сайёрамиз бошида бирдай
Қүёш чарақтайди, юлдузлар шайдо.
Яна... гоҳ кўриниб, гоҳи кўринмай,
Учар тарелкалар бўлишар пайдо...

Ҳар гал шу хабардан дунё энтикар,
Энтикиб, фалакка кўз тикар муштоқ.
Қитъалар, ўлкалар кўкка кўз тикар,
Шовур-шувур бўлиб кетар ҳамма ёқ...

Мен ҳам кўз соламан самоларга лол,
Кўксимда ҳаяжон, ҳадик ва севинч.
«Кўриниб қолмасми?» деган бир хаёл,
«Кўриниб қолса-я...» деган бир илинж...

Кундуз кечиб, аста қораяр оқшом,
Ой елкан ёзади коинот узра.
Мен яна фалакка йўллайман салом,
Деразамга келиб қўнади Зуҳра.

Ётаман интиқиб, кўкка термилиб,
Ёғар кипригимга шаффофф ёғдулар.
Шунда коинотнинг элчиси бўлиб,
Хузуримга тушиб келишар... улар.

Улар киришади соядай бесас,
Мунис ва мунаvvар қиёфаларда.
Улар яқинлашар... орамизда, бас,
Бир қадам қолади ва мовий парда...

Қўлимни чўзаман, титрайман нега?
Кўксимдан отилар бўғиқ бир фифон...
Қисмат муҳр босган ўша пардага
Қачон қўлинг етар, жафокаш инсон!

Дунёга келганды ожиз эдинг сен
Яна сайламишди тақдир тошбағир:
Күз очган чоғингда ёлғиз эдинг сен,
Қадам босганды ҳам якка бир сағир.

Дунёга боқдингу саволга тушдинг,
Күрдинг шу жаҳонни қўрқинч ва холи.
Ўша кун бир ажиб хаёлга тушдинг,
Юрагингта тушди Тангри хаёли...

Меҳнатми мاشаққат, дўзахми маҳшар,
Унинг номи билан топдинг тасалло.
Улғайиб, Тангрини тарқ этдинг, башар,
Сени ҳам гўёки тарқ этди Оллоҳ...

Энди бу дунёда ишинг «урра»дир,
Жаҳон йўлларида ўз-ўзингга бош.
Сен кўтарган чангдан осмон хирадир,
Сен кўтарган чангдан тийрадир қуёш.

Кўкка нарвон қўйиб, юлдузни уздинг,
Сеҳрлар, амаллар қўлларингда жам.
Билмадим, дунёни буздингми, туздинг,
Ҳар қалай, бузмоққа тайёрсан, хўжам.

Қўлинг қон тўкишдан чарчамас сира,
Ўз-ўзингта ғаним, ўз-ўзингта ёв...
Шунчалар маърифат, билим, мафкура –
Наҳот чеколмаса йўлларингта ғов?

Шунинг-чун мен бугун кўкка қарайман,
Шунинг-чун фалакка термиламан жим.
Юлдузлар, самолар, сиздан сўрайман,
Қайда, деб самовий биродарларим?

Менинг оғаларим, айтинг, қайдасиз?
Башар ёлғиз, деган гаплар афсона.
Қайси юлдузласиз, қайси ойдасиз,
Қайси қиёфада, ким бўлманг яна –

Фалак элчилари, ҳакамлар, келинг,
Ташвиш, талвасалар топсинлар абас.
Якка яшайверсин Худойим лекин.
Одамзодни ёлғиз қолдириб бўлмас...

1985



ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Тушунтириш хати ёздим мен бугун,
Яна ишга солдим эски ҳунарни.
Тушуниксиз сўзлар билан бус-бутун
Тушунтиromoқ бўлдим бир нималарни...

Бошлиғим тикилиб қаради менга,
Тушунтириш тайёр, кетмайди зўрлик.
Бир нима демади... У ҳам бировга
Тушунтириш хати ёзали шўрлик!..

Энди бу нуқтани мушоҳада қил,
Одам боласига тутмагил осон.
Эҳтимол юз мингдир, балки миллион йил
Тушунтириш хати ёзали инсон...

Олис авлодларга айлаб хитоблар,
Тошларга хат чекди одамзод насли.
Бугунги газета, журнал, китоблар
Тушунтириш хати эмасми асли?

Биз хатта суюниб яшаймиз тамом,
Таяниб турфа сўз, ибораларга.
Тушунтириш хати ёзамиз давом
Не-не маҳкамалар, идораларга...

Нутқлар сўзлаймиз жўшқин, жангари,
Мажлислар юкидан эгилар ватан.
Мажлис, музокара қарорлар бари –
Тушунтириш хати эмасми зотан?

Тушунтириш хати ҳар хил аталар,
Салмоғига қараб этилар тақдир.
Хукуматлар ёзган турли ноталар
Тушунтириш хати бўлмай, нимадир?

Тушунтириш хати тарқатар дунё
Ортиб кемаларга, тайёраларга.
Тушунтириш хати жүннатдик ҳатто
Олис юлдузларга, сайёраларга...

Хуллас, шу нұқтани мушоҳада қил,
Одам боласига тутмагил осон.
Эхтимол минг йилдир, балки миллион йил
Тушунтириш хати ёзади инсон...

Қоғоз қоралайди, битади нома,
Лекин сен башарнинг аҳволига боқ:
Шунча тушунтириш, битим, шартнома,
Шунча ишончсизлик, адовар, нифоқ...

Энди бу ёққа бур гапнинг ровини,
Эллар, элатларни құятуру бу дам.
Шунча тушунтириб, бир-бировини
Тушуниб етдими иккита одам?..

Мен қайрилиб боқсам аждодларимга,
Улар тушунтироқ бўлишар бирдак...
Мен шеър ёзяпман авлодларимга,
Тушунтириш хати ёзаман демак.

Эй шарафли наслим, мана, шеърим шай,
Майлига, айла ё айлама шафқат,
Дунёни тушуниб-тушунтиrolмай
Ўтган аждодингни маъзур тут фақат...

1985

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Унинг шеъри эди хаёлларга зеб,
Яшарди мардона, ҳалол ва сахий.
Ҳақиқат элчисидирсан ерда деб,
Балки қулоғига етмишди ваҳий...

Шеър муқадлас эди, калом муқадлас,
Ошиб ўта олди тариқатларни.
Шу гўзал муҳитда оларкан нафас,
Инсонларга айтди ҳақиқатларни.

Исми давраларда айланиб қолди,
Мухлислар орттириди шаҳарлик, кўйлик.
Бир кун не бўлдию хаёлга толди,
Оғир келди унга ҳақиқатгўйлик...

Хиёнат шикваси ўт олди ҳисда,
Шу ўтни дам-бадам пуфлаб турди у.
Аввал мухаммасда, кейин мажлисда
Ёлғон калимага сўзни бурди у.

Ёлғонлар тўқиркан яна жонҳалак,
Бағрида туғёнлар топдилар қазо.
Шу замон қаҳрини кўрсатди фалак,
Унга қойим бўлди муқаррар жазо:

Аввал подшо эди – гадо бўлди у,
Аввал шоир эди – маддоҳ бўлди у...

Энди «аллома» деб аташар уни,
Шогирдлар ёнидан гердайиб ўтар,
Довруқ, дабдаба деб кечади куни,
Хушомад қиласи, хушомад кутар...

1985

ДЕЙДИЛАРКИ, БИР ҚИШЛОҚДА...

Дейдиларки, бир қишлоқда
Яшар экан бир одам.
Бир озгина ҳалол экан,
Бир озгина муттаҳам.
Үша жиндак ҳалоллиги
Буткул тарк этиб уни,
Құшнисининг товуғини
Үйирлабди бир куни.
Шүрлик товуқ нечук бўлиб
Тушар экан дастига,
Хиппа бўғиб, яширибди
Бостирмаси остига...
Лекин бу гап ёйилибди,
Бўлиб ҳар ён овоза.
Қоқилибди ҳар бир эшик,
Ҳар бир дарча, дарвоза.
Бошланибди югур-югур,
Қидир-қидир, ков-ковлар.
Бир-икки бор шубҳа билан
Боқишибди бирорлар...
Үғри эса қалтирабди
Қўрқув босиб дам-бадам.
Шу алфозда ўт қўйибди
Ўз мулкига муттаҳам.
Похол томли бостирмаси
Гурра ёниб кетибди
Олов яна шиддатланиб,
Уйига ҳам ўтибди.
Ёнғин яна авж олибди,
Талпинибди йироққа.
Бир касофат касри билан
Ўт кетибди қишлоққа...

Шундай бўлар виждонини
Жифилдонга урганлар.
Фош бўлмасин сирим, дея
Ваҳим ичра юрганлар.
Улар бир пайт ўғри каби
Тупуришган имонга.
Энди агар қўйиб берсанг,
Ўт қўйишар жаҳонга.
Уларга-чи, дунё бўлса,
Лекин одош бўлмаса,
Кўмилганлар очилмаса,
Юраклар фош бўлмаса.
Шу туфайли таҳдид солиб,
Этишади хитоблар.
Улар учун воситадир
Минбарлару китоблар.
Улар учун ҳамма нарса
Воситадир, во дариф.
Мададкор бўл ҳақиқатга,
Буюк замон – муаррих!
Шундайларни сўроқ айла,
Шундайларга савол бер.
Ҳақиқатни яширганлар,
Кўмганларга завол бер!..

1985



ДЕЙДИЛАРКИ, БИР ШАҲАРДА...

Дейдиларки, бир шаҳарда
Бир киши бўлган экан.
Айниқса бир бечорага
Кўп жабр қилган экан.
Лекин ўша жабркорга
Бир кун ажал етибди.
Кейин ўша бечорага
Бундан хабар етибди.
Аввалига ишонмабди,
Ишонмаса, на чора.
Туриб-туриб «йўғ-ей» дебди,
«Наҳот?» дебди бечора.
Ўзини минг шубҳа-гумон
Хаёлларга қорибди.
Ва ниҳоят, у марҳумнинг
Эшигига борибди.
Овоз қўйиб чақирибди
Айтиб унинг отини.
Ичкаридан «вой, уйим!» деб
Дод солибди хотини...
Шунда бир оз ишонибди,
Ишонмасдан на чора.
Лекин яна «йўғ-ей» дебди,
«Наҳот?» дебди бечора.
Яна қўнгли ғаш бўлибди
Бориб шубҳа-гумонга.
Кейин шартта йўл солибди
Қабристон томонга.
«Фалончининг қабрини бир
Кўрсам эди», дебди ул.
«Мана бу», деб бир қабрни
Кўрсатибди қоровул.
Шунда бир оз ишонибди,

Ишонмасдан на чора.
Лекин яна «йўғ-ей» дебди,
«Наҳот?» дебди бечора.
Шубҳа-гумон ёпирилиб,
Совурибди сабрни.
Қоровулга ялинибди,
Очирибди қабрни.
Таниш юзни кўриб, унинг
Аҳволини сўрибди.
Секин туртиб, бир-икки бор
Силкитиб ҳам кўрибди.
«Наҳотки сиз марҳумдирсиз,
Тирик эмас, ўлик тан?!» –
Дея қанча қичқирса-да,
Ун чиқмабди ўликдан.
Шунда тамом ишонибди,
Ишонмасдан на чора.
Эгилибди, хўрсишибди:
«Раҳмат!» дебди бечора.
«Шу дунёга келиб сиз ҳам
Аломат иш қилдингиз:
Хайриятки, кўз юмдингиз
Хайриятки, ўлдингиз...
Ҳимматингиз намоёндир
Шу хизмат – шу самарда.
Не қиласардик бизлар бугун
Ўлмасангиз агарда...»
Шу сўзларни айтиб яна
Таъзим бажо этибди.
Ва дунёдан мамнун бўлиб,
Ўз йўлига кетибди...
Бу дунёда мустабид бор,
Золим бору зулм бор,
Хайриятки, золимга ҳам,
Зулмга ҳам ўлим бор...

1985

ДҮСТЛАР ВА ДУШМАНЛАР

Дүстларинг кўпми, деб сўрашар баъзан,
Дўстларим оз эмас, мен сизга айтсан.

Дўстимдир бошимда юксалган фалак,
У менга соябон, мовий чамбарак.

Дўстимдир фалакда порлаган офтоб,
У менинг руҳимга аталган хитоб.

Дўстимдир осмонда кулиб турган ой,
У менинг кўнглимга очилган чирой.

Дўстимдир чақнаган, ёруғ юлдузлар,
Менинг кўзларимга тикилган кўзлар.

Дўстимдир ложувард, шалдироқ сувлар,
Менинг юрагимга оққан инжулар.

Дўстимдир кўкларда ўйнаган қушлар,
Менинг кипригимдан узилган тушлар.

Дўстимдир пишқирган баҳорий селлар,
Оҳудек талпинган ўйноқи еллар.

Далалар, адирлар, боғлар, чаманлар,
Дараҳтлар, чечаклар, барги суманлар –

Дўстимдир, дўстимдир ҳамма-ҳаммаси,
Қурту қумурсқанинг алвон нағмаси...

Шоирнинг дўстидир муnis оналар,
Азамат йигитлар, шўх жононалар.

Шоирнинг дўстидир барча болалар,
Ҳаёт бўстонида ўсган полалар...

Шоирнинг дўстидир шу буюк жаҳон,
Ундаги ҳар битта заҳматкаш инсон.

Хуллас, шу муҳташам, ёруғ дунёда
Дўсту азизларим ҳаддан зиёда.

Агар санайверсам, саноғи бўлмас,
Саноғи бўлса ҳам, адоги бўлмас...

Душманларинг кўпми? – сўрашар тағин,
Кўп эмас, бор битта душманим лекин.

У ўжар, такаббур, ёвуз, бешафқат,
Менга мاشаққатлар ортади фақат.

Гоҳо таҳдид этиб, йўлдан оздирап,
Бўлмағур гапларни гоҳо ёздирап.

Мени аламларга бошлаган ўша,
Гоҳо кўзларимни ёшлаган ўша.

Таъна тошларини тинмай отар у,
Мени бошқаларга элтиб сотар у.

Ўтса ҳамки йиллар, ҳафталар, ойлар,
Менга кун бермайди, йўлимни пойлар.

Уни деб кечалар ҳаловатим йўқ,
Уни деб кундузлар фароғатим йўқ.

У менга ҳамроҳдир қабргача то,
Миллионлар ичидан бўлса ҳам ҳатто.

Мен уни танийман, адашмас қўзим:
Дунёда ягона душманим – ўзим!..

1985

АДАБИЙ ТАНҚИД

Хазил

Ҳамзага этмадинг аввал эътибор,
«Ўткан кунлар» бўлди қўлларингда хор.
«Мехробдан чаён» ҳам чиппакка чиқди...
«Обид кетмон»дағи пучакка чиқди...
Уриб «Кутлуғ қон»нинг бошини ёрдинг,
Кейин «Навоий»ни тупроққа қординг.
Сароб бўлиб қолди дастингдан «Сароб»,
«Жалолиддин»ни ҳам айладинг хароб.
Арузни ёмонлаб, ерга урдинг сен,
«Алпомиш»ни ҳайдаб, нари сурдинг сен.
«Мирзо Улубек»ни қийноққа олдинг,
«Тобутдан товуш»ни тобутга солдинг...
Шунчалар қон тўкмиш қаламинг сенинг,
Айт-чи, нимадандир аламинг сенинг?
Кўлингда ҳамиша шайдир бешотар,
Магар бобонгмидир Муқ бил тошотар.
Гарчи буюкларни таёқладинг сен,
Лекин пучакларни ардоқладинг сен.
Қилмишинг бўйладир, ишинг бу тахлит,
Баракалла сенга, адабий танқид!..

1985

ИМКОНИЯТ ВА МУМКИННИЯТ

ТАНҚИДЧИ. Устоз, адабиётимизнинг долзарб масалалари устида бир фикрлашиб олсакмикин, дейман...

ЁЗУВЧИ. Марҳамат.

ТАНҚИДЧИ. Мен яна тарихий мавзуга қайтибсиз, деб эшитдим.

ЁЗУВЧИ. Фурқат ҳақида роман ёзаяпман...

ТАНҚИДЧИ. Айни муддао! Шу муносабат билан тарихий асарда ҳаққонийлик масаласида нодир фикрингизни эшитмоқчи эдим.

ЁЗУВЧИ. Бажони дил. Менимча, тарихий асарда ҳаққонийлик деган гап энди эскириб қолди. Аслида-ку, уни олимлар ўйлаб чиқаришган... Энди шуни ҳадеб сақич қилиб чайнайвермасдан янги истилоҳ билан алмаштириш керак. Чунончи, тарихий асарда имконият ва мумкиният, деган ибора билан.

ТАНҚИДЧИ. Жилла тушунмадим...

ЁЗУВЧИ. Ҳозир тушуниб оласиз. Мен ўз тажрибамга суюниб гапираман. Масалан, мен Фурқат ҳақида ёзяпман. Биласиз, Фурқат Туркияда бўлган. Бу – имконият. Хўш, Фурқат бир сакраб, Францияга ўтиши мумкин эдими? Мумкин эди! Хўш, у Парижда бўлганида Бальзак, Стендаль, Виктор Гюго, Золя, айниқса, Жорж Санд билан нега учрашмасин? Ахир у хотинларни яхши кўрар эди-ку...

ТАНҚИДЧИ. Тўғри.

ЁЗУВЧИ. Шошманг, бу ҳали ҳаммаси эмас, Фурқат ҳаттоқи Диккенс билан ҳам учрашган.

ТАНҚИДЧИ. Йўғ-ей, у Англияда бўлмаган шекилли...

ЁЗУВЧИ. Англияни қўя туриング. Лекин унинг Ҳиндистонда бўлгани тарихий ҳақиқатми?

ТАНҚИДЧИ. Тарихий ҳақиқат.

ЁЗУВЧИ. Мана сизга – имконият. Диккенс сафар қилиб, инглизлар қўли остида бўлган Ҳиндистонга бориши мумкин эдими? Мумкин эди. Ҳўш, у Ҳиндистонда бўлганида нега Фурқат билан учрашмасин?

ТАНҚИДЧИ. Дарвоқе, мумкин экан.

ЁЗУВЧИ. Ҳа, имконият бор жойда мумкиният бор!

ТАНҚИДЧИ. Мана бу зўр гап! Цитата қилиб олса, арзиди.

ЁЗУВЧИ. Сабр қилинг, бу ҳали ҳаммаси эмас. Фурқат Лу Синь билан ҳам учрашган.

ТАНҚИДЧИ. Хитой ёзувчиси Лу Синь билан-а?

ЁЗУВЧИ. Ҳа, худди ўша Лу Синь билан! Ўйлаб қаранг, Фурқат Қашқарда яшаган, шундоқми? Барақалла! Ҳўш, у Хитойнинг бошқа вилоятларига саёҳат қилиши мумкин эдими? Мумкин эди. Ана шу саёҳати даврида у Лу Синь билан учрашиб, гаплашиб қолса-чи?

ТАНҚИДЧИ. Лекин бир андиша бор-да...

ЁЗУВЧИ. Тарихий асарда андиша-пандишангиз кетмайди, уни йиғишириб қўясиз.

ТАНҚИДЧИ. Йўқ, мен айтмоқчийдимки, улар бир-бирининг тилини тушунмаса, қандоқ қилиб гаплашади?

ЁЗУВЧИ. Ана холос! Шу ҳам андиша бўпти-ю... Лу Синь уйғурлар билан шундоқ левор-дармиён яшаб, уларнинг тилини тушунмаган, деб ўйлайсизми? Тушунган. Ҳўш, уйғурчани тушунган одам ўзбекчани тушунмайдими?

ТАНҚИДЧИ. Бундан чиқдики, улар яrim уйғурча, яrim ўзбекча қилиб гаплашишган экан-да?

ЁЗУВЧИ. Баракалла. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Улар ижодий ҳамкорлик ҳам қилишган.

ТАНҚИДЧИ. Масалан, қандай?

ЁЗУВЧИ. Масалан, Машраб ҳақида опера ёзишган.

ТАНҚИДЧИ. Йүг-ей, жипла бўлмаса, мусиқали драма денг...

ЁЗУВЧИ. Азизим, хитойлар мусиқали драмадан операга ўтган асрдаёқ ўтишган эди.

ТАНҚИДЧИ. Қойил-е, домла! Менимча, китобингиз, ижодий фантазия эътибори билан, чексиз бир асар бўлади...

ЁЗУВЧИ. Сир бўлса ҳам айтақолай, тарихий асарда ёзувчи учун имконият ва мумкиният чек-чегагра билмайди, буни бемалол ёзишингиз мумкин.

ТАНҚИДЧИ. Ёзаман, домла! Эртагаёқ «Тарихий асарда ижодий имконият ва мумкиният» деган мавзууда бир мақола тайёрлайман. Йўқ, бу ҳали ҳаммаси эмас. Мен буни бир шогирдимга номзодлик диссертацияси қилиб бераман. Бу – илм дунёсида катта шов-шув, ёш қаламкашлар учун ижод мактаби бўлади. Ўз тажрибангиз билан адабиётимиз ва адабий тафаккуримизни олға сурганингиз учун ташаккур, устоз!

ЁЗУВЧИ. Арзимайди.

1985

* * *

Кечди бир лаҳзада ул шириң дийдор,
«Хайр» деб йўлингта жўнадинг сен ҳам.
Лекин ёринг қолди йўлларингда зор,
Қайрилиб, орқангта қара, эй санам.

Мактабга кетасан чопиб-пилдираб,
Митти бўйларингта садқа бўлсин жон.
Лекин ойинг қолди бунда мўлтираб,
Қайрилиб, орқангта қара, болажон.

Узоқда бир жилға кўрибсан, тенгсиз,
Сен энди ўшани чизмоққа моҳир.
Лекин оёғингда чайқалар денгиз,
Қайрилиб, унга ҳам қараб қўй, шоир.

Сенинг ҳақиқатинг мен учун мушкул,
Учқур юлдузмисан, йилдиirimми ё?
Шунчалар еласан, лекин ҳартугул,
Қайрилиб орқангта қара, эй дунё!..

Агарда «йўқ» десанг, бу – сенга ўқдир,
Уни кўкрагингдан оловчи бўлмас.
Сенга ҳам қайрилиб қаровчи йўқдир,
Ортингдан термилиб қоловчи бўлмас...

1988



* * *

Йүк, биз аямадик дунёни асло,
Айтдик рост гапларни роса чайналиб.
Тириклик бешиги бўлмиш шу дунё
Кетиб бораверди қалқиб, чайқалиб...

Ерга ҳам, қўкка ҳам келтирмай имон,
Айтдик чин сўзларни яна ямланиб.
Омонлик уйи деб аталган жаҳон
Кетиб бораверди кўзи намланиб.

Ҳа, биз ўзимизни алдадик кўпроқ,
Айтдик бир нималар яна ғулдираб.
Диёнат мулки деб аталган тупроқ
Ҳамон кетиб борар оғиб, гулдураб...

Энди истиқболда кўринар олов,
Энди ахтарамиз ҳаётга нажот.
Энди қайда деймиз умидга гаров,
Энди тополмаймиз сабрга сабот...

Одамлар, бас энди, инсофга қайтинг,
Умид ҳам, нажот ҳам сизга шу фақат:
Энди ҳақиқатни баралла айтинг,
Дунёни қутқариб қолар ҳақиқат...

1989



РОЗ

Қараб-қараб ҳайронаман:
 ажаб дунё, ажаб дунё,
Йиғлаб туриб күлсак баъзан,
 кулиб туриб йиғлаймиз гоҳ.
На хаёлдан хаёл воқиф,
 на кўнгилдан кўнгил огоҳ,
Баъзи кунлар жафо билан,
 баъзи тунлар сафо билан.

Жафо билан, сафо билан
 үтиб борар умри азиз,
Алвон-алвон кўчалардан
 кетиб борар умри азиз.
Бир кун етар манзилига,
 етиб борар умри азиз,
Ўшанда ҳам олган ёки
 ололмаган баҳо билан.

Саводхонман деганларда,
 баъзан тайин хат-савод йўқ,
Китобхонман деганларда
 гоҳо тайин эътиқод йўқ.
Хомсут эмган бандаларга,
 кўнгил, унча эътимод йўқ,
Кеча сенга сифинганлар
 буғун боқар ҳаво билан.

Юрагингда олам яшар,
 кўзларингда олам зоҳир,
Кувонч-қайғу сеҳри билан
 ўзинг соҳир, сўзинг соҳир,
Бу дунёда боқий фақат
 бир хуш наво, дейди шоир,
Кўнгил, кетсам – кетайин мен,
 сен яшайвер наво билан!..



III

МЕНИНГ УВОҚ ШЕЪРИМ – МЕНИНГ ДИЛПОРАМ

Ўт олдингу ўтсиз олмадинг нафас,
Ўт яратдинг ўтли жонинита монанд.
Қалбингдаги ўт-ку ганжи муқаллас,
Кўлингдаги ўтдан қўрқаман...



САККИЗЛИКЛАР

Қаршингда турибди умрим бир қуни,
Менинг увоқ шеърим – менинг дилпорам;
Тонг сийлаган, оқшом опичган уни,
Бир сатрида севинч, бир сатрида ғам.

Агар ғамгин бўлсанг, севинчим – нажот,
Шод бўлсанг, ол, мана, ғамимни бердим.
Қанотинг бўлайин, сен ҳам бўл қанот,
Ҳамдардинг бўлайин, бўлгин ҳамдардим...

* * *

Онам учун аввал армон эдим мен,
Сўнгра мен талпиндим қучоқларида.
Кўзидан ёш бўлиб қуилдим кейин,
Ва аста эридим дудоқларида...

Орзу оташида, иссиқ қучоқда
Етишган, эй шеърим, эй жонон ўғил,
Шу буюк дунёдан кўз юмар чоғда
Менинг кипритимдан нур бўлиб қуил...

* * *

Уфқдан бүгриқиб чиқаёттан ой,
Хуморингман, күттар олтин баркашинг.
Шу мудроқ оқшомга ўзинг бўл Ҳумой,
Бутоқлардан оқсин ипак оташинг.

Ана, само бўйлаб ёйилди зарҳал,
Шуълалар қаршимда ёндилар майин,
Кўзим қароғини тўлдириб аввал,
Кўнглим булоғига оқдилар кейин...

* * *

Истардим, юлдузли, тимқора оқшом
Мени аста айлаб бандай асир,
Бир нозли ёр қаби кўнглим этиб ром,
То барқут тонгтагча шивирласа сир...

Истардим, шафақли фируза сахар
Ёғдуга тўлдириб кўзим ва кўнглим,
Бўсадан манглайим этиб мунааввар,
Бир оқсоқ онадек кўрсатса йўлим...

* * *

Күриб қолдим ногоҳ, юксакда ўсган
Болаликдан ошно кекса бир гужум,
Хисобсиз бурушуқ – ажинларидан
Күз ёши оқизиб туради юм-юм.

– Ҳой, бобой, не бўлди, ҳолинг паришон,
Нега хўрсинасан, нечун изтироб?
– Ковагимда бир пайт ёвуз бир илон
Чумчуқ уясини этмишди хароб...

* * *

Баъзи орзуларим шўх парвозидан
Шалпайиб йиқилар мисоли варрак,
Мен уни қўймайман, ушлаб ипидан,
Томларга судрайман, бўламан ҳалак.

Томдан учирсам ҳам, елга тўш бериб,
Баландлаб кетганда йиқилар атай.
Кўз ёши қиласман шунда ўлтириб,
Варраги учмаган ўксик боладай...

* * *

Күкка боқиб сукут сақлайди замин,
Ерга боқиб осмон сақлайди сукут.
Күкнинг сукутида қанчалар мазмун,
Ернинг сукутида қанчалар ўгит...

Кўкдай бўлса ҳамки юксак, баркамол,
Ердай сукут сақлаб туради оқил,
Бирпас сукут сақлаб, ҳолингга кўз сол,
Бирпас сукут сақлаб, оламга боққил...

* * *

Бахт – болғадир, дўстим, одамзод – маъдан,
Ўтгувчи ҳар лаҳза ўтмас бесамар.
Ҳаёт жабҳасига солиш-чун бардам
Бизни пишитади даврон-чилангар.

Инсонни тоблайди замон сандони:
Кимдан пўлат унар, кимлардан темир;
Кимдан қилич унар, кимдан қалқони,
Кимлардан ўт унар, кимлардан кўмир...

* * *

Кўзда ёши билан кулади бола,
Илҳом асир этган шоирга монанд.
Шоир ҳам боқармиш ёруғ оламга
Боланинг мусаффи кўзлари билан.

Ажаб сеҳрлидир бу икки дунё:
Бирпасда севинчу бирпасда қайғу.
Бири эрмак излаб, топади маъно,
Бири эртак сўйлаб, айтади орзу...

* * *

Менга отам мерос қолдирди жаҳон:
– Ўзинг салмоқлаб кўр, ўзинг баҳола,
Дардларини топиб ўзинг давола,
Бағрини қуёшга айла ошиён...

Мот этди жаҳоннинг шавкати мени,
Яrim умрим ўтди баҳолаш билан.
Дардларини топдим... Умрим қолгани
Ўтмасайди ёлғиз даволаш билан...

* * *

Пайдо бўлдимми, бас, қаршимда қатор

Эшиклар тақа-тақ ёпилар фақат.

– Одамлар, ҳой, тўхтанг, сизда гапим бор,

Одамлар, бир нафас сабру қаноат...

Мен нон сўрамайман, сўрамайман мол,

Пул ҳам сўрамайман, ошиқманг унча.

Бир савол сўрайман, фақат бир савол,

Киши саволдан ҳам қўрқарми шунча...

* * *

Она Ер ўртаниб, миллиард ёшини

Сенинг бунёдингга харж этди, инсон.

Қуёшдан олгани ишқ оташини

Оқибат бағрингга айлади эҳсон.

Ўт олдингу ўтсиз олмадинг нафас,

Ўт яратдинг ўтли жонингга монанд.

Қалбингдаги ўт-ку ганжи муқаддас,

Қўлингдаги ўтдан қўрқаман...

* * *

Мени сескантирап гоҳида зимдан
Мұралаб юрган калтакесаклар.
Мени сескантирап гоҳи изимдан
Яширин отилган увоқ кесаклар.

Тутақиб кетаман, номус, андиша
Хиппа бүғиб олар, бироқ йүқ шубҳам,
Агарда биқинмай, тик келар бўлса,
Олишардим ҳатто аждар бўлса ҳам...

* * *

Шом эди. Биронни этдилар дафн,
Заранг, совуқ ернинг бағрини ўйиб.
Қора лашкар каби босиб келди тун,
Қолди ёлғиз қабр дардли қорайиб.

Тун оғиб, юлдузлар ёш тўкиб милт-милт,
Ой нури синаркан мозор тошида,
Соядай судралиб келди-да бир ит,
Ўқсиб уввос солди қабр бошида...

* * *

Шодлик – ўйноқ, оху, арслондир – ғазаб,
Лоқайдлик – совуқ ва құрқинч бир илон.
У лоқайд, оламга боқар бетараф,
Түйда ҳам азада бирдай совуққон.

Етиб кел бошига, ҳакими ҳозиқ,
Етиб кел бошига, севинч ва қайғы.
Қаҳ-қаҳ уриб күлсін, инграсин ёниқ,
Үт бўлсін, сув бўлсін – одам бўлсін у.

* * *

Бир она қақшатар ўз боласини,
Бола шўрлик йиғлаб, солади фифон,
Босолмайман мен ҳам дил ноласини,
Мен ҳам бола янглиғ ўксик, нотавон.

Бегона жон эмас, титраб, қақшаган,
Менинг жоним ўксиб, чекади азоб.
Гүё болалигим келиб қайтадан,
«Кутқар!» деб ёлвориб ёш тўкар шу тоб...

* * *

Юксак чўққиларда ҳали юрмадим,
Лекин кўз юмсаму этсам ихтиёр,
Қоялар қаршимда бўй чўзади жим,
Тоғлар ястанади мағрур, сервиқор.

Толеимда юксак тоғим эдинг сен,
Мехринг оташида ёнарди офтоб.
Мунаввар чеҳрангни қўмсайман, лекин
Хаёлим уфқида кўринар сароб...

* * *

Боланинг бошидан гул ҳиди келар,
Қуёш ҳиди келар, нур ҳиди келар.
Кўз юмиб симирсам, ота қўнглигма
Минг йиллик истиқбол умиди келар.

Ҳар эшикдан эсар шу хушбўй насим,
Ҳар гулшанда кезар шу ширин нафас;
Дўстларим, одамзод билмайди тиним
Ҳаёт бўстонида шу шаробдан маст...

* * *

Үйласам, лаҳзада замон мужассам,
Заррада бекиёс құдрату амал.
Үйласам, шу борлиқ, бу құхна олам
Маңнолар олами экан мукаммал.

Булутда ниҳондир ногаҳоний сел,
Үтдан дарап берар мудраган учқун.
Маңнолар... мен сизни териб, муттасил,
Қалбим дастгоҳида түқийман мазмун.

* * *

Нега мен баъзида маъюс, безабон?
Сизга баён этсам, дўст-ҳамдамларим,
Мазмундорлигини пеш айлаб мудом,
Ортимдан юради дарду ғамларим.

Менга шодлик беринг теран, улуғвор,
Токи шодон бўлай, бўлмай афтода.
Менга шодлик беринг ғамимдай дилдор,
Менга шодлик беринг ундан зиёда...

* * *

Юзма-юз туришар бола ва сиймо,
Юзма-юз туришар эрмак ва алам.
Сиймонинг юзида бекарор маъно,
Боланинг қўлида беомон қалам.

Қалам шафқат этмас, бўяр беибо,
Сиймонинг ёшини оқизар дув-дув...
Бола қаҳ-қаҳ ураг, лекин ажабо,
Менинг юрагимга чўкади қайфу.

* * *

– Мени келтиаркаркан ёруғ дунёга,
Она, тор келдими ҳимматинг сенинг?..
На зўр ақл бердинг, на зўр ирова,
Фақат юрак бўлди ато этганинг...

– Болажон, берганим оламга арзир,
Нима бор ишқ тўла дилдан зиёда?
Олмос каби ақл китоблардадир,
Курашларда яшар пўлат ирова.

* * *

Одамлар, гоҳи бир ишиңгиз кўриб,
Юрагим қаҳрдан тош бўлиб кетар.
Одамлар, гоҳи бир ишиңгиз кўриб,
Кўзларим меҳрдан ёш бўлиб кетар...

Қаҳрим нишонаси – кўнглим тошини
Эритиб ташлайман кўз ёшим билан.
Меҳрим нишонаси – кўзим ёшини
Юракда асрайман бардошим билан...

* * *

Бунёднинг қўлида ишқ машъали бор,
Барбоднинг қўлида нафрат қиличи.
Иккиси солишиб ўсли шиддаткор,
Ўсли икковининг қулрати, кучи.

Қилич ярқирайди, ёнади машъал,
Бунёд чекинмайди, чекинмас Барбод.
Барбоднинг бошига солмасанг ажал,
Нечук Бунёд бўлдинг, азиз одамзод!

* * *

Дўстим, тунда туриб, уфуқларга бок,
Нур тошар гоҳи шўх, гоҳи асабий.
Оналар ухламас, оналар уйғоқ,
Бедорликнинг буюк тангриси каби.

Муаззам заминни ой нури эмас,
Шу кўзлар зиёси чулғамиш бутун.
О, агар оналар кўз юмса бирпас,
Жаҳон қопқасига ёприлади тун...

* * *

Уч каптар талпинар, уч чинни каптар,
Пастда, тонг нурида дарёлар порлар.
Қанотлар ярқираб, енгил рақс этар,
Олдинда уфуқлар, олис диёрлар.

Уч каптар талпинар, уч чинни каптар
Нурдан, муҳаббатдан яралган олам –
Уч маъсум юракда яшнаб акс этар,
Уч қошиқ қон аро кезади шу дам...

* * *

- Тақдир, нега мени инсон яратдинг,
Кўксимда шодлигу ғамдан юз нишон?
- Мен сенга қалб ила шуур бахш этдим,
Билгил деб ҳирс нима, нимадир ҳайвон.

- Тақдир, нега мени меҳмон яратдинг,
«Ярқ» этган чақиндек кечгум бегумон?
- Мен сенга қалб ила шуур бахш этдим,
Билгин деб ишқ нима, нимадир инсон...

* * *

- Ажаб дарё кўрдим, сувга лиммо-лим,
Шарқираб оқолмас, ёқолмас чироқ...
- Дунё – дарсхонадир, ҳаёт – муаллим,
Кўрган-билганларинг барчаси – сабоқ.

- Ажаб доно кўрдим, донғи зўр олим,
Оқил бўлмадим деб чекади фироқ.
- Дунё – дарсхонадир, ҳаёт муаллим,
Кўрган-билганларинг барчаси – сабоқ...

* * *

Биламан, ювошлик доим бехатар,
Бебошлиқ баъзида эмас безиён.
«Йўқ» дейиш гоҳида қийин нақадар,
«Хўп» дейиш аслида ҳаммадан осон.

Тумандан жалани қўраман афзал,
Билмайман, нима бор унда мен учун,
Баъзилар «хўп» дея мудраган маҳал
«Йўқ» деб сурон солгим келади нечун?..

* * *

Давра зич, ўртада палов муҳайё,
Шом чоғи бўғриққан шафақ мисоли,
Ҳазрати оловни мақтайдиз, аммо
Не кечди бечора қозоннинг ҳоли?

То палов пишгунча ўша сўзондир,
Тагида гуриллаб ёнади олов.
О, шоир қалби ҳам куйик қозондир,
Раҳм этиб, ҳолига боқсанг-чи бирров...

* * *

Бола эканимда хаёл – овунчоқ,
Юлдузлар ёқарди ёш юрагимда.
Менга тутқыч бермай гиҗинг бир тойчоқ
Хадеб айланарди теварагимда.

Умр йүлларида қолмадим яёв,
Яқин бўлиб қолди йироқ осмон.
Аммо ўша тойчоқ тутқизмай жилов,
Менинг атрофимдан айланар ҳамон...

* * *

Саҳар. Хонам ичра гўдак шарпаси,
Эркам, қизалғим, энгашиб шу он
Юзимга термилар, шивирлар майин,
«Дадам уйқуда», деб ўйлар бегумон.

Шеърим ҳам саҳарлаб келади гоҳо,
«Дадам уйқуда», деб қилас табассум.
Мен эсам қучоғим очаман ногоҳ,
«Болам», деб бағримга босаман шу зум...

* * *

Бир кифтида оқшом, бир кифтида тонг,
Зулмат ва зиёning қоқ ўртасида –
Туради тоғдайин азамат инсон,
Юлдузлар – қүёшлар рўпарасида.

Руҳини қуршамиш ажиб бир ҳолат,
«Тангрим» деб атаркан ер ҳам, само ҳам.
У бовар айламас, чекар хижолат
Ва оқсоқ онасин ёд этар ҳар дам...

* * *

Менга қисса айтар донишманд бир чол
Юз йиллик кечмиши савдоларидан.
Замонлар гуруллаб кўринар яққол
Заҳматкаш қалбининг нидоларидан.

«Тонг отди, кун ўтди, етишли оқшом,
Жабру жафоларни унудим бутун».
«Унудим?» Ажабо, шу қийин калом
Кўксидан қалтираб чиқали нечун?

* * *

Мөхринг дариф тутиб, газаб айлама,
Бир бурда нонингни қўя тур нари.
Қаҳринг оташида ёнмасман, аммо
Мөхринг қатрасида чўкаман, пари.

Бирпас шафқат билан эгил бошимга,
Кўзимга термилиб, айла табассум,
Туш, десанг, тушаман худди дўзахга,
Ён, десанг, ловиллаб ёнаман шу зум...

* * *

Дунё экан, мағрур бошим
Маъюсликка гирифтор.
Маъюсликка йўқ бардошим,
Мағрурликка йўқ қарор.

Кўнглим айтар: қилма қайғу,
Аҳли шеъри шуурсан.
Мағрурсанки, маъюсдирсан,
Маъюссанки, мағрурсан...

* * *

Баъзан сўлди, ғамга тўлди,
Лекин ўлмади кўнглим.
Орсизлар-ла ош-нон бўлди,
Ошно бўлмади кўнглим.

Бу дунёда насибам ҳам,
Хазинам ҳам кўнглимдир.
Ҳукм айласа: ҳаёт менга;
Ҳукм айласа: ўлимдир...

* * *

Биз ерни атаймиз саховатпеша,
Ва лекин бизни ҳам, ризқим, дейди Ер.
Ерни еб яшаймиз биз-ку ҳамиша
Ва лекин бизни ҳам бир кун ейди Ер.

Шуни эсда тутиңг, ёру йўлдошлар,
Қарангиз, бу қандоқ демиш бўлади.
Ем бўлган бир куни емоқقا бошлар,
Еганлар бир куни емиш бўлади...

* * *

Мен ҳам бир сайёдман, қаршимладир сайд,
Камоним, камоним, қылт этмагил то –
Сен фақат юракни мұлжал ол, фақат,
Сен фақат юракка ургин бехато.

Токи учиб бориб дардимнинг тоши
Яна бир күнгилни айласин парканد.
Оқсина күз ёшимдек күзининг ёши,
Фарёди қүшилсин фарёдим билан...

* * *

Сен оқшом балқиган ҳилоладек ҳур,
Мен аста ёприлган тундай қароқчи.
Қаршингда юлдузлар чақнаб күринур,
Бу – менинг күзларим, йўлингда соқчи.

Бошинг узра ёйиб зулмат чодирим,
Минг күз билан сенга термиламан жим.
Сени шаффооф, мени қаро қилган ким?
Қалбим, муҳаббатим, жоним сўроқчи...

* * *

Сөхрарсан, ўзинг билмайсан аммо,
Сен гоҳи ғазабга тўлиб-тошган дам.
Кўраман кўзингда тимқора само
Ва унда чақинлар талошини ҳам...

Сөхрарсан, ўзинг билмайсан аммо,
Сен гоҳи севинчга тўлиб-тошган дам,
Кўраман кўзингда нурли бир дунё,
Уфқида иқболим қуёшини ҳам...

* * *

Бир кун эшигимдан кирдинг меҳрибон,
Оқибат истабсан кўнглим роҳини,
Бўронли қўксимга бош эгиб, эй жон,
Тингладинг жимгина ишқим оҳини.

Аслида бу хаёл... бўлиши гумон,
Ва лекин кўнглимнинг бир гўшасида –
Яшайди шу орзу, шу гўзал армон,
Шафқат-мурувватинг андишасида.

* * *

Түшингда йиғладинг яна ўксиниб,
Кун бўйи лабингта қўнмади кулгу.
Тун аро кўзингни уйқуда кўриб,
Ёшингни маржондай оқизган ким у?

Айтиб бер, мен уни ҳайдай куч билан,
Агар ожиз эсам, этай илтижо.
Азиз остоңангта қўймасин қадам
На мавҳум надомат, на қўрқинч рўё...

* * *

Ўртансанг, мени ҳам ўрайди фироқ,
Севинсанг, кўзимга сифмайди зиё.
Сен – оқин сув эсанг, мен – икки қирғоқ,
Аммо иккаламиз – сирли бир дарё.

Яшнасанг, шу замон руҳим чароғон,
Мунғайсанг, шу нафас мунглиман мен ҳам.
Мен гар замин эсам, ўзингсан осмон,
Аммо иккаламиз – сирли бир олам...

* * *

Мен уни изладим, изладим дилхүн,
Тубига етмоққа айладим ният.
Қанчалар бүғилдим, оқибат бир күн
Қаршимда очилди ўша моҳият.

Үнга қарайману айланар бошим,
Яна чорасизлик йўлимни боғлар.
Қай тарафдан боқмай, оқизар ёшим,
Қай тарафдан боқмай, кўнглимни доғлар.

* * *

Мени севинч кутар, кутар табассум,
Гарчанд руҳим баъзан шикаста, синик.
Шеър оқар, қумрининг кўзидай маъсум,
Шеър оқар булбулнинг ёшидай тиник.

Жоним, аламларинг зиёда бўлсин,
Ахир мен биламан аламнинг кучин,
Ботир ҳам тупроққа қоришар баъзан,
Қайтадан оёққа қалқимоқ учун...

* * *

Достон чиқармагил зарбулмасалдан,
Майли, даврон сенга берибди навбат,
Шундоқ бўлган эмас азал-азалдан,
Шундоқ бўлавермас агадул-абад.

Бугунгача босганим тупроқ, деб магар,
Кибрингни қўкларга осиб юрибсан.
Аммо билармисан, ўзинг муқаррар
Ўзингни тупроққа босиб юрибсан...

* * *

Ёзиб ҳаволарда музaffer қанот,
Ошиб сел карвони – булуғларингни,
Она Ўзбекистон, кўрдим мен кушод
Нурдан уқа тутган уфуқларингни...

Улуғ табиатдан улуғ насибам,
Тарихдан ҳиссамга тушган макон шу!
Дедим-да, ифтихор яшнатди қалбим,
Кўз ёшларим оқди мисоли ёғду...

* * *

- Она Ўзбекистон, сендан сўрайман,
Неларни ўйлайсан шу фараҳли тун?
- Жумла мамлакатга нон берсам дейман,
Кийинтирсам дейман уни бус-бутун...

- Она Ўзбекистон, орзули чаман,
Қаергача етар меҳринг поёни?
- Мен жумла дунёга нон берсам дейман,
Кийинтирсам дейман жумла дунёни...

* * *

Нафратни дунёга келтирди одам,
Кейин нафрат тўқди одам қонини.
Одамзод қайталаб ўтда ёқса ҳам,
Нафрат бўшатмади гирибонини.

Жанг борар, ўртала мұхаббат қалқон,
Кураш давом этар, битмас ҳеч қачон.
Инсон битган куни нафрат адодир,
Нафрат битган куни адодир инсон...

* * *

Яна күзларимга жаҳон қоронғи,
Яна күнглим титрар унинг ваҳмидан.
Тил дебон аталған қилич зарбию
Қилич деб аталған тилнинг заҳмидан.

Дунёдек кўп қадим бу зарбулмасал
Наҳотки яшаса тургунча дунё?
Табиат шамширдек тилдан ҳам аввал
Шафқатли дил берсанг бўлмасми раво...

* * *

Мени ўраб олди қайтмаслик дарди,
Мунаввар шу замин, шу гўзал замон,
Шу оқшом шукуҳи, шу тонг талъати
Оқар мангаликка, қайтмас ҳеч қачон...

Мени ўраб олди қайтмаслик дарди,
Шу жонкаш – жафокаш ҳар битта инсон,
Кўзида меҳнату маломат гарди,
Кетар мангаликка, қайтмас ҳеч қачон...

* * *

Үйимиз томида хұмчаларда май
Ажиб садо бериб, қайнарди тинмай.
Мамнун пичирларди бобом раҳматлик,
Мастона боқарди ўзи ҳам билмай.

Менга насиб этди ажиб бир замон,
Минг йиллик май каби жүшади даврон.
Шарбат косасига лабим тегмасдан,
Маст бўлиб боқаман, ўзим ҳам ҳайрон...

* * *

Дурахшон юлдузлар шомдан то саҳар
Шивирлашар тинмай: гўзалдир инсон.
Инсон юлдузларга термилиб ҳар гал,
Шивирлар: ҳар юлдуз ўзи бир жаҳон...

Мен юлдуз – инсонлар аро ўй суриб,
Мўъжиза кутаман ҳар бир қадамда.
Одамлар қалбини юлдузда кўриб,
Юлдузлар жамолин кўриб одамда...

* * *

Сен менинг қўксимга бош қўйсанг магар,
Боғларда шамол ҳам бошлайди жавлон.
Сойларни тўлдириб оқур нилуфар,
Нилий юлдузларга тўлади осмон.

Сен менинг қўксимга бош қўйсанг магар,
Оlamни қуршайди ажиб бир рўё.
Тоғлардан юксалур ёниқ садолар,
Менинг атрофимдан айланур дунё...

* * *

Кун оққан, туш билан оқшом ораси,
Овлоқ қиялиқда бир соя ётар.
Сояда бир қатра шабнам донаси,
Шабнамда бир ажиб ҳикоя ётар:

«Қуёшни орзиқиб кутдим тун бўйи,
Кундуз ҳам бўлмадим ғамдан осуда.
Мана шу бир бурда соя туфайли
Мўлтираб ётибман замин қўксига...»

* * *

Шеър қилиб айтишга арзимас балким,
Бир дам эътиборга балки арзимас.
Лекин мен паришон ўйлар ичра жим,
Баланд остоңада қотдим бир нафас.

«Қолағон кўпрак бор, бўлгин эҳтиёт!» –
Деган таҳдид туарар... О инсон, инсон,
Ўзингга ўхшаган жонларни, наҳот,
Ит билан қўрқитиб яшайсан ҳамон...

* * *

Чаманлар сайрига қўяркан қадам,
Кўзимга кўринар қуонли саҳро.
Қуонли саҳрона қадам урган дам
Хаёлимни босиб келади дарё.

Чароғон хонада тураман бирпас,
Мени чорлар чексиз тундаги фироқ.
Аммо тун бағрига кирганим нафас
Имлар олислардан муnis бир чироқ...

* * *

Она Ер, ҳар куни олам уфқига
Күз ёшинг оқизар баҳри уммонлар...
Баҳри уммон бўлиб қўзғалмас нега
Сенга банда бўлган тирик инсонлар?

Она Ер, она Ер, бошингда тутун,
Бағрингдан отилар ўтли вулқонлар...
Ўтли фарёдингдан бир кунмас-бир кун
Тикка қўзғалмасми ўлик инсонлар?..

* * *

Зўравон яшармиш ожизни талаб,
Ғолиб ҳам мағлубни этармиш тилка.
Бу бир қонун эмиш... Рост бўлса шу гап,
Мен сенга қаршиман, диалектика!

Шу агар рост бўлса, ёлғон шиквадир,
Оlamda башарий инсоф деган гап.
Гар инсоф бўлмаса, иймон нимадир?
Нимадир Ҳазрати Инсон деган гап?..

* * *

Тун осмони мұхташам, кенг,
Хаётида сукунат.
Шуылаларнинг ипак, майин
Қанотида сукунат.

Тилсиз уммон, тубсиз уммон
Фарқ айламиш оламни.
Мен бағрида ўксик, нолон,
Сўроқлайман онамни...

* * *

Тонг нурлари пайваст бўлар
Ойдан оққан жилога.
Насим эсар, борлиқ қулар,
Қизчам боқар дунёга.

Чексиз мовий уфуқ сари
Чорлаб ўтар турналар.
Қизчам қулар, нигоҳлари
Нур мавжига уланар...

* * *

Риё ҳунарини мен ўрганмайман,
Қўйинг, бети қурсин ўша ҳунарни.
Чанглар, ғуборлардан асраб-аяйман
Мен юрак аталган тоза гавҳарни.

Уни айтиб турсин лабимда кулгу,
Уни айтиб турсин кўзларимда ёш.
Қора қабргача шаффоф бўлсин у,
Порлаб уфуқларга ботгандек қуёш...

* * *

Қалбимда ҳамиша безовта ғашлик,
Бағримда ҳамиша нотинч ҳарорат.
Мумкин эмас бунга мудом чидашлиқ,
Ўртаниб кетаман: қани қаноат?

Кўнглим бу аламдан бўларми холи,
Бўларманми бир кун баҳт билан тўлғин?
Гоҳо шиддаткорман дарё мисоли,
Гоҳида тураман хазондай сўлғин...

* * *

«Ухла, құзичноғим, бир нафас ухла,
Эртага әлтаман күп йироқтарға...»
Онанинг сүзига ишонар бола,
Тушида тирмашар баланд тоғларға.

Хаёлларим суйиб, шивирлар баъзан:
«Эртага етасан, толе бўлур ёр...»
Уйқуга чўмаман, яна тонг билан
Мовий уфуқларга термилгали зор...

* * *

Осмон, бошимизга ўзингсан паноҳ,
Мовий сарҳадингга термиламан жим.
Сеҳринг-ла юракда яшайди аммо
«Кулаб тушмасайдинг...» деган бир ваҳим.

Она Ер, ўзингсан оламда танҳо,
Мунаввар уфқингга термиламан жим.
Меҳринг-ла юракда яшайди аммо
«Кулаб кетмасайдинг...» деган бир ваҳим.

* * *

Дастурхон устида бир коса таом
Интизорлик тортиб, фифон қиласи.
Хаёллар бошимни банд этиб тамом,
Үтган кунларимни баён қиласи.

«Шу ҳам инсофданми, қурбонинг кетай,
Умрим үтмоқда», деб ёлворар таом.
Мен дейман: сабр айла, бир оз фаҳм этай,
Энди умрим қандай этади давом...

* * *

Мен сени танидим, эй гўзал дунё,
Сўнгиз чиройингта кўз солдим мафтун.
Бағримга ёғилиб минг бир тасалло,
Умидим қасрини бунёд этган кун...

Мен сени танидим, эй кўҳна дунё,
Сўник чиройингта кўз солдим дилхун.
Бағримга ёғилиб минг битта бало,
Умидим қасрини барбод этган кун...

* * *

Шундайлар бор ҳали, шундайлар күпроқ,
Тил билан яшарлар, фақат тил билан.
Үша яшатувчи тилдан мен йироқ,
Оlamда яшарман фақат дил билан.

Үксиниб «сен мени севмайсан» дема,
Мен сени севаман, жоним, дил билан.
Дил билан севаман, лекин инжима,
Айтиб беролмасам уни тил билан...

* * *

Томчи тикиллайди... челяк тубидан
Таралар шарпадек заиф бир садо;
Садо туғилади, лекин дафъатан
Ҳаёт шовқинида бўлади адо...

Лаҳзалар кечади навбат-банавбат,
Етим қатралардек бесас-бесуур.
Орзу бўлиб яшар юракда фақат
Туташ гулдуросдай янграган умр...

* * *

Гавҳар тақибдилар итнинг бўйнига,
Ит эса йиғлармиш оқизиб ёшни:
«Ёронлар, гуноҳим не эди, нега
Бўйнимга осдилар шу совуқ тошни!»

«Тош» ҳам йиғлар эмиш жўр бўлиб унга:
«Ахир кучукка ҳам энди гавҳарми?
Ёронлар, гуноҳим не эди, нега
Бошимга ортдилар бундоқ аlamни!..»

* * *

Сени ёндиридилар, сени сотдилар,
Неча бор қатлингта ичдилар қасам.
Ва лекин ўзлари қонга ботдилар,
Ва лекин ўзлари топдилар барҳам.

Сен эса жаҳонда событсан ҳамон,
Событсан, ватанлик шарафинг оқираб.
Келганлар ҳолига боқасан ҳайрон,
Кетганлар ёдини ёдингда сақлаб...

* * *

Бир боққа ўт кетди құрқынч, беаёв,
Чинорлар гурсуллаб йиқилди беҳол.
Шамол изғиб, ёнғин соларкан талов,
Оловга бурканди ёшгина ниҳол.

Ёнаркан, жонланди шириң түшлари,
Етук дараҳт әмиш... О, гүзал рүё!
Бошида чарх уриб жаннат қушлари
Олтин меваларин чўқирмиш гүё...

* * *

Оламнинг ҳусни, деб аталған инсон,
Оламга келармиш фақат фард бўлиб,
Лекин сочилармиш бир кун гард бўлиб,
Юракни ёқармиш кейин дард бўлиб...

Оламнинг ҳусни, деб аталған инсон,
Мард бўлиб яшагин, фақат мард бўлиб,
Кейин сочилсанг ҳам майли гард бўлиб,
Кейин ёндирансанг ҳам майли дард бўлиб...

* * *

Күхна уй бузилди... тўкилди жарга,
Тош поралар худди яраланган қуш.
Қуюқ тўзон аро янгради шунда
«Ҳой бепарво инсон! – деган бир товуш.

Кечмишинг, ҳасратинг ҳар тошимга жо,
Кимлигинг сўйлайди мендаги кукун.
Бугун-ку беписанд кўмасан, аммо,
Аммо яна қазиб оласан бир кун...»

* * *

Бир қушча йиғлайди бўғот тагида,
Увоққина қалби қайғуга тўлиб.
Не ажаб, бир қатра ёш пардасидан
Оlam кўринади ёшга ғарқ бўлиб...

Бир қушча қувнайди бўғот тагида,
Увоққина қалби қувончга тўлиб.
Не ажаб, бир зарра нур пардасидан
Оlam кўринади нурга ғарқ бўлиб...

* * *

Сенинг ишқинг менга бир коса сувдир,
Лабларим қовжираб, боқаман ташна.
Ичмасам – шарбатдир, ичсам – оғудир,
Үзинг нажот күрсат, үзинг йўл бошла.

Ишқинг – тоғлар аро гўзал оҳудир,
Отсам – дилпораман, отмасам – дилхун.
Жоним, ишқинг менга ажаб қайфудир,
Тортсам – савдойиман, тортмасам – мажнун...

* * *

Бўронлар танимни отди ҳар тараф,
Чақмоқлар бағримни ёқди беомон,
Сенинг остананітга баргдай қалтираб,
Йиқилдим оқибат бехуш, бедармон.

Чалажон ётибман... Лекин бир орзу
Менга жон бағишилар, эшит, жонона.
Яна бўронларга дучор бўлсаму
Сенинг остананітга йиқилсам яна!...

* * *

Бир ҳикмат етибди Луқмон ҳакимдан:
Кимлардан «оҳ» қолар, кимдан «үх» қолар...
Кимдан давлат қолар, сўз қолар кимдан,
Кимлардан сўз аро ёниқ руҳ қолар.

Кун эмас, йил эмас, асрлар эмас,
Дунё ошиб келар безовта шу руҳ.
Сенинг юзларингни ёндирган нафас,
Менинг нафасимни ёндирган шукуҳ...

* * *

Туғилдингу ўзни дунёга солдинг,
Дунё йўлларидан ўтасан шошқин,
Ҳай-ҳай, жоним, ўзни дарёга солдинг,
Дарёда талотум, дарёда тошқин...

Тўлқинлар суради, пойлайди хатар,
Наҳанглар пишқирап, тортади ўпқон.
Чўкиб, ғарқ бўлишинг бир кун муқаррар,
Ўшангача мард бўл, мардона бўл, жон!..

* * *

Шекспир – буюк пир... Қаламга олмиш
Не-не фожиалар, фалокатларни;
Олмос қалам билан дафтарга солмиш
Инсон руҳидаги қабоҳатларни.

У ёймиш оламга фасона қилиб,
Мен таржима қилдим, үйларим толди.
Лекин Шекспирни баҳона қилиб,
Ўша қабоҳатлар ёқамдан олди...

* * *

Ўлиб кўрганим йўқ, дейишар баъзан,
Мен эсам баъзида ўлиб ҳам кўрдим.
Сен билан аразли кунларда, санам,
Жондан жудо бўлиб, тупроққа кирдим...

Ўлганлар тирилмас дейишар яна,
Мен эса воқифман ўзга бир сирдан.
Сен билан ярашган куним, жонона,
Мен яна тирилиб турдим қабрдан...

* * *

Кездим неча ўлка, неча бир диёр,
Тоғлардан ошаркан, талпинди жоним.
Ўша тоғлар оша яшнаб шуълавор,
Сен менга кўриндинг, Ўзбекистоним.

Юрдим саёҳатлар сеҳрига қониб,
Денгизларда суздим, битди армоним.
Денгиз уфқида ҳам юлдуздай ёниб,
Сен менга кўриндинг, Ўзбекистоним...

* * *

Шоир, китоб ёздинг ёстиқдай қалин,
Юз минг тираж билан нашр этдинг, бас.
Ўқиб чиққан мард бормикин, билмадим,
Ўқийдиган номард лекин топилмас.

Уни икки киши ўқиди эснаб,
Ҳар қалай, китобинг кўрсатди қучин.
Ўзинг ўқиб чиқдинг сатрини санаб,
Танқидчинг ўқиди мақтамоқ учун...

* * *

Мудом ҳайвонларни қаҳрамон қилиб,
Масал түқиб юрар ўзича инсон,
Мудом ўзгаларни гуноҳкор билиб,
Ўзини санайди мусича инсон.

Худбинлик, хиёнат, иғво, адоват –
Ўқисанг, ҳаммаси ҳайвонларга хос.
Ҳайвонда не қилсин шунча қабоҳат?
Ўзимники, дея айтавер рўй-рост...

* * *

Анави олимми? Эски таниш-ку,
Ўзни ҳар куни бозорга солар.
Манфаат савдоси билан машғул у,
Манфаат сотар ва манфаат олар.

Ўзига ўхшайди топган шогирди,
Устоз амри билан жавлон уради.
Айтинг, қайси бошни ёрай деб энди,
Қўлида тошини шайлаб туради...

* * *

Хаёлимда ёзилажак
Шеърларимнинг сўзлари.
Улар – гўё туғилажак
Болаларим кўзлари.

Улар ёнар, яшнаб кулар
Атрофимда чарх уриб.
Осмонимда юлдуз улар,
Тўёлмайман термилиб...

* * *

Хўроzlар қичқирап чўзиб, басма-бас,
Саҳар самосида бетиним: қу-қу!..
Йўқ, бизни уйғотган хўроzlар эмас,
Азиз боболарнинг ўлмас руҳи бу.

«Ҳадеб ётаверма ғафлатта тўлиб», –
Деб бизга ўшалар қичқирап дилхун.
Болам, саҳарларда бир садо бўлиб,
Мен ҳам қулогингга етаман бир кун...

* * *

Зүр бўлсанг, ҳаёning тасвирини чиз,
Кейин андишанинг сувратини сол.
Бусиз сенга исм берган бу элнинг
Қалбини қофозга туширмоқ маҳол.

Юксалиб туради бошингда осмон.
Боқиб етолмайсан унга кўз билан.
Сен-ку сувратини чизолмай, ҳайрон,
Айтиб беролмадим мен ҳам сўз билан.

* * *

Айтилмас сир экан, дўстларим, дунё,
Айтилса, сирлиги топаркан барҳам.
Дўстимга сиримни сўйладим ногоҳ,
Магар айтиб қўйдим душманимга ҳам...

Айтган сўзим бўлди ўзимга ғаним,
Бирмас, икки карра бағримга ботди,
Ўқ қилиб отганди аввал душманим,
Кейин дўстим уни тош қилиб отди...



Жамол Камол – Бухоро педагогика институти талабаси.
Пахта теримида.



Жамол Камол устоз Ойбек ва унинг рафиқаси Зарифа
Сайдносирова билан. Бухоро, 1968 йил, май.



Шоир қизи Дилфуза билан. 1966 йил.



Жамол Камол шоир Мирмуҳсин билан. Бухоро,
1972 йил.

* * *

Яна еру күкдан юрагимда баҳс,
Ажиб жумбоқ ила яна мен дилсүз;
Она Ер бағрида оларкан нафас,
Осмон, нега сендан узолмайман күз?

Яна еру күкдан юрагимда баҳс,
Ажиб жумбоқ ила яна мен дилсүз;
Осмон оғушыда учганим нафас,
Нега она Ердан узолмайман күз?

* * *

Ажаб, қандай қилиб йўлдан озишни
Кўрсатмоқ бўлади менга баъзилар.
Қандай қилиб шеъру достон ёзишни
Ўргатмоқ бўлади менга баъзилар.

Уларга сўз айтиш мушкул, улар «зўр»,
Гап уқдириш эса қийиндан-қийин.
Ҳой, сен она бўлсанг, битта туғиб кўр,
Туғищдан дарс бериб юра бер кейин...

* * *

Шоирлар, мұхаббат яловчилари,
Майли, дарё бўлсин меҳр ила шафқат,
Лекин, сиз, тинмасур дил овчилари,
Нафрат борлигин ҳеч унутманг фақат.

Шоирлар, эй нафрат яловчилари,
Замин қаҳрлидир, ўтлидир само...
Лекин, сиз, даҳри-дун оловчилари,
Мұхаббат борлигин унутманг асло!..

* * *

Қовун бозорида бир тўда чоллар
Қаҳ-қаҳлаб кулишар бир-бирин туртиб.
Тинмасдан серкиллар тўрва соқоллар,
Босволди ширасин қўкракка суртиб.

– Эсингдами, Эшмат, хўroz жанглари?
Ит уриштиришлар эсингдами, ҳай?..
Уларнинг қора кўз неваралари
Боқар бу сўзларга сира тушунмай.

* * *

Узоқдан тоғ бўлиб қўриндинг олдин,
Чўкқиси булатга етган тоғ бўлиб.
Кейин тела бўлиб қўриндинг... Кейин...
Бир майдон кўланка, қора доғ бўлиб.

Яқинлашиб боқсам ҳовузсан гўё,
Гирдида ҳар турли тиканлар ўсган.
Синчиклаб қарасам ҳовузмас, ҳатто
Лой учун қазилган хандақ экансан...

* * *

Шоир, ҳақиқат деб ўтдинг бир умр,
Золимлар умрингга етказди завол.
Бугун экранларда ўзингни қўриб,
Пол бўлиб қолардинг ўзинг эҳтимол.

Эпчил каратистсан, контрабандист,
Авлодинг шу қунни бошингга солди.
Бир қошиқ қонимдан ўтсанг, айтаман,
Энди бир космонавт бўлишинг қолди...

Унга қолса, тутун, тутантириқ кам,
Дунёга тамаки экиб ташласа.

Фақат тамакимас, бошқаларни ҳам
Қофозга ўраса... чекиб ташласа...

Чекмаса, аламлар ўрайди уни,
Юраги сиқади, уфлайди,
Кейин сўриб-сўриб қора тутунни,
Бироннинг юзига пуфлайди...

* * *

Довруқ, дағдағалар, даъволарки бор,
Билмадим, не бўлди, қаёққа кетди...
Унвонлар, нишонлар қатор ба-қатор,
Ҳаммаси ҳеч бўлди, тупроққа кетди.

Бир сўзи қолмади дунё тошида,
Бир кимса эсламас уни шу палла.
Ундан ёдгор бўлиб қабр бошида
Қолди қаққайганча совуқ бир калла...



Жамол Камол қозоқ шоири Жубан Мұлдағалиев ва
адиб Есенберлин ҳамда шоир Мирмухсин билан.



Жамол Камол халқаро Туркистан қурултойида нутқ
сүзламоқда. Истамбул, 1989 йил.

Шукухдар,
шавкатлар,
шонларга тұлиб,
Сен,
мангу яшнайвер,
жонақон!
Сен, мангу яшнайвер
жонақон бұлаб,
Азаз Ізбекистон,
Онақон!..

-00000-

-000-

0

0

1973 йыл, декабрь.


- 23 -

Л. Чубад
Л. Чубад.
26 III 74
Миртемир.
Миртемир.

“Армон” достонига устоз шоир Миртемир дастхати.



Эрон ислом жумхурияти президенти Сайдмуҳаммад
Ҳотамий шоирга Мавлоно Жалолиддин Румийнинг
“Маснавийи маънавий” асари биринчи китоби
таржимаси учун мукофот топширмоқда. Тошкент,
2004 йил.



“Тушунтириш хати” шеърининг Парижда босилган
французча нусхаси.

Jamal KAMAL

Jamal KAMAL est né en 1938. Il a travaillé comme chercheur à l'Institut de Langues et Littérature de Tachkent. Il a été le directeur de l'Union des écrivains. Parmi ses recueils, citons Alam Kirar Yousgimga (Le Monde entre dans mon cœur) et Hassan wa Ay (Hassan et la Lune).

Note explicative

J'ai écrit aujourd'hui une note explicative,
me servant une fois encore de mon vieux truc.
Avec l'aide de mots confus
j'ai essayé d'expliquer quelque chose ...

Mon patron me regardait attentivement
mais la note explicative est prête - et il ne s'en suivra aucune violence
il n'a rien dit... Il écrit aussi
des notes explicatives pour quelqu'un, pauvre bougre !

Maintenant, réfléchissez bien à cette chose,
ne croyez pas que la vie est facile pour l'enfant de l'homme.
Depuis un million d'années peut-être,
l'humanité écrit des notes explicatives.

S'adressant à de lointains descendants,
l'homme a couvert les pierres de runes.
Les journaux modernes, les revues, les livres,
ne sont-ils en fait des notes explicatives ?

Nous vivons, confiant nos vies à ces notes,
nous croyons dans les mots, les phrases et les proverbes.
Nous écrivons tout le temps des notes explicatives
à des adresses et des bureaux sans nombre.

Nous faisons des discours émus et hardis,
notre mère patrie ploie sous le joug des réunions.
Mais les réunions, les conférences, les résolutions ne sont que des
notes explicatives.

On juge différemment les notes explicatives :
leur sort est à la mesure de leur impuissance.
Les notes écrites par les gouvernements
ne sont que des notes explicatives.

Le monde passe son temps à envoyer des notes explicatives,
des cargos et des avions pleins ces notes.
nous avons envoyé nos notes explicatives
même aux étoiles et aux planètes lointaines.

* * *

Яна алдашдими, ранжитишдими?
Олдинга ўтдими яна муттаҳам?
Кўй, мунча ўртанма, дунёнинг иши
Баъзан арзимайди ўртанишга ҳам.

Боши кўкка етсин, қўя бер уни,
Лекин унутма сен, эй асл инсон.
Аслим ўзингсан, деб умид кўзини
Фақат сенга тикиб турибди жаҳон!..

* * *

Ҳай дунё, ҳай дунё, аврадинг мени,
Аввалбоши неча ўгитлар билан.
Кейин севги билан бойладинг, кейин
Болам қўзидаги умидлар билан.

Ҳай дунё, ҳай дунё, аягил мени,
Кўрган тушларимни ёлғонга йўйма.
Дунёйи боумид, дейишар сени,
Энди ўзинг мени ноумид қўйма...

* * *

Шоир бетоб ётар, бориб қўринглар,
Ҳолини сўранглар, чекмасин қайғу,
Бошида бир нафас сұхбат қуринглар,
Бир нафас жаҳондан фориғ бўлсин у.

Жаҳоннинг жони, деб аталган ҳаққа
Фанимлар ўқ узар, кўрсатмай ўзни.
Жаҳоннинг жонига отилган ўққа
Шоир тутиб берди кўксини...

* * *

Мансаб кўпригидан худбинликка кон,
Шуҳрат бозорига ўтар чоғида...
Юзтубан йиқилдинг ва шундан буён
Тўрт оёқлаб қолдинг нафс ботқида.

Уста кўрмасанг-да, бўлдинг устомон,
Минбарга чиқасан дағдаға билан.
Авлодлар ҳолингта кулишар ҳайрон,
Юракда яширин қаҳқаҳа билан...

* * *

Шеърим, туғилғансан хүш айёмларда,
Шу ёруғ дунёда үғлимсан, қизим.
Қоронғи саҳарлар, тийра шомларда
Суяниб юраман сенга, юлдузим.

Мендан олдин ташлаб кетма дунёни,
Сен ҳам солма энди бошимга алам.
Бошлиб чиққан әдінг сафарга мени,
Үзинг кузатиб қўй сўнгти йўлга ҳам...

1965-1985





IV

*Дүстларим, Зуҳро ғазалга
Шоири Тоҳир керак,
Шоири Мажнун тилайдир
Биргина Лайло ғазал...*



ФАЗАЛ

Солди шайдоликка жонимни
Ажаб шайдо ғазал,
Солмаса жонимга шайдолик,
Нечун пайдо ғазал?

Етди жонимга хуморим,
Оташ истарман, рафиқ.
Сипқорай жонимга оташдек
Неча паймо, ғазал.

Ё гүзал саргашта этмиш,
Ё ғазал деб, ўйламанг,
Ёр бошимга солди савдо,
Солди сүнг савдо, ғазал.

Масти шайдолик билан
Боқсам фалакка кечалар,
Ярқирар бошимда юлдуз
Мисрали, анво ғазал.

Тунда юлдуз ёшидек
Гулшанга тим-тим томдию
Ёнди сүнг тонгларда жим-жим
Товланиб зебо, ғазал.

Дўстларим, Зуҳро ғазалга
Шоири Тоҳир керак,
Шоири Мажнун тилайдир
Биргина Лайло ғазал.

Бор ривоят, мулки оламни
Муқаррар этди-ю,
Тузди сўнг ул арши аъло
Устида Оллоҳ ғазал.

Мен замона ўғлидирман,
Мен ғазалхон наслиман,
Менга ҳам гулбонги булбулдан
Келар дунё ғазал.

Гоҳи Машриқдин келар ул,
Гоҳи Мағрибдан равон,
Мағрибу Машриққа бирдек
Севгили, жоно ғазал.

Ҳайф эмасму менга ёшлик,
Бу муҳаббат, бу олов,
Ёзмасам сармаст бўлиб,
Ошуфта, истиғно ғазал.

Мир Алишер хоки пойин
Кўзға суртарман, Жамол,
То ёзай деб кўз нурим бирлан
Гули раъно ғазал...



ОЙ

Бир санам янглиғ тикарму
Күкда олтин кашта ой,
Бир санам, деб ё фалак
Сахросида саргашта ой?..

Ишқ өдеган оташ ёнарму
Күкда тунлар ой бўлиб,
Ё ёнарму субҳи-шомлар
Ишқ өдеган оташда ой?

Ой ширин жонимга улфат,
Ёр каби маҳваш менга,
То кўрибман улфати жоним –
Ушал маҳвашда ой.

Дилбарим, кокилларингта
Чирмасибдур бу кеча
Манглайингта шуъла танғиб,
Нур билан чирмашда ой.

Соч эмас, киприкларинг ҳам
Чирмасибдур ой билан.
Энди билсам, шул сабабдан
Ҳар кеча титрашда ой.

Эй Жамол, то ойга еткизгил
Хаёлинг авжини,
Авжи ўн саккизда ёринг,
Авжи ўн тўрт ёшда ой...

КҮКЧАДА

Күкчада мўъжаз эшикли
Боғу бўстон ҳовлича,
Ҳовлича саҳнида бир жуфт олма,
Бир жуфт олуча.

Олмаю олучаларга
Мен қиё боқмас эдим,
Биз яшардик айру-айру,
Яъни ҳар ким ҳолича...

Бир маҳал мўъжаз эшикни
Очдингу кирдинг кулиб,
Тимқоронғи шом эди, дилбар,
Янофинг холича.

Боғ аро шаҳду шакарни
Неча сўрдим – сўрдиму
Сўрмадим оламда бир шарбат
Дудофинг болича.

Жилмайиб Зуҳро кўринди
Кўшнининг деворидан,
Болқиди ул ҳам муҳаббат
Аҳлининг иқболича.

Лаҳзада кечди ва лекин
Қолди дилда бир умр.
Барчаси васли висол,
Нашъу намо тимсолича.

Кўкчада мўъжаз эшикли,
Боғу бўстон ҳолича,
Воҳ, унинг саҳнида бир жуфт олма,
Бир жуфт олуча...

БОҚСАЛАР ЖОНИМГА, ЖОНО...

Боқсалар жонимга, жоно,
Күзларинг юлдуз бўлиб,
Кўзларимга нур тарайдир
Кечалар кундуз бўлиб.

Айланур бошимда осмон,
Эврилур қошимда ер,
Ой бўлиб, юлдуз бўлиб,
Раъно бўлиб, наргис бўлиб.

Очмагил лаълингни, жоно,
Менга меҳринг сочмагил,
Сочилиб кетмай баногоҳ
Битта жоним юз бўлиб.

Кетмагил, ошиққа бундоқ
Доғи ҳижрон этмагил.
Йўлларингга қўз тутармен
Ранги рўйим бўз бўлиб.

Менга сенсиз кун қародир,
Менга сенсиз тун қаро,
Мен саҳарларни нетармен
Яккаю ёлғиз бўлиб.

Эй ниgoro, oй жамолинг
Кўйида юрган Жамол,
Сенга етганда туролмас
Бир замон сенсиз бўлиб...

СОЯЛАР

Кипригинг остида, ёрим,
Мунча тутқун соялар,
Термилиб күрдим мудом:
Күн соялар, тун соялар.

Гул юзинг гул-гул оқизган
Шуълалар гулгун эрур,
Не ажаб гулгун янофинг
Узра гулгун соялар.

Турфа-турфа ёғду ичра
Ошиён тутмиш жаҳон,
Маскан этмиш ҳам бу оламни
Гуногун соялар.

Оҳ, у оқшом менга доим
Сирли бир афсонадек,
Ёндим илк илҳом ўтида,
Айтди афсун соялар.

Соядек чўл кезди Мажнун
Лайлидан бир соя деб,
Пойига бош урди ҳўнграб
Мисли мажнун соялар.

Эй башар, рўшнолик истарсен,
Бироқ ортингдадир.
Гоҳи ҳорғин, гоҳи дилхун,
Гоҳи қузғун соялар.

Эй чинорлар, қартайибсиз,
Бир қараңда пойқадам,
Не учунким пойингизда
Шунча сүлғин соялар.

Ул күнгилким тоабад
Сөхри нафосат конидир,
Кони ичра шуълаларга
Бўлса уйғун соялар.

Ногаҳон онам фироқи
Дилда қўзгалган чоғи
Ёпинурсиз не учун
Гардиши гардун соялар?

Эй Жамол, нур эътиқодинг
Нурли тўғон айла сен,
Босса бағрингни баногоҳ
Мисли Жайҳун соялар...



АЙЛАНМА КҮП

Давра ичра масти олам,
Масти жон, айланма күп,
Масти мафтундири бу жонингга
Жаҳон, айланма күп.

Айланур бошим маним ул
Доманинг давронидан,
Ҳам қолурман бир боқишига
Нотавон, айланма күп.

Чарх урарда, ўйлаким,
Сен бир томон, мен бир томон,
Ёлборурман сен томонга:
Мен томон айланма күп.

Чархи ўй, чархи хаёл
Жонимдадир, қонимдадир,
Эй менинг жонимда ўт,
Жисмимда қон, айланма күп.

Ёлборурман мен Заминга
Жумла инсон номидан,
Биз башарга ошиёнсан,
Ошиён, айланма күп.

Гар омонликсан ва лекин
Суръат ичра беомон,
Эй омонат, суръат ичра
Беомон, айланма күп.

Ер-ку шафқатлар жаҳони,
Шафқат ичра жонажон,
Бошимиз узра муаллақ
Осмон, айланма кўп.

Айланувчи еру осмон
Ичра умри жовидон...
Кўзларим олдида умри –
Жовидон, айланма кўп.

Тингла, тарих, ҳур замонлар
Ичра ҳурдир бу замон,
Тут муқаррар шу замонни,
Шу замон, айланма кўп.

Ким севинчлар чоғи ҳам
Айлаб Жамолга жилвалар,
Кипригим остида кўз ёшим
Ниҳон айланма кўп...



ОХ, ГҮЗАЛ ФАРФОНАНИНГ

Ох, гүзал Фарфонанинг

Хусни бугун қандоқ эмиш,

Ҳар тараф осмон эмиш,

Осмонга еттан тоғ эмиш.

Тоғ эмиш чексиз чаман

Фируза боғлар қўйнида,

Боғ эмиш, боғларда ёнган

Полақизғалдоқ эмиш.

Парпирад эрмиш уфуқлар,

Товланиб ҳам турланиб,

Термилиб турсанг уфуққа,

Турна арғимчоқ эмиш.

Сап-сариқ сувлар оқармиш,

Тип-тиниқ эрмиш само,

Қип-қизил қирларга зийнат

Ям-яшил япроқ эмиш.

Чайқалармиш, чайқалармиш

Кўшчинорлар чирмасиб,

Бўз теракларнинг шамоли

Бол эмиш, қаймоқ эмиш...

Тоғ кезармиш бир париваш,

Боғ кезармиш бир санам.

Кўзлари кундай ёришган,

Юзлари яшноқ эмиш.

Кундузи кезгандың
Тиллақош эрмиш қүёш.
Кечалар кезгандың
Ой кумуш балдоқ эмиш.

Нече бир жонлар уни деб
Үртаниб, жондин йирок,
Нече бир диллар уни деб
Кул эмиш, тупроқ эмиш...

Бир күриб, жоно, Жамолинг
Чекди андоқ бир наво,
Холини күрганлар айтсиян,
Холати қандоқ эмиш...



БУЛУТ

Талпинур қүшдек зилолий
Күкда оппоқ пар булат,
Пар булат, байзо булат,
Раъно булат, кавсар булат.

Талпинур укпар хаёлим,
Талпинур жоним, не тонг,
Парпираб қошингда ўйнар
Чинни бир каптар, булат.

Мен ғазал ёзсам, қүёшнинг
Нурлари бўлсин қалам,
Сен – само саҳнида менга
Тоза бир дафтар, булат.

Мен сенга дардимни айтай,
Сен менинг ҳолимни сўр,
Оҳ уриб лекин кўзингни
Этмагайсан тар, булат.

Шу ёруғ оламда битта
Фойибим бор, фойибим,
Фойибимни сен сўроқлаб,
Мен учун ахтар, булат.

Воҳ умр айёмидан
Ойлар ўтар, йиллар ўтар,
Мен ҳамон мустарман унга,
Мен ҳамон мустар, булат...

Топмасанг ёким унинг
Устига бахмал ёпмасанг,
Кел, Жамол, ёшингни арт, деб
Менга тутгил бар, булат...

ШОҲИМАРДОН БУЛБУЛЛАРИ

Шоҳимардон, мунча ҳам
хушхон экан, булбулларинг,
Сутдек ойдин кечаларда
жон экан булбулларинг...

Келса меҳмон, боши узра
тонгтacha чаҳ-чаҳлашиб,
Новдаларда марварид,
маржон экан булбулларинг.

Бошим узра лаҳза-лаҳза
ёндиilar, ўртандилар,
Куйганимни ё магар
билгон экан булбулларинг.

Бу жаҳонда бир жаҳон эрмиш
азалдан сўзу соз,
Мен-ку тупроқман, vale
осмон экан булбулларинг.

Тингладим мен, англадим мен
полу ҳайронлар қолиб,
Воҳ, менинг ҳолимга ҳам
ҳайрон экан булбулларинг...

Мен учун дорул – ҳаётдир,
менга қисматдир ватан,
Қисматимдан бир ажаб
эҳсон экан булбулларинг...

Ҳар тарафда шарқираб
оқ чашмалар, кўк чашмалар,
Чашмалардан сув ичиб,
сайрон экан булбулларинг.

Чашмадек кўнглимда қолди
булбулистондан наво,
Кўрса орзу, кўрмаса –
армон экан булбулларинг...



НАҒМАСИ

Майсазор қўйнида тинмайди
Тиниқ сув нағмаси.
Ҳушни элтар гоҳи гирён,
Гоҳи кулгу нағмаси.

Гоҳи ҳижрон шомида учган
Наводек бенаво,
Гоҳи шўху жилвасоздир,
Мисли ҳинду нағмаси.

Бир томонда сабзаларга
Сув сепар оҳу шамол,
Бир томонда қушчаларнинг
Турфа «ҳу-ҳу» нағмаси.

Ҳар бутоқда бир навою
Ҳар булоқда бир садо,
Не ажабдур ҳар бирининг
Айру-айру нағмаси.

Дил ёқар бу пардалардин
Дилга ором мунг оқар,
Қўзғалур қонимда ҳар дам
Қанча орзу нағмаси.

Жўралар, бир дам қўзимда
Ёш қўриб, айб айламанг,
Дил кўйига мунча монанд
Келди, ёҳу, нағмаси!..

Мангаликдан қиссалар айтди
Жамолга, оҳқим,
Тоғ аро жонон табиатнинг
Бу мангу нағмаси...

ТАЛПИНДИ-КУ

Чақнади чақмоқ барногох
Осмон талпинди-ку,
Хей, шириң жоним, сени
Күрганда жон талпинди-ку.

Бекарор күнгил, деган
Каптарга құксим ошиён,
Чарх уриб учди үшал қуш,
Ошиён талпинди-ку.

Шу замон түшди юракка
Ишқұ деган овозалар,
Ишқұ демам, жонимда –
Савдои жаҳон талпинди-ку.

Күз билан күнглим етаклаб
Келди қошинғта, санам,
Сезмайин қолдим, құлим ҳам
Сен томон талпинди-ку.

Сәхри ишқинг бирла энди
Шоир үлсам, не ажаб,
Мисралар ҳам үзни сүзөн –
Айлабон талпинди-ку.

Кипригингдан, вой яна –
Отдинг Жамолни бегумон,
Күзларинг устида абрўий –
Камон талпинди-ку...

СЕН БУГУН УЗГАН БУ ЯПРОҚ

Сен бугун узган бу япроқ
Кеча бир тупроқ эди,
Сен бугун босган бу тупроқ
Кече гул-япроқ эди.

Сен-ку тингларсан бу сүзни
«Бир гапий» деб тонг аро,
Дилда ох эрди-ю оқшом
Лабда бир титроқ эди.

Айланармиш чархи даврон,
Бас, нечун қилгунг гумон,
Нур била түлган бу дунё
Гардуни оғоқ эди.

Ул чаманким, гул чаман ичра
Чаманлик күрки бор,
Бошида қизғин қүёшу
Күксіда янтоқ эди.

Ул чечакким, кундузи
Порлар қүёшга рүбарү,
Тунда хомуш бир түгунчак,
Ғұнчайи мудроқ эди.

Ул паривашким саҳарлаб
Құвди бизни уйидин,
Кече күп ошуфтақол эрдию
Күп муштоқ эди.

Ким рақиб эрди тунов күн,
Энди дүсти бебадал,
Кимки ағёрдир бу айём,
Кече чин ўртоқ эди.

Қилма таъна, мен ўқитдим деб
Камолот дарсини,
Ким, унинг зеҳни камолот
Илмидин чарчоқ эди.

Айланур гардиши даврон,
Титрагувчи жинчироқ.
Бир куни авжи самода
Чақнаган чақмоқ эди.

Эй Жамол, қилма маломат,
Гар тирикдир, гар ўлик,
Ким, бирор тұмтоқ эди-ю,
Ким, бирор тұқмоқ эди...



МАШРАБ МОНОЛОГИ

Воҳки, дунёй йўл босар
Шаддодланиб, шиддатланиб,
Мен боқурман ул сари
Ҳайратланиб, ҳасратланиб.

Берди охир Карбалодин
Суврату сийрат манго,
Кўзларимда даҳри дун
Сувратланиб, сийратланиб.

Мен-ку, менман, элга элдек
Суврату сийрат қани,
Ўтса умри бир умр
Мехнатланиб, заҳматланиб?

Бир тараф афғон чекарлар
Мехнату заҳмат билан,
Бир тараф даврон сурар
Роҳатланиб, ишратланиб.

Бир тараф афтодаҳолдир,
Ҳоли кун-кундан ёмон,
Бир тараф довруқ солар,
Шуҳратланиб, шавкатланиб.

Бу замонда аҳли давлат
Эл сотар, иймон сотар,
Ғайрилар бирлан мудом
Хилватланиб, улфатланиб.

«Эрк» деганлар сўндилаар
Фурбатда беному нишон,
«Бахт» деганлар битдилаар
Бўхтонланиб, тухматланиб.

Мазлумо, беҳуда кутма,
Тутма, золимдан умид,
Келмагай инсофга у
Рахматланиб, шафқатланиб.

Нобакорлар бошида
Үтдек муқаррар бўл, қасос,
Қол, кейин олам аро
Ибратланиб, ҳикматланиб.

Машрабо, айёми ғам
Таърифи топмас интиҳо,
Неча сўз айтсанг агар
Нафратланиб, нафратланиб...



БАҲОР

Баҳор равшан қуёшни ўзига
Зебу ҳашам этмиш,
Қуёшдан ранг бериб, еру
Самони мұхташам этмиш.

Чечаклар мавжини ошиқ күнгил
Мавжида жам айлаб,
Чечаклар қонини, эй жон,
Менинг күнглимда жам этмиш.

Сехрлаб сойда сув, гулшанда гул,
Саҳрода сумбулни,
Сипо этмиш, сулув этмиш,
Сафо этмиш, санам этмиш.

Нечук ошуфта маъно бу,
Нечук нозу таманно бу,
Гаҳи ҳайронна ҳам этмиш,
Гаҳи мастона ҳам этмиш.

Ёруғ кун узра бир дам
Тийра оқшом пардасин тортиб,
Қорайган шом қучогин
Лаҳза ўтмай субҳидам этмиш.

Ҳаёт офтобини кундуз
Дилимда ишқи жон айлаб,
Мұхаббат юлдузин шеърим уза
Ҳар кеча шам этмиш.

Кўринг, олам юзига қўндириб
Юз минг табассумлар,
Жамол мужгонини илҳом сурури
Бирла нам этмиш...

ГҮДАК ҚУШ ТАЛПИНАР

Гүдак қуш талпинар ҳайрона қотган
Ошиён ичра.

Менинг рұхим дамо-дам талпинар
Ошуфта жон ичра.

Юрибман ердаким манзилга еттан
Бир хаёл истаб,
Хаёлим манзили аммоқи
Чексиз осмон ичра.

Хаёлим манзилини бирйұла
Күздан ниҳон этмиш,
Шафаққим, шуыла солмиш
Шу шароби арғувон ичра.

Не тонгдир, мен шароби арғувон, деб
Шуыла сипқордим.
Ки сүзлай, неча бир сүз
Неча дүсти нуктадон ичра.

Рафиқ, менга ҳақиқат бобида
Бир-бир гумонинг айт,
Ҳақиқат нур сочармиш дур бўлиб
Бахри гумон ичра.

Элим, камтарлигинг қўй,
Тутма ўзни сен жаҳондин кам,
Жаҳон ҳам бир жаҳондир
Неча юзлаб бир жаҳон ичра.

Агар-чи, баъзиларнинг эътиқоди
Тилда такрордир,
Жамолнинг эътиқоди қалб аро,
Қон ичра, қон ичра...

ҚОРАЙГАН КҮК УЗА...

Қорайган күк уза шұх парпираб
Шом юлдузи ёнди,
Бутоқлар ел билан шов-шувлашиб,
Хар ёна силкинди.

Ажаб титрок соларкан жон аро
Бу юлдузу япроқ,
Хаёлим лочини силкинди-ю,
Күкларга талпинди.

Күнгил, күз сол, муаллақ
Бошинг узра гумбази олам,
Муazzам гумбази олам аро
Оlamни күр энди.

Салом, эй мулки борлиқ, ассалом,
Эй хонайи хуршид.
Чиройинг күзларимга қатра-қатра
Нур бўлиб инди.

Чароғон гардишингта термилардим
Хар нафас ҳайрон,
Не бўлди, кўнглим ўксинди,
Хаёлим жилваси синди...

Не ваҳшатлар муборак сийнанг узра
Солди тўфонлар,
Не тўфонлар бошингда чарх уриб,
Даҳшат аро тинди.

Нечун, олам, бағир қонинг аталмиш
Ҳазрати Одам,
Ҳамиша қон ютиб жанглар,
Балолар ичра юлқинди.

Нечун, айт, тилда лаънат, кўзда ёш-ла
Отди тош сенга
Асрлар қанча фозил, қанча шоир,
Қанча қувфинди.

Нечун, айт, оғушингни маскани
Иқбол деганларга,
Муқаррар бол дебон гардуни даврон
Оғулар сўнди...

Кўй, эй олам, ўкинма энди
Равшан бўлди истиқбол,
Саодат шуъласи бошинг уза
Мардона елпинди.

Жамол, гулшанда эврилганни
Сен ел деб хаёл этма.
Ки олам нурли айёмлар
Умиди бирла хўрсинди...



УМИД

Оlam ичра кимга еру
Кимга осмондир умид,
Кимга оламдек муқаррар,
Кимга армондир умид.

Кимки саҳрони чаман истар,
Умид дарёси бор,
Ким ёниб кўзлар фалакни,
Юлдузистондир умид.

Мен умид ўғлониман,
Ошдим хатарлар тогини,
Отамен, энди довон
Ошгувчи ўғлондир умид.

Бу ҳаёт уммони кенгдир.
Кенг умидлар баҳри ҳам,
Кимга имкон, кимга даврон,
Кимга туғёндир умид.

Ўйла, жон берди Улуғбек,
Қон тутар душманни лек,
Занглаган эгри қиличга
Сачраган қондир умид.

Шамси анвардир тилим, деб
Элга келтирди имон –
Ул Навоийким, башарга
Нури иймондир умид.

Тонгла кел, деб ул паривашга
Саломлар йўлладим,
Тунда боргум, деб жавоб айтди,
Шабистондир умид.

Сен умидга банда бўлма,
Сен умидлар шоҳи бўл,
Кексалар дер: гоҳи раҳмон,
Гоҳи шайтондир умид.

Кимга қатра, кимга денгиз,
Кимга бир дунё қадар.
Ким учун оғриқли тандин
Чиқмаган жондир умид.

Ўз эли-ла ифтихор этса,
Жамолга айб эмас,
Ўтса гар минг йил жаҳондин,
Ўзбекистондир умид.



НОДИРИ ДАВРОН АТАЛМИШ

Нодири даврон аталмиш
Ул таманно мард эмас,
Мард эмас, лекин маломат
Этгудек номард эмас.

Тиргизур мардлик билан,
Үлдирса номардлик билан,
Энг ёмони – дардманлар
Дардига ҳамдард эмас.

Лутф этгандай бўлар
Холимга гоҳо кўз солиб,
Аслида бошимга тўзон –
Чиқса, унга гард эмас.

Турмуши роҳат-фароғатдир,
Саҳарлар чеккани –
Оташин завқу суурур эрмас-ку,
Оҳи сард эмас.

Воҳ, таманно юрса у,
Оlamda танҳо турса у,
Шарти шулким, бошқа барча
Муддаойинг шарт эмас.

Эй Жамол, ҳар неки бўлсин,
Лекин ўлсин манфаат,
Манфаат кутганда, йиғларсан,
Куярсан, дард эмас...

ЁНАР КИПРИКЛАРИМ...

Ёнар киприкларим нур торидек
 Юлдуз чароғинда,
Ичарман тоза бир сув орзунинг
 Ойдин булоғинда.

Құрарман орзуда юлдуз боқишли
 Нозанин сиймо,
Тилармен, ишқи розим янграса
 Бир дам қулоғинда.

Қабо киймиш кумушранг, титратар
 Бу жисму жонимни –
Кукунларким кумушдан, ялтирап
 Қошу қабоғинда.

Қорайған шом уза шүх чақнаган
 Зұхро әмас, улким
Латофатдирки, яшнар маҳвашим
 Күзи қароғинда.

Ҳаёт сарманзили пойиндадир
 Ёримниким, тонг йүқ,
Ҳаёт сарчашмаси гул баргидек,
 Шаккар дудоғинда.

Ажаб мафтунлигим бор, лаълидан
 Жон бүсасин олсам,
Ажаб мажнунлигим ҳам – чорасиз
 Қолсам фироғинда.

Фақат менму бунингдек ишқ аро
Жавлон уриб кезган,
Кезарлар аҳли олам ишқида,
Ё иштиёғинда.

Жамол эшик қоқаркан –
Хар қадамда, боқмангиз ҳайрон,
Юрарман юрт сўраб, ул нозанин
Ёрим сўроғинда...



БҮЛМАС

Лабингдек лаълийи майгун
Юзингдек бүстон бүлмас,
Менингдек сенга бир дил ташнаю
Ошуфта жон бүлмас.

Сен, эй сен, дилбари золим,
Кўрибку, сезмадинг ҳолим,
Бу ҳолимдан баёнлар айласам,
Дардим аён бўлмас.

Хаёлинг еру осмон, деб
Хижолат айлама, жоно,
Сенингсиз менга на еру
Сенингсиз осмон бўлмас.

Не толеким, жаҳонда мен учун
Ишқи жаҳонинг бор,
Ўшал оташ жаҳонинг бўлмаса,
Менга жаҳон бўлмас.

Қошимдан нозу истиғно билан
Кетдинг, ёмон бўлди,
Қошимга нозу истиғно билан
Келсанг, ёмон бўлмас.

Жамол истар омонлик
Мубталолик ўтидин ҳар дам,
Билар бечора лекин, унга –
Бу ўтдин омон бўлмас...

ҲАЙ-ҲАЙ, НА ГҮЗАЛ...

Ҳай-ҳай, на гүзал күзгуда
Жонона күринди,
Бай-бай, не малоҳат ила
Афсона күринди.

Сиймин тани атласда ёниб,
Күксіда кокил,
Құлида ажаб лолаю
Паймона күринди.

Орастა чаман бағрида
Эврилди сабодек,
Юлдуз каби құқ сахнида
Сайрона күринди.

Ұлтирди-ю, термилди зилол –
Чашмага бир зум,
Ҳайратки, үзи ҳұснига
Ҳайронана күринди.

То тузди наво, айлади
Сүзона, демангким,
Ёндириди-ю күйдириди-ю үзи
Ёна күринди.

Гулшанга оёқ қўйди яна,
Яшнади гулгун,
Майдонга қадам ташлади,
Мардана күринди.

Тонг йўқки, Жамол ёнса
Бухорода бу оқшом,
Кўзгуда үшал дилбари
Фарғона күринди...

БИРАМ НОЗИК, БИРАМ НОЗИК...

Кийибсиз шульадин күйлак,
Бирам нозик, бирам нозик.
Тақибсиз поладин баргак,
Бирам нозик, бирам нозик.

Турибсиз ғоз этиб қўкрак,
Учишга чоғли каптардак,
Қараашлар жодую ҳуркак,
Бирам нозик, бирам нозик.

Узун киприклару гулгун
Дудоқлар – ғунчаю хандон,
Чизилган жонли тасвирдак,
Бирам нозик, бирам нозик.

Кўзингиз осмонида
Хаёлдан жилвалар кўрдим,
Тараф йўқ, барчаси бирдак,
Бирам нозик, бирам нозик.

Паришон сочингиз бирлан
Кўнгилда ҳисларим ўйнаб,
Шивирлар тонгда ёмғирдак,
Бирам нозик, бирам нозик.

Ўтар кунлар, кечар тунлар,
Юракда гул очиб, куйлар
Ўша афсонаю эртак
Бирам нозик, бирам нозик...

ТАРАФИННАН

(Хоразм йўлида)

Биз – телба кўнгил, ошиғи –
Шайдо тарафиннан,
Сиз ишвали ул нарғиси
Шаҳло тарафиннан...

Биз – аҳду вафо, оҳу фифон
Хайлига мансуб,
Сиз – ғамза адo, нозу
Таманно тарафиннан.

Биз – севги биёбонида
Қайс лашкаридирмиз,
Сиз – шиква хиёбонида
Лайло тарафиннан.

Биз – ишқу висол кўйида
Саҳройи самумдек,
Сиз – субҳи сабосиз,
Дали дарё тарафиннан.

Биз – ишқзада, оташзада,
Хижронзада булбул,
Сиз булбули маст орзуси
Раъно тарафиннан.

Сиз – зеби жамол бобида
Дунёйи жаҳонсиз,
Ҳой, борми назар биз сари
Дунё тарафиннан?..

Ёнди́рмади́ми мактуби́миз
Сизлари бир бор,
Оташ эди-ку, ҳар сўзи
Маъно тарафиннан...

Оҳлар урамиз биз яна
Ушшоқи Бухоро,
Келгайму, дея ул пари
Хиво тарафиннан...



КҮК

Күк ёнар бошимда порлаб,
Ой ила юлдузли күк,
Чүл ётар пойимда яшнаб,
Лолаю наргисли күк.

Май симиргандек ажаб
Сархушлигим бор, ўйлаким,
Күкда олтин тусли саҳро,
Ерда ёлқин тусли күк.

Боқ, яшар күк узра күк ҳам,
Күк яшайдир күкарo,
Ҳар қаричда жонли осмон,
Ҳар чечакда ҳисли күк.

Ер менинг жисмимда барҳақ,
Тинмағур жоним эса –
Гоҳи мовий юэли оқшом,
Гоҳи оташ изли күк.

Қирмизи күйлак кийиб,
Чиқсанг мабодо, эй санам,
Ястанур пойингни истаб,
Зар уқа қирмизли күк.

Күк ювар кокилларингни,
Күзларингни күк ювар.
Ёприлиб ўтгай оёғинг,
Нурли япроқ, исли күк.

Соябондир бир ўтовдек
Бошиңг узра шу фалак,
Сен чироқ ёққан ўтов ҳам
Мисли күкдир, мисли күк.

Бу Жамолни сен синоат чоғи
Хөч айб этмагил,
Шеър дебон пойингта түкса
Бир қучоқ ялпизли күк...



КУН

Боқ, кабутардек жағоннинг
Бошида парвона кун,
Парпирад бир дам бўлай деб,
Сен билан ҳамхона кун.

Сен саҳармардан туриб,
Бахтинг сари мардана юр,
Ким, келар баҳтингни опчиб,
Сен томон мардана кун.

Тонгда шудрингдин гулобу
Тушда оташдин шароб,
Шомда дарёйи шафакдин
Лим тўла паймона кун.

Тонгда маъсум бир санобар,
Тушда савдоли санам,
Шом тароватдан чамандек
Яшнаган жонона кун.

Тонгда оташ найнаво ул,
Тушда тўлқин достон,
Шом мунаvvар бир ривоят,
Сирли бир афсона кун.

Тонгда ёрқин бир тафаккур,
Тушда манглай узра дур,
Шом фароғат шуъла бирлан
Порлаган пешона кун.

Сен бани одам эрурсан,
Шу буюк Олам – уйинг.
Тонг – ёруғ остона бўлса,
Нур тўла кошона – кун.

Сен садаф эрдинг саҳарлаб,
Субҳидам топдинг зиё,
Тонг ақиқ этгач қуёшдин,
Айлади дурдона кун.

Тун чиройдир қошларингта,
Сочларингта тун чирой,
Кўзларингта она кундир,
Юзларингта она кун.

Сен умрни мўътабар бил,
Йил деган – бир дона йил,
Ой деган – бир дона ойдир,
Кун деган – бир дона кун.

Май – азалдан дафъи савдо,
Май азалдан баҳри ғам,
Майлига, майхона бўлсин,
Бўлмасин ғамхона кун.

Эй, Жамол, боқсанг диёрингта,
Кўрарсан ҳар замон,
Бир тараф – кунгай Бухоро,
Бир тараф – Фарғона кун...

КИРДИ КҮКЛАМ КҮНГЛИМА...

Кирди күклам күнглима
Фируза оқшоми билан,
Шұыласи жонимга түшли
Лолагун жоми билан.

Мен-ку, барқут бағрида
Бир лаҳза ором истадим,
Воҳки, оромим йүқолди
Лаҳза ороми билан.

Шабнам эрмас, әврилиб
Гулшанга қүнмиш осмон,
Ё магар боғ чирмashiбидир
Күкка ишкоми билан.

Олмазор қўйнида тўлган
Ой нечук саргаштадир,
Во ажабким, ерда юрмиш
Ой деган номи билан.

Ишқ аро саргашталик
Бир кун муқаррардир, деди,
Фунча андоми билан,
Япроқ яшил доми билан.

Ким, Жамол оқшом паноҳида
Қасамёд айлади,
Ишқ илмин ўрганурга
Ишқ – илҳоми билан...

ШУЛЛАДИР, ЧҮФДИР ЧАМАНДА

Шульладир, чүфдир чаманда
Гул эмас, фунча эмас,
Бўлса бордир-ку, бироқ
Унча эмас, унча эмас...

Гарчи гуллар шуладекдир,
Фунчалар ҳам чүф каби,
Юзи ой, юлдузи ўт,
Лаблари гулғунча эмас.

Настарин қулгуси хушдир,
Лекин у сирли санам –
Бир боқиб, лаб учидা
Ноз ила қулгунча эмас.

Ишқ тайин ерда азалдин
Гарчи истиғно тайин,
Ҳар қалай, мунча эмас,
Мунча эмас, мунча эмас...

Навбат ўтказма, муҳаббат –
Майи қуй ошиқаким,
Жоми тўлгунча эмас,
Ризқи тўкилгунча эмас.

Ёр фироқ этса, сабот кўрсату
Сабр айла, Жамол,
Бу ажаб нозу адолар
Сенга ўлгунча эмас...

ХАРИР

Ёпинибдир бизни шайдо –
Этгали жонон, ҳарир,
Ёпинурку гоҳ шафақдин
Боғ ҳарир, бўстон ҳарир.

Кўзларингни ул ҳарирда
Икки шўх наргис десам,
Икки зулфинг икки юзда
Икки гул райҳон ҳарир.

Воҳки, жононим, жамолингни
Ҳарир ичра кўриб,
Бир маҳал оламга боқсам,
Ер ҳарир, осмон ҳарир.

Гул юзингни ул ҳарир ичра
Тасаввур этди-ю,
Тонг-саҳар тутди қуёшга
Шуъладин алвон ҳарир.

Кўксинг узра марвариддан
Ҳалқаи инжу кўриб,
Кўр, баҳор солмиш чечаклар
Бўйнига маржон ҳарир.

Ул ҳарирдан бир қиёлаб
Боқишинг армон менга,
Лабларингдин бир табассум
Бир гўзал армон, ҳарир...

Мен, Жамолингман, ёнарман
Кўзларингга термилиб,
Отса, отсин кипригингдан
Найзайи пайкон ҳарир...

ДҮСТЛИК ҒАЗАЛИ

Бизда дүстлик чин муҳаббатнинг
Улуғ дунёсидир,
Бағрида оққан саодатнинг
Тиниқ дарёсидир.

Шу гўзал дарёга лаб очди-ю
Бўлди дуриёб,
Бу Ватаннинг неча гулшан
Боғидир, саҳросидир.

Боғ ила саҳро наинким,
Нурли дўстликдин нишон,
Юртимизнинг ҳар чаманда
Наргису раъносидир.

Қалбимизда эл-элатларга
Садоқат жавҳари,
Қонимизда шу шарофатнинг
Асл кимёсиdir.

Биз учун равшан қуёш ости
Шу олам бир китоб,
Жонажон дўстлик, биродарлик
Унинг имлосидир.

Дўст бўлиб, дўстлик чаманзорин
Яратдик, шул сабаб –
Юртимиз аҳли башарнинг
Зебидир, зебосидир.

Ёзди дўстликка Жамол
Ширин ғазални гўё,
Аслида айтган шивирлаб
Булбули гўёсиdir...

ҚҮНГЛИМ ИЧРА

Күнглим ичра не умидларнинг
Ажаб парвози бор.

Ҳам умидлар ичра күнглиминг
Шириң эъзози бор.

Ноумид айлар умидлар гоҳи,
Бўлмам ноумид.

Ким умид ҳам бир санамким,
Нози бор, ғаммози бор.

Ишқ ҳаққи, бўлгин саломат,
Эй умидим сарвари,
Ўзга парводан бу күнгилнинг
Қачон парвоси бор.

Мен севинчга толиб эрсам,
Сен – ўкинчлар соҳиби.
Чўқтиурман мен ўкинчларни,
Севинч дарёси бор.

Гавҳари ишқ менда бўлса,
Сенда уммондир итоб,
Фарқ этар бўлсанг, ғарибнинг
Жон деган ғаввоси бор..

Улки, ағёр ноумид деб
Бизни бадном айлади,
Бас, нечун бу шовқинию
Шўриши, ғавфоси бор?

Гар умид йўлбошчим эрса,
Ифтихор йўлдош эрур,
Кўнглим ичра ифтихорларнинг
Ажаб аълоси бор.

Хур лиёрим бошида ол байроғидир,
Бағрида –
Англа: қирмиз, англа: аҳмар,
Англа: сурх тиллоси бор.

Бу чаман булбуллари қўп,
Айру-айру навқирон,
Эркини бор, Ўткири бор,
Қўйки, Абдуллоси бор.

Ифтихор бирла умид нақдини
Чўздинг, эй Жамол,
Бас десангким, чин сўзимнинг
Нақди, индаллоси бор.

Изтироб айларда дилнинг
Оҳи бирла оташи,
Ифтихор айтарда тилнинг
Боли бор, ҳалвоси бор...



АВЖИДА

Ярқираб юлдуз ёнодир
Менга осмон авжида,
Воҳ, яна юлдуз ёнодир
Менга шу жон авжида.

Менга осмоним керакдир,
Менга шу жоним керак,
Термилиб қолсин қўзим
Боққанда ҳайрон авжида.

Балки армонимда ёнган
Юлдуз эрмас, шамчироқ,
Шамчироқ бўлгай ахир
Ёнганда армон авжида.

Шоиро, кўнглим уйини
Бир мунааввар этмадинг,
Ҳар неча номингни ёздинг
Шеъру достон авжида.

Шеър иши-ку бериёликдир,
Ахир қандоқ қилиб,
Сен риё қилсанг, каломинг,
Порлагай шон авжида.

Арз этарсен қўкда ойингдан,
Чиройингдан кейин,
Менга айт аввал, қуёшинг
Борми виждон авжида.

Гар қуёшинг дилда бўлса,
Кўзда ёшинг айб эмас.
Айб эмас соҳиб ҳунарлар
Юрса даврон авжида.

Умр ўзи-ку бир ғазалхонлик эмиш,
Билдинг, Жамол,
Кел, камол касб айла сен ҳам
Бир ғазалхон авжида...



ПАХТАКОРИМ

Қайси гулшан шу гўзал,
Фируза осмонингча бор?

Қайси бўстон шу кумуш –
Сарҳадли майдонингча бор?

Қайси хуршид шу тиниқ –
Осмонда офтобинг каби?

Қайси шиддат шу буюк –
Майдонда жавлонингча бор?

Қайси шарбат пайкалингда
Қатра шабнамдек лазиз?

Қайси шабнам манглайнингда
Реза маржонингча бор?

Қайси тўлқин сен даланта
Бошлиган дарёдайин?

Қайси дарё талпинища
Тинмаган жонингча бор?

Қайси чўлпон лўғпи-лўғпи
Юлдузингдек жилвагар?

Қайси тошқин тизма-тизма
Тилла карвонингча бор?

Қайси денгиз денгизингдек
Тўлқини тоғ узра тоғ?

Қайси Помир сен яраттан
Пахта хирмонингча бор?

Қайси ҳиммат бу жаҳонда
Ҳимматинг янглиғ буюк,
Қайси шавкат шу муборак –
Шавкату шонингча бор?

Пахтакорим, ўзлигинги
Сарҳисоб этсанг бугун,
Қайси кечмиш Ўзбекистон
Ўзбекистонингча бор?

Шавкату шонингга шеър айтар
Жамол, ўғлинг, vale,
Қайси олқиши элу юргдан
Раҳмат олгонингча бор?



ҮТ

То ёнаркан чарх уриб,
Хар лаңза осмонимда үт,
Ёнмасинму бир қүёшдек
Барқ үриб жонимда үт.

Үт – азалдан үтли жавлондирики,
Мен – үт бандаси,
Ишк азалдан үтли туғёндирики,
Туғёнимда үт...

Кўзми ул, оташми, жоним,
Кўрганим киприк аро,
Кўрганим оташ экандир,
Кўрки, мужгонимда үт.

Ул куни бердинг кўзинг бирлан
Лабингдин бўсалар,
Боққа кирсам, энди наргис
Бирла райҳонимда үт.

Сув эмас, оташ ичарман
Сенга шайдолик билан,
Сенга ошнолик билан
Ошимда үт, нонимда үт.

Хар қадам, ҳар дамда жонон,
Меҳри бирла сехр этар.
Сехри даврондир, муҳаббат –
Отли давронимда үт.

Ён, менинг жисмимни тұлдир,
Майли, ёқсанг, ёқ фақат,
Эй, менинг қалбимда үт,
Жонимда үт, қонимда үт!..

Шархи ишқинг ҳам муқаррап
Үт бўлур бир кун, Жамол,
Жилвагар бўлса бунингдек
Кўнгил олгонимда үт!..



ҚАРАШ

Бор экан оламда анво –

Күз каби анво қараш,
Шан боқиб, шодон қараш ё
Ёт боқиб, яғмо қараш.

Бир қараашда пайқагайсан

Бир қараашнинг аслини,
Хуш қарааш, хомуш қараашму,
Шўх қарааш, шайдо қарааш.

Бир қиё савдоси солди

Бир санам савдосига,
Шул сабабдин кўзларимда
Бир ажиб савдо қарааш.

Кўкда юлдуздан чаман бор,

Ерда дарёдан наво,
Менда Мажнундан асар бор,
Сенда бор Лайло қарааш.

Тонгда Зуҳродан зарофат,

Тунда Ҳулкардин чирой,
Менда Машрабдан аломат,
Сенда бор шаҳло қарааш.

Ой қарааш ҳам бир нигоҳдир,

Кун қарааш ҳам бир нигоҳ.
Қай бири аъло қараашдир,
Қай бири авло қарааш...

Ноз боқиб, тарсо қараашму

Бузди ороминг, рафиқ,
Ё кулиб, раъно қарааш ул,
Ё тўниб, маъно қарааш?

Оҳ, қараш, дейсан гаҳи сен,
Воҳ, қараш дейсан гаҳи,
Баъзиларга таъна айлаб,
Айтасан: эвоҳ, қараш!..

Тўхта, ошиқ, бузма маъшуқ
Кўнглиниким, нораво:
Ёш қуийб дарё қарашга
Ер ютиб, саҳро қараш.

Сен башарсан, боқ башар янглиғ,
Ярашмайдир сенга,
Кибр ила подшо қараш ҳам,
Бўридек суплоҳ қараш.

Эй Жамол, билсанг, камолинг –
Офтобдек дил ёқиб,
Кун кезиб, дунё қарашдир,
Тун кезиб, дунё қараш...



ЖҮРАЛАР...

Жүралар, бошимни банд этган
Бало күнглимдадир,
Мубталоман, мубталолиғ
Мубтало күнглимдадир.

Шеваи шайдолигим деб,
Ул парини сүйламанг,
Шеваи шайдолигим ҳам,
Аввало күнглимдадир...

Майл қилдим, иштиёқ әлтди мени
Ишқ бөғига,
Эхтирос ёшимни түкди,
Илтижо күнглимдадир.

Ишқ мени үтларга ёқди,
Мен уни ёқмай нега?
Энди үртарман күнгилни
Ишқи то күнглимдадир.

Хар неча боқдим, бу дарднинг
Интиҳосин кўрмадим,
Воки, билдим ибтидою
Интиҳо күнглимдадир.

Эй Жамол, бир дам юзингда шула,
Бир дам соялар,
Ўйлаким, ҳар дам чақинланган
Само күнглимдадир...

АЁ, ДҮСТИМ...

Аё дүстим, сенинг меҳринг
Менинг мулки паноҳимдир,
Кувонсам – қаҳқаҳам, ҳасрат –
Чекарда ўтли оҳимдир.

Садоқат уйини алломалар
Чин қиблагоҳ дерлар,
Азизим, дил уйинг токи тирикман,
Қиблагоҳимдир.

Саҳарлар балқиган қўқ тоқида
Чўллон эмас танҳо,
Ки дўст, деб интизорлик ўтида
Ёнган нигоҳимдир.

Хиёнат йўлига борсам,
Разолат чоҳига ботсам,
Узинг бошимниким шу лаҳза,
Бўйнимда гуноҳимдир.

Хаёлдан сувратинг кечса,
Дилимдан хўрсиник учса –
Сени деб анбарин боғларда
Эврилган сабоҳимдир.

Аё дўстим, Жамолдан меҳри-ёдингни
Дариф тутсанг,
Қуёш эрмас фалакда,
Ўтли афғон, оҳ-воҳимдир...

СЕВГАНИМ

Севганим дилдора қизларнинг
Ажаб дилдораси,
Кўнглим ичра ишқининг ҳар дам
Кумуш фаввораси.

Нақди жон этсам, таманно бирла
Айлар қасди жон,
У кўнгил оворасидир,
Мен унинг овораси.

У итоб осмонида бир моҳитобдир,
Мен эсам –
Ошиғи бечораларнинг
Ошиғи бечораси.

Лутф ила гоҳ шод этар,
Гоҳ ғамзай бедод этар,
Кўнглим ичра меҳрининг
Ҳам лоласи, ҳам хораси.

Дам умидлар ҳамдамимдир,
Дам гумонлар маҳрамим,
Мен эсам шу икки манзилнинг
Ажиб сайёраси.

«Ҳой кўнгил, ҳолинг нечук!» – деб
Таъна этсам, дейди ул:
Меҳрининг хуморидурман,
Қаҳрининг хумораси.

Майлига, ҳар дам кўзим бирлан
Дилимда тут макон,
Эй дилимнинг равшанию
Кўзларимнинг қораси!

Бир куни ошиқ Жамолни
Улфат этса, тонг эмас,
Нозу истифнога мунча
Ёра бўлган ёраси...



ҚОЛДИ УМРИМ КҮКЛАМИ...

Қолди умрим күклами

Кечмиш йўлим сўқмоғида,

Қатра нуру қатра қўз ёшим

Ёнар япрогида...

Қатра-қатра шабнамида

Шодлигимдир ёширин,

Ёшириндир ҳасратим ҳам

Қатра-қатра доғида.

Қатра-қатра нур тўкиб,

Бошимда ёнди юлдузи,

Ўпдим илҳом қатрасини

Фунчайи титроғида.

Маст этиб қўнглимни бир дам,

Яшнади армонларим,

Акс этиб жонон фаслнинг

Чақнаган чақмоғида.

Ҳисларим селларга қўшдим,

Оқди анҳори азим,

О, ўзим саргашта қолдим,

Термилиб қирғоғида.

Эй Жамол, ёзинг етишли,

Битди умринг кўклами,

Бир парининг бир нафаслик

Бўсайи қайноғида...

ТУШИБ КЕЛАР

Күрдим, чаманга бир пари
Сиймо тушиб келар,
Мен ташнаи танҳо эдим,
Танҳо тушиб келар.

Очгил қучоғинг, эй күнгил,
Лутф айла, осмон,
Авжи фалакдин мен сари
Зухро тушиб келар.

Бўлди муқаррар бир ажиб
Кўйларга тушмагим,
Тушмас баланддан ул пари,
Эвоҳ, тушиб келар.

Нозик табассумлар билан
Тушган сайин санам,
Кўнглимга неча оташин
Маъно тушиб келар.

Кўйида куйган ташналаб
Саҳро эдим магар,
Саҳрони сувга тўлдириб
Дарё тушиб келар.

Айб этманг энди бўлмаса
Дунё билан ишим,
Қошимга ишвалар билан
Дунё тушиб келар.

Бошингта тушган ҳар нечук
Савдони қўй, Жамол,
Бошингта бошдин севгию
Савдо тушиб келар...

ЭТОЛМАДИМ

(Бобурга назира)

Мамнун бўлиб, бир кимсани
Мамнун этолмадим,
Мафтун бўлиб, бир кимсани
Мафтун этолмадим.

Кечди кўзимдин олам аро
Неча лайливаш,
Лекин бирига ўзимни
Мажнун этолмадим.

Сеҳр этди соз чалиб мени
Неча яхшилар,
Эвоҳки, соз чалиб ўзим,
Афсун этолмадим.

Оlamни ўйладим гаҳи,
Оlam синоати
Қошимга келди бош эгиб,
Талқин этолмадим.

Гул фасли лола очдию,
Мен эсам яна
Гул ўсдириб, чеҳраларни
Гулгун этолмадим.

Ҳар ким бир шевага ўзни
Этди мубтало,
Мен ўзимни бир шевага
Тутқун этолмадим.

Ҳамиша иззатимни-ку,
Тутдим устувор,
Лекин ҳимматимни ундан
Устун этолмадим.

Ҳай-ҳай, этолмадим, дема,
Таънангни қўй, Жамол,
Мумкин этолмасимни мен
Мумкин этолмадим...



ҚҮЁШ КАМАРБАСТА

Баҳор таманно-таманно
Юриб аста-аста,
Күёш гулхонасидин
Тизди элга гулдаста.

Ясанди, полазор бўлди
Тамомий чўлу чаман,
Кийимлар орастা бўлди,
Хаёллар орастা.

Шифо тилагинг эса, тур,
Тонг жамолига термил,
Ариқлар қўшиғини тингла
Бирпас, хотири хаста.

Боқингиз олам ҳуснига,
Руҳиятчи жононлар,
Қўл-қўлга пайваста бўлсин,
Жон-жонга пайваста.

Ҳаёт кўкаламзорига
Муборак бўлсин қадаминг,
Эй яшил майса, гиёҳ,
Ниҳоли навраста.

Офтобдан назар етсину
Дарёдан гуҳар етсин,
Гузар айламасин лекин
Нопоку нокаста.

Наврӯз муборак, наврӯз,
Эй азиз ёру диёр,
Асл чиройинг била боз
Кўриндинг атласда.

Сайри боғ чаманларга
Дўстларинг чорла, Жамол,
Кўнгиллар хизматига
Қуёш камарбаста...



СЕН БОШҚА, МЕН БОШҚА

Битармиз иккимиз ҳам бир китоб,
Сен бошқа, мен бошқа,
Этармиз иккимиз ҳам бир хитоб,
Сен бошқа, мен бошқа.

Кечиб нахрул ҳаёт, шұх давраларда
Қад тутиб шамшод,
Ичармиз иккимиз ҳам бир шароб,
Сен бошқа, мен бошқа.

Боқиб гулчехра тонгларга,
Юраклар ёнса, тонг эрмас,
Яширганмиз күнгилга офтоб,
Сен бошқа, мен бошқа.

Муяссар бўлмаса орзу,
Муқаррар бўлмаса матлаб,
Чекармиз иккимиз ҳам бир азоб,
Сен бошқа, мен бошқа.

Ёзиб ишқу аламлардан,
Қаноатли қадамлардан,
Берармиз оқибат бир сарҳисоб,
Сен бошқа, мен бошқа.

Умид уммонисан, дўстим,
Жамолни ноумид этма,
Бўлармиз шу Ватанга мустажоб,
Сен бошқа, мен бошқа...

КЕЧА АНЖУМ ДАВРА ТУТМИШ...

Кеча анжум давра тутмиш
Тўлган ой атрофида,
Суҳбат этмишлар муҳаббатда
Мурувват бобида.

Сен мурувватсиз эмишсан,
Эй малоҳатлиғ пари,
Келмадинг ораста оқшомнинг
Сўлим моҳтобида.

Интизорлик учди гулларнинг
Муаттар оҳидин,
Интизорлик тошли булбулнинг
Ёниқ рубобида.

Гоҳ кўриндинг сув юзинда,
Гоҳ кўриндинг шуълада,
Гоҳ кўриндинг сояларнинг
Сийнайи кимхобида.

Қўйди ёмғир, ювди дардимни –
Тамом, деб ўйласам,
Ҳасратим акс этди селларнинг
Кумуш ҳалқобида.

Эй Жамол, олам соғинчингдин
Хабар топди қуёш,
Қолди буткул мулки олам
Шуълалар гирдобида...

БҮЛМАГАЙ

То куюк жоним хаёлинг
Бирла машғул бўлмагай,
Пол қолурман соядек,
Кўнглимда булбул бўлмагай.

То такаллум этмасанг,
Боғимда гўё булбулим
Чин бўлур бедиллигим,
Кўнглимда кўнгил бўлмагай.

Бўлмагай кўнглим самандардек
Ҳавойи ишқ аро,
То унинг остида оташ,
Устида кул бўлмагай.

Сочи сунбул деб, хаёлим,
Сочилурсан ҳар замон,
Ким демишиким, бу замонда
Сочи сунбул бўлмагай...

Мен ғазал деб оқибат
Ёздим неча арзномалар.
Балки маъқул бўлгай унга,
Балки маъқул бўлмагай.

Бас, умидворсен, нечун
Маъюсу малулсан, Жамол,
Чун умидворлар сира
Маъюсу малул бўлмагай...

КҮНГЛИМ ҚУШИ ТО...

Күнглим қуши то манзили
Маъвога етишди,
Булбул каби гул қошида
Ғавғога етишди.

Воҳ-воҳки, гулим, чекди дилим
Ҳар кеча қайғу,
То заҳмат ила бир кеча
Раънога етишди.

Ёндирма, кабоб айлама,
Куйдирма мени, ишқ,
Куйдирма, кўнгил сен каби
Савдога етишди.

Хижрон, нари тур, ошиқа
Сўз очма жафодин,
Ошиқ сенинг изминг ила
Саҳрога етишди.

Фарҳодни қара, қайғуда
Ширин, дея нолон,
Мажнунни қара, уйқуда
Лайлого етишди.

Дилбар, яна киприк била
Шаҳлони яширма,
Лаб ташна бу ёринг
Ўша дарёга етишди.

Бир карра назар солди-ю
Айрилди жаҳондин,
Бир карра назар ташлади,
Дунёга етишли...

Ҳай-ҳай, не саодатки,
Жамол меҳри вафо деб,
Тошкентда наво чекса,
Бухорога етишли...



ЧАЛМА СОЗИНГНИ, МУҒАННИЙ...

Чалма созингни, муғанний,
Чалганинг титратмаса,
Жазб этиб жонларни, дилга
Жазза-жазза ботмаса.

Чалма созингни, муғанний,
Сайрабон булбул каби,
Сеҳр этиб кўнгил чаманни,
Уйқудан уйғотмаса.

Торларинг тебратма ортиқ,
Ўила, ундан не мурод,
Тебраниб, урганда тўлқин,
Тўлқини тебратмаса.

Баҳра йўқ жонимга бир дам
Баҳри созингдан, нетай,
Чайқалиб, бир дам хаёлим
Баҳрини чайқатмаса.

Чулғаса бошимни савтинг,
Яхши, лекин не самар,
Маст этиб, бўйнимга ёрим
Сочини чулғатмаса.

Босма, нолон пардаларни,
Парчалаб ғам тошини,
Гоҳ тасалло ёши бирлан
Бир нафас йифлатмаса.

Бер, ичай санъат зилолини,
Ва лекин, хуш эмас,
Ташналаб ичганда, меҳри
Шу замон чанқатмаса.

Эй Жамол, синдир қаламни,
Қўй, ғазал даъвосини,
Не наволар мавж уриб,
Назмингда ўйнаб ётмаса...



БОНГ УРАР ГУЛШАНДА БУЛБУЛ...

Бонг ураг гулшанда булбул,
Гулга булбулдан ривож,
Не қилур гулшан аро ул,
Етмаса гулдан ривож.

Сўйлама, жоно, сўзингни
Фамзага жўр айлама,
Ким, менинг шайдолигимга
Шу ширин тилдан ривож.

Ерга осмондан қамар бор,
Ойга офтобдан самар,
Унга-ку улдан ривождир,
Бунга ҳам булдан ривож.

Кимга меҳнатдан шарофат,
Кимга заҳматдан зафар,
Ким бировларнинг илинжи –
Бир сиқим пулдан ривож.

Кимга оташдан заволу,
Кимга ёлқиндан камол,
Менга кўнгилдан таназзул,
Менга кўнгилдан ривож...

Равнақингни тонг била тундан
Тилармишсан, кўнгил,
Тонгта оқилдан тараққий,
Тунга ғофилдан ривож.

Эй нигоро, ою йилларнинг
Ривожин истама.

Етмаса кундан ривож,
Ойдан ривож, йилдан ривож.

Мен-ку жонимдан ривожинг
Истадим, жононасан,
Сенки дилдорсан, тилярмен
Мен сенга дилдан ривож.

Майлига, ўтларга отгил,
Ишқ аро ёндири мени.
Гар тиляр бўлсанг мабодо
Бир ҳовуч кулдан ривож.

Эй Жамол, ҳар дам буюклар
Назмини ёд айлаким,
Сенга – Ҳофиздан ҳарорат,
Сенга – Бедилдан ривож...



СЕНГА ЕТСИН, СЕНГА...

Сенга етсин, сенга бу –
Шикаста ашулаларим,
Сенинг қўлингдадир, жоно,
Жаҳонда ўлар-қоларим.

Севинчу суурим сўрмаким,
Кетдилар бир томон,
Кетдилар бир томон яна
Тарк этиб кулгуларим.

Эвоҳки, ҳажрингда яна
Дардинг тортаман,
Юрсам изимдан эргашур
Соядек қайғуларим.

Тарк эт бу можаронию
Тин ол, қўнгил, десам,
Амримга қўзғолон қилур
Юракда туйғуларим.

Оҳу қўзинг орзусида
Мунчалар ёниб,
Кезар хаёлларим менинг,
Саргашта охуларим.

Жамол, во ҳасрато! – дея
Ёш тўкса инжима,
Кўп эрмиш ҳасратинг билан
Юракда инжуларим...

БИР ДОНА, БИР ДОНА

Санобар, майлими берсам
Савол, бир дона, бир дона,
Бошимдин кетмайин қолди
Хаёл бир дона, бир дона.

Аё сен, шунчалар жон офати,
Күйдирмажондирсан,
Манам ошиқману –
Ошуфтаҳол бир дона, бир дона.

Жафочи кўзларингдек бормикин
Оlamда бир юлдуз,
Эгилган қошларингдек ҳам
Ҳилол бир дона, бир дона.

Сенингдек бир париваш
Не нафар, деб эҳтимол этдим,
Эшитгил эҳтимолим,
Эҳтимол бир дона, бир дона.

Шамолдек бир нафасда ғойибу
Бир дамда пайдомен,
Менга Farбу Жануб
Шарқу Шимол – бир дона, бир дона.

Паризодим, камолинг кўйида
Юрган камолинг кўп,
Жамолинг кўйида лекин
Жамол бир дона, бир дона...

ВАСЛИНГ АРО ЁНСАМ ФАҚАТ...

Васлинг аро ёнсам фақат,
Хажринг аро күйсам нетай?
Ё муниси жонинг бўлай,
Ё садқайи жонинг кетай...

Эй маҳлиқо, додим сенга,
Ўтлар қўйиб, қочмоқ нега?
Ишқ дарсини ўргат менга,
Ё кел буён, мен ўргатай...

Сен Шоҳсанам, мен бир Fариб,
Раҳм этмадинг ҳолим кўриб,
Токайгача оҳлар уриб,
Токайгача ғамлар ютай?

Шаҳрим аро қўйсанг қадам,
Ранжу фироқ бўлгай адам,
Охир муродингта, санам,
Сен етгин-у, мен ҳам етай.

Очмоқ бўлиб дил розини,
Сузсанг қўзинг шаҳлосини,
Шум айрилиқ саҳросини
Мен бирйўла ҳатлаб ўтай.

Эй, сен гўзал, нозик адо,
Сенга тану жоним фидо,
Ё сен «Жамол!» – деб чек нидо,
Ё мен сени овоз этай...

ТАБАССУМЛАР

Дилрабо, лабингизда
Дилрабо табассумлар,
Гул юзда сафо күрдик,
Марҳабо, табассумлар.

Бирма-бир бўлар секин
Суҳбати висол, лекин
Аввало табассумлар,
Аввало табассумлар...

Лаълингиз аро кўрсам,
Менга не саодатдир
Тонг аро табассумлар,
Шом аро табассумлар.

Мен нечун табассумни
Кўзларимга жо этмай,
Кўнглингизни кўнглимга
Этса жо табассумлар.

Ишвали табассумлар
Ой бўлиб ёнар гоҳи,
Гоҳи парпирар шамдек
Илтижо табассумлар...

Севги – нурли бир хона,
Кўйни гул ва дурдона,
Дурми ё такаллумлар,
Гулми ё табассумлар?

Гоҳи банд этар күнглим
Ошно, гўзал юлдуз,
Ошно, гўзал юлдуз –
Ошно табассумлар...

Дод этар Жамол ҳар дам
Ишвали балолардан,
Не бало латофат бу,
Не бало табассумлар!..



САҲАРЛАРДА

Бошим узра ноз айлаб,
Кулди моҳ саҳарларда,
Айладим ўшал ойга
Илтижо саҳарларда...

Сен, сафоли, шўх улфат,
Менга чирмашур, англат,
Не шарора, не шиддат,
Не бало саҳарларда?

Ярқ этиб, учиб кўздан,
Кўзни чорлагай издан,
Бир ишора, бир ишва,
Бир имо саҳарларда.

Мен ёнсаму, мен куйсам,
Дардимга даво борми?
Ўзни сийласа, ўзни
Дилрабо саҳарларда.

Тунларда гўзал менга
Раҳм айламади, майли,
Раҳм айласа не бўлгай
Гоҳ-гоҳ саҳарларда.

Бор, уйқусидан уйғот,
Ўйна, сочини тўзғот,
Тимқаро қараш ёнсин
Тимқаро саҳарларда.

Ошифинг Жамол, деб айт,
Ташнаи висол, деб айт,
Охини ижобат эт,
Чекса оҳ саҳарларда...

КЕЧА

Үйла, төг бошида танҳо
Мудраган оху кеча,
Оҳудек сузгун, сумансо
Кўзлари ёғду кеча.

Орзудек бошимда порлар
Юлдузу ой гулшани,
Кўк магар қўнглимни сўйлар
Бу кеча, орзу кеча.

Дуррасидир шуълаафшон,
Домани шабнамга ғарқ,
Шуълаю шабнам либосли
Не ажаб инжу кеча.

Кундуз – ул равшан қуёшдир
Зарра-зарра порлаган.
Милтираб гулшангага оққан
Қатра-қатра сув – кеча.

Не хаёлотларни таҳрир –
Айлаган бурро қалам,
Не саодатларни тасвир
Айлаган қўзгу кеча.

Кимга туйғу, кимга эрмак,
Кимга бир баҳри сурур,
Кимга рӯёлар жаҳони
Тин кеча, уйқу кеча.

Кимга бу оламда мутлақ
Шоми йўқ кундуз – хаёл,
Ким учун событ хаёлдир
Субҳи йўқ, мангугу кеча.

Умри инсон – субху шом ичра
Күёшли кун эмиш,
Субх агар шомга мубаддал –
Айласа, қайғы кеча.

Күзларимга кеча-кундузлар
Қоришиди ишқаро,
Қайси кундуздир бу кундуз,
Қай кечодур бу кеча?

Жоду күз ёринг келармиш
Бу кеча сеҳр эттали,
Эй Жамол, билсанг бу энди
Сеҳр ила жоду кеча...



ЖОНО ҲУКМИДА

Йүқ, ажабким, аҳли дунё
Аҳли доно ҳукмида,
Бор ажабким, аҳли доно
Аҳли барно ҳукмида.

Тұхта, күнгил, ҳайрат ичра
Мунча жон күйдирмагил,
Не малоҳатдирки, гулшан
Бўлса раъно ҳукмида...

Ҳукми олам ичра – идрок,
Ҳукми идрок ичра – мен,
Мен яна бир ўтли туйғу,
Ўтли маъно ҳукмида.

Сўрмангиз ҳолимни ҳаргиз,
Ихтиёриңг қайда, деб,
Ихтиёрим ёр аталмиш
Бир таманно ҳукмида.

Базмингизда лаб ўгирмоққа
Мажолим йўқ маним,
Лабларим ҳам гоҳи бўса,
Гоҳи мино ҳукмида.

Ёр менинг додимга етгил,
Қўлларингдан бир ўпай,
Қўлларингдан, бўлса бўлсин,
Майли, хино ҳукмида.

Дардима дармон етарму
Бир куни, эй меҳрибон,
Бу сенинг ҳукмингдадирким,
Йўқки, Сино ҳукмида.

Жон дебон жонингни жононингга
Топширдинг, Жамол,
Воҳки, жонинг, жонажонинг
Энди жоно ҳукмида.



ШАБНАМ

Пола баргига қўнган
Дур қатра зилол шабнам,
Сенга бир саволим бор,
Келмасин малол, шабнам.

Сен қатра тароватсан,
Барг узра омонатсан,
Бас, нечун нигоҳингда
Шунчалар хаёл, шабнам?

Айрилиқ яқиндир деб,
Шунга кўзларинг намми,
Ё ўзи хаёлчанми
Ишқаро висол, шабнам?

Кўз ёши эмассан, йўқ,
Ўпганда саҳар чоғи,
Ёр дудоғидан сўрган
Менга қатра бол, шабнам.

Бенасиб эмасдирсан
Шум ният рақиблардан,
Қасд этар қуёш сенга,
Қасд этар шамол, шабнам...

Коинотни сайр айлаб,
Гулшанга саломат қайт,
Пок экансан, оламда
Етмагай завол, шабнам.

Тонгларда гүзал лола
Васлини ғанимат бил,
Умрингни сафарларда
Үтказма увол, шабнам.

Ёр күксига бир оқшом
Дур бўлиб қўнар бўлсанг,
Бўса бирла болингни
Нўш этар Жамол, шабнам...



ҚАДАХ

Қатра-қатра ёш түкарди
Мисли бир Лайло қадаҳ,
Ҳам чекар меҳру вафодин
Охи вовайло қадаҳ...

Бас, ҳаёт базмидадирсан,
Майпарастсан, ўйлаким,
Умри инсон ҳам мисоли –
Нур тўла паймо қадаҳ.

Тонг – лабо-лаб жом эса,
Оқшом – тўла паймонадир,
Кун – яна танҳо қадаҳдир,
Тун – яна танҳо қадаҳ.

Лаҳза-лаҳза ҳар нафас ҳам
Бир қадаҳдир, эй рафиқ,
Сипқорурмиз гоҳи шодон,
Гоҳи ғамосо қадаҳ...

Кимга шавкат – бир қадаҳдир,
Шон – қадаҳдир ким учун,
Менга дилбар шеъру илҳом,
Савти Насрullo – қадаҳ!

Бас, ҳаёт базмида маст –
Эрсам-да, аммо, йўқ, демам,
Ногаҳон яшинаб узатса
Ул кўзи шаҳло қадаҳ.

Нози дилдор – бир қадаҳдир,
Бир қадаҳдир – рози дил,
Лекин устозлар каломи –
Чин қадаҳ, аъло қадаҳ.

Ул қадаҳким, кимки ҳүшёр –
Эрди, ҳүшёр айлади,
Худписанд маstларни аммо
Айлади расво қадаҳ.

Дүст қадаҳ сунди Жамолга,
Тарки истиғно керак,
Тенг бўлурми бунга, ё раб,
Тутса гар дунё қадаҳ!..



БУХОРОДАН, БУХОРОДАН

Бу чексиз давлати маъмур –
Бухородан, Бухородан.

Бу тенгсиз санъати манзур –
Бухородан, Бухородан.

На хушдир, тонгаро масрур
Мисоли шульайи биллур,
Таралса нағмайи танбур –
Бухородан, Бухородан.

Не тонгдир, тонг ила тенгқур
Бўшатса ҳар куни минг қур.
Ховучдан зар, этакдан дур –
Бухородан, Бухородан.

Табиат интихоб этган,
Саховат беҳисоб этган,
Бу не мўъжиз аломатдир –
Бухородан, Бухородан.

Нигоҳи сизни лол этса,
Сўзи ошифтаҳол этса,
Билинг, бу орази сухсур
Бухородан, Бухородан.

Элим, дарёлигинг дебочасин
Минг йил баён айлаб,
Муҳаммад Наршахий айтур:
Бухородан, Бухородан.

Бухорий тальяти боис,
Азизлар ҳиммати боис,
Самоларга таралгай нур,
Бухородан, Бухородан.

Табобат илмида Сино,
Нафосат бобида танҳо,
Дамо-дам бўлдилар машҳур
Бухородан, Бухородан.

Жаҳонга рўбарў келса,
Жамолга шарҳ ҳожат йўқ,
Шу басдири, сўйласа мағрур:
Бухородан, Бухородан...



ЮЛДУЗИМ

Бошинг узра айланур
Минг турли дунё, юлдузим.
Айламиш шу баҳри нур
Бағрингни кимё, юлдузим.

Гоҳи Чўлпёнсан мунаvvар,
Гоҳи бир Зуҳройи зар,
Гоҳи маъюс, жилвагар,
Сузгун Сурайё юлдузим.

Гоҳ намоёнсан фалакда,
Гоҳ фазо ичра ниҳон,
Ким учун пинҳон ва лекин
Кимга пайдо, юлдузим.

Лол қолурман: кўзларингда
Шуълаларму, жилвалар?
Боқишингда неча маъно,
Не таманно, юлдузим.

Тун аро киприкларингдан
Кипригимга нур эмас,
Сочилур нурдек табассум,
Нур тасалло, юлдузим.

Мен-ку, ҳайронинг боқиб,
Сен ҳам менинг ҳолимни кўр,
Мавж урап теграмда дунё –
Баҳру дарё, юлдузим.

Нечаким юлдуз чараклар
Кўкда олмос порадек,
Буркираб-биқсир Заминда
Шунча ғавғо, юлдузим.

Гоҳи бир дам шафқат айла,
Ол қўлим, кўнглим ёрит,
Ёлвориб, жоним қуйиб,
Этсам тавалло, юлдузим.

Лабларим тўккан табассум,
Кўзларимнинг ёшида –
Менга ҳамроҳ бўлки, мен ҳам
Сенга ҳамроҳ, юлдузим.

Бору барҳақ бўл, бақо бўл,
Бўл саодатдин нафас,
Бўлмагил армон ва ё –
Алдоқчи, рўё, юлдузим.

Сен ажиб рамзи камолсен –
Ким, нидо айлар Жамол,
Ён мунаvvар, ён мунаvvар,
Юлдузим, ҳо юлдузим!..



ВАТАН

Мен хаёл осмонида
 Ҳар лаҳза парвоз айладим,
Мен умид уммонида
 Қўнглимни ғаввос айладим.

Мен ҳаёт дарёсидин
 Жонимга сипқордим сурур.
Мен муҳаббат мулкидин
 Топдим ўзимга баҳри нур.

Мен садо бердим, чаманда
 Фунчалар берганда сас,
Мен гўдакларнинг муаттар
 Бўйидин олдим нафас.

Мен севинчлар ичра ёндин
 Қатрада юлдуз кўриб,
Сеҳр аро қолдим наволар –
 Мавжиди денгиз кўриб...

Оқибат не-не саодатларни
 Айлаб интихоб,
Эй Ватан, сенсан саодатбоши! –
 Деб қилдим хитоб.

Сен омонсанки, юракда
 Шунчалар шавқи шуур,
Сен омонсанки, жаҳоннинг
 Жилvasи қўнглимдадир.

Ул қуёшким, кечалар
 Уфқинг уза қўйганда бош,
Бош қўярман мен оёғингга,
 Севинчдан қўзда ёш..

Не муборак лаҳзаким, мен
Ифтихоринг англадим,
Ҳам кўнгил дунёсида
Мехрингни мумтоз айладим.

Ҳам бу кўнглим то буюк –
Ишқингдин этмишдир наво,
Ул навосиз бенаводир,
Бенаводир, бенаво!..



ТАРИХДА

Элим, қатлингта қасд этган
Ёвузлар озми тарихда?
Илондек судралиб етган
Жосуслар озми тарихда?

Ғанимлар келдилар тиғ үқталиб,
Ё замбарак судраб,
Қутайба, Фон Кауфман,
Кайковулар озми тарихда?

Келишиди барчаси нонингни еб,
Қонингни ичмакка,
Наҳанглар, аждаҳолар,
Ялмоғизлар озми тарихда?

Талон бўлдинг, элим,
Занжирга тушдинг, нотавон бўлдинг,
Диёнатга тупурган
Шум даюслар озми тарихда?

Ўзингдан чиққанинг ҳам гоҳ
Ўзингта сирмади ханжар,
Муноғиқ тўтилар, зоғлар,
Товуслар озми тарихда?

Ёмонлар эгдилар бошинг,
Ғанимлар тўқдилар ёшинг,
Суриб, сургунга ҳайдашлар,
Ҳибслар озми тарихда?

Фифон қилдинг, элим,
Кулликка қарши қўзғолон қилдинг,
Оловли йилларингдан
Үтли излар озми тарихда?

Курашга йўллади иймон,
Курашда қўллади иймон.
Курашчи мард йигит,
Мардона қизлар озми тарихда?

Бугун қасдингга душманлар
Заводларда заҳар ишлар,
Заҳарни чора билган
Чорасизлар озми тарихда?

Азиз жонинг омон бўлсин,
Элим, кўнглингни чўктирма.
Сени деб жонидан кечган
Азизлар озми тарихда?



ДАМ ҮТАР, ДАМЛАР ҮТАР...

Дам үтар, дамлар үтар,
Үнлар үтар, юзлар үтар.
Кеча-кундуздек умрдан
Кече-кундузлар үтар.

Дам-бадам түлқин бўлиб
Ўтгай замон, кетгай замон.
Ерда дарёлар үтарлар,
Кўкда юлдузлар үтар.

Ўтмаган ким бор жаҳонда,
Кетмаган не бор яна?
Боғда булбуллар үтарлар,
Сувда қундузлар үтар.


Ўтдилар не-не ализлар,
Оҳки, бир-бир кетдилар,
Кўзларимдан лаҳза-лаҳза
Ул қаро кўзлар үтар...

Ўчмагай осмонда офтоб,
Сўнмагай кўнгилда ишқ,
Гарчи кўнгилдан неча
Излар үтар, ҳислар үтар...

Эзгулик қолгай жаҳонда
Ярқираб юлдуз мисол,
Шум мунофиқлик, хиёнат,
Таъна-афсуслар үтар...

Қол, әлим, сен ҳам жақонда
Үтмасу кетмас бўлиб,
Балки бошингдан неча
Кунлар ўтар, кезлар ўтар.

Эл омон бўлса жақонда,
Тил саломат, дил омон,
Шоиро, ҳар дам дилингдан
Шу ширин сўзлар ўтар...



ШУ КУННИНГ ШЕЪРИ

Чилпора бўлган шу фалак –
Осмон эмиш,
Дилпора бўлган шу Замин –
Борлик – жаҳон эмиш.

Ҳей, қайдасан, Одам Ато,
Бузрук Абулбашар,
Наслинг жаҳонда бу сана
Соҳибқирон эмиш...

Одам-ку топди шу дунёда
Фанодин омон,
Энди шу дунёга ўзи
Беомон эмиш.

Агар қўйиб берса борми,
Ер – кунпаякун,
Агар қўйиб берса худди
Охир замон эмиш...

Милион йиллик мاشаққату
Заҳмат, ақл-зако,
Ҳаммаси ҳеч эмиш, гўё,
Ройгон эмиш...

Наҳотки одам боласи
Шунчалар ёвуз,
Наҳот у шунчалар яна
Нотавон эмиш?

Балойи нафс эмиш
Одамни ўтга ташлаган,
Вижлон, адолат ўқлари
Пахтавон эмиш.

Одам одамга эмишми
Шунчалар юҳо,
Бирор муросага келиш ҳам
Даргумон эмиш.

Қўзғол, буюк Диёнат, эй,
Кўзғол, Ақл, Имон,
Қатлингга қасд этган неча
Беимон эмиш.

Жаҳонга қотил ўлмоқдин
Ҳазар қил, алҳазар,
Инсон, бу инсонлигингга
Ймтиҳон эмиш.

Инсоф қил, ахир, шу Замин
Сенга деб фақат –
Фалак пештоқида осилган
Ошиён эмиш!..



НЕ АЖАБ ОФАТИЖОНСАН...

Не ажаб офатижонсан
Менга, жонон-жонон,
Мен боқиб сувратинга
Ҳар куни ҳайрон-ҳайрон.

Гоҳ тўниб икки кўзинг
Мен сари маъюс-маъюс,
Гоҳ қулиб икки юзинг
Мен сари хандон-хандон.

Сени кўрмоққа магар
Кундузи саргашта қуёш,
Неча юлдуз сени деб
Ҳар кеча сайрон-сайрон.

Боғланибdir, гўзалим, зулфинга
Бу телба кўнгил,
Айлама телба кўнгил
Мулкини вайрон-вайрон.

Гар мени англамасанг,
Мехру вафо айламасанг,
Бу тириклиқ, бу жаҳон
Ҳаммаси армон-армон.

Сенга боққанда Жамол ёнида
Бир шуъла кўриб,
Ой сочар шуъласини
Тунлари маржон-маржон...

МАЖНУНТОЛ

Эй, чаман ичра назокатли
Гулим, мажнунтол,
Үрма сочингни зилол –
Сувга солибсан тол-тол...

«Кел, санам», деб сенга сув
Бетида тўлқин-тўлқин,
«Юр, пари» деб яна бир –
Бошқача аврайди шамол.

Тонг стар эрди кулиб,
Жумла жаҳон кўзгу эди,
Сен кўриндинг, малагим,
Кўзгуда афсона мисол.

Ай сеҳргар, балки сеҳр эттали
Кўкдан тушдинг?
Тушди кўнглимга менинг
Ўзгача ҳис, ўзгача ҳол.

Ёпинибсан, гўзалим,
Барги ҳаё, барги ҳусн,
Ҳам нигоҳингда, гулим,
Шунча фусун, шунча хаёл.

Севгининг толи ўзинг,
Рамз ила тимсоли ўзинг,
Неча ошиққа хитобсан,
Неча маъшуққа савол.

Соядек турди-ю оҳ урди-ю
Юз бурди, дема,
Суврати кетди, ўзи –
Соя бўлиб қолди Жамол...

УЛ САНАМНИНГ КҮЗИ КУЛГАЙ

Ул санамнинг кўзи кулгай
 Ўзи кулмасдан бурун,
Ўзи кулгайму санамнинг
 Кўзи кулмасдан бурун?..

Учратиб қолдим кеча –
 Гулшанда гул узганда ул,
Гул ўпид сийпар санамни,
 У эгилмасдан бурун.

Узмагил гулғунчани,
 Шаҳло кўзингни сузмагил,
Шабнами гул баргидин
 Бир-бир узилмасдан бурун.

Не бўлур қошимга келсанг,
 Бир ажиб савдо бўлиб,
Бир ажиб савдоларинг
 Бошимга келмасдан бурун.

Бўлмагай, йўқ менга олам,
 Унга кўнглим тўлмагай,
Тимқаро кокилларинг
 Қўйнимга тўлмасдан бурун.

Не бўлур ҳолим маним, оҳ,
 Ёнсаму ёндириласам,
Шу бўлур ошиққа иш –
 Севсанг севилмасдан бурун.

Ишва бирла ёр агар –
 Ўлдирса, ошиқ инжимас,
Кел, ўзинг ўлдир Жамолни
 Ўзи ўлмасдан бурун...



Кимда ишқ савдоси бордир,
Унда орзу гул бўлур,
Аввали гул бўлган орзу
Охири булбул бўлур.
Гулни гул, булбулни булбул
Айлаган бўстон эмас,
Гулни гул, булбулни булбул
Айлаган қўнгил бўлур...

* * *

Кўзларингдан зарра ёғду,
Лабларингдан қатра нам –
Етмади васлинг аро
Кўнглимга ҳам, жонимга ҳам.
Кўзларинг ҳам, лабларинг ҳам
Менга оташ отдилар:
Қайта-қайта, лаҳза-лаҳза,
Дафъя-дафъя, дам-бадам...



* * *

Тан – иморатдир, жаҳонга
Айлаган ҳуснингни фош,
Сеҳр этар ҳар дам ҳаво, сув,
Сеҳр этар ҳар дам қуёш.
Гарчи меъморинг – табиат,
Лек ўзингдирсан мудом
Сўнгти уста, сўнгти рассом,
Сўнгти бир ҳайкалтарош...

* * *

Сен Бухоройи шарифдирсанки,
Эрмас бесабаб,
Етти иқлимга еринг –
Нурхонаю дурхонадир.
Гул билан оташга жонинг
Чулғанибдири, не ажаб,
Бир тараф – оташ Қизилқум,
Бир тараф – Гулхонадир...



САНАМО

Санамо, севгини мен
Күнгилда гавҳар билдим,
Кўзларинг шуъласини
Кўзимга сарвар билдим.

Сочларинг силсиласи
Тоғдаги сунбулми, нигор.
Қоматинг сувратини
Сарву санобар билдим...

Юрагимни гаҳи мен,
Ўйлаки, соҳилдаги тош,
Тилагимни гаҳи мен
Кўқдаги қаптар билдим.

Ишқ дедим, ишққа етишдим
Мен жаҳон ичра кезиб,
Не саодатки, уни
Йўлимга раҳбар билдим.

Айлади васлу висол –
Йиллари умримни узун,
Айрилиқ соатини
Умрга аждар билдим.

Кундузингдан, гўзалим,
Кунларим офтоб-офтоб,
Юлдузингдан яна –
Тунларни мунаvvар билдим.

Сен чақирсанг, сенга «жон»
Устига «жон» дейди Жамол,
Чунки меҳрингни, санам,
Жонга баробар билдим...

ҲАДДИН ЖАФО

Бизга, жоно биз тарафдин
 Үтганинг – ҳаддин жафо,
Үтганинг-ку майли, бокмай
 Кеттанинг – ҳаддин жафо.

Сен кетарсан, мен қоларман
 Йўлларингда термилиб,
Кўзни ҳайрон, дилни вайрон
 Этганинг – ҳаддин жафо.

Дарди ҳижронинг, санам,
 Кўнглимда ҳижрон тошидир,
Тош олиб, бошимга боз
 Ирғитганинг – ҳаддин жафо.

Мен-ку ҳар дам бошинг узра
 Силкинарман барг каби,
Сочларингни сен яна
 Силкитганинг – ҳаддин жафо.

Битди бор сабру қарорим,
 Эй мұхабbat, қўй мени,
Қўй мени, бошимга бунлоқ
 Битганинг – ҳаддин жафо.

Эй Жамол, севдинг санамни,
 Бир замон андиша қил,
Севмаган ёрдин мурувват
 Кутганинг – ҳаддин жафо...

ҮПАЙ

Күз солиб күкка, мунаввар
Баҳри-денгизни үпай,
Энгашиб ғунчада зар қатра –
У юлдузни үпай.

Эврилиб пола саҳарлар
Кўйида мисли сабо,
Боғда ялпизни үпай,
Боғчада наргисни үпай.

Ой ила юлдузни қўйдим,
Менга дилдор бўлса, бас,
Ўтпарат, оташпаратман,
Мен нечук музни үпай?

Кимга ёр – гулдаста, лекин
Менга у гулхан каби,
Ўт дея ул юзу, оташ дея
Бул юзни үпай.

Гўзалим қўлида ханжар эса,
Ханжар – тилагим,
Нону туз бўлса мабодо,
Нон ила тузни үпай.

Үпайнин лаъли дудофинию
Шукронасини,
Оҳ, деса, «оҳ»ини, афсус, деса,
«Афсус»ни үпай.

Мен, Жамол бир кеча
Ўсмирлик аро ўзни кўриб,
Бўлгуси ҳамраҳи жонона,
Ўшал қизни үпай...

СЕН КЕЛМАСАНГ

Күзғолур күнглимда минг бир можаро
Сен келмасанг,
Тортадур равшан қүёшім ҳам қаро,
Сен келмасанг.
Тун каби бирдек қоронғы құзларимга
Субҳи шом,
Тонг аро сен келмасанг, оқшом аро
Сен келмасанг.
Чирмашиб занжир мисоли лаңза-лаңза
Хар наффас –
Жонға солгай юз жароқат, минг яро,
Сен келмасанг.
Боғда гуллар үйғлагай, ҳам булбулим
Жон тиғлагай,
Ҳам шамоллар увлагай мотамсаро,
Сен келмасанг.
Гул жамолингни құрарга үт бўлиб
Ёнган Жамол
Кул бўлур, эй сочи-зулфи анбаро,
Сен келмасанг...



БИР КЕЧА

Күшик

Бир кеча күнглим уйи шодон эди,
Булбул ўқиб, қумри ғазалхон эди,
Манзилимиз ер дема, осмон эди,
Шул кеча маҳваш менга меҳмон эди,
Вой, уни маҳваш демаким, жон эди,
Вой, уни маҳваш демаким, жон эди...

Тоғ эди, тоғ бошида орзу каби
Нашъали бўстон эди, бўстон эди,
Сўйлар эдим, сўйлар эдим мен тўлиб,
Ул эса хандон эди, хандон эди.
Бир кеча маҳваш менга меҳмон эди,
Вой, уни маҳваш демаким, жон эди.

Бошида юлдузли, мусаффо фалак,
Пойида тўлқинли Зарафшон эди,
Ой бўлиб оламга боқаркан малак,
Кўзлари чўлпон эди, чўлпон эди.
Бир кеча маҳваш менга меҳмон эди,
Вой, уни маҳваш демаким, жон эди.

Маскан эди бизга само, беҳазил,
Ўйларимиз – орзую армон эди,
Нур ила оташда ёниб икки дил,
Нур тўла, оташ тўла даврон эди.
Бир кеча маҳваш менга меҳмон эди,
Вой, уни маҳваш демаким, жон эди...



БЕБОКЧА

(Фузулийга назира)

Лабларингми ё магар жонимда орзулармидир?
Юзларингми ё үшал оққан тиниқ сувлармидир?
Құзларингми ё чаман саҳнида охулармидир?
Оташин меҳрингми бу ё сехру жодулармидир?
Ҳайратингми ё менинг күнглимда «ёху»лармидир?

Жон дедим, жонон хаёлингдан сира айрилмадим,
Келдилар меҳнат-машаққатлар, назарга илмадим,
Сендан үзга бир пари-пайкарга парво қилмадим,
Ой-йиллар термилиб боқдим юзингта, билмадим,
Шуылаларми ё шириң лабларда кулгулармидир?

Қайси бир дилбар малоҳат ичра танқо сенчалар,
Қайси бир зебо санам бўлмиш таманно мунчалар,
Қайси бир гулшанда бўлгай бўйла раъно ғунчалар,
Қайси бир булбул чаманда нола айлар шунчалар,
Қумриларми ё менинг бағримда «ҳув-ҳув»лармидир?

Кечди умрим ишқ аро васлингни истаб субҳу шом,
Бор эса умрим яна, васлингни истарман давом,
Соқиё, тутгил муҳаббатдин менинг илкимга жом,
Шеър аро кўрсат жамолинг, шоири шириң калом,
Сўзларингми ё санам кўксига инжулармидир?



* * *

Паривашга күринмоқ эрди матлаб,
Күриндим, ул паризод ҳам күринди.
Умидим шамчироги ёнди яшнаб,
Борайлик, мунисим, жоним, юр энди.

Үзингни мубтало бўлмоққа шай қил,
Кўзимга ул қаро кўзлар уринди.
Қилар ишни хижолат айламай қил,
Борайлик, мунисим, жоним, юр энди.

Очили қўзларимга нурли олам,
Хаёлим уфқидан тоғлар суринди.
Карам қилгил, иноят айла сен ҳам,
Борайлик, мунисим, жоним, юр энди.

Муҳаббатни таманно қил, таманно,
Сабр деб шунчалар ётдинг, тур энди,
Яна ёндиргали юз очди раъно,
Ёнайлик, мунисим, жоним, юр энди...



ФАЙЗУЛА ХҮЖАЕВ КҮЗЛАРИ

Ажаб бир суврате, дўстлар, боқиб мен ҳар сафар
дилсўз,
Ажаб бир чақнаган сиймо, ажаб бир порлаган
юлдуз,
Бу кўзлар мунчалар шаҳло, бу кўзлар мунчалар
маъюс,
Бу кўзлар айласа ҳар неки ошкору ниҳон айлар,
Бу кўзлар имтиҳон айлар, бу кўзлар имтиҳон
айлар...

Бу кўзлар таърифида лабларим қурғаб,
тароват йўқ,
Бу кўзлар оташида ўртаниб жоним,
ҳаловат йўқ,
Бу кўзларсиз менга оламда сарват йўқ,
саодат йўқ,
Бу кўзлар айламиш ҳолимни андоқким,
ҳамон айлар,
Бу кўзлар имтиҳон айлар, бу кўзлар
имтиҳон айлар...

Бу бир маъвоки, мен кўнгил узиб, ташлаб
кетолмасман,
Бу бир дарёки, мен поёнига ҳаргиз етолмасман,
Бу бир маъноки, мен такрор ӯқиб, талқин
этолмасман,
Ва лекин тоғ этиб кўксим, умидим осмон айлар,
Бу кўзлар имтиҳон айлар, бу кўзлар имтиҳон
айлар...

Фурур бу, эътиқод бу, жабҳаларда шонли
нусрат бу,
Мунаввар орзулар йўлида етган ранжу қасрат бу,
Ватан бу, чорасиз кўзларга чўккан ҳасрат бу,
Булар бирликда гоҳи қуидириб, бағримни
қон айлар,
Бу кўзлар имтиҳон айлар, бу кўзлар
имтиҳон айлар...



НАВОЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Йўқ, чақиндин эрмас ул, осмон қизил, сориғ,
яшил,

Ё шафақдин ҳар тараф раҳшон қизил, сориғ,
яшил,

Ё чаманда лолаю райҳон қизил, сориғ, яшил,
Хильъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.

Зарра шафқат деб ўтингим мен мунаvvар моҳдин,
Бир ишорат деб кутингим боз ўшал даргоҳдин,
Воҳким, додимга имдод етмади дилҳоҳдин,
Гулшан этдим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил, сориғ, яшил.

Нолишим тонгларда дардимнинг камолидан эрур.
Кипригим чанги ҳужумларнинг шамолидин эрур,
Барчаси савдойи ишқимнинг камолидин эрур,
Орази, холинг била хаттинг хаёлидан эрур,
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сориғ, яшил.

Топмадим ҳаргиз омонлик лабларинг бедодидин,
Ёш тўкармен кечакундузлар кўзинг жаллодидин,
Вой, инондим, сенча золим йўқ башар авлодидин,
Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидин,
Тобадонинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил.

Лаҳзада оташмену, сувмен ҳамоно лаҳзада,
Лаҳза-лаҳза жисму жоним, боқки, бундоқ ларзада.
Соқиё, қаршингда турган бир ғарибу ғамзада,
Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабзада,
Ким булардан яхши йўқ имкон қизил, сориғ, яшил.

Гарчи чин сабру қаноат ёр эрүр беҳад, валек,
Ҳам неча дўсту анис ғамхор эрүр беҳад, валек,
Чораи карвонда гарчи нор эрүр беҳад, валек,
Фақраро беранглик душвор эрүр беҳад, валек,
Хирқада тикмак эрүр осон қизил, сориғ, яшил.

Эй қалам, сургин рақам, роҳатни зинҳор истама,
Эй кўнгил, илҳоминг иста, ўзга дилдор истама,
Эй Жамол, шеър зийнатига шамси анвор истама,
Эй Навоий олтину, шингарфу, зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил...



БОБУР ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Не давронлар ўзим-ла маст эдим, мастона
үйнардим,
Епишди қайданам бу дөғи сўзон, бу бало дардим,
Ўзингсан барчасига чин сабабкор, нозпарвардим,
Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,
Кўриб, раҳм айлагил, эй поларух, бу чеҳрайи
зардим.

Демасман, нози истиғио күйида энди кам-кам қол,
Дегайман, бу ярошур, ҳар нафас, ҳар лаҳза, ҳар
дам қол,
Ярошур, дилрабо, саркашлигингга мангу маҳрам
қол,
Латофат гулшанида гул каби сен сабзу ҳуррам
қол,
Мен арчи дахр боғидин хазон япроғидек бордим.

Демишлар, ишқа етган кимсалар оламда ўлмайди,
Нетай, васли висолсиз бу тириклик менга
бўлмайди,

Не толедир мангаким, ахтари баҳтим топилмайди,
Муродим жоми бир кун базм аро илгимда
тўлмайди.

Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардин ахтардим.

Жамол, ишқ деб авайлаб юрганинг бир дуру
гавҳардир,
Муяссар бўлдинг охир васлига, у моҳи анвардир,
Не ғам, энди ўшал ишқи жаҳон умрингта
саравардир,
Улуснинг таъну таърифи менга, Бобур, баробардир,
Бу оламда ўзимни чун ёмон, яхшидин ўткардим...



ФУЗУЛИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Сөхр айламиш то бир ажаб нозик адo мани,
Солмиш, күрингким, не ажаб ўтларга, оҳ, мани,
Ё бахт, күйида оқибат айла фидо мани,
Ёраб, балойи ишқ ила қил ошно мани,
Бир дам балойи ишқдин этма жудо мани.

Ё ишқ, ҳифзу ҳимоятингни аҳли дарддин,
Андоқ меҳри бағоятингни аҳли дарддин,
Ҳам ул тариқи оятингни аҳли дарддин,
Оз айлама иноятингни аҳли дарддин,
Яъники, чўх балолара эт мубтало мани.

Отқил мани оташлара, бер бўйла роҳатим,
Самандардек ўтлар кечиб, ёнмоқ – саодатим,
Шу қўнгил – шоҳидимдир, шу олам – шаҳодатим,
Ўлгунча кўтарма асло балодан иродатим,
Мен истарам балони, чун истар бало мани.

Тилагимни васлу ҳажр аро ғурбатда қилма суст,
Талабимни қалбу қон аро қудратда қилма суст,
Туғёнимни тошир-тошир, шиддатда қилма суст,
Тамкинимни балойи муҳаббатда қилма суст,
То дўст таън этиб, демая бевафо мани.

Ошир юракда шавқини шавқи баҳориминг
Ёйгил овозасин яна оламда бориминг,
Олиб раҳматин бу қўнгил, ошифта-зориминг,
Гетдикча ҳуснин айла зиёда нигориминг,
Келдикча дардига батар эт мубтало мани.

Айла күнгилни шульламакон фикратиндаким,
Оқсин күзимдин шуыла тамом ҳасратиндаким,
Жонимни тобла андоқ ҳижратиндаким,
Үйла, заиф қыл танимни фурқатиндаким,
Васлина мумкин ўла етурмак сабо мани.

Ё ишқ, бир дам санамимга ёвш, додим санго,
Шафқат сол күнглига, яна еткиз күнглим анго,
Жамолни ёр васлига мұяссар этсанго,
Наҳват қилиб насиб Фузулий каби манго,
Ёраб, муқайяд айлама мутлақ манго мани...



МАШРАБ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Менга моҳи тальятинг қўрмоққа энди ҳад эмас,
Лаб очиб, дардим баён этмоққа ҳам рағбат эмас,
Ўлтирибман зору гирён, юргали ҳолат эмас,
Чун қўлим бирла оёғим боғламоқ ҳожат эмас,
Мен ўлимга розиман, чун тургали тоқат эмас.

Манглайим шўрдир азалдин, сен яна шўр айлама,
Кўзларим ҳам тийракомдир, энди сен кўр айлама,
Жавру бедодинг-ку бундоқ, шиддатинг жўр айлама,
Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,
Баски, одам қони тўқмак сенга ҳам тоат эмас.

Ёнди жоним ҳажр аро, сўнмоқни бир дам, билмади,
Кулфату ранжу аламни ўзгадин кам билмади,
Ўтди шу ҳасратда ёзим, ўтди қўклам билмади,
Умр-чун барқи ҳаводис, ғофил одам билмади,
Ою кун оромига бир лаҳзан фурсат эмас.

Ёрини йифлатмаган ёри гуландом қайда бор?
Ишқ аро айёми ғамдир, ўзга айём қайда бор?
Мен каби ошиққа маъшуқдин тўла жом қайда бор?
Пашкари хунрез бўлса, сабру ором қайда бор?
Мажнуни девоналарнинг шоҳига роҳат эмас.

Тўхта, ошиқ, оқибат кор қилди афғонинг сени,
Ким, қилич сирмаб, бошингта етди жононинг сени,
Боракалло, тиф аро қолди, Жамол, жонинг сани,
Чун муборак бўлсин, эй Машраб, қизил қонинг
сени,
Хўп иш бўлди сенга, жон берганинг офат эмас...

ФУРҚАТ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Саҳар сайрашларингдин боғ аро минг созу сас,
булбул,
Тилармен, менга ҳам етгайму деб сендин нафас,
булбул,
Не бўлди, чаҳ-чаҳинг суст бу сафар, девона,
маст, булбул,
Чаманда фунчадин бўйнингга тақмишсан жарас,
булбул,
Магарким, ўзга гулшан риҳлатин қилдинг ҳавас,
булбул.

Құйиб шабнамни, оташ ичмагунча ошиқ үлмассен,
Ва оташдин тұнинг ҳам бичмагунча ошиқ үлмассен,
Учиб додинг, фалакни құчмагунча ошиқ үлмассен,
Фифон беҳуда, жондин кечмагунча ошиқ үлмассен,
Үзини үхшатиб парвона бўлмас ҳар магас, булбул.

Чүзіб гулбонгларингни, гоҳида санжоб билмайсен,
Сабо ағёрлик айлар, күзларинг пурхоб, билмайсен,
Олур гулғунчадин илк бұсани офтоб, билмайсен,
Урарсан ишқ лофин, шевайи одоб билмайсен,
Қилибсан олғали ором, гул шохин чакас, булбул.

Бали, кечди умрлар, кечмадинг бир ўтли армондин,
Вале тинди умрлар, тинмадинг тонгларда аффондин,
Кўнгил ҳам узмадинг, минг офарин, тақдирга
исёндин,

Бу исён лаззатидирким, жудо бўлган гулистондин,
Асири дом бўлдинг ҳам гирифтори қафас, булбул.

Кел, эй ошиқ, чамандин юз буриб, сўз очма
ғурбатдин,

Чиқар бошингни ҳам ҳижрон деган бехуда
кулфатдин,

Тузиб чин давраи ушшоқ Жамолдек неча улфатдин,
Сабоқ олиб ўқифил матла-ул-анвор Фурқатдин,
Бугунги файзи йўқ илҳомларингни айла бас,
булбул.



ЭРКИН ВОҲИДОВ ФАЗАЛИГА МУҲАММАС

Дўст эмиш ўтмиш-азал минг бир масал,
афсона ҳам,
Дўст демиш кечмиш ҳама мардона ҳам,
мастона ҳам,
Фолибо, «дўст!» деб жаранглар базмаро
паймона ҳам,
Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайронга ҳам,
Дўст қадам қўймас эса, вайронадир кошона ҳам.

Не машаққатлар куйиб кул бўлди жоним жазмига,
Дўст мадад бўлди унинг ҳам аҳдига, ҳам азмига.
Дўст қўшар оташни кўнглимнинг навою назмига,
Интизор ҳар уй диловар, дилқушолар базмига,
Гар оёқ қўйса қабоҳат, йиғлагай остона ҳам.

Аҳди комил бирла тузсанг суҳбати оромижон,
Бўлса мавзу ишқ аталмиш рози дил, илҳоми жон,
Энгашур бошингга даврондек қуёшли осмон,
Яхши дўстлар даврасида очилурсан ҳар замон,
Кўркни шода ичра топгай марварид дурдона ҳам.

Нега ўйларсан, рафиқ, ошкор сирим пинҳона деб,
Мехр уйи бир ёна бўлса, ишқ уйи бир ёна деб,
Сўрмагил, дунё сенга мактабми ё майхона деб,
Сўрма мендин, ким дилоро, дўстми ё жонона деб,
Дўст менинг кўнглимдадир, жонимдадир жонона
ҳам.

Уз кўнгилни бўлмағур андишалар бозоридин,
Узмагил меҳрингни дўстинг меҳрининг гулзоридин,
Нолима гулғунча узганда чаманнинг хоридин,
Қочма ростгўй дўстларнинг коҳишу озоридин,
Қадди рост шамнинг тилидин ўрганур парвона ҳам.

Дүст учун заҳмат чекар чоғингда зарра чекма ноз,
Дүст учун офтоб мисоли ҳар тараф меҳрингни ёз,
Худнамо, худбин қасофатларга шундай эътиroz:
Дүст қидир, дүст топ жаҳонда, дүст юз минг
бўлса оз,
Кўп эрур, бисёр душман, бўлса у бир дона ҳам.

Чин умр ишқи тамомийдир, ҳавас деб ўйлама,
Чекканинг ҳасратни меҳрингга эваз, деб ўйлама,
Ҳар неча севдинг, севилдинг, энди бас, деб ўйлама,
Ким сенга ҳамроз эмасдир, боғараз деб ўйлама,
Гоҳи душманлик қилурлар, қўл сиқиб дўстона ҳам.

Сев, Жамол, дўстингни суйгил, ўз-ўзинг сўйма
ва лек,
Келмаса дўстинг, юракда яккалик тўйма ва лек,
Ахтариб дўст ўзни минг андишага қўйма ва лек
Дўсти содик йўқ экан, деб ўртаниб, куйма ва лек,
Меҳр уйинг кенг очсанг, Эркин, дўст бўлур
бегона ҳам.



ЎЗБЕКИСТОН

(Қасида)

Қачон кўз очдиму, оташи осмонинг қачон
кўрдим,
Қачон кўрдим, қачон ёндин, қачон куймоққа
улгурдим!..
Чаманда бош қўйиб япроқларингга, нашъалар
сурдим,
Гаҳи мажнуншиор юрдим,
Гаҳи мастона оҳ урдим,
Қачон бўлди буларнинг барчаси,
эй, онажон юртим?..

Билолмасман... Фақат ошиқману ошуфтаҳол менда,
Ўтар умрим қуёшинг қаршилаб, умри висол менда,
Ичиб дарёларингдан, ташнамен, нўши зилол менда,
Мунаввар бир хаёл менда,
Муқаррар бир савол менда:
Нечук жонон ватансан бу жаҳонда,
жонажон юртим!..

Ажойиб бир саволсан, истадим, мен ҳам жавоб
айлай,
Жавобим кашф этиб, саргашта кўнглим офтоб
айлай,
Муаззам шу жаҳонга кимлигинг айтиб, хитоб
айлай,
Шитоб айлай, шитоб айлай,
Сени заррин китоб айлай,
Асрлар қошида сеҳринг сўроқлаб,
ўй суриб турдим...

Жавобим келди бир-бир неча ошкору ниҳонлардан,
Қоронғы, номи йўқ юлдуз каби олис замонлардан,
Фалакка ваҳма солган, жабҳалар, жанглар,
суронлардан,

Жавобим келди бир дунё,
Ва лекин қонмадим асло,
Агарчи тарихинг Бобур каби
дафтардин ўткардим...

Овозинг келди қўкни тилкалаб ўтган қуюнлардан,
Қуюнлар қўйнида машъал бўлиб ёнган
фунунлардан,

Баёту шеър каби саргашта савдою жунунлардан,
Овозинг келди пайдар-пай,
Севиндим, тингладим тинмай,
Кўринди сувратинг, гирёнаю гирёна термилдим.

Асрлар кечди... лекин қолди фарёду фифон сенда,
Замонлар ўтди, лекин ўтмади хуррам замон сенда,
Даҳо бирлан булоқлик топмади ҳаргиз омон сенда,
Булутлар қуршади бошинг,
Фанимлар тўклилар ёшинг,
Ўқиб қиссангни, юрдим, фуссалар,
ғамларга ғарқ бўлдим.

Муборак интиқомга қўз тутардинг... Етди соатлар,
Музаффар Ҳуррият келтирди бошингга саодатлар,
Йиқилди, хонумони кул бўлиб ёнди қабоҳатлар,
Балолар топдилар барҳам,
Очилди нурли бир олам,
Мунаввар оламингта кирдиму
офтоб билан тўлдим...

Фаразлар, кирдикорлар, шум адоват, фитнаи қосир,
Неча бор ғов келиб сенга, йўлингда бўлдилар ҳозир,
Ва лекин синди ханжарлар, муродлар бўлмади
ҳосил,

Супурдинг барчасин, сурдинг,
Бутун оламга бонг урдинг:
«Бу қўрғон устувордир, мен уни
қоним билан қурдим!»

Бугун ўқтамлигинги кам эмас, буткул жаҳон айтар,
Камолинг авжини авж пардаларда назми жон айтар,
Улуғбек юлдузи сарманзилини осмон айтар,
Қуёшдек шавкатинг бордир,
Туганмас давлатинг бордир,
Менинг ҳам безавол баҳтим шуки,
баҳтингга йўғрилдим.

Ҳалол, ҳотам табиат сувратинг тенгсиз гўзал этмиш,
Ҳалол, мардана меҳнат боғларинг қанду асал
этмиш,

Ҳалол, мардана дўстлик довруфинг байту ғазал
этмиш,

Ёзай юз бора, минг бора,
Юрак бу, менда не чора,
Тилаб илҳомларингни, ҳар саҳар
гулшанг юз бурдим.

Кезиб гулбоғларингни, айласам фикримни жамбаста,
Буюклиқ, эзгулик, олий саховат сенга пайваста,
Борига чин сабаб, фарзандларинг анвойи
гулдаста,

Шунинг-чун мангу дилбарсан,
Тўлишган моҳи анварсан,
Бу не олий саодат менгаким,
бошингдин ўргилдим!..

Муборак байраминг, бошингда осмондек Ватан
пайдо,
Азиз ғойибларинг – устози шеър, арбоби фан
пайдо,
Қўарарга қоматингни неча минглаб орзуманд пайдо,
Севикли Ўзбекистонсан,
Қуёш назмида достонсан,
Ки, мен ҳам зарра бир хокинг,
келиб пойингга ўлтиридим!..



УМР

Үтар умрим, оқар дарё,
Кечар дарёда бир түлқин,
Ураг жонимга бир оташ,
Эсар күксимга бир салқин,
Дамодам янги бир ёлқин,
Дамодам янги бир талқин,
Бу бир сирри ниҳонийдирки,
Ошкор этмасам, бўлмас...

Менинг ҳолимга боқ: ҳар лаҳза
Қуш бошқа, қафас бошқа,
Қафасдин ҳар замонда
Янграгувчи созу сас бошқа,
Келар ҳар бир ҳавас – бошқа.
Кетар ҳар бир нафас – бошқа,
Бу такрорни яна бир бора
Такрор этмасам, бўлмас.

Қараб турсанг, қараб турмас,
Қуюндеқ айланар дунё,
Кўринмас бир оловда ўртанаар,
Балки ёнар дунё,
Ёнар дунё, ёнар дунё,
Шафақдек товланар дунё,
Бу тилсимдин ўзимни чин
Хабардор этмасам, бўлмас.


Дариғо, деб умр карвонига
Мен қанча қичқирдим,
Вале ул қайрилиб бир боқмади,
Мен термилиб турдим,
Етар, бас, шунча оҳ урдим,
Югурсам, балки улгурдим,
Етиб карвонга бир кун,
Ўзни сарбон этмасам бўлмас...

1970-1985



V

Она кута-кута сўнди, уларни
Лекин сен қутасан, жонажон,
Сен қутасан шаҳид ўғлонларингни,
Азиз Ўзбекистон – онажон!..



ЖАМИЛА

Жазоир халқининг жасур, эркесвар
қизи Жамила Бухирел жасоратига
бағишилайман

1

Неча йилким Жазоирнинг
қўкида булат,
Отишмадан дала-қирнинг
қўксига булат.
Саҳарларга уланади
жанг оқшомлари,
Повиллайди асрларнинг
тош эхромлари.
Кулбаларни кўкка отар
бомба ларзаси,
Гўдакларни чирқиратар
ўт ваҳимаси...
Халқ босқинчи панжасида
жафокаш ботир
Асрий қуллик занжирини
парчалаётир.
Сочаётир ёв устига
офат дўлини,
Мард йигитлар дадил тўсиб
душман йўлини,
Жанг қилишар, ҳайқиришар
«Эрк дедими, эрк!
Ҳаёт йўли бизлар учун
токайгача берк!..»

Фарёд билан тош учади,
тупроқ учади,
Үқ учади, новда билан
япроқ учади.
Тұзон босған ҳаволарда
күрінмас қуёш,
Жамиланиң күзларида
халқа-халқа ёш.
Тепасида ғувуллайди
бир гала құзғұн,
Ер силкинар, портлаш...
Ана, хароба, бузғұн –
Уйлар аро қиз чөпади
гүёки беҳуш,
Үнгми ёки асир этар
дахшатли бир туш?
Молми, жонми, бари ёнар,
құмға қорилар,
Бұғотларга олов кетиб,
синар харилар.
Борлық инграб чақиради
халоскорини,
Қиз қалбига тұлдиради
оху зорини...
Бас зулмни тақдир дейиш,
бас тоқат, чидам!
Токайгача ёқиламиз
бамисоли шам?
Ватан учун жангта кирмоқ
фарзанд учун фарз,
Эрк номига ёвни қирмоқ
мен учун ҳам қарз!..
Юрагида олам-олам
ғалаён билан,
Томирларда қон күтарған
зүр туғён билан.

Қиз киради таниш эшик,
таниш хонага,
Үксиб-үксиб дил ёради
мушфиқ онага:
Онажоним, пайхон бўлган
диёрга қара,
Диёрдаги ҳисоби йўқ
мозорга қара.
Сийнасида қанча алам,
қанча уқубат,
Бари менинг юрагимда
қаватма-қават.
Гарчи кураш бўлмас қонсиз,
бўлмас қурбонсиз,
Она, менинг жим туришим
тамом имконсиз.
Машъум қуллик кишанини
синдирмагунча,
Кўзлардаги ғам ёшини
тиндирмагунча,
Олмагунча манфур ёвдан
қасос, интиқом,
Тинчимайман, ёлғон эса,
оқ сутинг – ҳаром!..

Ана, мағрур қад кўтарди
она муштипар,
Қад кўтарди, фарзандига
бўлди рўбарў.
Нигоҳида аксланган
сўнгсиз асрлар
Халқ чеккан ғам, дарду алам
халқ чеккан қайғу
Кўрсатарди қудратининг
бутун кучини,
Кўрсатарди дилбандининг
буюк бурчини...

Бу қандай бонг, қандай сурон,
 бу қандай довруқ?
 Она Ватан бахти учун
 пайдар-пай довруқ.
 «Эрк!» садоси гуруллайди
 ҳамма тарафда,
 Қиз келади қурол тушиб,
 мардона сафда.
 Үрмөн ичи алғов-далғов,
 чанг, тутун, олов,
 Құрғошинга ютоққандай
 ташланади ёв.
 Қиз сесканмас, писанд этмас,
 босар тепкини,
 Івга учган ҳар үқида
 ғазаби, кини.
 Дам югурап, дам әмаклаб,
 суринар дадил,
 Ғайрат, ғазаб, ҳаяжондан
 сапчиб тепар дил.
 Қора шаҳло күзларида
 чақнайди яшин,
 Олишувга құтарила
 шердек оташин.
 Үқ селидан дарахтларнинг
 барги түкилар,
 Қиз дүстлар-ла ҳамласини
 ҳамлага улар.
 Югуаркан, елкасига
 тиғ каби кескир
 Зарб урилар... Бутун атроф
 айланди гир-гир...

Қалин ўрмон қўлкаланиб,
кўкка туташи,
Пальмаларнинг бутоқлари
булутдан ошди.
Кўз ўнгига тебранди ер,
тебранди фалак,
Кўз ўнгидан учиб ўтди
ҳадсиз камалак.
Арраланган чинор каби
оғир йиқилди,
Йиқилди-ю аччиқ оғриқ
бағрини тилди.
«Наҳот!...» даҳшат чақмоқ каби
учди онгидан.
«Йўқ, ўлмайман!...»
Теваракни қоплади туман...
О, қон билан алвонланган
майса-гиламлар,
Нега пинҳон тутмадингиз
ярадор тани?
Сизни босиб, яқинлашди
машъум қадамлар
Хушсиз ётган эркесварни
асир этгани...

3

Қора қалъа, қора зиндон,
темир панжара,
Тутқун бўлган Жамиланинг
кўкраги яра...
Диққинафас камерада
ўрмалайди тун,
Эркесварнинг усти юпун,
соchlари тўзғин.

Бундаги ҳар қора девор,
 ҳар қора бурчак,
Милтираган қора чироқ,
 кана, ўргимчак.
Суякларга сингувчи зах,
 темир исканжа,
Пастак шифтда илонбошли
 ярқироқ ханжар –
Бир йилдирким асирага
 ҳамхона, сирдош,
Ажал ҳар күн қыз бошига
 ирғитади тош.
Лекин қанча қамчи, қийноқ,
 қанча тепки, дүқ,
Жамиланинг айтар сўзи:
 йўқ дедимми, йўқ!
Мен ватанни сотолмайман,
 шудир шиорим –
Озод бўлсин зулмингиздан
 элим, диёрим!..

Ўйларимга етолмайман,
 эй соҳибжамол,
Қайдан келди юрагингга
 шунчалик оташ?
Ўтган йили қизалоқ деб
 аталган ниҳол,
Қайдан келди юрагингта
 шунчалик оташ?
Айт, бу олов Африканинг
 офтобими ё,
Болаликдан вужудингда
 ўрнашиб қолган?
Ё зангори Ўрта ернинг
 чарчамас, сайёҳ

Тұлқиними, қудратини
қалбингта солған?..

О, күк денгиз соҳилида
гүдак давронлар,
Қандай totли, қандай маъсум
кечарди онлар.
Тенгдошлар-ла чуғур-чуғур
беозор үйин –
Билан қизча банд бўларди
уззу кун бўйи.
Баъзан мовий тўлқинларни
кирғоққа суриб,
Пароходлар ўтар экан
оғир ўкириб,
Кузатарди сув сатҳида
қоп-қора изни,
Сўрар эди:
– Қайга элтар бананимизни?
– Париж деган жойга, болам,
Хўжайниларга...
Яна сўрар: нега элтар,
оийжон, нега?
Оҳ, шу сўроқ, жон ўртовчи
ҳаққоний сўроқ –
Улғайса-да, маъсум қизнинг
тилида қолди,
Оҳ, шу сўроқ, замирида
алам билан доғ,
Ажралмади, Жамиланинг
дилида қолди.
Нега халқи шунча юпун,
шунча хокисор?
Гадо каби юраги хун,
қўшиғида зор?

Нега гўзал Жазоири,
битмас хазина
Ёт оёқ-ла топталади
гўёки зина?
Оқила қиз шуни ўйлаб,
хисларга ботди,
Шуни куйлаб, вужудини
ўтларга отди...
...Жанг қиласан, дов йигит,
Шер йигит, олов йигит.
Қалин ўрмон ортида,
Тулпорнинг қанотида.
Ватанингни ғанимдан
Пок этгунча тўхтама.
Душманларинг кўксини
Чок этгунча тўхтама.
Унутма хурмоларнинг
Синдирилган шохини,
Қул қилинган жонларнинг
Фарёдини, оҳини.
Қайнаб юракда ўчинг,
Ортсин билакда кучинг.
Юртга қуёш келтирсин,
Олмос каби қиличинг!..
Куй учади, панжарарадан
кўкка оқади,
Куй учади, почин каби
қанот қоқади.
Ботирларни жангга йўллаб,
зафарга чорлаб,
Чарх уради, қўшиқ эмас,
оташ тўла қалб...
Лекин шу дам эшик очар
мустамлакачи,
Совуқ-совуқ визиллайди
резина қамчи.

Малла аскар бир ўшқириб,
йўл бошлар жадал,
Яна сўроқ, эҳтимол бу
етмишинчи гал...

Яна ўша дудли хона,
ғижирлаган пол,
Яна ўша тунд башара,
таҳдидли савол.

Хириллайди маст офицер:
– Шерикларинг ким?
– Қани, гапир!
– Қайда улар?
Маҳбус ҳамон жим.
– Қани гапир, жиноятга
қачон қўшдинг бош?

Нафрат ўти қаҳрланган
денгиз бўлиб тош!
Келинг, сўзлар, ўтли сўзлар,
сафга тизилинг,
Найза бўлинг, ёв қўксини
найзадай тилинг!
«Равшан кунни тун дейишдек,
бехад разиллик!

Наҳот, жаноб, сиз оппоғу
мен – жиноятчи?
Жазоирни қон қақшатиб,
сўрдингиз илик,
Наҳот, жаноб, сиз оппоғу
мен – жиноятчи?!
Мен сиз каби гўдакларни
қўйдек бўғизлаб,
Чаманларни топтаб, хазон
этганим йўқ-ку!

Мен сиз каби ўзгаларнинг
юртини талаб,

Шаҳарлардан вабо судраб
үтганим йўқ-ку!
Майли, отинг!
Майли, осинг!
Майли, қовуринг!
Этларимни тўғраб-тўғраб,
қаҳқаҳа уринг!
Ниятим пок, қуёш янглиф
сўнмас шиорим:
Озод бўлсин зулмингииздан
элим, диёrim!..»
Чинқириқ-ла чанг солинди
анвойи гулга,
Жамилани улоқтириб
темир стулга.
Қиз қалбини азоб ила
этмоқ учун чок,
Унинг гулдай танасига
уладилар ток...
Қандай даҳшат!
Томирига киргандек аёз,
Ўқтин-ўқтин тўлғанди-ю
титради дир-дир...
Тўхта, жаллод!
Тўхта, олчоқ!
Тўхта, эй ифлос!
Қара, қизнинг ёноқлари
қонсиз, кўкимтири...

4

Турмада тун, ким инграйди,
ким чекади оҳ,
Махбус зору ноласига
фақат ой гувоҳ.

Ой нурила темир қафас,
одамхұр қафас,
Эркесвар қыз оғир-оғир
олмоқда нафас.
Құллари шол, оёқлари
зил, моматалоқ,
Олучадек лабларида
қон ва күкиш доғ.
Эгнида кир, ғалвир каби
чилпора күйлак,
Йигитларни мафтун эттан
соchlари хурпак...
Зах бурчакдан түlinн ойга
боқар маъсума,
Күнгли нолон... О, Жамила,
асло ўксима.
Тингла, юртни қопламоқда
кураш довули,
Майдонларда совурилиб
истибдод кули,
Үт олмоқда, портламоқда
юз йиллик ғазаб.
Асрий қуллик ёнаётган
майдонга қараб –
Отилмоқда, жанг қилмоқда
дүст-ұртоқшаринг,
Ев ҳолини танг қилмоқда
ҳамқишлоқшаринг!
Тингла, баланд тоғлар ошиб,
жағон оралаб,
Янграмоқда эркесварга
эрк, деган талаб.
Оталарнинг күzlаридан
ғазаб ёғади.
Оналарнинг сүzlаридан
ғазаб ёғади.

Шу ғазал бор Осиёнинг
қумлоқларида,
Шу ғазаб бор Сирдарёning
қирғоқларида –
Эрк қуёши нурга қўмган
олтин еримда,
Ўзбек ўғли қўшиғида,
менинг шеъримда...
Тоғ ёнида дарё тошса,
тоғларни сурар,
Халқ довули келгиндини
хасдек учирар.
Жазоирда порлок тарих
бошланур, ишон,
Унда мангу порлаб турар
сен қозонган шон!..

1958



Бугун Бухородан қалбини излар,
Излар минг йўлларга кирган хаёлин...

Зулфия

I

Май

зумрад самоларга ёғдирап тинмай –
Қуёшдан оташ тўла нурномаларни.
Гул билан, чечак билан чулғамиш атай
Чўлларни, чўллар аро афсоналарни...
Ярқираб кўк тоқига чиқади офтоб,
Афсона бургут каби ёнмоқни ўйлаб.
Қаҳ-қаҳлаб, юксаклардан этаркан хитоб,
Шамоллар сурон бошлар Ўртачўл бўйлаб.
Қорайиб, қўшин каби босар яйдоқ фув,
Фув ўтар!.. Боқсанг издан кўзинг қорайиб,
Фув кетар... бўталоқнинг бақиргани-ю,
Қўзичноқ ноласини борлиққа ёйиб...
Баланд қир этагига мук тушар, мана,
Нарёғи – жаннатдайин маъво этаги.
Шу ерда тинар ваҳший сурон, тантана,
Бошлинар саболарнинг майин эртаги.
Кейин – кўз етгунча боғ, далажон, дала...
Кўпирар ерда шарбат, ишкомларда май.
Тунда ой, кундузлари қуёш – машъала,
Миришкор олтин йигар, бол йигар тинмай...
Йўқдир баҳмал ёпинган уфуқларга чек,
Қуёш аминидир бунга, осмон ҳам амин,
Ҳайрат, ҳаяжон ичра боқади Ойбек,
Қанотлари остида бухорий замин!..
Самолёт – кўк баҳрида кумуш бир кема,
Зилол мавжларда сузар енгил чайқатиб.

Шоир шод, ёноғида – нурдан жимжима,
Самовий саёҳатнинг гаштини тотиб...
Ана, Зарафшон оқар, келинчак дарё,
Яшил бир кашта каби каноралари.
Олдинда – нақ сирли туш, нақ гўзал рӯё,
Ялтирад бобо шаҳар миноралари...
Каналлар!.. О, уфуқдан – зар уқа каби
Отилиб, шуъла янглиғ таралиб бутун,
Жон бермиш саҳроларга... Амунинг қалби –
Очибди ҳар гўшада яшил бир тугун...
Шерозий бўрк остида ёнар чақин кўз,
Бир нигоҳга қамрайди Ойбек ўлкани:
«Нақадар сирли диёр! Етишмайди сўз...
Бежизмас Бухоройи шариф дегани!..»
Шоирнинг лабларида ёнар табассум,
Сирғалар манглайида нур билан соя.
Кўзида бўстон каби очилар бир зум –
Роман!.. У ёзилажак буюк ҳикоя!..
Бухоро тарихидан... Эй жаҳон оша,
Минг йиллар адогида қайнаган тарих,
Сен шоир юрагида қон бўлиб яша.
Ойбекдан асрорингни тутмагил дариф!..
Қаламдан жисмларга жон бергувчи у,
Дилларни яшнатгувчи удир бегумон.
У бахш этар, истаса, тошга ҳам туйғу,
Кўз ёши қатрасида кўргизар уммон...
Самолёт ўзни бирдан булутга олар,
Сўнг пастлаб, чизабошлар узун доира.
Мана, у ҳайбат билан ҳайқириқ солар
Жоменинг тоғдек юксак гумбази узра...
Ҳансираб тушиб келар толиққан почин,
Чир учар нафасидан шағаллар, тошлар –
Замин қаршилар уни ёзиб қулочин,
Бош силкиб қолар ҳар ён гуллар, оғочлар.

Сўнгги умтилув, мана – қўналға, манзил,
Пропеллернинг ҳорғин нолиши аро –
Ойбек дов қоматини кўтараар дадил,
Боладек сурон солар: «Етдик! Бухоро!..»
Жилмаяр шоирига ҳамроҳи – ёри:
«Намунча ошиқасиз... Кутинг бир нафас».
Шоирнинг қўзларида юрак баҳори –
Шодон бир табассумки, тавсифга сиғмас!..

II

Эҳ, бу орзу дегани – мунчалар буюк...
Орзули жон дарёдай талпинар ҳар ён.
Орзудан – юрагида қуёш қаби юк,
Орзудан – тоғдек бўлуғ бағрида туғён!..
Орзу арғумоғида югурап хаёл,
Тирмашиб чиқар ҳатто сайёralарга,
Орзудан дунёларга ёғдирап савол,
Нажот типаб мазлуми бечораларга...
Орзулар бўронида учар эди у,
Офтобдек орзуларга кўринмасди чек.
«Кутлуғ қон» орзу эди, «Навоий» – орзу,
Орзудан офтоб ясаб яшарди Ойбек...
Тарихлар қўрғонини ортиб елкага,
Истиқбол ўлкасига отди қулочин.
Замонлар билан сузди елкама-елка,
Асрларнинг қирови оқартди сочин...
Кўзида – мозийлардан не манзаралар,
Кулоқларида янграр не-не мулоқот,
Кўксида – қисматлардан ғамлар, яралар,
Онгида – тарихлардан мукаммал ҳаёт...
Йўлчининг изтироби, Гулнор азоби,
Алишер қайғусини тортди қанчалар.
Уйғонган ва яшарган Шарқнинг хитоби
Илҳоми гулшанида очди ғунчалар...

Гарчи кексайиб қолди, сочлар кумуш ранг...
Гарчи алвидо айтди тўкин-сочин ёз,
Ҳамон дил танбурида сабуҳий жаранг,
Юрак – қарчиғай каби, тилак-ла – парвоз...
Бир кеч заъфар боғчада кезарди танҳо.
Кеч куз ёйганда ҳар ён асл кимёсин,
Оғочлар қуршовида тинглади шайдо
Орзу қабутарининг янги нидосин...
Эзгу титроқ қўзғалди қўнгил қаъридан,
Чулғади борлиғини ширин бир оғриқ.
Илҳом шами лов этиб ёнди янгидан,
Юрагига сифинди, ёлборди ёниқ:
«Эй менинг титраб турган ганжи ниҳоним,
Сирларинг яна бир бор очсанми, айт?
Дурларинг олам аро сочдинг-ку, жоним,
Мана, янги бир олам... сочсанми, айт?
Эй менинг сор починим, толиқмадингми?
Зангори уфуқларга учамизми, айт!
Унда бир юлдуз яшар, қуёш ҳамдами,
Ўша шан юлдузни ҳам қучамизми, айт!..»
Мана, «ҳув!» деб шоирни қучоқлар шамол,
Ним ёруғ ҳужрасига қайтар у хуррам.
Киприклардан нур тошар, қўзлардан хаёл,
Бармоқлари қидирар қофоз ва қалам...

III

Ўтди ойлар, яна у – шоири сарбаст
Шўнғиди тарихларниң дарсхонасиға.
Яна у қулоқ тутди, хаёл билан маст,
Ўтмишнинг мунгли, мудроқ ҳангомасига...
Яна у пири муғон – қари мунажжим
Ойбекка сирли-сирли ҳикоят айтар.
Дам кулар, дам соядек – титраб қолар жим,
Дам толе юлдузидан шикоят айтар...

Тарих – тун қўйнидаги қора бир олам,
Устида асрларнинг алвон пардаси.
Ўша парда ортида тинмайди бир дам
Ширакайф машшоқларнинг ҳижрон нағмаси...
Ўша тун дунёсига Ойбек қўл солар
Ва олис асрларнинг зах чўнқиридан –
Қалбларни, қисматларни қутқариб олар
Гоҳ шафқат, гоҳи афсус, надомат билан...
Чанг босган чехраларга тутар у чироқ,
Аритар яноқлардан даврон гардини.
Мудроқ қошу қўзларга термилар йироқ.
Тинглар тош дудоқлардан юрак дардини...

...Мана, минг йиллар оша қайнаган ҳаёт,
Ваҳшатлар қўйнидадир яна Бухоро.
Юраклар – оёқ ости, умрлар – барбод,
Кўк тутунли, қуёшнинг кийими қаро...
Ғазнавийлар босқини!.. Ўт ичра шаҳар,
Бирор шу аросатда кечиб жонидан,
Чўғланган сандиқларни қутқармоқ бўлар
Ёнфиннинг аждаҳодек олов комидан...
Сандиқлар ловиллайди... Уларда китоб!
Уларда маърифатнинг буюк кимёси...
Нечун у фарёд уриб, чекмасин хитоб,
Ёнмоқда унинг бағри, унинг дунёси!..
Чиқиб кетгудай ҳатто қинидан юрак,
Китоблар тутар ҳар ён: ўнгу сўлида:
Ё Оллоҳ, бу нимадир?! Қўллар жизғанак,
Ловиллаб китоб ёнар ҳатто қўлида!..
Ойбек шивирлар ғамгин: «Эй буюк сиймо,
Эй фикр паҳлавони, эй баҳодир қалб...
У яна тасаввурда кўради: Сино –
Машъум гулханлар аро кезар телбалаб.
Мана, мук тушади у, ожиз, бемадор,
Ва оппоқ дасторига ўт сачрар шу дам.

Таралар тутун аро такрор ва такрор:
«Дариф, водариф!» – деган инграницы, алам...
Шоир хұрсинар аждод-олимга дардкаш:
«Нақадар фоже умр! Не қисмат, эвоҳ!
Сен-ку бир оташ әдинг, замон ҳам оташ,
Сүнди у, сүнмагайсан, эй асл даҳо!..»

Лавҳалар, манзаралар оқади тинмай,
Гоҳо эш эса, гоҳо бир-бирига зид.
Зангори соҳилларда тонг ёришгандағы,
Ёришиб келар күзга буюқ бир муҳит.
Шундай бошланар дилда ажыб бир ижод.
«Лозим азми Бухоро! Лозимдир сафар!» –
Дер шоир, уфуқларга термилади шод,
Үша шан уфуқларда – қадимий шаҳар!..

IV

Мана у, самолётдан энтикиб чиқар,
Эшикни қоплар алпдай қомати ила.
Ойбек! Нақ олтмиши ҳам нигоҳи чақнар,
Қуюқ қош, йигит яғрин, соchlар фатила...
Буюқ бир саркардалек азим шаҳарға –
Боқаркан, чехрасидан оқар виқор – нур,
Мұхаббати гаровдир улуғ зафарға,
Шоир бу құрғонни ҳам забт эта олур!..
Хув, уфуққа чизилған олтин лавҳадек,
Шафақ алантасида күринар шаҳар.
Лочин күзлар қисилған... Боқади Ойбек –
Бир зум... Не кечинмалар мавжида яшар.
Бирдан кенг сиймосида тошар табассум,
Дүстлар, мұхлислар билан тұлмишшир майдон.
Қучар, құл сиқар, ўпар боладек маъсум,
Қай тил билан меҳрини айласин баён!..

Шодликдан, таассуротдан кипригиде ёш,
Шогирдлар оқимида ошиқар шоир.
Дүстлар ҳордикқа чорлар, унда йўқ бардош:
«Йўқ, шаҳарни кўрайлик, кўрайлик ҳозир!..»

Не тонг, бир ёлқин каби ярқираб жоним,
Завқимни самоларга сочсан шу нафас.
Менинг афсона юртим, менинг маконим,
Шу буюк учрашувнинг шавқи билан масти.
Бухоро, эзгуликдан – бошингда офтоб.
Бухоро, толеингда шон юлдузлари.
Қутлуғ тупроғинг яна кўзларга тавоб,
Унда – Ойбек излари, Ойбек излари!..

Паст-баланд иморатлар, боғчалари-ла
Шаҳар шом туманида келади юзиб.
Яғрин ташлаб улуғвор, юзида шуъла,
Ойбек ойнакдан боқар кўзларин сузиб...
Мана, шув ўтар ёндан посбон минора,
Урилар юзга қайноқ шаҳар нафаси.
Карвон қушдек талпинар, ногоҳ ярқираб –
Очилар кўчаларнинг жонли лавҳаси...
Шаҳар шом тўлқинида... Ранглар, оҳанглар,
Шоир ҳис оғушида – завқдан асабий.
Силкиб жингалак сочин, ҳар ён аланглар,
Жонон манзараларни ичар май каби...
Бир пайт таққа тўхтатар машинасини:
«Етар танни эркалаш, оёқни аёв!
О, кўринг бу бўёқлар хазинасини,
Дўстлар, бобо шаҳарни кезайлик яёв...»
Улкан ҳовуз бўйида ҳайратга тўлиб,
Юксак мадрасаларнинг савлати аро:
«Бухоро!» – дейди мастдек, кўзлари кулиб,
Яна оҳ тортган каби: «Қадим Бухоро!..»

Шоир номи бу юртда самоларга тенг,
У янгратмиш дилларнинг адоларини.
О, мен тингладим ҳар ён мафтун қалбларнинг
«Бу – Ойбек! Ойбек!» – деган нидоларини...
Майин қоракўлий бўрк манглайда кўркам,
Қўллар орқада, юзда – ярашиқ виқор.
Кенг, ҳаво ранг плашда боради ўқтам,
Бош таъзимда, қадамлар – иирик, салмоқдор...
Пастқам бир жинкўчага шартта йўл солар,
Чойхона. Ойбек келмиш!.. Дув тураг ҳамма.
У сўйлар: «Машраб бунда айтган ғазаллар,
Мушфиқий лабларидан тошган қаҳқаҳа...»
«Балки шу кўчангиздан ўтгандир Сино...» –
Дер шоир, босолмайди ҳаяжонини,
Балқийди кўзларида латиф бир маъно,
Ойбек севар бўлажак қаҳрамонини!..
Мовий шом туманида Бухорога боқ.
Гумбазлар, миноралар хаёлот ичра –
Сузгандек... унда-мунда ёнаркан чироқ,
Жонланар тушдагидек ажиб манзара.
Тоқи Саррофон... Шоир – кўзида ёлқин,
Қанотлар шовқинини тинглар бир нафас,
Кабутарлар чарх урад ҳув ... шипга яқин,
Фойиб бир дарё каби шовуллар гумбаз...
Оят-ривоят айтиб боқар равоқлар,
Ойбек юрар, кўзида – чуқур ўй, хаёл.
Улуғбек мадрасаси... чақнар, ярақлар,
Сийпаб тош супаларни супуран шамол...
– Бир кеча тунай шунда! – дер шоир, лекин
Сархуш бир йўлчи каби термилар ҳар ён,
Минора орқасидан ой кулар ёрқин...
Бошлар ҳамроҳларини ўшанга томон.
Жоме томидан ойга, шаҳарга боқар,
– О, мен бу манзарага тўймайман асло!..

Яна Синодан сўйлар, ўйлари оқар,
Ойбек қалби – ой қучиб, пишқирган дарё...

V

Минора устидаги тўлин ой каби
Тўлишар бу ўлканинг сўлим баҳори.
Зарафшон тошар, нечун – тошмасин қалби,
Мана, неча кундирким, Ойбек – бухори...
Шоир мадрасаларни, тимларни кезар,
Ўрганар кошинларнинг олов каштасин.
Ой балқиб, оғочларга сочар экан зар,
Симирар боғчаларнинг салқин нафасин.
Гоҳо шўх кулиб дейди: «Рубоб келтиринг...»
Мен – соқий, ичинг чинний косаларда май!...»
Гоҳо кексалар билан бошлайди гурунг,
Сўрар, синчиклар, ўйлар, қайд этар тинмай...
Баъзида ҳаяжондан тиллари дудук,
О, неларга қодирсан дилдаги оташ!
Кўзлари ола-кула, сўzlари юлуқ.
«Аҳ-ҳа!..» дер ва кучаниб: «Яш-ши!» дер яккаш...
Ойбек хаёлчан... Ойбек – манглайида нур,
Айтинг, ким буни ёлғиз хаёл деб атар?
Хаёлни асрларга элтади шоир,
Хаёл ҳам асрларга шоирни элтар...
Хаёл ҳукмдори у, истаса, оҳу,
Истаса, арслонлар ҳам сўйлар афсона.
Хаёл уфқида қалқиб кўринади, ҳув,
Бир қишлоқ... кўп қадимдан номи Афшона.
Офтоб чарақлар унда олтин тўр ёйиб,
Жаранглар болаларнинг сурон қулгиси.
Биттаси тўхтар, мана, боқар жилмайиб,
Ойбекнинг кўзларига тўқинар кўзи...
«О, бу кўзлар, – дер шоир тийракдир мунча,
Юлдуздай ёниқ, яна шабнам каби пок.

Кун келиб, бу құзларда тошар түшүнча
Хам қүёш парчасидек ловиллар идрок...»
Йиллар сел даракчиси – шамолдай үтар,
Сино үсади тинмай, улғаяр дунё.
У дунё асосини кафтида тутар,
Чор унсур: сув ва оташ, тупроқ ва ҳаво...
У – олим, үлкаларга солар овоза,
Юксак чүккілар узра силкитар қанот;
Хам унинг лабларидан учар ҳар лаңза –
Порлоқ уч калима: ишқ, ҳақиқат, ҳаёт!..
«Инсон – зоти шариф, – дер, – инсон – мұльтабар;
У ишқнинг гулчамбарин бошига кийиб,
Ҳақиқат машъалини ёқсин ҳар маҳал,
Хам ҳаёт бўстонини сайр этсин тўйиб!..»

Бир машъал ёқди тонгдек ақлдан үзи,
Ҳақиқат осмонида порлайдир ҳамон.
Замон аждари лекин йўлини тўсди,
У ғурбат саҳросида қолди саргардон...
Севги гулчамбарин ҳам совурди оғу,
Айрилиқ дўзахида ёна ва ёна –
Куйиб кул бўлди қалби!..

VI

Лекин қани у?..
Қани ҳусн париси? Қани Дурдона?
Бухоронинг тим сиёҳ тун осмонида
Юлдуз бўлиб ёнарди Дурдона бегим.
Эртакдаги у машҳур мулки Кањон-да
Бунчалик латофатни кўрмаган балким...
Унинг ишқида ҳар дам қуярди Сино,
Жондан, жаҳондан ортиқ суюрди Сино.
Беморларга ҳар куни унинг каломи –
Малҳамди, унга ёлғиз Дурдона малҳам.

Қашшоқ-бечораларга үшанинг номин –
Ёд этинг дуода деб улашар дирҳам.

Қизнинг зехни, забони ҳуснидай порлок,
Тўқирди гоҳи гулдек нафис ғазаллар.
Ўқирди ошиғига... сасида титроқ,
Ой оламга юз очган оқшом маҳаллар.
О, у дамлар сурури!.. иқбол қуёшин –
Яшил боғча қўйнида қучарди кўнгил.
Ёруғ қисмат пойида шукронна ёшин –
Оқизиб, йиғламоққа ҳозир эди ул!

Қизнинг отаси – довдир, қари амалдор,
Ичини чақса ҳамки рашкнинг илони,
Ҳакимга эшигини ёпмасди зинҳор,
Висол соатларига бўлмасди моне.
«Бир куни куёв бўлур», – деган андиша
Чолни «марҳаматлар»га ундар ҳамиша.

Севишган юракларнинг севинчи – дунё,
Тўй яқин! Кўрилмоқда шошқин тараффуд.
Лекин бу қандай офат, бу қандай бало –
Ёприлса юрт устига ногаҳоний ўт!
Фазнавийлар босқини!.. Ҳар ёнда қирон,
Кесиш, бурдалаш, талаш, топташ – сиёсат.
Гузарлар, бозорларда ваҳший бир сурон,
Жоҳил уламоларда – давлат, раёсат,
Ўшалар ҳукми билан не-не китоблар
Отилар осмон бўйи қора гулханга.
Сино шу оташгоҳда қаҳрини тоблар,
«Мана, ол!» – дея сўнгра сочар сultonга.

Маҳмуд Фазнавий ҳар он ўч олмоққа шай.
Қаёққа борсин Сино? Ҳар ёнда хатар.
Дўсти-ёр «ҳижрат» дейди куйиниб бирдай,
Даҳшатли овозалар кун-кундан баттар.

Хешу ақрабо билан хұшлашар. Кейин
Таниш дарчани қоқар тун ярим маҳал.
Құчар ёрини бирпас, әркалар ғамгин:
— Ҳижрои буюрмиш бизга тақдири азал.
Дурдона нақ соядек сассиз, садосиз –
Тураг... Тиз чўкиб ёрнинг қучар оёгин.
Сино қалтирап, қизни бағрига босиб,
Қайноқ күз ёшлар ювар унинг ёноғин.

Мана, тун ўтар йўлда, оппоқ тонг отар,
Олимни ҳайдар чўлга ғурбат шамоли.
Қадалиб ҳижрон тифи бағрин қонатар,
Ёр қолди унда йиғлаб, не кечар ҳоли?
Эсга тушар ёр битган янги ғазал-байт,
Мана... Йўқ, ғазал эмас, мактуб, ажабо.
Ери берганди кеча хайрлашув пайт,
Ўқиркан, даҳшат босиб қичқирап: «Эвоҳ!»
Қайирап от бошини ... Мулозим гаранг,
«Нима гап?» «Ҳайда! – дер у, – Бухоро томон!»
Отлар қўтарар чўлда булутдайин чанг,
Туёқлар зарбасидан титрар биёбон.
Дурдона мактуб ила ҳасратга тўлиб,
Уни бир фалокатдин этмишли огоҳ:
«Жоним, мен оташингда ёндим шам бўлиб,
Энди ижозат айла, ўчай, алвидо!
Дадам шўрлик – амалдор янги сultonга –
Иньом этилганимни сўйлади кечা.
Ишқим – имоним энди ботсинми қонга?
Мен ундан айрилгунча, жонимдан кечай.
О, бир ҳамроҳинг бўлиб битгунча умр
Парвоз айламакни мен этгандим орзу.
Фалак бир савдо солди бошимга оғир,
Ич! – деб қўлларимга ҳам тутқазди оғу!»
Шаҳар чеккасидаги қабристонга жим –
Етарлар тун палласи. Машъум сир аён!

Шам ёнур ёр қабрида ... яна аллаким. –
«Куръон!» оятларидан таралар фифон. –
Сино тиз чўкар, дув-дув қўйилар ёши,
Ингранар, ун чекмакка мажолсиз, аммо
Ёрини қучоқлади!.. Айланар боши,
Чарх урар ер ва қабр, чарх урар само!

* * *

Ойбек хаёл қўйнида ўлтирад мубҳам,
Боқаркан, дилдорини босади ҳайрат;
Нега шоирнинг бугун кўзларида нам?
«Фамгин, гамгин, ғамгин!» – деб шивирлар фақат...

VII

Оёққа ўралишган шўх қизалоқни
Эркалаб, бир зум кўкка кўз солар шоир.
Бирдан севинч, ҳаяжон яшнатар уни:
«О, ҳангома бошлайди бу кеча ёмғир!»

Ёмғирни севарди у, ёмғир кўтарган –
Ўша девдай баҳайбат булутларни-да.
На гўзал! Чақинлардан ўкириб осмон,
Тинмасдан жала қўйса тим қора тунда!

Уфуқнинг пастқам, мовий деворин ошиб,
Булутлар... лашкар каби келишар, ана.
Бири олдинда сардор, тутундай тошиб,
Жулдур этаги юзга теккудек, мана.
Юксалган миноралар, гумбазлар узра –
Суриниб, самони ҳам этарлар қамал.
Сўнгра бошланар ғовур, таҳдид, пўписа,
Ярқираб унда-мунда ёқилар машъал.
Сўнг ҳужум!

Хужум!..

Мовий, шодон бир ҳужум!

Ерда ҳам, самода ҳам шаррос сел тошар.

Шоир жилмайиб, завқдан энтикади жим,

Ҳар ёнда зилол парда. Қаёқда шаҳар?

Тун бўйи ҳаволардан шаррослар ёмғир,

Тун бўйи ҳассос қалбга қуилар хаёл.

Уйқу йўқ, хаёлларда учади шоир,

Кутар сахарда уни сирли бир висол.

* * *

Уфуқ очилиб келар. Булутлар оқар,

Мана, юксак, қадимий қўрғон устида –

Тураг шоир, сел ювган шаҳарга боқар,

Заҳматкаш, у сеҳркор – қўллар кўксида.

Ойбек бир ҳаёт қадар олди қалбига

Бу ўлканинг сумбул ранг, ипак шомини.

Юлдузи ҳам юракдан нур сочар унга,

Олмоқчи энди қалбга биллур тонгини.

Сирлашмоқчи юзма-юз ўлтириб, зотан,

«Қизлар» ва «Горобий»да сирлаши қанча.

Тарихга, тафаккурга Бухоро – Ватан,

Шоир симирсам, дейди, энди тўйгунча.

Ёмғир тинган, ҳув олис – уфуққа яқин

Учар шўх булутлардан сўнгги ҳайқириқ.

Чорминор тепасида тонг кулар ёрқин,

Чорбакир гумбазида ярқирап ялиф.

Миллион қалблар қуёши, юлдузи, ойи –

Бахш этмиш бу шаҳарга сўнгсиз эҳтирос.

Ранглар ва шаклларнинг сўнгсиз чиройи –

Сўйлар ойга, қуёшга, юлдузларга роз.

Бухоро – асрлардан асрларга бонг,

Сино, Наршахийлардан сўнмас овоза.

Асрдан асрларга очганку ҳар тонг

Роса ўн икки ёққа буюк дарвоза.

Ўша дарвозалардан кирган галма-гал:
Тун ва тонг, сув ва оташ, ўлим ва ҳаёт.
Гоҳида фарёд чекиб порлаган машъал,
Гоҳида машъал бўлиб янграган фарёд.
Қүёш, нур душманлари аlamга тўлиб,
Машъал кўтарганларга ичқизган оғу.
Гоҳ Сино, гоҳи Дониш, гоҳ Айний бўлиб,
Ва лекин ёна берган, ёна берган у!

Ойбек Парижни кезди, кезди Римни ҳам,
Не-не шаҳарларга у бўлмади асир.
Лекин Бухоро бошқа, бу бошқа өлам,
Ҳайқирган уммон каби бунда буюк сир.
«Ажабо!» – дейди шоир ҳовлиқиб, шошиб,
«Тавба!» – дер яна ширин табассум ила.
Ҳар ёнда чўққилари булутдан ошиб,
Қалашган тоғлар каби буюк силсила.
Гумбазлар – нақ самога отилган тўлқин,
Бўлурми бир сўз билан айласа баён?
Шоир ташбеҳ излайди, юзида ёлқин,
– Тош туғён! – дейди тошиб, – тош қотган туғён!
Йўқ, бу миноралармас, туғёндир тамом,
Улуғ халиқ кўксидаги оташ тўла қалб.
Тош бўлиб отилгану, тилаб интиқом,
Бағритош самоларга турган ўт қалаб!
Тебранмас, қимирламас, силжимас, синмас,
Шундай чўнг, шундай событ, шундай безавол!
Асрлар – оёғида меҳмон бир нафас,
Замонлар боши узра кўчкин бир шамол.
Шоир шивирлар яна: шаҳарми, тилсим?
Зангори уфуқларми, дарёми, ёху!
Шу юксакдан Синога кўринган балким,
Ибсолга сут эмизган меҳрибон оху¹⁰...

¹⁰ Ибн Синонинг «Саломон ва Ибсол» қиссасидаги ривоятга ишора.

Бирдан қүйилар қалбга ёниқ бир армон:
Сино-ку шу диёрнинг жигарпораси.
У олис Ҳамадонда берар экан жон,
Турган кўз ўнгидаги шу шаҳар қораси.
Бухоро – буюкларнинг умридек барҳақ, –
Деб хаёл денгизини тоширад шоир:
Тарихлар қўрғонини қура олган халқ
Истиқбол иморатин қурмокқа моҳир!

Шундай сирлашди улар, хандон уриб субҳ,
Тонгта юз тутганида фируза саҳар.
Бир ёнда – Ойбекдайин шоир-файласуф.
Бир ёнда – Бухородек файласуф-шаҳар.

VIII

На гўзал! Ол шафакни қутлаб шодумон,
Қушчалар тонг машқини чалар айвонда.
Ўрни бўш, ётоғида қўринмас меҳмон,
Дўстлар излашар, қани, шоир қаёнда?

Булутдай иморатлар ҳар ёнда юксак,
Йироқдан боқар энди қальяи қадим.
Ойбек тўзғитиб сочин, қўтариб қўкрак,
Яшил хиёбонларда ташлайди одим.
О, бу гул чаманларда тўлғинидир ҳаёт –
Япроқлар чапагиу қушлар сасига.
Қуш мўл жойда ҳаёт мўл, дейди шоир шод.
Хаёли учар бир дам «Тайр қиссаси»га¹¹
Қандай соз муқояса: афсона ва қуш,
Чирқирап афсонадек қушларнинг қалби.
Асрдан асрларга гурр этиб келмиш
Афсоналар – бир тўда қаптарлар каби.
Муюлишда дўстлар пешвоз. Қўлларида гул,
Лабда табассум ила қўйишар қадам.

¹¹ Ибн Сино асари.

«Мен янги Бухорога асирман буткул!» –
Деб шоир, шогирдларин қучади хуррам.

IX

Мана у, қучоқ очиб, «Хайр!» – дер хурсанд,
Мезбонларга жонини этгудек фило.
Ситамкор бу лавҳани қандай ёзай мен,
Аслида «Хайр» эмас, экан «Алвидо!»
Торобий тепасидек – баланддан боқиб,
Олисдаги шаҳарга термилар бир он.
Шаҳар ҳам боқар унга уфукдан қалқиб,
«Тош туғён!» – дейди шоир, ҳамроҳлар ҳайрон.
«Тош туғён!» – дея яна шивирлайди ул,
Шогирдларга юзланар, кўзларида нам.
Хабар бергил ғойибдан, изоҳ бер, кўнгил,
Не хаёллар кечмиши кўнглида бу дам?
Нега ёш бўлиб оқди кўзининг нури?
Ёки кўзлари билан айтдими видо?
Балки бу ёзилажак асар сурори,
Балки бу – буюк қалбда сирли бир нидо!
Ҳайҳот, ким билар буни? Бўлмагай жавоб,
Жавобсиз жумбоқлар ҳам бор-ку дунёда.
Фақат битилмай қолди у гўзал китоб,
Қолди орзулар яна тўзғиб, афтода.
Бахтлиман, Бухоронинг сеҳрида ёниб,
Кезаркан, алп қомати – азим қоядек.
Мен унинг сиймосига термилдим қониб,
Мен унинг изларидан юрдим соядек.
Ойбек юрган йўллардан ўтаман яна,
Унинг кўзлари билан боқаман ҳар ён.
«Тош туғён!» – дейман, лекин кўрингким, мана,
Шоир ўзи ҳам энди – тош қотган туғён!
Булар – китоблар эмас, туғёндир тамом,
Буюк зот қўксидаги оташ тўла қалб.

Тош бўлиб отилгану, тилаб интиқом,
Бағритош ажалга ҳам туарар ўт қалаб!
Бухоро куйчисини кутади, эвоҳ,
Ҳамон бағрида унинг шоир нафаси.
Оқшомлар оғушида таралар ногоҳ –
Яшил хиёбонларда саси, шарпаси.
Ғамгин ўйларим яна чарх урар, тинмас,
Ойбек-ку – шу диёрнинг жигарпораси.
У сўнгти алвидо пайт, у сўнгти нафас
Ўтган кўз ўнгидан шу шаҳар қораси.
Ҳайҳот, нималар ёздим? Эй азиз сиймо,
Муборак у нафасинг ўтирма мендан.
Маъзур тут айбларимни, ўзинг бер баҳо,
Зотан, дуо ҳам – сендан, қабул ҳам – сендан...

Бухоро, 1971 йил, сентябрь



ҚҮЁШ ЧАШМАСИ

1

Шеър аҳли турмushi туйғу экан,
Туйғу шу оламга бир күзгү экан...

Күзгудек мовий, мусаффо бир саҳар,
Мен гүзал Болқон сари қилдим сафар.

Неча дүстү ошино ҳамроз эди,
Ҳамраҳим бир шоири ҳассос эди...

Бор эди күнглимда бир шайдо ҳавас,
Ҳар тараф боққанда бир пайдо ҳавас.

Фунчалар яшноқ, уфуқлар соғ эди,
Шуълалар шаффоғ эди, шаффоғ эди.

Термилардик биз уфуқлар ортига,
Үша күк денгиз – уфуқлар ортига.

Термилардик ... унда бир асфор эди,
Унда бир сөхри синоат бор эди.

Бор эди унда назардан ёширин,
Бир диёр – жондан шириң, жондан шириң...

Иштиёқ чорларди бизни ул сари,
Ул сари, орастада ул манзил сари.

Шул сабабдин бошимизда бир ҳаво,
Шул сабабдин күнглимида бир наво.

Ҳам хаёллардан хаёл пайдо эди,
Ҳам саволлардан савол пайдо эди.

Мавжланар эрди тасаввур чашмаси,
Нурли ёшликнинг зилол, нур чашмаси.

Акс этарди унда ёрқин лавҳалар,
Ярқ этиб гоҳида олтин лавҳалар.

Ўйлашардик: ул диёр тупроғи не,
Ул диёр тупроғи не, япроғи не?

Не чечаклардан чамандир равзаси,
Не чаманларга ватандир ҳавзаси?

Боғида бордир нечук раънолари,
Ҳам нечук бордир кўзи шаҳлолари?

Не аломат пардаларда сози бор,
Созининг қандай баҳору ёзи бор?

Субҳи мармар, дейдилар, мармармикин?
Шоми анбар, дейдилар, анбармикин?

Бошида тоғлар буюк посбон эмиш,
Пойида сўнгсиз улуғ уммон эмиш.

Чайқалармиш у фалак авжига то,
Мавжига тоғлар берармиш минг садо.

Ой кулиб, юлдузни ёндирган кеча
Нашъали жонлар ёнармиш тонгтacha...

Ўйлашардик, сўйлашардик биз чунон,
Айланарди, эвриларди ҳар замон –

Бағримизда бир калом: Булғория,
Бир меҳр, бир эҳтиром: Булғория!..

Гарчи шу олам буюк, олам буюк,
Шу буюк олам арам буюк.

Қайсиким, ул ўзни сайёх сайласа,
Элма-эл сайр этса, идрок айласа.

Күзни түлдирса уфуқлар рангига,
Дилни түлдирса жаҳон оҳангига.

Жонига шу мулки олам чиппа-чин
Қатра-қатра нур бўлиб инмоғи чин...

Гар омон бўлсак, кезармиз галма-гал
Шу мунаvvар мулки борлиқни тугал.

Лекин ҳозирча калом: Булғория,
Бир меҳр, бир эҳтиром: Булғория!..

Бизни бошлаб кетди олтин кун, ана,
Ортда қолди Жайҳуну Сайҳун яна.

Ортда қолди ўлкамиз маъволари,
Қалбидек улкан қозоқ саҳролари.

Ортда қолди Волга – тошқин наҳримиз,
Москва – кўзларга ёлқин шаҳримиз.

Денгизи, дарёси, тоғи, арчаси,
Ортда қолди, ортда қолди барчаси.

Сўнгти сарҳаддан ўтар чоғимда мен
Қайрилиб боқдим: саломат бўл, Ватан!..

Мен сари ул ҳам боқарди термилиб,
Мухташам, мовий уфуқни тўлдириб.

Воҳки, бу не ҳолу, не ҳолат менга,
Ҳайф эмасми бу сару савлат менга?

Кулди бир ўртоқ қўзимда нам кўриб,
Кипригимда қатраи шабнам кўриб

Кулди, лекин бўлди бардоши одош,
Кулгучи кўзларга, кўрдим, тўлди ёш...

2

Кўзгудек мовий, мусаффо субҳидам
Мен гўзал Болқон сари қўйдим қадам.

Ям-яшил тоғлар аро гулшан диёр
Бир қарашда боғлади кўнглимга тор...

Гул каби яшноқ экан, яшноқ экан,
Кийгани япроқ экан, япроқ экан.

Термилиб қолдик ажаб сиймосига,
Не чаманларнинг чаман анвосига.

Кўк – сеҳрли, сирли бир чодир экан,
Сочгани ёғду экан, ёмғир экан.

Боғлари дилкаш экан, дилкаш экан,
Занги тоғлар бўйнига чирмаш экан.

Тоғлари залвор экан, залвор экан,
Қоялар – тоғларга чўккан нор экан.

Сабза тоғлардан учаркан шўх сабо,
Кўк булоқлардан учаркан шўх садо.

Сирғалиб ўйнар экан осмонда нур,
Ел билан күйлар экан бўстонда нур.

Жилдираб ҳар ёнда шўх кўзгу экан,
Турфа қушлар базмидан ҳув-ҳув экан.

Ҳар қадамда дам табассум, дам хаёл,
Ҳар қадамда ҳам табассум, ҳам хаёл.

Чўққилар узра зилолий ранг экан,
Ёнбағирларда яшил оҳанг экан...

Сабза боғлар қўйнида томлар қизил,
Лоладан тутган қадаҳ – жомлар қизил.

Бошимиз узра само – Булғория,
Кўксимиз узра ҳаво – Булғория.

Ҳар қадамда бир фусун – Булғория,
Ҳам яшил, ҳам полагун – Булғория...

Тоғ аро мардона йўл – Булғория,
Дўстни ардоқловчи қўл – Булғория.

Шарқироқ, мовий Дунай – Булғория,
Аллаловчи, тотли май – Булғория.

Нур тўла, жоно шаҳар – Булғория,
Ишвали, оташ назар – Булғория.

Кўкда офтоб талъати – Булғория,
Чўнг бинолар савлати – Булғория.

Тунда денгиз шовқини – Булғория,
Тонгда селлар тўлқини – Булғория.

Шомда тоғлар уйқуси – Булғория.
Боғда қызлар күлгуси – Булғория.

Серғулув, дарё күча – Булғория,
Ой түлиб бокқан кеча – Булғория.

Хуштавозе, хушкалом – Булғория!..
Ассалом, Булғория, Булғория!..

Офарин, бағрингта олдинг онадек,
Талпиниб меҳрингга биз парвонадек.

Чарх уриб кездик диёринг қанчалар,
Гул узиб, ўпдик гулингда ғунчалар...

Гоҳи Руседа бўлиб сайрона биз,
Гоҳ Пловдивга бўлиб ҳайрона биз.

Гоҳи Бургасда сафолар айладик,
Гоҳи Добружда наволар айладик.

Гоҳ София бўлди манзил жойимиз,
Ул гўзал пойтахтга етди пойимиз.

Нуридан кўзларни айлаб нуриёб,
Биз Георгий мақбарин қилдик тавоб¹².

Варнага қўндинк йўловчи қуш бўлиб,
Кўркига боқдик тамом сархуш бўлиб.

Мұхташам денгиз уриб тўлқин яна,
Кўксимиизга отди нур – ёлқин яна...

¹² Георгий Дмитров мавзолейи.

Пахтакорлар ўлкаси Ямбол экан,
Андижон, деб айтса, тиллар бол экан.

Ғўзалар яшнаб, хаёлни маст этар,
Ўзбегу булғор дилни пайваст этар.

Кўп азиз Хасковонинг нони-тузи,
Ҳар замон такрор экан «Тошкент» сўзи...

Барчаси дилбар, сулув, барно тамом,
Барчаси дилкаш, гўзал, олиймақом.

Термилардим, бир ажиб аҳвол эди,
Шу ёниқ жонимда ўзга ҳол эди.

Ё ажаб, дердим, кўриб ҳам ёнда гул,
Ё ажабким, ерда гул, осмонда гул,

Гул эди, гулдан эшик, остона ҳам,
Гул эди вайрона ҳам, кошона ҳам.

Гул ўсарди боғ аро, бўстон аро,
Гул куларди мунгли қабристон аро!..

Термилардим... бир ажиб аҳвол эди,
Шу ёниқ жонимда ўзга ҳол эди.

Ярқиарди лахча ўтдек ғунчалар,
Мунчалар кўзларга оташ, мунчалар?

Олди гул сабри қароримни менинг,
Аста-секин ихтиёrimни менинг.

Гул ўпиб, гулзор аро гул танладим,
Гул узиб, гул бирла суҳбат айладим.

Қай биридан мен садолар тингладим,
Қай биридан мен нидолар тингладим.

Қай биридан тушди шу жонимга ўт,
Қай биридан тушди достонимга ўт.

Қай бирининг турфа аҳволин сўраб,
«Воҳ!» – дея қолдим қошида мўлтираб...

Қай биридан... борлиғим чирмаб қаро,
Ўртаниб ёндин улуғ ҳасрат аро!..

Мен нечук бовар этай, бовар этай,
Бовар этмасдан иложим йўқ, нетай.

Жами кўкатлар ҳалоли, поки гул,
Гоҳида номсиз шаҳидлар хоки гул.

Гул – шаҳидлар қони ёлғон сўзламас,
Сўзламас ёлғону ёлғон бўзламас.

Тингладим... аммоқи бир-бир ёзгани
Сўз қани оташли, оташ сўз қани?

Мен нечук тадбир этай, тадбир этай,
Неча бир дил розини тасвир этай...

3

Шульадек шаффоф булутлар остида,
Ям-яшил, юксак Витоша устида

Бир биёбон бор, фусункор каштадек,
Айланиб кездим уни саргаштадек...

Ҳар тараф осуда бир тилсим эди,
Билмадим, бир пайт шивирлаб ким деди:

«Тўхтагил, ҳой, бир нафас ёнимда тур...»
Орзиқиб тушди қўнгил; ким бўлди бул?

Елми саргашта, хаёлнинг мавжи ё?
Бир маҳал боқсан, шивирлар бир гиёҳ:

– Боқма қондошингта сен ҳайрон бўлиб,
Боқса тупроқдан сенга райҳон бўлиб...

Учди бошимдан қуюнек бир хаёл,
Пол бўлиб қотдим: не ҳолдир бу, не ҳол?

Сўйлади райҳон яна гулхонадан:

– Мен ҳам ўзбекман, ўшал Фаргонадан.

Гарчи тупроқман бугун майдон аро,
Улғайиб, ўсган эдим бўстон аро...

Эл, чинор, дерди суйиб қоматларим,
Безавол, дерди кўриб омадларим.

Бошда сочим тимқаро тўлқин эди,
Кўзларимда бир ажиг ёлқин эди.

Эркаларди орзию армон мени,
Жангта солди лек буюк даврон мени.

Хотирамда у аросат, ўтли тун,
Не аросат, ер оловли, қўқ тутун!..

Ҳайқириб, то субҳи шом жанг айладик,
Ёв билан уч кун давом жанг айладик.

Тирқираб қочди қўриб ёв танкимиз,
Воҳки, бир пайт ёнди лов-лов танкимиз.

Чирманиб ўт, кийди дунёмиз қаро,
Кул бўлиб қолдик буюк майдон аро...

Сочилибман кул бўлиб, тупроқ бўлиб,
Очилибман, гул бўлиб, япроқ бўлиб.

Сен-ки, жондошсан, мени қўксингта ол,
Ол мени қўксингтаю қўйнингга сол.

То етишин менга бўстондан нафас,
Менга бўстон – Ўзбекистондан нафас.

Битта япроғимни гулбоғимга элт,
Унга етказгил умидимдан умид!..

Сўйлади гул, гул тўла титроқ эди,
Сўйладим, қўнгил тўла титроқ эди:

– Шон-шараф бўлсин, фидойи жон, сенга,
Ҳам муборак шу буюк майдон сенга.

Қайси тил бирлан тасалло айтайин,
Нақди умрингта тасанно айтайин.

Сенки қардошликка жон бердинг ҳалол,
Безаволсан, безаволсан, безавол!..

Сўнгра йўл олдим туриб, бошим қўйи...
Кўзларимдан тирқираб ёшим қўйи...

Воҳ, бу Болқон!.. Мингашиб тош узра тош,
Чўққилар нақ ургудек юлдузга бош..

Чўққиларда жуфт бўлиб жайрон кезар,
Дев булутлар судралиб, сарсон кезар.

Шипкада этдик шаҳидлар ёдини,
Тингладик кечмиш замон фарёдини...

Поя-поя пастлашиб, индик қуи,
Қоя-қоя пастлашиб, индик қуи.

Бир маҳал қаршимда лов-лов лолагул!
Сирли бир гулхан қаби... тортди қўнгул.

Лолалар қўйнида мармар тош экан,
Лавҳи ҳам бор: «Турдиев Рустам» деган.

Оҳ уриб қолдим хаёллар қўйнида,
Сел бўлиб оқдим саволлар қўйнида.

Энгашиб уздим оловдек лоладан,
Тошга чирмашган оловдек ноладан.

Учди елдек бир садо, эврилди у:
– Эй нигоҳинг – сабза райҳонимга сув.

Эйки, оҳинг лола япрогимга ранг,
Бунда ётмиш бир самарқандий оғанг!..

Ёшлигим гул очди тоғлар қўйнида,
Яшнаган, феруза боғлар қўйнида.

Эсдадир у порлаган юлдузларим,
От суриб Ургутда юрган кезларим.

Эсдадир дўстлар, ёронлар, нечалар,
Ёр билан ойдинда юрган кечалар...

Ногаҳон тушди йўлим майдон сари,
Сўнг шу майдон орқали Болқон сари.

Шу баланд тоғлар оша жанг кетди, жанг,
Чўққиларга чирмаша жанг кетди, жанг.

Евга ўт ёғдирди бизнинг замбарак,
Ёв ҳушни оғдирди бизнинг замбарак.

Билмадим, у қайси фурсат, қай замон
Ёв ўқи чок этди бағрим беомон.

Қийналиб чиқди ширин жоним менинг,
Қояларга оқди кўп қоним менинг...

Энгашиб бошимга бўлди соябон,
Шу баланд тоғлар, шу юксак осмон.

Қолди қабрим, қолди армону алам:
Гулдиёрим, гулнигорим, уч болам!..

Сенки жондошсан, менинг додимга ет,
Битта япроғимни гулбоғимга элт.

То етишин унга бўстондан нафас,
Унга бўстон – Ўзбекистондан нафас.

То гулим яшнаб очилгай янгидан,
Ҳидлари ҳар ён сочиғтай янгидан...

Лола роз айтарди, бағри доғ эди,
Поладек күнглим тұла титроғ эди.

Титрабон айтдимки:

– Олқыш, шон сенга,
Кекса Болқон – мангу бир құрғон сенга.

Сенки қардошлиқка жон этдинг нисор,
Пойидорсан, пойидорсан, пойидор!..

Сүнгти бор боқдим...

– Омон бүл!
– Алвидо!

Қояларга чирмашиб қолди садо...

5

Ел сочиб анбар, Қазанлиқдан эсар,
Раста-расты оқ атиргуллар ўсар...

Бунда гул майдонга гул майдон туташ,
Сүнгра ул майдонга ул осмон туташ.

Гоҳида бир «хув» дея эсган шамол
Чайқатар гул мавжини дengиз мисол.

Ястаниб ётдим чаман гул остида,
Чилчароғ, ораста қандил остида.

Томди юзга «чак» этиб гул шабнами,
Ох, дедим, бу балки бир дил шабнами.

Ох чекиб тебранди гул, тебранди гул,
Рози дил айтиб бошимда ёнди гул.

Гул ёниб бошимда айтди:

– Ҳой, жигар!

Күзга иссиқсан, бухорийсан магар...

Чор минор ортида боғим бор эди,
Кечалар ёнган чироғим бор эди.

Бор эди уйимда посбоним онам,
Не онам, жоним онам, жоним онам!..

Не йигитликдирки, ул майдон аро
Оналар деб этмаса жонин фидо!..

Хўрлатиб қўймас йигитлар онани,
Йифлатиб қўймас яна жононани.

Оналарни шум фашист хор айлади,
Хор этиб, ҳар ерда абгор айлади.

Жабру бедод этди кун-кундан ёмон,
Не қабоҳат бор яна бундан ёмон!

Не қабоҳат манзара кўрдим у кун,
Ёв келарди телба итдек оғзи хун.

Оналарни найзага пешров қилиб,
Мол каби ҳайдаб, суриб, қистов қилиб.

Етмади мақсадга у мардлик била,
Энди етсам, дерди, номардлик била.

Бош эгиб, маъюс келарди оналар,
Кекса булғор оналар – гирёналар.

Тепкилаб душман, уриб ҳайдарди бот,
Хун бўлиб боқдим ва мен кўрдим кушод:

Бор эди олдинда гирёним онам,
Не онам, жоним онам, жоним онам!..

Борми тоқат! Биз отилдик ўт бўлиб,
Қарға-қузғуларга нақ бургут бўлиб.

Етди найзам ёвга... етдим жонига,
Неча бир манфурни қордим қонига.

Найза санчиб, бермадим мен ёвга гал,
Воҳ, ўзим... беҳуш йиқилдим бир маҳал.

Қанча фурсат ўтди, билмам, бир замон
Ерда қон кўрдим, яна қўксимда қон...

Ўлтирас бошимда гирёним онам,
Не онам, жоним онам, жоним онам!

Қучди бошим, сўйлади булғорчалаб,
«Рози бўл, она!» - деёлдим ҳижжалаб...

Боғузарда бир яшил дарвоза бор,
Шаҳр аро гул нақшидан овоза бор.

Бор унинг пештоқида бир дона байт,
Қоқ ўша дарвозани, исмимни айт...

Исмим айтиб, бер гулим жононага,
Олмаса, қўйгил ўшал оstonага...

Ғунча роз айтарди, бағри қон эди,
Ғунчадек бағрим тўла афғон эди.

Ох уриб, айтдимки:

– Олқыш, шон сенга,
Шу Қазанлиқ – равзаи бүстон сенга.

Сен нисор этдинг шу қардошликка жон,
Бехазонсан, бехазонсан, бехазон!..

6

Варнадан бирпас юриб, құйсанг одим,
Бор Несебр шаҳри – құрғони қадим.

Пойида феруза денгиз чайқалар...
Термилиб боққанга тенгсиз чайқалар...

Боғчалар тұлмиш ажыб шов-шув била,
Турфа құшлар нағмаси, қий-чув била.

Наргизистонларда кездим уззу кун,
Уззу кун янграб қулоқда сирли ун...

Сирли бир ун... Ел чекарми, құш чекар?
Пайқадим, бир нарғизи сархуш чекар...

Қошига бордим... күриб ёлғиз мени,
Күмди анбар атрига нарғиз мени.

Айтдики:

– Күрдим йироқдан келганинг,
Бир инингман, хоразмлик бир ининг...

Бўлма ҳайрон, ўтса ҳамки кўп замон,
Авжи ўн тўққизладир ёшим ҳамон...

Авжи ўн тўққиз!.. Мұхаббат ёши бу,
Қайга борса, севгининг йўлдоши бу!

Қайга борса, дил бериб, дилхөх бүлар,
Қайга борса, севгиси ҳамроҳ бўлар.

Унга жанг, қирғин-қабоҳат чоғи ҳам
Севги ҳамдам, балки ҳамдамдир санам...

Менга Лилияна гўзал ҳамроҳ эди,
Кўзлари жон олғучи, шаҳло эди.

Бўйлари ҳам бор эди самбитмисол,
Лаъли узра нуқтадек бир дона хол...

Ёндиравли лаъли гулранг оташи,
Не писанд майдон аро жанг оташи!

Биз севардик, йўқ эди севгига айб,
Биз ёнардик, йўқ эди орзуда айб.

Биз кулардик, йўқ эди кулгуда айб,
Рашк этардик, йўқ эди туйфуда айб...

Ўт ёнар, ўт жанг аро майдонда ҳам,
Ўт ёнар, ўт ишқимиздан қонда ҳам...

Жанг қиласарди тек туриб бизнинг десант,
Йўқ эди майдон писанд, душман писанд.

Партизанлар ҳамдаму ҳамдаст эди,
Бор эди Лилияна, менга бас эди...

Мен ва Лилияна қоронғи бир кеча
Ёв қароргоҳини айландик пича.

«Кут» дедим, кетдим эмаклаб илгари,
Тобора мудҳиш эди жимлик сири...

Воҳки, бир пайт қўпди ортимдан сурон,
Англадим: аҳвол ёмон, аҳвол ёмон!..

Қичқиради қиз... Отилдим қиз сари,
Ҳар тарафдан нур отилди биз сари.

Сўнгра ўқлар ёғди – селдай... телба ёв –
Иккимизни қилди шу майдонда «ов»...

Мен чопардим қизга, ул ҳам мен томон,
Қиз чопарди менга, мен ҳам ул томон.

Неча бор бизни қулатди нур, олов,
Неча бор зулматга отди нур, олов.

Лек гўзал орзу амалга ошмади,
Жон берарда қўлга қўл чирмашмади.

Сўнгги бор кўрдим нигорим жон узиб,
Қадди ёй, бўзлар йироқдан қўл чўзиб...

Бир қоронғи жарга сўнг учди танам,
Сўнди дунё, сўнди ул Лиляна ҳам!..

Оғадирсан, оғадек чўзгил қўлинг,
Қўхна Урганчга агар тушса йўлинг,

Унда детдом бор, қадрдон ҳовлида
Шоҳ ёйиб, бир қайрағоч ўстган жуда...

Йиғлама, қўй, беҳуда ёшингни қўй,
Ул дарахтта сен бориб бошингни қўй.

Бош қўйиб бир зум, менинг номимни тут,
Ўзлигингни тарқ этиб, бир дам унут.

Тинглайсан бир күнгилнинг зорини,
Ёшлигимнинг орзулар изҳорини...

Вой, яна ҳасратга түлдим, вой-вой,
Бошига үнсиз эгилдим, вой-вой...

– Қайси тил бирлан сенга таскин этай, Қайси дил бирлан яна таҳсин этай.

Сенга олқыш, сенга шұхрат, шон сенга,
Мангу посбон шу буюк уммөн сенга.

Сенки, қардошлика жон этдинг фидо,
Үлмагансан, бүлмагай умринг адо!..

7

Кекса Болқон устидан мен ҳар маҳал
Ҳар тарафга күз тикиб, солсам назар,
Ястаниб яшнар гүзал булғор ери,
Бахтли булғор халқининг гулзор ери.

Ел қулоққа келтирады минг бир садо,
Не садолар ичра шундай бир садо:

- Бунда ётмиш бир ватандошинг,

болам!..

Шундадир, о, бир шаҳид бошинг,

болам!..

– Битта эллошинг бу ерда,

бундадир!..

– Битта дилдошинг бу ерда,

бунладир!..

- Мен құқонликман, қулоқ сол,

хой жигар!..

- Андижонликман, қулоқ сол,
 ҳой жигар!..
- Кўкчаданман... худди Тошкент
 шаҳридан!..
- Асли наслим худди Сурхон
 наҳридан!..
- Каттақўрғонлик тоғанг ҳам
 бор яна!..
- Марғилонлик бир оғанг ҳам
 бор яна!..
- Мирзачўлликман!..
- Нукусдан!..
- Хивадан!..
- Фиждувонликман!
- Фузордан!
- Қувадан!..

Ҳар тарафдан Ўзбекистон унлари!..

Ҳар тарафда Ўзбекистон гуллари –

Гуркирар гулшан бўлиб, гулшан бўлиб,
Турфа гуллар бандига пайванд бўлиб.

Неча кўрдим яшнаган бўстон аро,
Тоабад меҳрин тутарман жон аро!..

Йўқ, фақат ўзбек эмас, рус гуллари,
Ҳур ватанинг турфа юлдуз гуллари

Гуркирар гулшан бўлиб, гулшан бўлиб,
Нурли булғор боғига фарзанд бўлиб.

Ҳар қадамда жонажон рус қўшиғи,
Оға рус, деб ярқирап гуллар чўғи.

Оға рус, деб ҳар замон күзларида нур,
Рус деса, дилларда бир баҳри суур.

Не табаррук лавҳаларда оти бор,
Не буюк шукроналарда ёди бор.

Қалъалар сўйлайди руснинг шонини,
Қоялар сўйлайди турк достонини.

Асрагайман меҳри-ёдин жон қадар,
Ифтихорим шу буюк осмон қадар!..

Эй гўзал Булғория, Булғория,
Мангу оташ бир ғазал, Булғория.

Сен-ку қардошликка мангу ташнасан,
Чашмасан, порлоқ қуёшга чашмасан!

Чашмасан, тегрангда шу гуллар ўсар,
Нур зилолингни қуюнлардан тўсар.

Мавж уриб оқ, умрибоқий бўл мудом,
Базм аро дўстларга соқий бўл мудом!..

Кўкка ҳамсоя шу Болқон устидан
Тикланиб, боқсам қуёшнинг остидан,

Йўқ, фақат булғор эмас, ё бошқалар,
Волгадан то Элба дарёси қадар –

Не азизлар жонидан ёдгор бўлиб,
Не шаҳидлар қонидан гулзор бўлиб,

Барқ ураг беш қирра юлдуз гуллари,
Не улуғ майдонда сўнгсиз гуллари!

Хар қадамда бор қүёшдан чашмалар,
Сипқорур ҳар дам қүёшни ташналар...

8

Нурли Болқон күркига мафтун бўлиб,
Мен Бухорога, мана, қайтдим тўлиб.

Давраларда не фасона сўйладим,
Не фасона ёна-ёна сўйладим.

Сўйладим кўрганларим аълосидан,
Не чаманларнинг чаман анвосидан...

Бир куни бордим ўшал дарвозага,
Ул шаҳид айтган гўзал дарвозага.

Бир аёл чиқди ва тинглаб арзи ҳол,
Жавдираб қолди менинг қаршимда пол...

Не хаёллар ичра юрдим неча кун,
Ўй суриб турдим-ўтиридим неча кун.

Не саволлар чарх уриб, қийнарди жон,
Қоқди дарвозамни кимдир ногаҳон.

Ҳовлиқиб чиқсам, эшикда бир момой,
Юз-ажин, соchlар қировдай, қадди ёй...

Бир нажот сўрган каби мендан шу дам,
Сўрди у:

– Булғорда бўлдингми, болам?

Кўрмадингми унда ўғлим қабрини?
То бирор зум кўзга сурсам гардини!..

Мен нечук тадбир этай, тадбир этай,
Бу ситамкор лавҳани тасвир этай!

Мен узатдим унга болқон лоласин,
Она топди ўғлини, ул онасин...

Ташлади-кетди мени ўз доғига,
Она бирла олди йўл қишлоғига...

Чарх уриб бошимда эврилди хаёл,
Келди қошимга яна жаннатмисол,

Ой диёр, офтоб макон Булғория,
Жонажон Булғория, Булғория!..

Тутмади ўзни дариф мен, ташнадин,
Тўлдириб тутди қуёшли чашмадин.

Сеҳридан бу сўнгти жом бўлди менга,
Сўнгти жом, сўнгти паём бўлди менга.

Воҳ, зилоли нурни чил-чил синдириб,
Ёнди бирпас кўзларимни тиндириб.

Жомидан жонимга сипқордим сафо,
Жомидан жонимга чирмашди садо!..

1972, август



ЭШИҚДА ОЙ ТҮЛҚИНИ

Сеҳрли ой,
Савдоли санам,
Саҳарларнинг соҳибжамоли
Табассуминг остида олам
Сеҳрланган қўшиқ мисоли...
Кулишингдан... жилдироқ сувга
Жим-жим оқиб тушар шуълалар.
Тоғлар чўмиб зилол уйқуга,
Тилсим бўлиб ётар далалар...
Бошлайсан ошиқни,
 маъшуқни
Таманнойи висол йўлига,
Тўкасан олтининг,
 кумушларингни
Уларнинг кўзига,
 кўнглига...
Руҳим уйин очаман ҳар гал,
Дейман, ойдин мавжингта тўлай.
Мавжларингга тўламан, гўзал,
Айтиб беролмасам, не қиласай...
Сийнанг узра қўйганда оёқ,
Сен албатта, совуқ жисмсан.
Лекин башар лабидан ҳар чоғ
«Мен гўзал!» – деб учган исмсан.
Ойсан, жоним,
Ойсан ҳартугул,
Гавҳарсан фалакнинг бўйнида.
Сени кутиб, мудрайди булбул
Қоронғи чаманзор қўйнида...

Йигит юрагимнинг қатида
 Яшар бола хотираларим.
 Азизларим, азизаларим,
 Нодирларим, нодираларим...
 Кумуш сандиқларда
 Сақланар улар,
 Бирам ажиб, бирам ғалати.
 Кўзларимда завқи,
 нашъаси яшар,
 Лабларимда мазаси-тоти...
 Бир гал денг...
 Ҳали ҳар орзиқар кўнглим,
 Саратон палласи... мен муштдек бола.
 Кўл чўзсам, ҳозир ҳам етгудек қўллим,
 Латиф ва хаёлий манзара...

Тун яrim,
 Тўсатдан уйғониб кетдим,
 Туртиб уйғотгандай бирор атайин.
 Атрофга аланглаб, тонг қотдим,
 Ҳайратта чўмардим боққаним сайин...
 Умрим бино бўлиб,
 (Олти ёшдайдим),
 Кўрмагандим бунақасини.
 Ой ҳовлига қўниб, очмоқ бўларди
 Эшикнинг нимқия табақасини,
 Уй қоронғи эди,
 Уй қоронғи...
 Ҳовлида-чи, эртак-афсона.
 Ой дарёси тошарди, худди
 Олтин қирғоқ эди бизнинг остона..

Ҳаяжондан
 Жимиirlаб танам,
 Эртакдан кўз узмай, оҳиста турдим.
 Оҳиста-оҳиста ташладим қадам,
 Ўша олтин қирғоққа юрдим...
 Сўнгра туриб қолдим
 Сирли соҳилда,
 Бошдан ҳушим учиб, хаёлим учиб.
 Икки қўлим – икки кесакида,
 «Дарё»га ботганча оёғим учи...
 Кейин бир оёғим
 «Ботирдим» унга,
 Кейин бошқасини... Ана мен –
 Ой дарёси – сирли тўлқинга
 Фарқ бўлдим,
 фарқ бўлдим тамоман!..

Ой супада
 «Шип-шиг» юрган кўйи,
 Кезиб юрдим шундай шодумон.
 Кўзларимга сингиб ойнинг нури
 Ухлаб қолдим саҳарга томон...

2

Йигит юрагимнинг қатида
 Яшар бола хотираларим.
 Азизларим, азизаларим,
 Нодирларим, нодираларим...
 Бир гал... том бошида
 Аста финfillаб,
 Юлдуз ўяр эдим хивичга.
 Катта йўлдан
 Бизнинг боққа қараб,
 Кела берди уч-тўрт бричка.¹³

¹³ Бричка – тўрт ғилдиракли арава.

Терга ботган отлар,
Фалати одамлар...
Шапкаси чармдан... йилт-йилт этади.
Фийқиллаб-фийқиллаб ғилдираклар
Худди бизнинг боқقا келиб тўхтади...
«Ҳо-о-о, хўжайка!»
Овоз берди бири,
Бувим чиқди, турди сўйлашиб.
Кейин аллақандай қутиларни
Таший бошладилар
кўллашиб...

Бироздан сўнг яна:
Тақир-туқур, тақир-туқур...
Аравалар қайтиши изга.
Кам эмас, бир чорвоқ асалари
Ва қоровул қизни қолдириб бизга...
Туради у...
Аллақандай ғамгин,
Кетган аравалар изидан боқиб.
Мовий қўзларига тивит рўмолдан
Тушганди сочининг бир тола оқи...
Этнида
Кўйлакка ўхшаш бир нима,
Устида пахталик, эски жужунча.
Оёғида кигиз этик – пийма,
Қўлида жигарранг жажжи тугунча...
Кейин бувим бошлаб,
Уйга киришиди,
Кўшнилар чиқишиди: «кўрайлик».
«Тил билмас шўрлик», деб ачинишиди.
Лекин тан беришиди: «чиройлик!»
Кўрпачада
Эплаб ўтиrolмай,
Хижолат ҳам бўлди, қизарди андак.
«Ўрисмикин, хоҳол?»

Шунда тушунди қиз,
Секингина сүз қотди: «полак»...
Поляк қизи экан,
Вой, бечора!..

Ҳамма таажжубда термилди бир дам.
Кимдир луқма солди:
«Гитлер газанда
Хонавайрон қылган полякларни ҳам...»

Қашқар пиёлада
Ҳўплаб қўқ чойни,
Бувим бир нарсани эслади шунда:
«Биласан, қизимка, менинг Мансурбойим
Жанг қилади ҳозир сенинг юртингда...»
Тушундими ёки...

Ҳар қалай,
Бир нималар, деди, жонланиб,
Кўзида ёш бўлиб қуйилмоққа шай
Намчил туйфуларнинг юлдузи ёниб...
Сўнgra жим қолди-ю,
Жилмайиб аранг,
Юзидан сидирди қайғу булутин,
Кимдир секин деди:
«Сочларини қаранг,
Сочлари оқариб кетибди бутун...»

3

Бола осмонимнинг
Юлдузи Нина,
Қайлардасан ҳозир?.. Қандоқ биламан?
Хаёл эшигини очиб жимгина,
Кел, жоним, бир нафас кўрмоқ бўламан...
Чеҳрангни ёритган кўзларинг сенинг
Бирам шаҳло эди, бирам ғалати.

Хаёлга чўмганди юзларинг сенинг,
Ҳайрат эди ўша дengизнинг оти...
Уруш бўронида ҳасдек чирпираб,
Олис бир ўлкада гул очган ниҳол,
Алифдек қоматинг бор эди ажаб,
Маъюс эдинг, лекин мунаvvар хаёл...
Оппоқ рўмол ўраб боғимиз аро
Паришон шуълалар ичра юрадинг.
Ўша мовий кўзлар – кўк дengиз аро
Билмадим, қизгина, кимни кўрадинг.
Майин тўлғанишлар билан ҳар онда
Қулоққа келарди овозинг сенинг.
Кўзларим олдида, боғда, айвонда
Юришларинг сенинг, парвозинг сенинг...
Осмон бағри мовий рангларга тўлиб,
Боққа тушганда ҳам қоронғи хуфтон,
Асал қутиларга парвона бўлиб,
Кўлинг бўшамасди рамка-чорчўпдан...
Сокин туш пайлари хаёлинг учеб,
(Изингдан эргашиб кўрганман неча).
Ариққа тушардинг, зилол сув кечиб,
Кета берар эдинг бошинг эгикча.
Гоҳо ярим тунлар жимжит ҳовлини
Ларзага соларди аччиқ бир фифон.
Бошингта борарди бувим ҳовлиқиб,
Үйғониб боқардинг ҳомуш, паришон...
Эҳ, Нина, айрилиб манзилхонадан
Бошингта тушмаган не ҳижрон-алам?
Билардик, бирйўла ота-онадан
Аросатда жудо бўлганингни ҳам...
Ўзига банд этиб не бардошларни
Барингта чўкмишиди қайғулар тоши.
Оқизмоқ бўларди ўша тошларни
Қайноқ кўз ёшлиаринг кўпиреб-тошиб...

Бизнинг оиласа комил бир аъзо
 Бўлиб кирди кам-кам Янина гўзал.
 Мен уни жонимдан ардоқлаб аммо,
 Мен унинг бошига орттиридим жанжал...
 Шишган қулоғимнинг «қасоси» учун
 Тош, кесак тўлдириб бир кун этакка,
 Ишга солдим бутун болалик кучим,
 Болари қутисин қилдим «атака» –
 Арилар чақиши
 Хунхор, дарғазаб,
 Гўё қуюн, гўё саҳро кўчкини.
 Ўйлаб туришмади, босиши чуваб,
 Ёнбошда, арқонда турган эчкини...
 Кўшнининг эчкиси
 Маъраб жон ҳолатда,
 Арқонни узгудек югурди ҳар ён.
 Сўнgra «гурс» йиқилди аросатда,
 Боғни тутиб кетди чанг-тўзон...
 Жавлон кампир
 Хабар топиб келди,
 Қаҳру ғазабидан титради томлар.
 Нинанинг бошига дўлдай ёғилди
 Таъналар, қарғишилар, дашномлар...
 Шундай хижолатта қўйдим мен уни,
 Гуноҳи йўқ эди «тирноқча».
 Худди шу жанжалнинг эртаси куни
 Сигиримиз туғди ола бузоқча.
 Тўрт кунми, беш кунми ўтди шу гапдан,
 Унут бўлди жанжал, кудурат, гина.
 Бир куни туш маҳал ҳовли тарафдан
 «Она! Онажон!» – деб қичқирди Нина,
 Эшикка югурдик,
 Нина айвонда,

Күлида сут тұла сопол құшқулоқ.
Имо қилар эди ҳовли томонга,
Ранглари оқарған, лаблари титроқ...
Супада...
Қадамин шаҳд билан босиб,
Келарди азамат, аскар бир үғлон.
Бир құлин негадир бүйніга осиб,
Бир құлин чүзганча, кулиб биз томон...
Бувим: «Болам!» – дея,
Айрилди ҳушдан,
Мен ҳам сурон солдим: «Тоға! Тоғажон!..»
Тоғам қайттан эди қонли урушдан
Ҳовлимиз бирпасда бўлди тўполон...

5

Ўша йил
Ёзмисан ёз бўлди роса,
Еру кўкка сифмай файзи-чиройи,
Катта дош қозонда пишиди ҳалиса,
Бувим қилиб берди «худойи».
Тоғам ишга шўнғиб кетди тамоман,
Тегирмон қуришиди қуйи қишлоқда.
Сув тегирмон эмас, мотор тегирмон,
«Гуп-гуп-гуп» ургани қулоқда...
Атайлаб кўргани бордим неча бор,
Қизиқ, қараб турсанг, эсинг оғади.
Чириллаб айланар темир ғилдираклар,
Ленталар шовуллаб оқади...
Бир қути тепада
Шигга тегай-тегай
Қимирлаб туради, оти «дўл».
Пастда, унга дон етказолмай,
Нуқул қичқиришар: «Бўл-ҳа-бўл!..»
Эртадан кечгача одам аримайди,

Бола деганику, тумонат.
Тегирмон – уй шүрлик титраб-қалтирайди.
Унга ачинишар: «Омонат!..»
Тегирмонга саҳар жүнайди тоғам,
Лекин қайтар фақат ярим оқшомда.
Бувим уйда кутар тайёрлаб таом,
Бизлар Нина билан кутамиз томда...
«Қораси» күринар күзга бир замон,
Оқариб гард-ғубор «упа»дан.
Аввал күпприк,
Кейин дарвоза-долон,
Кейин чала ойдин супадан...
Мана у,
Солдатча этикларини
Гурс-гурс қоқиб, кейин уйга киради.
Нина шунда аста күзғалған күйи,
Алмисоқ нарвондан тушиб боради...
Кейин ичкарида овоз:
Ғұнғир-ғұнғир...
Тоғам дастурхонга үзни шайлайди.
Узоқ ювинади: шилдир-шилдир...
Ярасин янгитдан бойлайди,
Нина қарашади...
Кұраман шунда
Дока бойлаб, тортган құл-қуличини.
Деразада, чироқ шуыласида
Юзини, солланған үрим сочини...
Нимадир сүзлайди,
Кулади..
Сирли күринади йироқдан.
Бир пайт «шип-шип» босиб чиқиб келади,
Құзимни узаман чироқдан...
Еңгил, аммо
Қизғин олади нафас,
Түшакка чўқади ҳансирағ, оғир.

Тоғам термиларди унга бекониқ,
Ажаб сархуш эди күzlари...
Бир маҳал
У қизнинг қўлларин тутиб,
Ўзига яқинроқ сурмоқчи бўлди.
Нина унамади, сочин силкитиб,
Чекинди, чайқалди, шўх кулди...
Сўнг ўзи энгашди, ажабо,
Тоғамнинг қўксига кафтини қўйиб,
Болани суйгандай эркалаб, суйиб,
Бир нималар сўраб, этди илтижо...
Ағрайиб қолибман...
Пайқашмайди ҳам,
Оlamда ўзларин сезишар якка.
Қўрқувми, ҳаяжон чулғайди танам,
Бурканиб оламан тўшакка...
Шу кеча уйқумга,
Оромим бузиб,
Кириб-чиқди ғалати тушлар.
Тун эмиш... Осмонга чиқармиш юзиб,
Нина билан мен севган қушлар.
Ҳадеб учишармиш,
Ҳадеб учишармиш,
Ойнинг атрофидан айланиб.
Бир боқсам... биттаси самолёт эмиш,
Шўнгий бошлаганмиш ваҳима солиб.
Бомбалар портлармиш,
Бомбалар!..
«Лоп» этиб олови сўнармиш лекин.
Ҳўприқиб уйғонсам, сутдай саҳар,
Тоғам кўкка қараб ухлайди сокин.
Қошлиари чимрилган...
Шундай сулув!
Ҳар замон бир ширин тамшаниб қўяр.
Атроф жимжит, фақат тўлқин уриб сув,
Хув, катта ариқда шовуллар...

Тасаввур этаман...
Ой нурида сув
Жимиллаб мавж урар майсар қырғоққа.
Үша зилол сувдай тиниқ бир уйқу
Оқизиб кетади мени йироққа...

7

Кейин нима бўлди?..
Ишқнинг дафтари
Ҳар кун оча берди янги бир варақ.
Кунлар ўтаберди, кун ўтган сари
Нинанинг юлдузи ёнди ёрқинроқ...
Жисмини чулғади
Патиф бир оташ,
Гул очиб, чиройи бўлди зиёда.
Мовий кўзларида офтоб аралаш
Порлади баҳорий шўхчан ифода.
Орзулар, умидлар
Қанотида қиз
Бахтлар осмонида учиб юрарди.
Билардим, бироннинг исмини ёлғиз
Лаблари шивирлаб айтиб турарди.
Ҳали Зуҳро кўкда
Юммасдан кўзин,
Куёш уфуқларга боқмасдан шайдо,
Юзларида ўйнаб саҳар ёғдуси,
Боғда малак каби бўларди пайдо.
Юрарди малакдек
Тоза ва маъсум,
Тонгги шабнам ювган қутилар бўйлаб.
Гулбарг лабларида яшнаб табассум,
Оташ кўзларида имолар ўйнаб...
Гуллардан
Маржондек шудринг-садафни

Силкитиб, ортарди севинч-сурори.
Сезардим, ҳар замон полиз тарафни
Яширин изларди күзининг қири...
Унут эди гүё
Кулфат, мусибат,
Унут эди гүё айрилиқ, ҳижрон.
Севги оташида ёнарди фақат,
Фақат топған эди шу оташда жон...
На ойдин тунларда
Суурига чек,
На шўх хаёлига жилов, банди-баст,
Тоғам Зухросини топған Тоҳирдек
Яшарди севгининг сөхри билан маст...
Мен-чи? Шамол бўлиб,
Елардим мен ҳам,
Япроқлар қўйнида ўзни унутиб,
Бувимнинг: «Тезда тўй қиласиз», – деган
Ширин гапларига қулоғим тутиб.
Нинани «янгам» деб
Ҳар куни, атай,
Мақтаниб қўярдим жўраларимга.
«Янга» деган сўзнинг латофатта бой
Янгроқ садосини севардим жуда...

8

Бир куни
Эрталаб районга тушиб,
Нина шомда қайтди шу кетганича.
Толиққандай эди, ранглари ўчиқ,
Менга келтирибди расм китобча.
Хужрасига кириб
Ечинди караҳт,
Суйканиб, севинчим сўзладим.
Бошимни силади, қарасам бир пайт

Жиққа ёшга тұлди күзлари...
Сабабини сұрасам,
Айтмади,
Хомуш тураберди бошини эгиб,
Эртаси әрталаб, нонушта пайти
Күлини күйдирди қайноқ чой түкиб...
Хамма ҳайрон әдик
Холига қараб,
Лекин етолмасдик ҳақиқатига.
Күзида ёш билан қуларди ажаб,
Күлгиси үхшарди йиғига...
Бошига тушгандаі
Мүшкүл бир савдо.
Оламга мұлтираб боқарди.
Күринмас гулханда ёнарди гүё,
Күринмас гирдобда оқарди.
Фақат бешинчи кун
Тарқ этди уни
Оғриқли хаёллар, хайрият.
Ёришди руҳида шу куни
Бир қарор, бир тұхтам,
қатыяйт!..

9

Шу кече оймома
Бироз шом еди,
Қора чизиқ эди ҳар ниҳол-новда.
Тоғам нимагадир паришен эди,
Тоғам нимагадир безовта.
Ҳадеб тұлғанарди,
Бувим сүзича:
«Билмадим, нима жин урипти».
Қани, Нина бўлса, дердим қошида,
Бир боқсам, қошида Нина турипти...

Чиқаётган ойнинг
Қизғиши шульаси
Юзин ёритарди бошқача.
Ясаниб олганди чамаси,
Бошида нопармон дуррача...
«Мансур, жоним!» – деди,
Қолди жим...
Тоғамнинг кўксига бошини қўйиб.
Тоғам ҳам нечундир ичдан олиб тин,
Қизнинг соchlарини силади суйиб...
Бир пайт
Чўнтағидан хат олди Нина.
Туртиниб, бир нима сўзлади аранг.
Қувониб қутлади тоғам аввалига,
Кейин қотиб қолди ҳангуманг...
«Наҳот!» – деди кейин
Чеккандай фифон,
Кўзларини узмай қизнинг юзидан.
«Шундай...» – деди Нина, лекин шу замон
Ёши оқиб кетди кўзидан...
Мазмуни –
Чекса-да кулфат ва хўрлик,
Балолар ёғса-да кекса бошига,
Тирик қолган экан онаси шўрлик,
Қизини чорлапти қошига!..
– Отанг ҳалок бўлди,
Тортуб не алам,
Бағрим тўла қон! – деб ёзибди.
Ўзинг суюнчиқсан, кела қол, болам,
Кўзим ниғорон! – деб ёзибди.
Шу он нафасларим
Бўғилгандайин,
Типирчилаб қолди кўксимда юрак!..
Бундан чиқди... Нина кетади тайин,
Бундан чиқди... кетмоғи керак!..

Фарид эди тоғамда ақвол,
Тебраниб турарди әгтанча бошин.
Нинада ҳам ғаройиб бир ҳол,
Табассум қиласарди,
Оқизиб ёшин...
Шу кече
Яна бир иш бүлди қизиқ.
Мени ва тоғамни қолдириб ҳайрон,
Нина қүшиқ айтди, сирли бир қүшиқ,
Үртантан саслари ёдимда ҳамон.
Күйларкан шикаста
Ним овоз билан
Тоғамнинг юзига юзин сурди у,
Кейин айтиб-айтиб сидқи роз билан
Қүшиқ маъносини тушунтириди у.
Юртидан йироққа тушган бир кимса,
Унинг байтларида очибди тугун.
Юртини соғинган экан алқисса,
Нинанинг ёдига тушибди бугун...

«Висла дарёсининг ўнг қирғоғида
Этаги уфукқа туташ ўрмон бор.
Туташ ўрмонзорнинг энг овлоғида
Бир қаср азалдан вайрона ётар...
Вайрона саҳнида ўсар қизил гул,
Ўша қизил гулни қўмсайди кўнгил!..

Олтин буғдойзорлар устида яккаш,
Айланиб туради шамол тегирмон.
Буғдойзор бир тараф ботқоққа туташ,
Бир тараф кетганча ям-яшил сайҳон.
Яшил сайҳон аро ўсар қизил гул,
Ўша қизил гулни қўмсайди кўнгил!..

Кўҳна Варшаванинг тор кўчасида
Ажаб қўрғонча бор, зумрад бўёқли.
Зумрад қўрғончанинг даричасида
Осма гулхона бор, барра япроқли.
Барра япроқ аро ўсар қизил гул,
Ўша қизил гулни қўмсайди қўнгил...»

Сўнгги бор қалтираб,
Тинди қўшиқ ҳам,
Нина жимиб қолди. Тоғам жим.
Жимиб қолган эди наздимда олам,
Дукиллаб уради юрагим!..
Улар ухламади тонггача,
Мен ҳам ухламадим, ўйладим.
Кўрпага бурканиб олганча,
Куйиниб-куйиниб йиғладим...

10

Эртасига Нина
Хайрлашди чин,
Күш каби шайланиб олис йўл сари.
Бир титроқ бор эди жисмида лекин,
Оқариб титрарди лаблари...
Хайрлашди бир-бир,
Навбатма-навбат,
Ахир тиёлмади кўзда ёшини...
Бувимга етганда... неча бир фурсат
Қўтаролмай қолди бошини...
Мени қучиб, ўпди,
Қўнглим безиллаб,
Ёшли чеҳрасига назар солмадим.
«Унутма» дегандай бўлди шивирлаб,
«Унутмам» дедими... била олмадим.
Бувим ҳам йиғларди,

Пичирлар эди,
Тиллари қовушмай дуодан ўзга.
Тоғам Нина билан бирга жұнали,
Кузатиб қўйгани поездга...
Боққа чиқсам...
Ҳамма ёқ бўм-бўш,
Ҳувиллаб қолибди тахта сўрилар.
Шафтолига қўниб йиғлайди бир қуш,
Йиғлаб учар эди асаларилар...
Тоғам шомда қайтди,
Қош қорайган чоғ,
Бир хил бўлиб кетдим ҳолига қараб.
Туз ҳам татимади, ўй суриб узок,
Ариқ бўйларида юрди тентираб...
Мен полизда
Ёлғиз хаёл сурдим,
Ажаб манзаралар кўрдим қоришиқ,
Поезд учиб борар... ундан ҳам олдин
Учиб борар аммо сирли бир қўшиқ...
Нина кириб борар
Варшавасига,
Юртининг шамоли сочин силайди.
Онасини қучар, лекин шу дамда
Мансурини эслаб йиғлайди...
Нина кетди,
Кетди авжи латофат,
Қолди йўлларида термилиб кўзлар.
Чамамда, унчалик куймади фақат
Қишлоқдаги бўй етган қизлар...
Нина кетди,
Бутқул кетмади, аммо
Кетди бир нималар қолдириб.
Бир нималар қолди кўзим, кўнглимда
Мени хаёлларга толдириб...
Йиллар ўтди...

Мен ҳам ўнгланиб аста,
Эсимни, ҳушимни ўнглай бошладим,
Мен ҳам ватанимга бўлдим дилбаста,
Мен ҳам гўзалликни англай бошладим.
Ойдан ой ўтдию,
Йилдан йил ўтиб,
Ёндириди бағримда ўтли туйғулар –
Ўша Ойдан оқиб, Нинани ўпиб,
Менинг юрагимга кирган ёғдулар...
Ўтли туйғуларни
Изладим яккаш,
Ўтли туйғуларнинг басири бўлдим.
Оқибат, тўлин ой, ой юзли маҳваш
Ва ойдин оламнинг асири бўлдим...
«Сехрли ой,
Савдоли санам,
Саҳарларнинг соҳибжамоли,
Табассуминг остида олам
Сехрланган қўшиқ мисоли...»
Ўша сехрланган қўшиқни
Айтиб беролмадим мен фақат
Ҳамон хаёлимда ўпаман уни,
Лабларимда оташ тароват...

1974, февраль



АРМОН

Онам Ҳожалбегим Мұллохұжа
қизининг азиз хотирасига бағишилайман

Уч ойдирким
Совуқ хабар бесабр
Қишлоқ бүйлаб чарх уради шитобда:
«Шириң кампир күз юммоқда күп оғир,
Шириң кампир күз юмолмай, азобда...»

Бу мушкулга
На тадбир бор, на чора,
Бұлса, айтинг, қайси құтлуғ китобда?
Қийин кунга қолди буви бечора,
Уч ойдирким жон беролмай, азобда.

Раис хомуш,
Ғамгин боқар бухгалтер:
Бир қайғы бор қоровулда, миробда:
«Шириң буви, Шириң буви... күп оғир!
Шұрлық ҳамон жон беролмай, азобда!..»

Чоллар маъюс,
Йиғлашади кампирлар:
«Бандасининг ҳоли шундай хароб-да!
Нажот бермас ёсин, дуо-такбирлар,
Шириң буви... жон беролмай, азобда!..»

Шу ишора,
Шу алам бор беомон
Уфуқ сари оғаёттан офтобда:
«Тұзим берсін.. Тұзим берсін... Күп ёмон!
Шұрлық ҳамон жон беролмай, азобда!..»

Қүёш ботар,
Шафақ ёниб, чүғланар,
Оқшом чўкар... Лекин худди шу тобда –
Бирор үлим тўшагида тўлғанар,
Ширин она жон беролмай, азобда!..

* * *

Шамчироқ ёқиши
Уйда қўшнилар.
Хастанинг юзига
Кўнди шуълалар.
Ётарди у, оппоқ –
Тўшакда оппоқ,
Гўё яшин урган
Хазон бир япроқ!
Кўзлари юмиқди...
Ажин юзида
Паришон шуълалар
Аста ўйнарди.
Қуюқ, қиров қошлар,
Кумуш киприклар
Кўринмас оловда
Куйиб-ёнарди.
Хиқичноқ тин берган
шу ором дамда
Олис бир шарпага
Кулоқ солғандай,
Олис бир шарпани
Илғаб олғандай,
Диққат ва орзиқиши
Бор эди унда...

Танҳо шам ёруғи
Мўъжаз хужранинг
Деворлари бўйлаб
Лип-лип сирғанар.
Чала, ним ёруғда
Бурчак-бурчакда
Сандиқ, сопол кўза,
Эски офтоба,
Бир-икки жом... яна –
Алланималар
Милтираб қўринар
Ва ғойиб бўлар...
Яна, шам ёғдуси
Шолча, кигизнинг
Сўник гулларига
Тегиб ўтарди.
Жимжит оқшом эди,
Эшиқда шамол
Хазон япроқларни
Шитирлатарди...
Худди шам ёнида,
Пастак курсида
Бир коса сув ажаб
Жимилилаб турар.
Гоҳо парвоналар
Кўзи қамашиб,
Ўзини шамгамас,
Косага урагар...
Мўътабар хастани
Куршаб ҳар ёндан,
Дока рўмолларин
Ҳимариб ғамгин,
Кекса кўзларида
Ҳасрат-мунг билан

Уч-түрт кампир шунда
 Үлтирада сокин...
Бир тола паҳтани
 Хўллаб дам-бадам,
Бириси беморга
 Сув томизади.
Шивир-шивир сухбат
 Тўхтамай бир дам,
Белгисиз қирғоққа
 Аста сузади...
Бири сўзлар худди
 Бир йил муқалдам
Кўргани тушининг
 Кароматидан,
Бири «Хатми Қуръон»
 Шарофатидан...
Лекин нима бўлди?
 Инграницаб хаста,
Яна беҳол-беҳол
 Тўлғаниб қолди?
Ҳиқичноқ бошланди,
 Тинчи йўқолди.
Курушқоқ лаблари
 Жуфтланиб аста,
Бўлиниб-бўлиниб
 Чиқди бир овоз,
Эвоҳ, завол чоғи
 Айтилган бу роз
Тинглаган жонларни
 Даҳшатга солди...
– Шўрлик йўқлаяпти
 Кенжатойини! –
Деди ёқа ушлаб,
 Кайвони буви.

Ҳамма изтиробда

Эгди бошини,

Ажинлардан оқди

Аламнинг суви...

* * *

Боғиафзал – Шоғирконда кўҳна қишлоқ,
Жуда машҳур ҳусайнию олучаси.

Чорбоғчалар туташ-туташ, сокин, овлоқ,
Бир чеккала Ширин кампир ҳовличаси.

Билқиллаган арава йўл, ундан нари –
Кеча-кундуз шовуллаган лойқа ариқ.

Сал узаниб, йўл бурилар кўприк сари,
Кўприк эса мудом қийшиқ, лойга қориқ.
Бу ерларнинг оғуши кенг, осмони кенг,
Шивирлайди Қизилқумнинг шамоллари.

Шоҳ ташлаган мажнунтоллар қўрғонга тенг,
Ҳилпираиди яшил-яшил рўмоллари.

Ариқ бўйи, кўприкбоши баъзан сурон,
Хуноб бўлар шофёр ёки аравакаш.

Бир фидирак сувга кетса, аҳвол ёмон.
Авжга чиқар ҳай-ҳайлашу отни саваш.
Шу кўприкдан ўтишади солиб шовқин,
Қора-қура болажонлар, ака-ука.

Қай бириси магазинга гугурт учун,

Қай бириси дори учун аптекага.

Баъзан шунда бошлишади тўполонни,
Тойчоқланиб, мушукланиб, кучукланиб...

Лекин сира тарқ этишмас «Ассалом»ни,
Қай бириси «Ашшалом» дер чучукланиб...

Ширин буви алиқ олар, таҳсин айтар,
Ўлтиаркан эшик таги – остоңада.

Уни кўрап, кимки бундан ўтиб қайтар,
Ўлтирганин, қўллар доим пешонада.

Сочи оппоқ, киприклари, қоши оппоқ,
«Ойинг қайда, Жўравойнинг жажжи ўғли?»
Савол бериб, жавобига солмас қулоқ.
«Собирмисан? Сигирларинг нима туғди?»
«Манави ким? Сингилчангми? Ҳафизами?
Баракалла, Соливойнинг эркатойи!..
Хой, қизалоқ, отинг нима, Нафисами?
Келмаптими магазинга ҳинду чойи?..»
Болажонлар катта-кичик ёки тенгқур
Тизилишар кўзларини жавдиратиб.
Кампир билан сұхбат қизир: чуғур-чуғур,
Тарқалишар сўнгра елиб, йўл чангитиб.
Йўл-гузарга жимлик чўкар. Ширин буви
Ўлтиради ёлғиз ўзи остонаяда.
Қимир этмай, олисларга боққан кўйи
Ўлтиради, қўллар пана пешонада.
Олисларда йўллар, дараҳт тизмалари,
Тугаш-тушаш далалару уфуқ, осмон.
Уфуқ ости, осмон ости ундан нари
Манзил-манзил ёруғ олам, улуғ жаҳон!
Аллақайдан пайдо бўлиб эвараси
Бир нима деб ғужурлайди... Буви хомуш.
Ичкаридан яна келар унинг саси,
«Нима дейди болапақир? Бирон юмуш...»
Кампир ўзни унугтади. Ҳаёллари –
Учишади олис-олис, баланд-баланд.
Унут бўлар бола, қишлоқ, дала – бари,
У юзма-юз қолар танҳо олам билан!
У оламга шивирлайди, олам унга –
Ҳасратини, аламини, ғуссасини.
У оламга шивирлайди, олам унга –
Оналиги, оламлиги қиссасини.
Олам унга умид айтар, у оламга –
Бағишлайди қалби, увоқ жуссасини.
Олам унга таскин айтар, у оламга –
Қисматига тушган аччиқ ҳиссасини...

* * *

Үнда олам эмас,
Ёлғиз олам эмас,
Оламлар ёнарди,
Оламлар!
Осмон ёнар эди,
Ер ёнар эди,
Одамлар ёнарди,
Одамлар!
Ендирувчи эди,
Күйдирувчи эди,
Кул қилгувчи эди
Қадамлар!
Фашист печкасида
Жанг майдонида
Одамлар ёнарди,
Одамлар!
Босиб келар эди
Ғаним беомон,
Босиб келар эди
Ғамлар, аламлар!
Фронт орқасида,
Нафрат ўтида –
Одамлар ёнарди,
Одамлар!
Босиб келар эди
Қаттол ёв билан
Ҳар неки
Барбодлар,
барҳамлар!
Меҳнат фронтида,
Ўч оташида –
Одамлар ёнарди,
Одамлар!..

* * *

Эл-юрт құзғалди,
Ватан құзғалди,
Юраклар гуруллаб,
Аланга олди,
Буюқ халқ борини
Майдонга солди,
Фашист газандалар,
Титранг бу замон!..

Мамлакат ҳайқириб,
Уммондек тошди,
Жанггоҳлар отashi
Күкка туташди,
Ботирлар ёв билан
Кун-тун савашди,
Құшилмай бир четда
Туар қайси жон?..

Аввало түнғичи
Шайланди жангта:
«Онажон, ҳеч нима
Бұлмайди менга...
Бир күрсатиб қүяй,
Ұша душманга!
Келин неварага
Сиз бўлинг посбон...»

Кейин үртанчага
Етишди навбат,
Ажаб йигит эди –
Қарчиғай сумбат,
«Онажон, ғам еманг,
Қайтаман албат!» –

Деди-да, жанг сари
Юрди паҳлавон.

Бир йил ўтар-ўтмас,
Айни субҳидам,
Қалқиди онанинг
Кўзлариди нам,
Жўнади фронтга
Кенжатоий ҳам,
Йиғлаб, йўл бошида
Қолди меҳрибон.
Фарзандлар ўт кечар
Жангда мардона,
Колхозда иш-ташвиш,
Чопик, ягана.
Келини – йўлдоши,
Тер тўкар она,
Бир қўлда ўроғу
Бир қўлда кетмон...

Ўтга ўт туташди,
Жангларга жанглар,
Тунларга тунлару,
Тонгларга тонглар.
Ҳадемай, Ғалаба –
Савти жаранглар,
Аммо нима бўлди
Сенга, онажон?!

Уруш деб аталган
Қора қабоҳат
Унинг ҳам бағрига
Солди жароҳат.

Хат олди кетма-кет
Учта «қорахат»,
Онанинг бошига
Йиқилди осмон!..

* * *

Табиат,
Онага
шрафқат қил,
Сабр бер,
түзим бер,
чиdam бер.
Табиат,
Онага
шрафқат қил,
Қонли
ярасига
малҳам бер!
Уч ўғил!
Уч ўғил!
Уч ўғил!!
Бу қандай гап ахир,
Қандай қабоҳат!
Онага
мадад қил,
мадад қил,
Ахир, онасан-ку,
табиат!..

* * *

Аввалига уч ой ётди алангада,
Ҳушдан оғиб, куйиб-пишиб, алаҳсираб.
Кейин қотди гүё муздек ялангида,
Вужудини титроқ босиб, талмовсираб.

Ахир бир күн күзин очди ғашти пешин,
Күринарди йиққан каби ақли ҳүшин.

Бир пайт аста ғудурлади: «Ёлғон, ёлғон,
Учовидан биттаси-ку омон қолган...»

Лекин үзни талвасада отди, ҳайҳот,
Қишлоқ узра күтарили доду фарёд:
«Ишонмайман, ишонмайман, ёлғон, ёлғон,
Учовидан биттаси-ку омон қолган!

Учовини туққан эдим қонга ботиб,
Учовини боққан эдим заҳмат тортиб.

Ишонмайман, ишонмайман, ёлғон, ёлғон,
Учовидан биттаси-ку омон қолган!..

Отасидан қолган учта сағир эди,
Учови ҳам менга юрак-бағир эди.
Ишонмайман, ишонмайман, ёлғон, ёлғон!

Учовидан биттаси-ку омон қолган!..»

Түшак узра мук тушди-ю қолди жимиб,
Қоқ-қовжироқ күзларини ёшга күмиб,

Куйиб-пишиб шивирлади: «Ёлғон, ёлғон!
Учовидан биттаси-ку омон қолган!..»

Йиглайверди, күз ёшларин селдай қуйиб,
Кимдир деди: қўйинг, йиглаб олсин тўйиб!..

Ундан бери келиб кетди неча баҳор,
Йиллар кечди карvon каби қатор-қатор.
Йиллар оша, йиллар оша: «Ёлғон, ёлғон!

Учовидан биттаси-ку омон қолган!..»

Йигит етиб, сафга кирди невараси,
Дастёр бўлди, мана, тўнгич эвараси,
Дилда ҳамон ўша армон: «Ёлғон, ёлғон!

Учовидан биттаси-ку омон қолган!..»

Йиллар кечар макон тутиб остоңада,
Йўл қарайди, қўллар ҳамон пешонада...
Юрагида ёлғиз умид: «Ёлғон, ёлғон!

Учовидан биттаси-ку омон қолган!..»

* * *

Она күп яшади...

Илғай олмасди –

Ортга бокиб, умр учи қирини.

Йигирма бешдайди

Ёвуз босмачилар

Чавақладаб кетганда эрини,

Чавақладаб кетганди лаънатилар,

Шўрлик қонга ботиб,

Берган эди жон.

Жон бераркан

Излаб кўзлагани,

Кўзлаб,

Сўзлагани эди: уч ўғлон!

Қирқ беш йил ўтибди...

Лекин қайдадир,

Қайлардадир ҳозир

ўша учовлон?

Қачон пок бўларкин

бойқушлардан,

Босқинчидан

шу буюк жаҳон?!

Она кўз тутарди,

Она кутарди...

Умид баҳш этарди...

шу ёруғ жаҳон,

Бир кун эмас, бир кун

Бир кун эмас, бир кун –

Кириб келар, дея ўша уч ўғлон...

Кутишга розийди она

минг йил ҳам,

Милион йил ҳам

кутишга рози.

Бир кун эмас, бир кун,

Бир кун эмас, бир кун –

Лоақал биттасин
күрсайди!..
Лекин үлим яқин,
үлим жуда яқин...
Мана, эшитилар саси,
сүроғи...
Энди нима бўлар?..
Энди нима бўлар?
Энди нима бўлар
бундан буёғи?!
Наҳот, кўрмай ўлса?..
Бир бор кўрмай ўлса?
Бир бор кўрмай туриб,
Таслим этса жон?..
Ахир у она-ку!..
Бу қандай бедодлик!..
Ваъда этганди-ку
Ер билан Осмон!..
Лекин Ер сўзламас
Осмон ҳам хомуш,
Умидлан чақнамас
«йилт» этган чақин.
Осмону заминни
зулмат қопламиш,
Демак, үлим яқин,
жуда ҳам яқин!..
Мана, у...
Ҳар ёқда
шом шарпасидай
Қора увадасин
судрайди.
У аввал
бидирлаб
эварасидай,
Онани
Оромга ундейди.

Кейин...

Маҳкам тутар
унинг ёқасидан,

Кейин

кутуради
аламдан.

Она «йўқ!» дер қатъий,
Она исён қилар,
Она болаларин
сўрар оламдан...

* * *

Докторлар: «Умид йўқ,
инфаркт!» – дейишиди.

Лаблари кўкарди,
Қовоқлар шишиди.

Фарқ этолмай қолди
Кун билан тунни,
Поёнсиз бир оғриқ –
Олами уни

Оташ алангали
Бағрига олди.

Тили ғализланиб,
Ғўлдираб қолди.

Бир куни чақириб
Неварасини,

Яна келинию
Эварасини,

Рози-ризолик ҳам
Сўргандай бўлди.

(Ўлимга ижозат
Бергандай бўлди.)

«Алвидо!» ҳам айтди,
Лекин шу замон
Кўз ёшлари сачраб,
Ерга тўкилди.

Бироқ күп ўтмади,
Оналик меҳри
Бошлиди қайтадан
Буюк ғалаён.
Она бундоқ таслим
Этолмасди жон!
Она жанг қиласди –
Даҳшат беомон,
Ажин манглайида –
Ажалнинг муҳри...
«Қийналиб кетди-ку,
Бечора!» – дея
Кампирлар неча бор
Фолин очдилар,
Ирим бўлсин, дея
Остонасига
Мозор тупроғини
Ҳатто сочдилар.
Бариси бефойда,
Ажал енголмас,
Оловда чирпанар
Онанинг жони.
Гўё сарҳад билмас,
Сира сарҳад билмас
Онанинг
Ажалга
Исёни!
У оламдан
Ҳисоб-китоб сўрар,
У адолат сўрар
ўлимдан.
Оlam хомуш,
Ингранар ажал:
Нима келарди леб
Менинг қўлимдан!..

Шундай ўтиб борар
Хафталар, ойлар,
Оловда чирпанар
Шўрликнинг жони.
Ҳали сарҳад билмас,
Ҳали давом этар –
Онанинг
ажалга
исёни!..

* * *

Тун ярим. Тўлин ой –
Терақдан пастда,
Тин олгандай бўлди
Бечора хаста,
Кайвони кампирлар
Аввал «уф-уф»лаб,
Кейин ҳар томонда
Қолдилар ухлаб.
Иримга ёқилган
Шамнинг шуъласи –
Паноҳида эди
Она ҳужраси...
Бир маҳал кўзларин
Очди-да хаста,
Инграпиб, ўрнидан
Кўзғалди аста.
Тин олди қурушқоқ
Лабларин ялаб,
Сўнгра ташқарига
Чиқди эмаклаб.
Чайқалиб, супада
Суринди анча,
Маъюс боқар эди
Унга қўрғонча.

Онанинг ҳолига
Боқарди ҳайрон,
Пастак ошхонаю
Бостирма айвон...
Не мاشаққат ила
Етди-да, ана,
Таниш остоңага
Бош қўйди она...
Бир пайт бош кўтарди
Яна ҳансираб,
Олисга, ой қўнган
Уфуққа қараб,
Бор кучини йифиб,
Не алам билан:
«Ҳа-ёт-жо-он!» – деб
Йиглаб чиқарди овоз,
«Му-род-жо-он!» – деб
Инграб чиқарди овоз.
«Пў-лат-жо-он!» – деб
Мунграб чиқарди овоз...
Эвоҳки, бу чорлов,
Аламли бу роз,
Уфуқнинг бағрига
Ханжардек ботди,
Жимжит қўрғончани
Тамом уйғотди...
Ҳамма югуришиб
Келдилар шу чоғ,
Кимдир ўксисб-ўксисб
Йиглади узоқ...

* * *

Табиат,

онаға

шафқат қил,

Қаҳрингта

олдинг-ку,

қаҳрингта.

Етар, бас,

қийнама,

мадад қил,

Ол энди

шүрликни

бағрингга!..

Куйик бир шам каби

Милтираб қолди,

Куйик бир шам каби,

Айлагин шафқат.

Онанинг

жонига

таскин бер энди,

Ахир,

онасан-ку,

табиат!..

* * *

Эртаси кун Она бир-бир исмин айта,

Болаларин чорлайверди қайта-қайта.

Айтар сўзи: «Болам, болам, болам!» эди,

Эшитганга алам, алам, алам эди...

Йифилишиди қишлоқдаги кампир-чоллар,

Йифилишиди раис бошлиқ оқсоқоллар.

Кенгашдилар, айтиб гапнинг сирасини,

Онажонга кўмаклашмоқ чорасини.

Топиларкан ҳар мушкулнинг бир чораси,

Онажоннинг учта шаҳид дилпораси –

Суратида уч йигитни шайладилар,

Белларига қайиш камар бойладилар.
Она бир гал «Ҳаётжон!» – деб чорлаган он
Ичкарига қадам қўйди Ҳаёт – ўғлон...
Она шўрлик сиғдиролмай севинчини,
Алпонг-талпонг қучмоқ бўлди тўнфичини.
Бўғиларди, бўғиларди нафаслари,
Қўтарилиб тушар қўкрак қафаслари.
Қани энди дилбандига тўя қолса,
Қани энди қўзларига жойлаб олса...
«Болажоним, болажоним, келдингми? – дер,
Кутиб адо бўлганимни билдингми? – дер.
Бу дунёда борлигингни билар эдим,
Билардимки, бир қўришни тилар эдим,
Аттанг-аттанг, бир озгина кечикдинг-да,
Икки ойми-уч ой аввал келганингда
Суюнчига ўзим ҳар ён чопар эдим,
Сенга аatab иссиқ нонлар ёпар эдим.
Келганингта қилар эдим тўй-маърака,
Келар эди бутун қишлоқ, ака-ука!
Болагинанг эр етиши – чин баҳодир,
Кўрмадингми, қўзларингта чалингандир?
Келингинам кўрмадими келганингни?
Билармисан, неваралик бўлганингни?
Неваралик бўлиб қолдинг, болам, суюн,
Энди менсиз ўтказасан унинг тўйин...
Ҳа, эскириб қолди, болам, бизнинг қўрғон,
Қайтадан қур иморатни...»
– Ҳўп, онажон!..
– Укаларинг унугмагил, қур ёнма-ён
Уларга ҳам икки манзил...
– Ҳўп, онажон!..
– Катта уйнинг сандигида дўлпи, чопон,
Бориб, дарров кийиб олгин...
– Ҳўп, онажон!..
Куруқ-қоқшоқ қўлларини Она очиб,
Дуо қилар, қўз ёшлигин сочиб-сочиб...

«Онажон!» – деб Мурод кирап,
хасратзада –

Она қолар яна ажиб талvasада.
Лабларида ярим йифи, ярим кулги,
Билмас эди: йифласинми, кулсинми у?..
«Бўйларингга ўзим курбон бўлай, дейди,
Эгил кўпроқ, нафасингдан олай, дейди.
Хижронингда не кунларни кечирмадим,
Фифонингда не тунларни кечирмадим!
Кирап эдинг, болам, доим тушларимга,
Юрап эдим келолмайин ҳушларимга...
Пешонамда бор экансан: шукур, шукур,
Агар шукур деёлмасам, мен ношукур...
Ўқ ялади ўнг юзим, деб, полвон болам,
Ёзган эдинг, изи ҳатто қолматтиям.
Бир гап айтай, болам, лекин, ўксинмагин,
Ўша ёлғон «қорахат»дан бир йил кейин
Хосиятинг уйимизни ташлаб кетди,
Ташлаб кетди, қўзимизни ёшлаб кетди.
Аммо, болам, сен ўксинма, қилма парво,
Қизлар борки, бир-биридан сара, зебо,
Пайсалга ҳам солавериб, чўзма ўйинг,
Шу кузакдан қолдирмагин никоҳ тўйинг,
Ҳаёт аканг толеингта қайтди омон,
Ҳар бир ишда маслаҳат сол...»

- Хўп, онажон!..
- Ҳа, ўзингга қурмоқ бўлсанг ҳовли-қўрғон, Аканг билан ёнма-ён қур...
- Хўп, онажон!..
- Катта уйнинг сандигида дўғпи, чопон, Бориб, дарров кийиб олгин...
- Хўп, онажон!..

Қуруқ-қоқшоқ қўлларини Она очиб,
Дуо қилар кўз ёшларин сочиб-сочиб...

* * *

Энг охири кенжатои кириб келар,
Енгил-енгил қадам ташлаб, юриб келар.
Она боқиб, ҳаприқади куйик жони,
Үша-үша навниҳоли – Пўлатжони!..
Қоши қуюқ, қарашибари сузуккина,
Ҳатто аскар кийимда ҳам нозиккина.
Келар экан қўлин чўзиб «онажон»лаб,
Она унга бағрин очар «болажон»лаб.
Боласининг бошин олиб сийнасига,
Сочларини сурттар сўнник дийдасига.
«Хой, яхшилар, ўнгимми ё тушим, дейди.
Эсим бутми, ўзимдами хушим? – дейди.
Уч ўғлимни омон кўрдим, омон кўрдим,
Йифи қурсин, йиғламайман, ёмон кўрдим»,
Дейди, яна ёшлар қуиб, бўзланади,
Бўзланади, боласига юзланади:
«Болагинам, ўзгармабсан сира-сира,
Бундоқ хат ҳам ёзмадинг-а ора-сира.
Хатларингни кутиб, онанг адo бўлди,
Дийдорингни бир кўришга гадо бўлди!
Ҳа, майлига... Ўзинг келдинг – менга давлат.
Ахир ўрнинг босармиди бир энлик хат.
Кўзларимга сурис, болам, бирин-бирин,
Асраб қўйдим китобларинг, дафтарларинг.
Дўхтирикка ҳавасларинг баланд эди,
Кечиктирмай, вақт борида ўқи энди.
Токчадаги хумчойнакда йиққаним бор,
Олиб қўйгин, бир кунингта яраб қолар.
Ҳа, мабодо қурмоқ бўлсанг ҳовли-қўрғон,
Аканг билан ёнма-ён қур...»
– Хўп, онажон!..
– Катта уйнинг сандигида дўппи, чопон
Бориб, дарров кийиб олгин...
– Хўп, онажон!..
Қуруқ-қоқшоқ қўлларини Она очиб,
Дуо қилар, кўз ёшларин сочиб-сочиб...

* * *

Тамом!..

Аламлари битди ҳаммаси.
Күзларини юмиб,
Хұрсанди она.
Бор-йүғи бир лаңза
үтди чамаси,
Фойиб фарзандларин
чорлади яна...
Үфиллар киришли,
кийиб беқасам,
Уларни ёнма-ён турғизиб
Шундоқ,
Күзларини узмай,
киприк қоқмасдан,
Термилди,
термилди,
термилди узоқ!..
Оқарган лаблари
қимтинді,
сүнгра –
Назарин үтируди
чироққа...
Йұллар ва одамлар...
Она кетиб борар,
Она кетиб борар
белгисиз ёққа...

* * *

Эртасига

Она жон берди...

Аммо –

Эшитган жонларни

чулғади даҳшат.

Она жон беришин

билиарди ҳамма,

Бундоқ жон беришин

билимасди фақат.

Онани топишиди тонгда,

остонада,

Сүнган күзларыда

муз қоттан ҳасрат.

Шўрлик жон бермишиди

ўша оstonада,

Совуқ чангалида –

учта «қорахат»!..

* * *

Ахир

топғанди-ку

таскин-тасалло

Қучаркан

учовлон

жигарпорасин...

Она қалби билан

сезғанмикин ё

Ҳамдард одамларнинг

«чорасин?»

Нега жон бермади

уйда, тўшагида?

Нега оstonани

этди ихтиёр?

Яширин бир сир бор
бунинг тагида,
Яширин асрор бор,
изоҳи душвор...
Бу сирни бирорлар
пайқади бир оз,
Ва лекин,
бирорлар била олмади.
Эшитганлар
йиғлашди, холос,
Йиғламаган одам қолмади...
Ёндири,
куйдирди
машъум уруш
Бечоранинг
бутун ҳаётини.
Бу ҳам етмагандай,
заҳарлади,
Зулматга чўқтириди
вафотини!..
Азиз онажонни,
дилпора жонни
Топширгали
она тупроққа,
Ёлғиз қишлоқ эмас,
Қишлоқлар,
кентлар,
Бутун район
қалқди оёққа.
Ҳамма ҳис қиласиди
улуг тобутни
Елкага олишдек
юрак бурчини.
Ҳамма ошиқарди,
Ҳеч бўлмаганда

Теккизиб қолмоққа
Күлин учини.
Муқадлас болишлек
тупроқ қатига
Аста бош қўяркан
тиним топган жон,
Муборак Заминда
унинг иззатига
Аста бош қўтарди
уч ўғлон...
Бири Днепрда, бири Орёлда,
Венада ётарди бири –
хок бўлиб.
Она иззатига
турдилар сафда,
Заминдай мусаффо,
нурдай пок бўлиб!..
Она кута-кута сўнди,
уларни
Лекин сен кутасан,
ジョンажон,
Сен кутасан шахид
ўғлонларингни,
Азиз Ўзбекистон –
онажон!..
Булоқлар эмас бу –
боғларинг аро,
Интизор қўзингда
соғинч ёшидир.
Коялар эмас бу –
тоғларинг аро,
Бағрингга зил чўккан
ҳижрон тошидир...
Бу ҳижрон мангудир!..
Курбонларингни

Сен мангу кутасан
жонажон,
Сен кутасан
шахид ўғлонларингни,
Азиз Ўзбекистон –
Онажон!..
Буюк ҳижрон аро
бир жаҳон таскин.
Бир дунё тасалли
сенга ёр бўлсин,
Мусафро осмонинг
қўрмасин тутун,
Мунаввар қуёшинг
мангу бор бўлсин,
Байрофинг ҳамиша
яшнаб полагун,
Шаҳидлар қонидек
беғубор бўлсин,
Умринг ҳам башарнинг
умридек узун,
Иқболинг оламдек
пойдор бўлсин!
Шукуҳлар, шавкатлар,
шонларга тўлиб,
Сен мангу яшнайвер,
жонажон!
Сен мангу яшнайвер,
жонажон бўлиб,
Азиз Ўзбекистон –
Онажон!

1973, декабрь



VI

Асрларнинг сўнгсиз силсиласида
Сўнмас бир ҳайқириқ, бонг бўл,
садо бўл.
Одамзоднинг битмас ашуласида
Ўтли бир парда бўл, мунгли нидо бўл.



АСР БИЛАН ВИДОЛАШУВ

1

Йигирманчи аср, хайр, алвидо,
Кездик йўлларингни, сўқмоқларингни.
Яшадик умид ҳам таҳлика аро,
Чекдик роҳатингни, қийноқларингни.
Баъзida кун ёруг, баъзан ой қаро,
Тотдик таҳқирларинг, ардоқларингни,
Не-не талотумлар, қуюнлар кўрдик,
Не-не томошалар, ўйинлар кўрдик.

2

Йигирманчи аср... Дунё чарх уриб,
Одамзод бошига ёғилди офат.
Дарё-дарё қонлар оқди айқириб,
Элларни қуршади қирғин, қабоҳат.
Мустабидлар ўтди давронлар суриб,
Бўйинларга илиб занжир, асорат,
Дўстлар, қандай оғир аср бўлди бу,
Не-не балоларга басир бўлди бу?!

3

Жаҳаннам элчиси – атомни кўрдик,
Маҳшар гулханини кўрдик қаловда.
Оловга сифиндик, оловда юрдик,
Нажот фариштасин кўрдик оловда.
Инсоф, диёнатдан юзни ўғирдик,
Бутун бир дунёни тутдик гаровда,
Хайриятки бизни Худо асрари,
Этмади дунёдан жудо, асрари.

4

Йигирманчи аср... Мунаввар этди
Тұғарак жақонни ақлий мүъжиза.
Инсон илми олис юлдузга етди,
Инсон қадам қўйди тўлин ой уза.
Бир зум юракларнинг ғубори кетди,
Хаёллар ёришди нурдай покиза.
Кўрдик оламшумул кашфиётларни,
Коинот ортида коинотларни.

5

Дунёни кашф этиб, дунёни билдик,
Тадқиқ эта олдик ёмғирни, қорни,
Фалак пештоқига байроқни илдик,
Билдик борлиқ аро ҳар неки борни.
Жумбоқлар устига қанча эгилдик,
Очдик заррадаги буюк асрорни,
Лекин юракларда илтижо яшар:
Қачон ўзлигингни билгайсен, башар?!

6

Миллионларнинг фикру андишасида
Боболар зикри бор, боболар хуни,
Назар сол, дунёнинг қай гўшасида
Ҳамон ҳукмрондир адоват туни.
Кундуз кечиб меҳнат нашидасида,
Кечалар васваса бузар уйқуни,
Доҳийлар ўтдилар, ғоялар қолди,
Булутлар кетдилар, соялар қолди...

Халқим, бу асрда қарам эдинг, қул,
 Булутлар ортида толе юлдузинг,
 Отилди, чопилди, куйиб, бўлди қул
 Не-не азизларинг, ўғлонинг, қизинг.
 Бардош беролмади, қуриди буткуп
 Пешонангга битган битта дengизинг,
 Орол қуллигимиз қурбони бўлди,
 Олам бу шикванинг ҳайрони бўлди.

Йигирманчи аср... Армонлар билан
 Неча бор туғилдик, неча бор ўлдик.
 Худодан юз буриб, бўлдик юзтубан,
 Миллатдан юз буриб, юз қаро бўлдик.
 Хайриятки бугун озоддир Ватан,
 Яна қайта бошдан умидга тўлдик.
 Яна тонг нурига қоришиди дунё,
 Кўзимиз ўнгила ёришиди дунё...

Истиқлол, эй менинг асрий муродим,
 Кўзларим устига қўябер қадам,
 Ниҳолдек қоматинг кўрди, авлодим,
 Маъюс руҳимизга уфурди кўклам.
 Оллоҳдан етишиди бўйла имдодим,
 Асрим, тутиб бердинг елкангни сен ҳам,
 Сен ҳам саховатинг айладинг зуҳур,
 Мустақиллик учун сенга ташаккур!..

Тонг ёришиб келар, уфуқлар алвон,
 Кўзларим тўймайди хуснига қараб.
 Ёришиб келмоқда янги бир жаҳон,
 Байроғи кўринди, ана, ҳилпираб.
 Алвидо, демишиди асрига Байрон,
 Мен ҳам, хайр, десам бугун, не ажаб,
 Алвидо, йилларнинг орзу, армони,
 Алвидо, умримнинг олтин довони.

Алвидо сизга ҳам, изтиробларим,
 Ўкинч, аламларим, хайр, алвидо!
 Баъзан жафо кўрдим, вафо кўрмадим,
 Дўстларга ҳамиша этдим жон фидо.
 Муҳаббат шарҳига тўлди дафтарим,
 Фақат шеъриятда топдим мен сафо,
 Ундан айру менга умри бақо йўқ,
 Хуржунимда ундан ўзга вақо йўқ...

Нега йиғлаяпман сўзим сўнгида,
 Дунёни тўсади киприкдаги ёш.
 Аср нима эмиш олам ўнгида,
 Не-не асрларни кўрмади қуёш.
 Янги аср келур янги орзуда,
 Негаким гўзалдир, навқирондир, ёш,
 Сен эса, эй асрим, курашга тимсол,
 Умид ва истиқлол асли бўлиб қол!

Асрларнинг сўнгсиз силсиласида
Сўнмас бир ҳайқириқ, бонг бўл, садо бўл.
Одамзоднинг битмас ашуласида
Ўтли бир парда бўл, мунгли нидо бўл.
Манглайинг ярқираб тонг шуъласида
Кетиб бормоқдасан, биздан ризо бўл,
Мозийнинг қўйнида ўрнинг бехатар,
Омадинг ёр бўлсин, Оллоҳу Акбар!..

МУНДАРИЖА

Шеърият – дард ва умид демак 5

I

Олам кирап юрагимга	24
Энг буюк тупроқ.....	25
Газопровод.....	26
«Чўққиларга ёғилди ёғду...»	28
«Тун. Богимда кезаман...»	29
Қумри.....	31
Барқут каби.....	32
Куз	33
Себистон	34
Тун чорлайди.....	36
Буюр, дедим.....	38
Бир туп жонон ўрик.....	40
Буюк трасса илҳоми.....	41
Олтин зина	43
Табиат базми	45
Ишқ ва орзу.....	46
Ҳилол	47
Уфуқлар	49
Баҳорда бир кун	51
Лумумба қўшиғи.....	53
Шеърият	55

II

Дурдана	58
Ўзбекистон туни	59
Отамга хат	62
Улфатларим	65

Она ўтмиш, она истиқбол.....	67
«Менга илашибди ажыб бир очлик...».....	69
Қора тош.....	71
Тасаввур.....	73
Қалбдан садо.....	76
«Жоним...»	78
Алвидо	79
«Юрагингда тотли ғам...»	82
«Табиат қудрати бўлсайди менда...»	83
Акам Олим Бойжонов хотираси.....	84
Қасрлар.....	85
Сарфланмаган юрак	88
Футбол	90
Бир томчи қон	92
Файласуф билан сұхбат	95
Менга оғир	98
Ролми ёки ҳақиқий үзи.....	104
Томоша.....	106
Нақадар сирли кеча	108
«Гўзаллар сафидан сени излайман...»	110
Бир ошиқ мактуби	112
Хиёнат.....	114
Узрлар.....	118
Абдулла Қаҳҳор хотираси.....	121
Сирлашар	123
Билмаса билмас.....	124
Отам.....	125
Пахтакор қўшиғи	128
Нажот майдони.....	129
Нидо	131
Тилак.....	133
Сувайдо	137
Қўғирчоқлар	139
Шоирга.....	141
Улуғбек	143
Клубатра	146
Ҳамлет.....	149

Хол	152
Она товуқ ва очкүз қарға ҳикояти	154
Бахиллик	157
Сарупо	159
Фохира	160
Ошиқлар күприги	161
Ошиқона	162
Савол-жавоб	163
Иброҳим Мўминов сабоги	164
Қаёnda	165
Ҳалима Носировага шеърий мактуб	166
Тўқсон бобонинг эвараси Ҳаётжонга айтганлари	168
Эльбрус	170
Юртим	172
Хурофот	173
Оқибат	176
Умидли дунё қўшиғи	178
Учар тарелкалар	182
Тушунтириш хати	185
Жиноят ва жазо	187
Дейдиларки, бир қишлоқда	188
Дейдиларки, бир шаҳарда	190
Дўстлар ва душманлар	192
Адабий танқид	194
Имконият ва мумкиният	195
«Кечди бир лаҳзада ул ширин дийдор...»	198
«Йўқ, биз аямадик дунёни асло...»	199
Роз	200

III

Менинг увоқ шеърим – менинг дилпорам	
Саккизликлар	202

IV

Ғазал	260
Ой	262
Қўқчада	263
Боқсалар жонимга, жоно	264

Соялар	265
Айланма кўп	267
Оҳ, гўзал Фарғонанинг	269
Булут	271
Шоҳимардон булбуллари	272
Нағмаси	274
Талпинди-ку	275
Сен бугун узган бу япроқ	276
Машраб монологи	278
Баҳор	280
Гўдак қуш талпинар	281
Қорайган кўк уза	282
Умид	284
Нодири даврон аталмиш	286
Ёнар киприкларим	287
Бўлмас	289
Ҳай-ҳай, на гўзал	290
Бирам нозик, бирам нозик	291
Тарафиннан	292
Кўк	294
Кун	296
Кирди кўклам кўнглима	298
Шуъладир, чўғдир чаманда	299
Ҳарир	300
Дўстлик ғазали	301
Кўнглим ичра	302
Авжида	304
Пахтакорим	306
Ўт	308
Қараш	310
Жўралар	312
Аё, дўстим	313
Севганим	314
Қолди умрим кўклами	316
Тушиб келар	317
Этолмадим	318
Қуёш камарбаста	320

Сен бошқа, мен бошқа	322
Кече анжум давра тутмиш.....	323
Бўлмагай	324
Кўнглим қуши то.....	325
Чалма созингни, муғаний.....	327
Бонг ураг гулшанда булбул.....	329
Сенга етсин, сенга.....	331
Бир дона, бир дона.....	332
Васлинг аро ёнсам фақат.....	333
Табассумлар	334
Саҳарларда.....	336
Кеча	337
Жоно ҳукмидা	339
Шабнам	341
Қадаҳ	343
Бухородан, Бухородан.....	345
Юлдузим	347
Ватан.....	349
Тарихда	351
Дам ўтар, дамлар ўтар.....	353
Шу куннинг шеъри	355
Не ажаб оғатижонсан.....	357
Мажнунтол	358
Ул санамнинг кўзи кулгай.....	359
Балиҳалар	
«Кимда ишқ савдоси бордир...».....	360
«Кўзларингдан зарра ёғду...».....	360
«Тан – иморатдир, жаҳонга...»	361
«Сен Бухоройи шарифдирсанки...».....	361
Санамо	362
Ҳаддин жафо.....	363
Ўпай	364
Сен келмасанг	365
Бир кеча	366
Бебокча	367
«Паривашга кўринмоқ эрди матлаб...»	368
Файзулла Хўжаев кўзлари	369

Навоий ғазалига мухаммас	371
Бобур ғазалига мухаммас	373
Фузулий ғазалига мухаммас	375
Машраб ғазалига мухаммас	377
Фурқат ғазалига мухаммас	378
Эркин Воҳидов ғазалига мухаммас	380
Ўзбекистон	382
Умр	386

V

Достонлар

Жамила	388
Тош туғён	400
Қуёш чашмаси	418
Эшикда ой тўлқини	441
Армон	461

VI

Аср билан видолашув	488
---------------------------	-----

Адабий-бадиий нашр

ЖАМОЛ КАМОЛ

АСР БИЛАН ВИДОЛАШУВ

САЙЛАНМА

І жилд

*Шеърлар, газаллар, мухаммаслар,
достонлар*

Муҳаррир

Гавҳар МИРЗАЕВА

Мусаҳҳиҳ

Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий муҳаррир

Зилола ТЎЛАГАНОВА

Техник муҳаррир

Умидбек ЯХШИМОВ

Компьютерда саҳифаловчи

Дилдора ЖҮРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АI № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишига 26.12.2017 й.да ружсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табоби 15,62 б.т.+ 0,5 б.т. вкл.

Шартли босма табоби 26,25.+ 0,84 б.т. вкл.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 16.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14, 129-09-72.

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87.

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН



ISBN 978-9943-20-389-1

9 789943 203891